



# АВАЗ

---

*Сайланма*

Тошкент

Фафур Фулом номидаги Адабиёт виражат нашриёти,  
1984

Ўз  
A 21

Нашрга тайёрловчилар **[Юнус Юсупов]** ва **Ваҳоб Раҳмонов**

Сўзбоши муаллифи **[Юнус Юсупов]**  
Изоҳларни тузувчи **Ваҳоб Раҳмонов**

Масъул мухаррир  
филология фанлари доктори **Содир Эркинов**

Λ **4702570200—146** 27—84  
**М352(04)—84**

(С) Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 198  
(Аваз Утар ўғли, изоҳлар)

## АВАЗ ЎТАР ЎҒЛИ

Ўзбек адабиёти тарихи саҳифаларнинг ўзларининг нодир мерослари билан бойитган ва китобханлар дилидан ўчмас жой олган Алишер Навоий ва мавлоно Лутфий, Бобур ва Машраб, Турди ва Махмур, Муқимий ва Фурқат каби кўплаб истеъдоли сўз санъаткорлари қаторида Аваз Ўтар ўғлининг номи ҳам шарафли ўринга эга, XIX асрнинг охири ва асримизнинг бошларида яшаб ижод этган Аваз ўзбек демократик адабиётининг йирик намояндаларида бири сифатида танилди ва ўз даврида озодлик мотивларини куйловчи асарлари билан шуҳрат қозонди.

\* \* \*

Азаз ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётida жиддий ўзгаришлар рўй берадиган бир дазрда яшаб ижод этди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинди.

Ўрга Осиёнинг революцион Россия билан қўшилуви халқнинг тарихий тараққиёт йўли ва истиқболини белгилаб берди. Зотан, шу даврдан эътиборан фан, санъат ва адабиётда янги ижтимоий ғоя-жарининг пайдо бўлишига марксизм-ленинизм назарияси ижобий тарьсири кўрсатди. Лекин чоризмга вассаллик палласини бошидан кечираётган, меҳнаткашларнинг шафқатсиз душманни бўлган Хива хонлиги Хоразмда ўз қамисини 1920 йилга қадар ўйнатиб келди.

Ана ўша даврда ҳукмрон феодал-клерикал адабиёт эксплуататорларнинг манфаатларига хизмат қилиб, чирик хонлик тузумини қўйлаб-қувватлар эди, сарой ёзувчилари яратган асарлар кўпинча хон ва амалдорларни хушомадгўйлик билан кўкларга кўтарар, уларга қарши турган халқ эса ҳақорат қилинарди. Ўз навбатида сарой ёзувчилари ижодида тақлидчилик ниҳоятда кучайган эди.

Бу даврда юзага келган жадид адабиёти революцияга душманлик билан қаровчи чор ҳукумати паноҳига сифнинган маҳаллий буржуазиянинг дунёқарashi ва манфаатларини ифодалади. 1905 йил революцион ҳаракатларидан кейин маҳаллий меҳнаткаш халқнинг миллий озодлик ҳаракатлари кучайиб бораётган бир даврда бу адабиёт очиқдан-очиқ контрреволюцион позициясига ўтиб олди. У биринчи жаҳон урушини ёқлади. 1916 йилги халқ озодлик ҳаракатини бостиришни тарғиб қилди. Февраль революцияси вақтида вақтли ҳукуматнинг пинжига кириб олди.

Худди шундай бир даврда узоқ асрлик прогрессив адабиётимизинг традицияларини давом эттириб келаётган ўзбек демократик адабиётида ҳаётдаги энг илғор қарашлар, биринчى навбатда илғор рус адабиёти таъсирида реализм методи етакчи ўринни эгаллади ва у 1905 йил революциясидан кейинги воқеалар таъсирида халқ озодлик гояларини куйлаш даражасига кўтарилиди. Янада аниқроқ қилиб айтганда ўзбек демократик адабиётимиз Муқимзода, Фурқат, Завқий ва Аваз каби намояндалари ижодларидаги меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат гоялар халқ озодлиги гояларини куйлашгача кўтарилиди. Бу адабиётнинг айни пайтда олдинги сафларида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий борар эди. Аваз ҳам шу ўзбек демократик адабиёти ўсиб, 1905 йилдан кейин янги босқичга кўтарилиш даврида фаол ижод билан илгариги сафларда борган шоирлар дандир. Шоирдан қолган адабий мерос ундаги ана шу изчил эволюцияни яққол кўрсатиб туради.

\* \* \*

Аваз 1884 йилда Хива шаҳрида ҳунарманд саргарош оиласида дунёга келди. Шоирнинг отаси Польониёз Утар Гадойниёз ўғли косибчинлик билан шуғулланар, у айни пайтда ўз даврининг маърифатнавар кишиларидан бири эди. Шу билан бирга у дилкаш сұхбат эгаси, қизиқчи, аскиябоз ҳам эди. Польониёз уста Утар номи билан шуҳрат топади. Уста Утар адабиётга бўлган катта қизиқиши билан давр пешқадам ижодкорлари давраларига яқин эди. Унинг уйида Оғаҳий, Комил, Мутриби Хонахаробий каби шоирлар тўпланиб, адабий темаларда қизгин сұхбатлар ўtkазар эдилар. Тез-тез бўлиб турадиган бундай сұхбатларда завқ билан қатнашган ёш Авазда адабиётга бўлган ҳавас кундан-кунга жўш уради.

Ёш Аваз мактабда Навоий, Фузулий, Ҳофиз ва Бедил каби шарқ алломаларининг мерослари билан яқиндан танишади. У, айниқса, устоз Навоийнинг бой меросини ҳунт билан ўрганади. Мунис, Оғаҳий, Комил каби яқин замондош ёзувчиларнинг асарларини чуқур мутолаа қиласи ва уларнинг энг яхши традициялари руҳида камол топади. Бу ҳол шоирнинг келажакда ўз замонининг илғор ижодкори бўлиб майдонга чиқишига замин яратди. Аваз жуда ёшлигиданоқ шеърлар машқ қила бошлайди ва ўзининг тўнғич асарлари биланоқ адабий ҳаётда талантли шоир сифатида танилади. У ёзган газаллар, оммабоп қўшиқлар халқ ичидаги куйга солиниб айтилади, қўлэзма сифатида қўлдан-қўлга ўтиб тарқалади.

Табибий Авазнинг шеъриятдаги салоҳияти ҳақида «Мажмуатушшуаро»да бундай ёзган эди:

Аваз бириким шоир тозадур,  
Вале тозалик ичра овозадур.  
Қамолига гар етса бу фан аро,  
Бўлур назм аро фозили бебаҳо.

Тез орада Авазнинг фавқулодда таланти ҳақидаги хабар хон саройигача бориб етади. Натижада Муҳаммад Раҳимхон II шоирни саройнинг маддоҳига айлантириш орзусига тушади.

Саройга чақирилган Аваз маълум бир мuddat бу ердаги шоирлар таъсирига берилади. Мадҳия ва қасидалар ёзади. Бироқ бу ҳол узоқ давом этмайди:

Ҳар кишиким шоҳларнинг сұхбатида бўлса банд,  
Булбуледурким бўлур донм гирифтори қафас,—

деган шонрга саройнинг фисқ-фужур, зулм ва зўрлик ва маънавий нопоклик макони эканлиги тобора равшанроқ маълум бўла боради. Аваз меҳнаткаш омманинг ҳуқуқсизлик, оғир моддий мұхтожликка гирифтор этилгани, бунинг эвазига бир тўда ҳукмрон доираларининг фарогат сурʼетганликларини тушуна бошлайди. Бадкирдор хон ва амалдорларга, унинг атрофига тўплланган хушомадгўй сарой шоирларига унда ғазаб ва нафрат куидан-кунга ортиб боради. Натижада сарой доираси ҳалқпарвар Авазга душманлик назари билан қараб, шоирни таъқиб остига олади. Лекин унинг ростгўй за фош құлузчи овози тобора баландроқ жарапнама бошлайди.

Гар қилич бошимга ҳам келса, дегайман ростни,—

дёгани демократ шоир Мұқимийга ҳамовоз бўлган Аваз ҳар қандай шароитда ҳам ҳақ ва тўғри сўзни айтишга бел боғлаган эди:

Балои ногихондур кизбиким, андин паноҳ этгил,  
Улар ҳолатда ҳам деб рост сўз ҳолин табоҳ этгил,  
Демасманким, дебон ёлғон номингни сиёҳ этгил,  
Нажоти ҳар балодин истасанг, сидқинг гувоҳ этгил.

Донога дор бўлган замон Авазни кетма-кет машаққатлар гирдобига ташлайди. Ҳатто шоир тақдирни катта хавф остида қолади. Авазгидан кўтарилиган адоварат кучаяди ва ниҳоят унинг мавжуд тузумга, сарой амалдорларига қарши ёзган кўп шеърлари қўлга туширилади. Бу шеърларда ижтимоий адолатсизликка қарши норозилик мотивлари, ҳалқпарварлик журъат қалами билан равшан ифодаланган эди:

Жавринг, э гардун, менга беҳадду поён айладинг,  
Борҳо чекмак ишим андуҳи ҳижрон айладинг.

Маълумотларга қараганда, ғазабланган хон Ҳудойназар ишшо ва Тули юзбошиларни чақиради ва Авазни қўл-оёғини боғлаб, саройга келтиришини буюради. Навкарлар шоир уйига бостириб кириб, Авазнинг қўлига қисан солиб, хон олдига йўл оладилар. Бу доддан хабар топган шаҳар аҳолиси Мехтаробод кўчасида тўпланаши ва норозилик, қаҳр-ғазаб билан сарой томонга йўл олади. Авазга кўзи тушган хон худди илон чаққандай ўрнидан иргиб туриб, уни тонбўруон қилиш» ҳақида фармон беради. Ўша вақтда кимдир: тақсир, олий ҳазратлари, душманингиз жинни бўлган», деб вазияти ўзgartириб юборади ва хонни сарой дарбозасига яқин тўпланастан сломондан хабардор қиласиди. Ноилож қолган хон бўйруқни 200 қамчи уриш билан алмаштиради. Хон бу билан ҳам қаноатланмайди. Авазни «жинни» деб эълон қилиб, кишанлаб, Оқмачит қишилигидаги Бобоэшон мозористонига юборади.

Аваз 1909 йилнинг қишида мозористондан қайтади. У ўзининг оғир касаллигига қарамай ижодий ишини давом эттиради.

Шоир хон зулмига қарши кайфиятдаги кишилар билан яқиндан алоқа қила бошлайди. Ҳунарманд Қаландар Қурбонов, Матёқуб

Отажонов, Матфано Худойберганов, шоир Чокар, Мутриби Хонахробий, темирчи Абдураҳим, уста Раҳмонберганлар Авазнинг самими дўстлари эдилар. Ана шу замондошларниң ҳикоя қилишларича, Аваз рус тилини ўрганиш учун кўп ҳаракат этган, шаҳардаги рус зиёлиларидан рус тили алифбеси ва грамматика китобини сўраб олиб, мутолаа қила бошлаган.

Хивада пахта тозалаш заводлари қурилди, телеграф ташкил тоиди. Амбулатория, касалхона, аптека ишга тушди. Рус гимназияси очилди. Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилояти газетаси» ва бошига матбаа намуналари Хивага ҳам етиб борар эди. Москва ҳаётни, рус маданияти ва музикаси билан танишган Комил каби кишилар Хоразмда илғор маърифатпарварлик фояларни тарғиб қиласар эдилар.

Шундай тарихий воқеалар Аваз ижодига кучли таъсир этди ва шоир ижодининг янги босқичга кўтарилишига замин тайёрлади. Унинг «Тил», «Мактаб», «Уламоларга» каби шеърлари рус маданияти таъсирида ёзилган. Айрим маълумотларга кўра, Авазнинг дўстлари қаторида руслар ҳам бўлган.

1910 йилда хонлик таҳтига ўтирган Исфандиёр меҳнаткаш халқ устидаги зулмни ортиқ даражада кучайтириб юборди. У ҳар қишлоқда дор қуришни, зиндонлар сонини кўпайтиришни, бутун шаҳарларда йиллаб ҳарбий ҳолат эълон қилишини, солиқ турларини яна кўпайтиришни жорий қилди.

Шоирнинг отаси Ўтарбобо Абу Али ибн Синонинг медицина соҳасидаги таълимотлари асосида халқни даволаб юрган машҳур ҳалиб ҳам эди. У дардга чалинган ўғлини даволай бошлади. 90 ёшли бу кекса табибининг хатти-ҳаракатлари шоир касалининг маълум даражада сиҳатланишига ёрдам берди. Лекин 1917 йили Хива хони Исфандиёр Авазнинг ҳаққўйлик билан кўйлаган шеърлари учун 150 қамчи уришга хукм қилди. У батамом ҳолдан тойган эди. Шоир бетоблигига қарамай ижодий ишни давом эттиради, бироқ бетоблик уни ётқизиб қўйган эди. Шоир 1919 йилда, Хоразм революциясидан (1920 йил) бир неча ой илгари вафот этади. Шоир озодлик нурининг барқ уришини кўролтмади. Бироқ унга катта ишонч ҳосил қилган эди:

Хуш ўл, кўнглим, келар бир кун баҳт боғидаги ратьно,  
Кўкаргай мавж уруб, қирларда лола бўлғуси пайдо.  
Мени ёд этгай авлодим, мозоримни ўраб гулдин,  
Ишончим шундадур бўлғай мозорим бир зиёратгоҳ.  
Қабиҳ онларда эркин куйладим, дўстлар, биродарлар,  
Эзилган элга бўлғай бу замон иқбол ёруғ боргоҳ.  
Аваз, ўлган билан жисминг қолурки, ўлмагай номининг  
Ва кому истагингга тов бўлолмас, бўлса-да Доро.

\* \* \*

Аваз ижод майдонига 1890-йилларининг охириларида кириб келди. Унинг дастлабки бир қатор шеърлари изланиш натижалари бўйлиб, устоз шонрларга тақлидан ёзилган эди. Бироқ шоир классик ёзувчиларниң бой ва сержило традицияларини давом эттириш билан бирга ўзи яшаган муҳитнинг муҳим темалари устида ҳам жиддий ижодий инни олиб борди.

Ўрта Оснё ҳаётидаги янги воқеаликлар, халқ озодлик ҳаракатининг ривожланиши, рус маданияти ва маърифати таъсирида Аваз ижоди демократик мазмун каеб этди. 1908—1909 йилларда шоир

ижодида янги давр бошланади. Унинг «Халқ», «Уламоларга», «Мактаб», «Тил» каби гоявий-бадиий баркамол асарлари мана шу даврда вужудга келди. Шу тарзда шоир ижодида тематик жиҳатдан ранг-баранг жаирлар этибори билан ҳам сержило асарлар кўпая боради. Шоирнинг ўзи бу ҳолни шеърларидан бирида катта қониқиши билан қайд этган эди:

Эй Аваз, субҳу масо дилкаш ғазаллар машқ қил,  
Гар десанг мандин доғи қолсин жаҳонда яхши от.

Авазнинг замондоши Матфанобобо Худойберганов шундай ҳикоя қиласи: «Бир куни шаҳарда жуда катта тўй бўлди. Ўнта сурнай да кишиларнинг шовқинидан қулоқлар кар бўлиш даражасига келган эди. Аваз шеър ёзишга тутинди. Мен ундан: «Шу қадар нотинч вазиятда сизга қандай шеърий идрок келади?» деганимда, у: «Менинг бошимда шу қадар ғалвалар тўфони мавж урмоқдаки, уларнинг олдida бу шовқин ҳеч нарса эмас. Юрак қон, дард билан тўлган.. Дилемдаги сўз дурлари шу қадар бешуморки, лабимни сўзга оғсан, юз мисрани хат қилганимни билмай қоламан», деб менга ўқиш учун етти газал узатди.

Бу характерли хотира Авазнинг нақадар сермаҳсул ижод эгаси бўлганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, шоирдан бизга жуда катта поэтик мерос қолган. 1908 йилдаёк Аваз асарлари жамланиб, 2 та девон тартиб берилган. Кейинча шоирнинг лирик меросидан иборат яна 2 девон тузилгани маълум. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган бу девонларнинг қўлёзмалари бир-бирининг тақоридан иборат бўлмай, улар бир-бирини тўлдиради. Агар шу ўринда шоирнинг ўз даврида «Оина» журнали ва «Инқи-лоб қуёши» газетаси саҳифаларида чоп этилган асарлари ҳам эсланса, китобхон олдida шоирдан қолган мерос ўзининг катта салобабти билан кўзга ташланади. Унинг газал ва мустазодлари, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусамман, рубой ва қитъаларӣ ўқувчини катта бир поэтик олам сари бошлайди.

Аваз бадий асардаги гоявий ният эл-юрт равнақи учун хизмат қилиши лозим деб ҳисоблайди, шу жиҳатдан у формалист сарой шоирлари асарлари билан ўз шеърлари ўртасида жуда кескин фарқ борлигини таъкидлайди:

Гарчи жаҳонда кўпдурур ағзол эй ақли уқул,  
Лекин Аваз назмига ҳар абъёти девон ўхшамас.

Аваз сарой шоирлари изидан бормагани, халқчилик ва маърифатпарварлик гояларини илгари сургани учун ҳам замонасанинг реакцион гуруҳлари таъқибига, жазоларига гирифткор бўлди:

Аваз, албатта, бўлғай таъби нозик, хотири ношод,  
Деса субҳу масо ҳар кўмса гар ашъор ман янглиғ.

Шоирнинг:

Аваз, сен каби ранжу меҳнат чекар,  
Кишиким эса шоир интибоҳ,—

дёйиши ҳам бежиз эмас эди.

Аваз яшаб ижод этган замона меҳнаткаш халқ учун азоб-уқубатдан иборат бўлган бир давр эди. Эзилган халқ кўйчиси Аваз учун эса замона зарбаси ду чандон кучлироқ эди. Шоир ўзи яшаган муҳитни қоронгулик қўйнида кўрди, шу муҳит унинг бошига турли можароларни солди, унга ҳужум этди:

Қўзимга даҳр ўлиб яксар қоронғу,  
Анга шому саҳарда, келмас уйқу.  
Келур бошимга турфа можаролар,  
Ҳужум айлаб бори хайли ёмонлар.

Эксплуатация ҳукмрон бўлган замонада ким пулдор, ким бойбадавлат бўлса, ўшанинг сўзи — сўз, ёлони ҳам чин, бўхтони маъқул эди. Пулдор ўз пули — бойлиги воситасида ҳар қандай ваҳшийликларни ҳам қонун кучига киргизишга қобил эди. Шоир ўз замонаснинг мана ўзу ёвузликларидан қаттиқ нафрatlаниб, аччиқ киноя билан ёзган эди:

Аҳли замон, э кўнгил, дегуси яхши киши,  
Кимнинг бор эса баси қўйнида сийму зари.

Аваз яшаган замон зулм ва қашшоқлик юки елкасида бўлган меҳнаткаш халқ аҳволининг яхшиланишига асло йўл қўймас эди. Камбағал ўз пешона тери билан янги бир кийим топса, бойлар уни ҳам кўролмас эдилар.

Ҳасудлик айлаб бу замон, ким берди, дер аҳли жаҳон,  
Кийса янги хилъат агар қашшоқи қалъош устинा.  
Гардуши дун зулму ситам озода элга қилғуси,  
Жавру жафо ойинини фош айлабон фош устинा.  
Бўйла муруватсиз замон аҳли эрурким, эй Аваз,  
Гар топса фурсат бўргуси огу қўшиб ош устинा.

Ҳукмрон доираларда насаб ва мансаб, мол-давлат кишига баҳо бериш учун асосий мезон эди. Аваз ғуманистик анъаналар асосида фикр юритиб, насаб-насаб кишининг фазилатини белгиламайди, балки «олий насаб»лар орасида нодон, жоҳил, одобсиз қишилар кўпdir деб дадил хитоб қиласди:

Фалони гарчи кўп олий насабдур,  
Вале нодону жоҳил, беадабдур.

Шоир ўзи яшаган муҳитнинг моҳиятини реалист сўз санъаткори сифатида очиб ташлади. Меҳнаткаш омма ўз меҳнати натижасидан баҳраманд бўлолмас эди. Хаётдаги бу ижтимоий тенгизлилкни шоир қўйидагича кескин ифодалаб берди:

Дигар нахли чекиб меҳнат бирорлар,  
Вале ондин кўрар роҳат бирорлар.

Шоир ани шу маиғъум тузумнинг якшиларга ёмонлик, ёмонларга яхшилик қўилганини тўғри оча билди.

Қилурлар хайли андуҳ қасди жоним,  
Фалакдин ўшириб оҳу фифоним.  
Менга юзлангусидур дарду кулфат,  
Чекардин они тинмайман давомат.

Жорий ҳаётнинг барча фожиалари оташин шонрнинг қоматни буқолмади, қаламини синдирилмади. У халққа содиқ бўлиб қолди. Аваҳ чин маъноси билан халқ куйчиси эди. У доимо халқ манфаатларини куйлади. Меҳнаткаш оммани ўз ҳимоясига олди, уларга жабру ситам қилувчиларни аёвсиз савалади:

Жаҳонда шуму бадбаҳт ул кишидурким сабоҳу шом,  
Берур бечора-ю, дармондаларга жавр ила озор.  
Қилиб қаҳру ситам беҳадду сон келгунча илгидин,  
Фарид афтодаларнинг ҳолига кулгу қилур изҳор.

Аваҳ бахтли кунларнинг ўзи келиши мумкин эмас, буни келтиromoқ учун кураш оташида ёнмоқ, тобланмоқ, мардона қадам қўймоқ керак дейди:

Хар кимки, солиҳ, эшит комига етгай бегумон,  
Гар роҳи мақсад қатъида мардона қўйса гомни.

Шоир меросининг анчагина қисмини дин намояндадарини қаттиқ фош қилишга қаратилган сатирик шеърлар ташкил этади.

Хонлик ҳукмронлиги шароитида дин пешволари халқни хурофиј жаҳолат билан заҳарлаб, қоронгуликка маҳкум этарди. Дин илм-фан ва ҳар қандай прогресснинг ашаддий душманига айланган эди. Ымтиёзли шайх ва зоҳидлар халқ бошига сўнгсиз кулфатлар ёғдидар, ушр, закот, кавсон ва ҳоказолар деб меҳнаткашларнинг сўнгги бурда ионини ҳам тортиб олар эдилар.

Маданият, санъат ва адабиётнинг прогрессив намояндадари риёкор руҳонийларга, диний жаҳолатга қарши изчили кураш олиб боргандар. Бу кураш XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарақкий этган ўзбек адабиётида янада кучайди. Муқимий, Фурқат, Комил, Завқий ва бошқа ёзувчилар шайхларни, эшонларни аёвсиз фош этиувчи реалистик асарлар яратдилар. Уларга сафдош бўлган Аваҳ ҳам бу темада «Уламоларга», «Икки шайх», «Шайх», «Носиҳ», «Зоҳид» каби сатирик асарлар яратди. У дин ва унинг маънавий тубан вакилларига қарши шафқатсиз кураш очди.—Зоҳидларнинг хонақоҳда ваъз айтишлари ва зикру санолари,— дейди Аваҳ,— кишиларни йўлдан оздиришдан иборатдир:

Олам элинни сарбасар афсун ила оздурғали,  
Зуҳд аҳли бугун хонақоҳ саҳнида ғавғо қилдилар.

Шундай нақл қиласидиларки, Хива шаҳрининг Меҳтаробод чорсусида Абдуллабобо деган бир баззознинг дўкони бўлган. Бу дўкон одамларнинг серқатнов жойида экан. Абдуллабаззоз Ибодулла маҳдум деган мулла билан тил бириткирибди, ҳар кун маҳдум дўконда «Қиссанасул анбиё» китобини ўқиб турадиган бўлибди. Чунки савдоғар учун харидор тўплаш, мулла учун эса чойчақа керак эди. Кунлардан бир куни Аваҳ йўлда ўтаётib, бу қиссанасулликка кўзи тушиб-

ди. Шунда у тингловчилар ҳалқасини ёриб ўтиб, маҳдум қўлидаң китобни олиб иргитиб юборади. Бу ахли раста нафсониятига тегиб, шовқин-сурон кўтарилади. Аваз эса чап бериб, кўздан гойиб бўла-ди. Халқ фарзандлари дадид туриб, Авазниг орқасидан таъкиб этувчиларининг йўлини тўсади.

Шоир замондошлиларининг ҳикояларидан бирида айтилишича, у «Эшония» деган бир ҳажвия тузган. Унинг айрим парчалари халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб, ҳозир ҳам кишиларниг хотирала-ридан кўтарилган эмас. Катта социал мундарижага эга бўлган «Эшония» ҳажвиясидан қўйидаги мисралар сақланиб қолган:

Эшон дегани либоси малла,  
Угрига шеригу гараша далла.  
Рангини кўринг бу баднамони?  
Хангига эшаги эрур худони.  
Масжидни ўзига дом этибдур,  
Билмам буни ким имом этибдур.

Диний маросимларда мулла-имомлар одатда жуда катта бойлик тўплайдилар. Улар турли йўллар билан даромад қидиришдан таш-қари «ийдлик», деб тўрт мисрадан иборат шеърий варақалар тарқа-тадилар. (Одатда бундай тўртликларда хон дуд қилинар, хурофот тарғиб қилинар эди.) Шу муносабат билан мулла-имом бирон шонра-га боради-да, ундан тўртлик ёздириб олиб, ҳар бир варақани ийд күшлари бир неча тантага сотади.

Аваз ҳақидаги хотираларда қайд қилинишича, бир куни Мех-таробод масжидининг имоми Шомий Аваздан қурбон ийдига тўрт-лик ёзиб беришини илтимос қилиб келади. Аваз бу илтимосни «ни-ҳоят самимият» билан қабул қиласди ва тўртлик ёзиб мулланинг қўлига таъзим ва тавозе билан узатади. Мулла тўртликни ўқий бошлайди, тўсатдан унинг ранги ўзгариб кетади ва Авазга қараб:

— Ажабо, мавлоно Аваз, бу қандай бўлди, астағбурулло,— деб ёқасини тутади. Шоир гўё ҳеч нарсадан хабарсиз кишидек: «Хўш, тақсири бокарам, алломаи замона, не жарима юз бердими, аэзойин-гизда тундлик содир бўлди»,— дейди. Қўллари қалтираб асабийлаш-ган Шомий «мен не-не китобларни кўзим баҳрида суздирдим ва лекин алардан бундай мисраларни тополмадим», дейди. Шунда шоир: «Хўш, тақсири олам, сизга мазкур тўртликнинг қаери маъқу-лу қаери номаъқул»,— дейди. Шомий лом-мим демайди. Аваз сўзи-ни давом эттириб: «Халқ сизларга минг-минг йиллардан бери пул беради, лекин у сизлардан нима кўрди? Жаҳолат, хурофот, хиёнат, касофат кўрди. Эндиликда қўйинг, тақсири, бу мазлум халқ пешона теридан келган маблагини ўз дардига даво қиласин, чиғирига дигир олсин, рўзгорига чаноқ»,— дейди. Вараққа ёзилган тўртлик қўйида-гича эди:

Наврўз келибон очилди лола,  
Беш танга беринг Эшим кулола:  
Чаноқ ясасин ёш болаларга;  
Дигир ясасин чиғиричилара.

Дин ҳомийлари меҳнат ахлини алдаш ва авраш учун ўзларини авлиё қилиб кўрсатар эдилар. Бироқ бу уларниг устки ниқоби эди. Аслида улар маший нопоклик, зўрлик, товламачилик билан шўғул-ланар эдилар. Аваз уларниг бу ниқобларини очиб ташлайди:

Фалони зоҳиди худбинки, худбинлик қилур зоҳир,  
Ўзини аҳли тақви пешвосидич ҳисоб айлаб.  
Ўзи нахват майин нўш этгуси шому саҳар тинмай,  
Ажойиброқ будурким, ринд элинни иҳтисоб айлаб.  
Риё бирла йигиб оламни барча молу асбобин,  
Ётар энди ҳамоноким эшакдек хўрду хоб айлаб.

Аваз сатирасида шайхлар образи катта санъаткорлик билан чи-  
зib берилади. Авазнинг Навоий яратган «Сода шайх» ғазалига на-  
зира тариқасида ёзган «Шайх» радифли ғазалида шундай маҳорат  
намунаси яққол кўзга ташланади:

Ичар дайр аро тинмайин бода шайх,  
Май учун қилур раҳи сажжода шайх.  
Не мумкин ёруғлики, ондин эса  
Жаҳолат роҳида афтода шайх.  
Урар ҳамла ҳар кимсага маст бўлиб,  
Қутирмишму ё ит каби лода шайх.

Авазнинг 1917 йилда ёзилган «Уламоларга» шеъри ўзининг маз-  
мун эътибори билан жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ўткир  
сатирик асардир. Мазкур шеър Авазнинг жорий урғодатлар, қо-  
нун-қоидалар билан муросасиз кайфиятда эканлигини билдиради.

Бирингиз қози, бирингиз аъламу муфти бўлиб,  
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз.  
Иўқса, одаммиз, очиб мактаб, илм билдирсангиз,  
Бехабар илму ҳунардин бизни ҳайвон этдингиз.  
Бир куни сўргай Аваздек уйғониб аҳли замон,  
Не учун миллатни сиз ер бирла яксон этдингиз?

Бу шеърнинг майдонга чиқиши қози, муфти, охунд ва умуман  
дин аҳлларининг шоирга иисбатан бўлган адоватининг ду чандон  
кучайишига сабаб бўлди. Шунинг натижасида муфти Иўлбузар  
Охундининг фатвоси билан Аваз ва унинг 90 ёшга кирган кекса отаси  
Ўтарбобо коғир деб эълон қилинади. Жосулар Авазни ўлдириш  
пайига тушадилар. Бироқ шоир ўзининг ҳамфир, соғдил ўртоқла-  
ри назоратида фитначиларнинг қонли тифидан сақланиб қолади.

Бир куни Аваз ижара бермагани учун учта дәхқоннинг бозорда  
ҳоким бўйруғи билан калтакланётганини кўрди. Дәхқонлар бели-  
гача ялангоч, елка қобирғаларидан қон отилиб чиқмоқда эди. Қўл-  
лари боғлиқ, юришга мадори қолмаган эди. Бу ҳолга чидаёлмаган  
шоир одамларнинг серқатнов жойига қелиб:

Сипоҳи пора истар,  
Мулло ижора истар,  
Бечора чора истар,  
Бир чора замон борму?

деб хитоб қилди. Бозорда ғовур-ғувур, тўс-тўполон бошланди.  
Шоирнинг бу ҳақли нидоси тилдан-тилга кўчиб, халқ нафратининг  
ўткир ифодасига айланиб кетади.

Аваз ижодиётида «Фалон» туркумда ёзилган шеърлар алоҳида ўрин тутади. «Фалон» туркум оригинал бир приёмдир. Шоир бунда ҳукмдорлар, амалдорлар ва руҳонийларнинг номини очиқ ёзиш шеърда киритиш имконинга эга бўлмаган. «Фалон» сўзи воситасида у айни шу гуруҳларниң реал образларини яратади. Шуниси характерлики, аслида шоир шеърларида бу «Фалон»ларнинг номи айтилмаса ҳам, лекин ўқувчилар буларнинг заминидаги ишораларни яхши билгандар. Аваз уларнинг ташқи ва маънавий қиёфасини реалистик тасвирлай олган:

Фалон авбошдек лаънат маош олам аро йўқдир.

Ки мажмўйи ҳаромизодалар бўлмиш анга чокар...

Бу «Фалон»— Исфандиёрхон. Чунки унга чокар бўлгачларнинг ҳаммаси Ҳудоёназар пошшога, Алимаҳрамга ўхшаган жосуслар эди:

Фалониким суханчинлик расмин ўзга қилмуш фан,  
Солурга халқи оламнинг бошиға булъажаб савдо.  
Айирмоққа ота бирла ўғулнинг бир-бисисидин,  
Бирин бир айбини минг айлаб, айлар биринга ифшо.  
Онасига қизин душман қилур, қизга онасини  
Дебон ёлғонни чин монанд бўҳтон айлабон гүё.

Кирдикори, феъл-автори реалистик тасвир этилган бу одам Алимаҳрамдир. Мазкур шахснинг ота-боборларининг ҳам қасби жосуслик бўлиб, ўз вақтида кўп баҳтсизликларга сабаб бўлганлар. Алимаҳрамнинг ўзи эса Исфандиёр саройининг жосуси бўлиб, унинг ифвеси туфайли неча юзлаб кишилар дорга осилган, зинданларга ташланган, тирноқлари остига нина суқилган, қайнот сувга ташланган. Шунинг учун ҳам Аваз ўз шеърида Алимаҳрамга дор талаб қилишда ҳақли эди.

«Фалон»лардан яна бири:

Фалон аҳмоқки, бергуси ҳамиша ўзига оро,  
Ҳамоноким олиб олгига бир кўзгу нисо осо.  
Ғубори йўлидин ўтар чоғида гар тегса либосига  
Ювар они зиёда бўлғучу собунни нархи то.  
Агар онинг ҳар асбобига ғайрини қўли тегса,  
Ажабким, сўнгра они олмагуси илгига асло.

Бу одам сарой созандаларидан Муҳаммад Ёқуб Позачидир. Шундай нақл қиласидарки, агар Муҳаммад Ёқубга тўсатдан жулдур киёмли бир одам йўлиқиб қолса, у дарҳол бу одамдан юз ўғириб тўрар ва у то ўтиб кетгунча қарамас экан.

Шоир Матқуб Позачи образи билан мешкан табақаларнинг мазлум халқка ҳақорат кўзи билан қараганликларини фош этади

Ўзбек демократик адабиётида маърифатпарварлик йўналиши алоҳида ўрин тутади. Бу адабиёт намояндлари ўлкада давом этиб келган асерий қолоқлиқ иллатини маориф ва маданият билан шифоланишига умид кўзи билан қарадилар ва бу кайфиятни ўз асарларида баралла куйладилар. Бироқ эксплуатацияга асосланган жа-

мият шароитида халқ маорифдан тамоман маҳрум эди. Оз сонлий схоластик-диний мактаблар маромномаси ўқувчиларнинг саводли, маданияти бўлишига монелик қилас эди. Камбагал болалар рус, маҳаллий мактабларга киролмас эдилар. Шунга кўра демократ ёзувчилар ижодида жаҳолатни танқид қилиш, маърифатни тарғиб этиш, халқни маорифга чақириш тоғаси катта ўрин тутади.

Аваз ўзининг қатор асарларида мактабни олқишлиди, уни мамлакат ободончилиги учун замин, қулликдан қутилиши учун асосий омил деб билади.

Аваз халқни маданият, маорифдан баҳраманд қилиш учун эксплуатацияга асосланган тузумни емириш зарурлигини тушуна олмади. Лекин шунга қарамай шоирнинг маърифатпарварлик қарашлари прогрессив аҳамиятга эга эди. Шоир ўзининг «Мактаб» шеърида бундай деган эди:

Аваз, ҳимматни қил олий очарға эмди мактаб ким,  
Балой жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.

Ўрта Осиёning Россияга қўшилиши бу ердаги маҳаллий халқларнинг илғор рус маданияти билан танишишига катта имконият яратди. Ўрта Осиёдаги демократик адабиётнинг илғор намояндадали Абай, Муқими, Фурқат ва Аваз кабилар прогрессив рус маданиятини ўрганишни ўз асарларида тарғиб қилдилар.

Аваз рус маданияти, илм-фани ва рус тилини самимият билан севди. У ёшларни дадил суратда рус маданияти ва рус тилини ўрганишга чақирди. Бу жиҳатдан унинг «Тил» шеъри жуда аҳамиятлидир:

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка они гайрат этинг, фойдали кондур.  
Илму фан уйнга юборинглар болангизни,  
Анда ўқиганлар бари яктои жаҳондур.  
Зор ўлмасин онлар доғи тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидан онинг бағри тўла қондур.

Шоир бу мисраларда биринчи навбатда рус тили ва рус маданиятини кўзда тутаётгани аёнидир.

Хонлар ва феодалларга. қарши халқ норозилигининг ўсиши, Россиядаги, шунингдек, Туркистонда юз бериб турган халқ озодлик революцион ҳаракатлар Аваз ижодига кучли таъсир кўрсатиб, унинг хонлар зулмига қарши ҷафратини ошириди, эркин кунларга эришиш ишончини кучайтириди. Бунинг ёрқин тимсоли сифатида Авазнинг машҳур «Сипоҳидарга» шеъри майдонга келди. Шоир жасорат билан феодал ҳукмдорларининг ўз қилмишларига яраша жазога гирифторм бўлишлари муқаррар деб ҳисоблайди:

Бунчаким зулм айлагунг, бордур мукофоти замон,  
Оқибат бир кун анга масъул бўлиб бергунг жавоб.

Шоир зулм булутлари йўқолиб, ҳуррият-озодлик қуёши барқ уриб чақишига ишонч ҳосил қилди:

Бор умидим тездан бўлғуси ҳуррият куни,  
Эй Аваз, қолмас булут остида доим офтоб.

Дарҳақиқат, мана бу шеър ўз даврида Хоразм шароитида эрканиликка иштилған халқининг жанговар овози сифатида янгради. Бу шеър ҳондан тортиб, кичик амалдор ва дўйондоргага қадар эксплуататор доирани ваҳимага солган эди. Хон қўллэзма тариқасида тарқалған шеърни йигиб олишга бўйруқ берди. Бироқ кишилар уни ёд олиб ултурған эдилар. Аваз кўп ўтмай гоявий мазмуни «Сипоҳиларга» ўлашаш ва уни тўлдирувчи «Халқ» шеърини яратди.

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,  
Эй Аваз, бўлмас бунингдек борҳо овора халқ.

Халқ орзу-умидларини куйлаган ва адолат офтоби партавига кўнгил боғлғаган мубориз куйчининг асарлари, «Танланган асарлар» сифатида қайта-қайта чоп этилган. Кўлингиздаги китоб Авазнинг мавжуд девонларидан сайлаб олинган асарлардан иборат. Бу сизларни шоир мероси билан кенгроқ танишувингизга имкон яратади деган умиддамиз.

Айёмий (Юнус Юсупов)

## ОТАШИН МИСРАЛАР

Сиёсат маҳв бўлди<sup>1</sup> яшасун оламда ҳуррият,  
Бори эл иттифоқ ила жаҳонни айласун жанинат.

Кетиб зулму ситамнинг зулмати бўлмиш жаҳон равшан,  
Адолат офтоби мамлакатга кўргузуб талъат.

Тарақкӣ айламак лозим жаҳон аҳли бўлуб бир таи,  
Билурга борча илм ила ҳунарни яшасун миллат!

Жаҳон аҳли, манга сизсиз севукли жон азизимдин,  
Этурмиз бир-биримизга ёқин гўёки бир ихват<sup>2</sup>.

Яшанг, эй қаҳрамони ҳурриятпарвар биродарлар,  
Олиб ҳур миллати мазлум учун сиз қилдингиз хизмат.

Очиб ҳар навъи мактаб эмди ҳимматни қилиб олий,  
Ватанни қилғоли обод лозим айласак гайрат.

Аваз бир минг доғи уч юзда ўттуз беш эди тарих,<sup>3</sup>  
Етушди ҳурриятдин миллатимни жонига қувват.

\* \* \*

Фидои ҳалқим ўлсун танди Абдим  
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.

Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,  
Будур мақсади қалби ногтавоним.

Мани солса фано йўлига даврон,<sup>4</sup>  
Юрур устимдин авлоди замоним.

Умидим: яшасин мактаб боласи,  
Алар ҳар бири бир шери жаёним.

На яхши ўйлаким, маъқулу манзур,  
Аваз, халқим учун тўкулса қоним.

\* \* \*

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тиги бирла бўлғон бағри юз минг пора халқ.

Бир неча авбошлар мундоғ ҳукмрон айласа,  
Қолмағай, оре, на ёнглиғ меҳнату озора халқ?

Не аларда бордуур илму адолатдин асар,  
Не ажабким топмаса доди дилига чора халқ?

Етган офатни бошига доимо тақдир деб,  
Ҳасрату армон била кетгуси бора-бора халқ.

Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанини сақламоқ,  
Бўлди қурбон бу сабабдин миллати ағёра халқ.

Халқи оламни бори айлар тараққий кун-бакун  
Биз таназзул айлабон қолдук, эдук не қора халқ?

\* \* \*

Фигонким, мунъадам бўлди жаҳондин айшу роҳат ҳам,  
Йўқолди ушбу оламдин бари иззат, адолат ҳам.

Халойиқ молу мулки юз тутиб торожу яғмога,  
Бўлиб хон нағсиға қурбон бари номусу иффат ҳам.

Ададсиз хонадонлар чўлғониб мотам либосига,  
Бўлиб жон қасдига мойил ҳукумат ҳам, сиёсат ҳам.

Гуноҳсиз норасида дахлсиз эл қизларин зўрлаб,  
Қўринг, ўз қонига олуда Зевар ҳам, Саодат ҳам!<sup>5</sup>

Саноқсиз авлиёлар, шайхлар, эшону муфтилар,  
Лаинлар комига далла эрур қози, шариат ҳам.

Ажойиб бўлди аҳвол кун-бакун мазлумни бошига  
Егиб дарду бало бори хўсумат ҳам, касофат ҳам.

Нетонг, бўлса Аваз пайваста исён баҳрига ғаввос<sup>6</sup>,  
Дилида қолмади сабру сукун ҳам, тобу тоқат ҳам!

\* \* \*

Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат?  
Топиб илму ҳунар бирла маорифдан нишон миллат?

Ватанпарвар фидойи фирмалар то бўлмайин пайдо,  
На мумкин топмоги ўлган таниға тоза жон миллат?

Фидо миллат йўлиға молу жон этмак керак, ҳар ким —  
Бўлай деса, агар авлоди машҳури жаҳон миллат.

Очиб ҳар бир саридан мактабинг унвонин айлаб чўх,  
Тараққий айламасми ўқубон беҳадду сон миллат?

Бу янглиғ олам аҳлидин кейин қолмай юриш айла,  
Аваз бўлғай ўёниб комкору комрон миллат.

\* \* \*

Эйки, сизлар то таассуб бирла даврон этдингиз,  
Миллати мазлума аҳволин паришон этдингиз!

Бирингиз қози, бирингиз аъламу<sup>8</sup> муфти бўлуб  
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз?!

Бизни айлаб хору зору нотавон этмак учун,  
Бермайин осори ҳурлик банди зиндан этдингиз.

Бу фалокатлар учун масъул ўлурсиз оқибат,  
Зулму истибдод ила миллатни вайрон этдингиз.

Буйруқини сўрмайин биздин, сўрар сиздин худо,  
Нега сиз билдурмай они, бизни нодон этдингиз?!

Йўқса, одаммиз, очиб мактаб илм билдирангиз,  
Бехабар илму ҳунардин бизни ҳайвон этдингиз!

Қайси бир миллатни, айтинг, сиздек оғзи оладур,  
Иттироқ ила иш этмай бағримиз қон этдингиз.

Бир куни сўргай Аваздек ўйгониб аҳли замон:  
Не учун миллатни сиз ер бирла яксон этдингиз?!

\* \* \*

Эй олами вожун аро ором суранлар  
Сизлардек дахи бормудур ажком суранлар?<sup>9</sup>

Инсон каби жоҳил бўлами ном суранлар,  
Доим сўрасизми дахи, ком суранлар?

Афъоли хабиса била анвои хасосат,  
Даъвои даҳолик қилиб айём суранлар<sup>10</sup>.

Зулм ила ситам қилгучи бир-бирига бисёр,  
Муҳтож Аваздек тамаи хом суранлар<sup>11</sup>.

\* \* \*

Эйки, мунча зулм ила миллатни айларсан хароб,  
«Лоюҳиббуз золимин»<sup>12</sup> деб тангри қилғонда хитоб.

Дам-бадам бедоду жабру зўрликлар айлабон,  
Солма мазлум элни кўнглига мунингдек изтироб.

Мунчаким зулм айлагунг бордур мукофоти замон  
Оқибат бир кун анга масъул бўлиб бергунг жавоб.<sup>13</sup>

Бор умидим, тездин бўлғуси ҳуррият куни  
Эй Аваз, қолмас булат остида доим офтоб.<sup>14</sup>

\* \* \*

Йўқ бўлинг тездан кўзумдин, халқ аро шармандалар?  
Халқ ғамидин ўзни нарроқ тутғучи бегоналар.<sup>15</sup>

Ҳайқириб эртаю кеч сизлар муazzин<sup>16</sup> ўрнида,  
Бўлдингиз ёлгончиликда эл аро овозалар.

«Ҳуррияту эрк» дебонки ёлғон алфозлар била,  
Оқибат мазлумлара ютдиредингиз хунобалар.<sup>17</sup>

Қайсингизни кўрди эл капча билан ёп қозғонин,  
Борингиз савдо-сотиқ бозорида жавлоналар.<sup>18</sup>

Эй Аваз, қил жидду жаҳд сен эл билан шому сабоҳ,  
Қолмагай оламда бори хону ҳаромзодалар.<sup>19</sup>

\* \* \*

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,  
Үқусин ёшларимиз, кўнглини шод этгуси мактаб.

Дилу жон бирла эл мактаб очарга ижтиҳод этсин,  
Нединким, бизни ғам қайдидин озод этгуси мактаб.<sup>20</sup>

Қўнгулларнинг сурuri, доғи кўзлар нуридир фарзанд,  
Аларнинг умрини, албатта обод этгуси мактаб.

Ота бирла онага фарз ўқитмоқ бизни мажбурий —  
Ки бизни яхшилиқ қилмоққа муътод этгуси мактаб.

Қаю миллатга биздек гар насими инқизоз етса,  
Анга, албатта, мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб.

Бу не-навмидликдур?! Мактаб очсақ, оқибат бизни,  
Арўси ком или мақсудга домод этгуси мактаб<sup>21</sup>.

Аваз, ҳимматни қил олий очарга эмди мактабким,  
Балои жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.

\* \* \*

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситаи робитай оламиёндур.<sup>22</sup>

Файри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,<sup>23</sup>  
Ким илму ҳунарлар билонки ондин аёндур.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка они ғайрат этинг фоида кондур.

Илму ған уйига юборинглар болангизни,  
Онда ўқуғонлар бори яктои замондур.<sup>24</sup>

Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидан они бағри тўла қондур.

\* \* \*

Ажойиброқ замон ушбу замондур,  
Халойиқ феъли бир-бирдин ёмондур.

Ҳама эҳё ичар жоми ажални,<sup>25</sup>  
Они ичмак ҳамон, ўлмак ҳамондур.

Малул ўлмай, не айлай, одам ичра?  
Вафоу меҳрким, дерлар, ниҳондур.

Ҳама эл феълу таврин бадлигидин  
Мунингдек бўйла расвои жаҳондур.

Бўлуб сайидлари мардуду ноком,  
Ҳама қул ағниёу комрондур<sup>26</sup>...

Бўлуб қиймат ҳама ашёни нархи,<sup>27</sup>  
Аваз ушбу сабабдин хаста жондур.

\* \* \*

Ман чекмаган дарду меҳнат қолмади,  
Бошимга келмади офат қолмади.

Улгали етишдим ёра етгунча,  
Манга юзланмаган кулфат қолмади.

Чекиб дарду алам сердин турғудек  
Жисимимда заррача қувват қолмади.

Жудоликнинг ҳар бир куни қиёмат,  
Лида ман кўрмаган шиддат қолмади.

Эрларнинг бошига тушиб савдолар,  
Аҳли ҳимматларда ҳиммат қолмади.

Ҳижронида ўтуб умрим тамоми,  
Ёримга етарга фурсат қолмади.

Муҳаббатсиз аҳли олам, эй Аваз,  
Гўё онларда бу хислат қолмади.

\* \* \*

Жаҳонким, сув устидадур бир ҳубоб,  
Шечук анда эл бўлгуси комёб.<sup>28</sup>

Бирвлар бўлуб эл аро аржуманд,  
Бирвлар ҳамиша чекар кўп азоб.

Бу янглиғ эса гар биноси аниңг,  
Бас, анда нечук бўлғамиз баҳраёб.

Қилиб наҳс олам элин рамлини,  
Ҳамишаки даврон қилур инқилоб.<sup>29</sup>

Риёзат била бермайин нафса ранж,  
Иши аҳли оламни дур хўрду хоб.<sup>30</sup>

Бу ажсомики ҳозир эҳё әрур,  
Бўлур барчаси бир кунида туроб.<sup>31</sup>

Қи то билмагайсан жаҳон офатин,  
Давомат Аваз, айла нўши шароб.

\* \* \*

Ваҳқим, насиҳатлар манго қилғуси бисёр икки шайх,  
Қилдурғоли ушшоқлик расмидин инкор икки шайх.<sup>32</sup>

Токим манго ул дилрабо ишқини тарқ этдурголи  
Макру риёу ҳийлалар қилди намудор икки шайх.

Аҳли замонни оздурур роҳи ҳақиқатдин мудом,  
Шайтониятлик расмини айлаб падидор икки шайх.<sup>33</sup>

Кундузлар айлаб ваъзлар аҳли жаҳонға бешумор,  
Майдин қилурлар кечалар согарни саршор икки шайх.<sup>34</sup>

Ҳар кун қилиб масжид сори юз минг риё бирла хиром,  
Ҳар тун қилур кazzоблиғ ўзига атвон икки шайх.<sup>35</sup>

Иблис ҳалқ ичра кириб озтурмоқи ҳожат эмас,  
Эй дўстлар, токим жаҳон мулки аро бор икки шайх.<sup>36</sup>

Моҳирлиқи ул навъким илми фусунда этдурур —  
Шайтонға мақр ила ҳиял дарсини такрор икки шайх.<sup>37</sup>

Эйким, әрурсан гуссау олому андуҳ соҳиби,<sup>38</sup>  
Бўлмиш санго бу дам магар шумлиғ била ёр икки шайх.

Зинҳор пандимни эшит, ҳушинг бор эрса, эй Аваз,  
Озтурмасунлар то сани бўлғил хабардор икки шайх.

\* \* \*

Ичиб тинмайин дайр аро бода шайх,  
Май учун қилур раҳи сажжода шайх.<sup>39</sup>

Не мумкин ёруғлики андин эса,  
Жаҳолатни роҳида афтода шайх.<sup>40</sup>

Суарга риёз заврақин ҳар сари,  
Асосин қилур ўйлаким хода шайх.<sup>41</sup>

Ичарга қадаҳ шўхлар илгидин,  
Ўзин айлар ул навъ омода шайх.<sup>42</sup>

Ўзин айлади бўйла зору асир,  
Мани манъ этиб ишқидин сода шайх.

Ётар эрди то ҳашр<sup>43</sup> уйғонмайин,  
Санингдек эса одамизода шайх.

Урар ҳамла ҳар кимсага маст улуб,  
Қудурмишму ё ит каби лода шайх.<sup>44</sup>

Қилиб нўши май, беҳаёлик қилур,  
Бурун ёки эрканим ҳаромзода шайх.

Лаваз, хизмат айлаб дуосини ол,  
Жаҳон ичра тоисанг бир озода шайх.

\* \* \*

Ушбу замон воқеъ бўлуб беҳадду бепоён совуқ,  
Аҳроб хайли<sup>45</sup>, олғуси ожиз танимдин жон совуқ.

Жисмимга солиб тобу таб андозасиз, фарёдким,  
Қилмиш мани бечорау оворани нолон совуқ.

Не навъ этмай ўзни маң ғамгин, аё аҳробким,  
Чашмимни гирён айлаюб, бағримни айлар қон совуқ.

Гар хисрави кишваркушо бу дамда чекмон бермаса,  
Ултургиси бешак, қўюб кўнглумда кўб армон совуқ.

Олам гулистони аро, эй дил, уқолат аҳлиға<sup>46</sup>—  
Кўрунсан ғримасдур ажаб, гар чеҳраи нодон совуқ.

Ким бўлса мандек бенаво, қашшоқу зор даҳр аро  
Албатта қилғусидурур икки кўзин гирён совуқ.

Бадҳол этибдур,<sup>47</sup> эй Аваз, тонг йўқки, бўлсам музтариб,<sup>48</sup>  
Ушбу замон воқеъ бўлуб беҳадду бепоён совуқ.

\* \* \*

Билмадим, ё раббано, ваҳ, не балодур ўксурук<sup>49</sup>,  
Ким тутуб беҳадду сон жоним олодур ўксурук.

Ҳар касалға мубтало бўлғонни кўрдум даҳр аро,  
Борчасидин ҳам ёмонроқ можародур ўксурук.

Рўзу шаб дору ёдим<sup>50</sup>, суд этмади бир заррача,  
Тонг эмаским, гар дер эрсам бедаводур ўксурук.

Не ажабким, борса ўздин ўксуруб кўп, эй рафиқ,  
Ман ҳазину зору ожиз, борҳодур ўксурук.

Билмадим амрози силға мубтало бўлмишмуқим,  
Ваҳ, мани бехонумон субҳу масодур ўксурук.<sup>51</sup>

Гарчи кўб бўлғуси анвои мариз,<sup>52</sup> эй дил, vale,  
Бадтарин<sup>53</sup> мажмуъидин олам ародур ўксурук.

Бал китоби тибни бордур жумласи ёлғон<sup>54</sup> ва ё,  
Эй Аваз, жонингға келган ибтилодур ўксурук.

\* \* \*

Баҳамдиллаҳ, касалдин яхши бўлдум ушбу соат ман,  
Худойим сақлаюб, ўлмай қолиб ондин саломат ман.

Тутуб шаб-рўз андоқ ўксурук, қон туплаюб гоҳи,  
Тушар эрдим ўлумни хавфига чун бениҳоят ман.

Гаҳи аъзом ушуб, тортар эдим дарду алам сонсиз,  
Гаҳи бош оғриқин ранжин чекиб беҳадду ғоят ман.

Бориси ўксурукдин бадтар эрмастур бўлуб кўрдум,  
Гирифтори балоу оғфату юз навъ иллат ман.

Иигит жонимни ваҳми бошима ҳар дам тушар эрди,  
Бу ёнглиғ топмасам яхши бўлуб жисмимга қувват ман.

**Илоҳо, сан билурсан ҳоли зори нотавонимни,  
Дӯ қилмоқ шифо бергил деюб, охир не ҳожат ман?**

**Аваз, тенгри таолони манго гар келмаса раҳми,  
Қачон бўлгой эдим бу лаҳза ичра бўйла сиҳат ман.**

\* \* \*

**Бировлардур ҳамиша васл аро шод,  
Бировлардур vale ҳижронда ношод.**

**Бировларни бўлур не коми ҳосил,  
Бировларким, бўлуб коми аро шод.**

**Бировлар айрилиб ёридин, аммо,  
Бировлар ёри била ошно, шод.**

**Бировларни бўлуб қалби паришон,  
Бировлар хотири субҳу масо шод.**

**Бировлар шод бўлмас, эй биродар,  
Бировларни гар этмас эрса ношод.**

**Бировлар зору ғамнок олам ичра,  
Бировлар бўлганида борҳо шод.**

**Бировларни, Аваз, шод этмай ҳеч шай,  
Бировларни қилур жоми тўёло шод.**

\* \* \*

**Оҳқим, айлар мани дилхастани дилдор доғ,  
Айлабон субҳу масо ҳижрон аро бемор доғ.**

**Не сифат бўлмай давомат бекарору номурод,  
Ким мани қилғуси доим раҳм қилмай ёр доғ?**

**Не ажабким, гар эсам ғамгину мискину ҳазин  
Ёр ила суҳбат қилиб айлар мани ағёр доғ.**

**Бок эмас гар муддаий васл ичра доғ этса мани,  
Ким қилур булбулни гулшан саҳни ичра хор доғ<sup>55</sup>.**

**Ҳасрату дардим не тонгким, бўлса кун-кундин фузун<sup>56</sup>,  
Ёрга бўлмай эрурман маҳрами асрор доғ.<sup>57</sup>**

Айб қилманглар, эсам гар нотавон, айлар мани —  
Айлабон зулму ситам ул кўзлари хунхор доғ.

Ман нечук ношод бўлмай, бўйла субҳу шомким,  
Ишқ ўтидин, эй Аваз, кўнглумда бор бисёр доғ.

\* \* \*

Гарчи шаклу ҳусн аро монанди ўғлон кўсасан,  
Лек қой шоҳ давридин, ойғилки қолғон кўсасан?

Гарчи қадру эътиборинг йўқ соқолинг йўқ учун,  
Жумла олам ичидя яктои даврон<sup>58</sup> кўсасан.

Эчку соқолин омонат ол тилар эрсанг агар,  
Халқ аро саққоллиғ — беҳадду поён, кўсасан.

Эру хотин фарқини қилса бўлур саққолдин,  
Гар десам хотун, санго бўлгуси бўҳтон, кўсасан.

Соқолинг йўқлиғига ношукурлиғ айлама,  
Ҳуснига даҳр аҳлини этган зору ҳайрон кўсасан.

Эрназархон<sup>59</sup> даврини дегунг ҳикоят айлабон,  
Чин дегил, ёлғон демай, неча ёшолғон кўсасан?

Гар Аваз қилса санго бебокликни<sup>60</sup> субҳу шом  
Ҳаз берурда<sup>61</sup> мисли бир маҳбуби даврон кўсасан.

\* \* \*

Қўшуб овозингга созингни келгил, қил наво, ҳофиз,  
Ки то базм аҳлининг бўлсун дилига ғамзудо,<sup>62</sup> ҳофиз.

Бори ушшоқ эли<sup>63</sup> бу дам тарона қил «Сувори» ким,  
Каманди нози торингга әрурлар мубтало, ҳофиз.

«Наво» оҳангига соз этгил андоқким тузуб созинг,  
Анга базм аҳли қилсун нақди жонини фидо, ҳофиз.

Қадаҳ сун, соқиёким, бўйла сармасти май ўлсунким,  
Ўқуб ширин ғазаллардин бу тун базм ичра то ҳофиз.

Юзингни гул-гул айлаб ҳам ўқуб назми ҳаётағзо<sup>64</sup>  
Етур афлокнинг жисмига кўп ўтлуг садо, ҳофиз.

**Аваз, аҳбоб хайлиң күнглига еткургали роҳат,  
Хуш ул базмеки, бўлса ул нигори дилрабо ҳофиз.**

\* \* \*

**Хуш ўл, күнглум, келар бир кун баҳт боғидаги раъно,  
Кўкаргай мавж уруб, қирларда лола бўлгуси пайдо.**

**Мени ёд этгай авлодим, мозоримни, ўраб гулдин,  
Ишончим шундадир, бўлгай мозорим бир зиёратгоҳ.**

**Қабиҳ онларда эркни куйладим, дўстлар, биродарлар,  
Эзилган элга бўлгай бу замон иқбол ёруғ боргоҳ.**

**Аваз, ўлган билан жисминг, қолурки ўчмагай номинг,  
Ва кому истагингга ғов бўлолмас бўлса-да Доро!<sup>65</sup>**

## РАНГИН ГАЗАЛЛАР

Эй кўнгул, ишқ ичра кирдинг жон керакмасму санга?  
Кофири чашмин кўруб, имон керакмасму санга?

Ёр рухсориға боқмассаң магарким, зоҳидо,  
Офтоб ила маҳи тобон керакмасму санга?

Ғайри кўйининг таманносин қилурсан<sup>66</sup>, эй рафиқ,  
Эйки айғил, жаннати ризвон<sup>67</sup> керакмасму санга?

Үзга дилбар лаълини ўпмакни гар истар эсанг,  
Дегил, эй дил, ул лаби хандон керакмасму санга?

Эй кўз, этгунг орзу ғайри суманбар оразин  
Эмди ул ораз маҳи рахшон<sup>68</sup> керакмасму санга?

Соқиё, ман хастага май бермайин доғ айладинг,  
Еки мискини ҳазин меҳмон керакмасму санга?

Эй Аваз, назм айладинг асру шараф афшон сухан,  
Едгори дафтари девон керакмасму санга?

\* \* \*

Эй суманбар, ошиқи зору асир ўлдим санга,  
Ҳар наким амр айласанг, фармонпазир<sup>69</sup> ўлдим санга.

Ишқ ойини<sup>70</sup>, аро жон бердиму қилдим вафо  
Содиқи паймон<sup>71</sup> ўлуб равшан замир ўлдим санга.

Эй менинг кўнглим, ҳамиша чек малоли ғамниким,  
Бешаи бекаслик ичра нарра шер ўлдим санга.

Даҳр шўхини агар кўйин гадоси бўлмаса,  
Ким дегай, олам аро зору ҳақир ўлдим санга.

Эй Аваз, ман не сифат қилмай гила<sup>72</sup> ушшоқ аро,  
Ким топарда кому мақсад дастгир<sup>73</sup> ўлдим санга.

\* \* \*

Вафоу меҳр эрур борҳо хисол манга,  
Нетонгки, етса агар ишқ аро камол манга.<sup>74</sup>

Нечук мурод ила мақсад топай жаҳон ичра,  
Ҳамиша толиъ эрур баҳт аро вубол манга.<sup>75</sup>

Рақиб хайли эрурким ганий бу оламда,  
Аларнинг атласидан аҳсан эски шол манга<sup>76</sup>.

Давомат ўлғусидир одатим вафо била меҳр.  
Етушгуси бу жиҳатлар била завол манга.

Агарчи зийнати кўп, жоми Жам<sup>77</sup> не ҳожатдур,  
Ки яхшидур топилса синуқ сафол манга.

Аваз, нетонгки, ул ой қоматини ҳажрида,  
Аламнинг остида қад бўлса бўйла дол<sup>78</sup> манга.

\* \* \*

Вафо қилмоқ экан ошиққа пеша ишқ бобинда,  
Ҳамул мазмунни мен кўрдим вафо аҳлин қитобинда<sup>79</sup>.

Давомат истама бу навъ вуслат сувиниким,  
Десанг қилмай ўзумни ташналаб ҳижрон саробинда.

Дило, доно эсанг қилмай тафаккур даҳр ашколин<sup>80</sup>,  
Ажойиб хосият бор мунқалаб қил<sup>81</sup> инқилобинда.

Рухи маҳбубким<sup>82</sup> олғуси эл ҳушин дегум бемисл,  
Ки йўқдур ушбу шева чархи гардон<sup>83</sup> офтобинда.

Жаҳон гар тийра бўлса, не ажаб, ушшоқ хайлиға  
Ким ушбудек хос, эй дўст, бор онинг ниқобинда.

Ажаб эрканки, кўз хира бўлиб жонон ниқобидин,  
Куяр парвонаваш жон, оҳқим, рафъи ҳижобинда<sup>84</sup>.

Гулоби оразининг бўйидин жон топғуси роҳат,  
Ҳамул иш йўқ атиббои<sup>85</sup> замоннинг ҳар гулобинда.

Ул ойким, бўйла суръат бирла кетти, муддай сори  
Онинг сирри хуфо бешакку зан<sup>86</sup> бордур шитобинда..

Аваз, найлай ҳамиша ман киби жавру жафо тортиб,  
Вафо қилмоқ экан ошиқға пеша ишқ бобинда.

\* \* \*

Оҳқим, май ичмадим бир кеча дилдорим била,  
Меҳрустар<sup>87</sup> меҳрибон шўхи севар ёрим била.

Мен нечук доғ ўлмайинким, шум рақиби бадсиёқ<sup>88</sup> —  
Ўлтурур ҳар шом ул шўхи ситамкорим била.

Маст ўлурлар борҳо ағёр хайли, эй кўнгул,  
Бодаи гулгун ичиб, ул чашми хунхорим била.

Найлар эрдим меҳрни<sup>89</sup>, бўлса мұяссар гар манго,  
Бир йўли базм этмак ул хуршиди рахшоним била.

Эй Аваз, ул бемуҳаббат бир хабар ҳам олмади,  
Ўлгали етдим фироқи ичра озорим била.

\* \* \*

Ваҳки, ҳамдам бўлмадим бир лаҳза жононим била,  
Кўнглум олғон дилбару шўхи сухандоним била.

Соате бир маскан ичра жоми саҳбо<sup>90</sup> ичмадим,  
Ул нигори сарв қомат лаъли хандоним била.

Аввало эрдим ҳамиша комрону комкор<sup>91</sup>  
Васл аро сармаст ўлуб ул чашми фаттоним била.

Неча йилдурким ютуб хуноби ҳасрат беадад,  
Жонима етдим<sup>92</sup> бу янглиғ доғи ҳижроним била.

Эй Аваз, бир умр тўлди васл аро маҳрум ўлуб,  
Саъй қилдим, етмадим мақсадға жоним била.

\* \* \*

Ераб, мұяссарму бўлур базм этмак ул дилбар била,  
Дарду аламни рафъ этиб доим маю соғар била.

Кўнглумда армон қолмагай бешак сабоҳу шом аро,  
Ҳаззу майшат айласам ул шўхи сийминбар била.

Бу нотавону хастани бўлғой насиби, ваҳ, қачон,  
Ишрат майнин нўш айламак ул лаблари шаккар била.

Эй ошиқи бехонумон, жондин керак кечмак санго,  
Ҳамсуҳбат ўлмоқ истасанг ул кўзлари кофар била.

Ул хўблар шоҳи била бўлмоқ тиларсан ҳамнишин,  
Шоҳлар ўлурму ҳамнишин афтодау аҳқар била<sup>93</sup>.

Эрмас баробар ҳусн аро лоф урса ҳар бир маҳлиқо,  
Оlamда, эйким бегумон ул орази анвар била.

Фамгин Авазға бир кеча масрур этарга хотирин,  
Ераб, муюссарму бўлур базм этмак ул дилбар била.

\* \* \*

Эйким, таманно айлама базм этмак ул жонон ила,  
Қим унс тутғайму пари суҳбат тузуб инсон ила<sup>94</sup>.

Бермай танингга тоза жон ул дилбари абру камон,  
Бал хаста жонинг олғуси бу нарғиси фаттон<sup>95</sup> ила.

Эй кимса, ошиқ бўлмаким, ишқ ичра ошиқ бўлғон эл  
Топмай муродин ёрдин ўлгуси юз армон ила.

Қай иш аро жононининг розилиғин қилса қиёс,  
Албатта ул ишни қилур ишқ аҳли юз минг жон ила.

Оқил кишига яхшидур зинданда сокин бўлғали,  
Ултурғанидин ҳамдаму дамсоз ўлуб нодон ила.<sup>96</sup>

Жону дилимда шавқ ўти сўзон<sup>97</sup> эрур, яксар<sup>98</sup> Аваз,  
Гардун қулоғин кар агар қилсам нетонг афғон ила.

\* \* \*

Кишиким қилса ишрат борҳо маҳпайкари бирла,  
Ичиб гулранг майни тобғуси ҳаз дилбари бирла.

Бўлур хушнуду хуррам танг кўнглини очиб асру<sup>99</sup>,  
Ким этса сайри боғ ушбу нафас сийминбари бирла.

Нетонгким, олса жоним кўзлари бедод этиб, лали,  
Берур ўлган баданга руҳ ширин сўзлари бирла.

Баробарлик жамолига янги ой айлади дерлар,  
Қилолғойму зарра баҳс меҳри ховари<sup>100</sup> бирла?

Агарчи жон-танимга баҳш қилса лабларин шаҳди,  
Вале ўлтургуси мужгонларининг ханжари бирла.

Ман этгум орзу беҳуда ёрим васлига етмак,  
На мумкин одам авлодига базм этмак пари бирла.

Нетар эрдим тилаб ҳайвон суйин<sup>101</sup> ичмакни, гар ул ой  
Аваз, комимни ширин қилса лаълин шаккари бирла.

\* \* \*

Эй кўнгул, гайриға рағбат айлама,  
Узни кўб побанди фурқат айлама.<sup>102</sup>

Истасанг оламда соғ ўлмоқ агар  
Дилраболарга муҳаббат айлама.

Узни айлаб шўхларга мубтало,  
Сўнгра бегоят надомат айлама.

Гар пушаймон ўлмайин десанг, яна  
Бўйла афъоли қабоҳат<sup>103</sup> айлама.

Ушбу дунё бебақодур, эй рафиқ,  
Ҳеч одамга маломат айлама.

Зоҳидосо гар ишинг бўлса риё,<sup>104</sup>  
Бу сифат бирла ибодат айлама.

Эй Аваз, оламда мақсад истасанг,  
Лаҳзае хоби фарогат айлама.

\* \* \*

Эй париваш, бевафолиг айлама,  
Ким кўп эмди пур жафолиг айлама.

Эйки, истарсан тарабни даҳр аро,  
Ишқ аро бедасту полиг айлама.<sup>105</sup>

Оқил эрсанг, асли ишқ ичра кириб,  
Нотавону бенаволиғ айлама.

Гар муродинг етмак эрса ёрга,  
Ғайри кўйида гадолиғ айлама.

Ким тариқи фақр аро солик эсанг,  
Хисрави кишваркушолиғ айлама.<sup>106</sup>

Эй Аваз, бўлсанг ғарибу нотавон  
Хону бойға ошнолиғ айлама.

\* \* \*

Бўлғуси, эй дил, мұяссар васли жонон, ғам ема,  
Ким они келмаклигига бордур имкон, ғам ема.

Топғуси тадбиғ субҳи васл бирла оқибат,  
Нечаким тул ўлса гар ҳам шоми ҳижрон, ғам ема.<sup>107</sup>

Кўзларинг Яъқубдек айлаб ҳамиша хунфишон,  
Юсуфинг бўлмас асири банди зиндон, ғам ема.<sup>108</sup>

Нўш қијсанг<sup>109</sup> ёр илгидин агар жоми тараб,<sup>110</sup>  
Дур сандин бўлғуси<sup>111</sup> андуҳи даврон, ғам ема.

Тири мужгони била қонинг тўкулса ҳар қачон,  
Бергуси лаъли лаби кайфияти жон, ғам ема.

Лайливашлар суҳбатингдин ижтиnob этган учун,<sup>112</sup>  
Ғам ёмишму эрди Мажнуни биёбон, ғам ема.

Ҳажр аро бўлсанг Аваздек бекасу ошуфтаҳол,<sup>113</sup>  
Бўлғуси, эй дил, мұяссар васли жонон, ғам ема.

\* \* \*

Фурқат аро ташлаб мени, эй шўхи дилдор, ўртама,  
Шамшири ғам бирла қилиб кўксумни афғор ўртама.

Гар хордин айрилса гул сўлғусидур, эй ёрким,  
Ҳамбазм бўлмоқдин манга изҳор этиб ор ўртама.

Етмишман ўлмакка яқин дарду ғамингнинг зўридин,  
Айлаб тараҳҳум ҳолима кўп, эй жафокор, ўртама.

Жоми тарабни нўш этиб, субҳи масо ғайри била,  
Рашк ила бағримни тилиб, эй маҳвashi ёр, ўртама.

Шум муддайнинг таъни ҳам оз эрмас эрди, сан доги  
Жонимға айлаб ҳар нафас юз турлук озор, ўртама.

Ишқ ичра расволик манга сабт айламиш килки қазо,  
Беҳуда айлаб, носиҳо, пандингни такрор ўртама.<sup>114</sup>

Дорушифойи васл<sup>115</sup> ила еткурмайин, жоно, даво,  
Айлаб Авазни ҳажр аро бир умр bemор ўртама.

\* \* \*

Жафо айлаб, нигоро, ошиқи зорингни ўлтурма,  
Чекиб тифи сиёсатни<sup>116</sup> вафодорингни ўлтурма.

Фироқинг ранжини доим асириман, аё дилбар,  
Етурмай они дармонини, bemорингни ўлтурма.

Бўлуб ушшоқи зоринг сидқи дилдин бўлмишам ёринг,  
Муҳаббат расмида бор эрсанг, зор ёрингни ўлтурма.

Аё ороми жону себ ғабғаб,<sup>117</sup> гулрухи барно,  
Қошинг шамшири бирла маҳви дийдорингни ўлтурма.

Ҳама ишқ аҳлини қатл айлаюб базми висол ичра,  
Санго ким деди, бўйла, шум ағёрингни ўлтурма.

Хумори васлинг ўлдум, ушбу соат кулбама келмай,  
Аё номеҳрибоним, келки, хумморингни ўлтурма.

Бўлуб сармасти саҳбо мубталойингман Авазосо,  
Жафо айлаб, нигоро, ошиқи хорингни ўлтурма.

\* \* \*

Эй гулрухи оромижон, хуш келдингиз, жон устина,  
Шафқат манга айлаб аён, хуш келдингиз, жон устина.

Эй дилрабон гулжабин,<sup>118</sup> ман хастаи бечорани  
Токим қилурға комрон, хуш келдингиз, жон устина.

Ман нотавоиӯ зорни, эй нозпарвар маҳлиқо,  
Ишқ ичра айлаб имтиҳон, хуш келдингиз, жон устина.

Эй хубларнинг сарвари, маҳзун эдим ҳажринг аро,  
Кўнглумни айлаб шодмон, хуш келдингиз, жон устина.

Эрдим давомат мунтазир айлаб назар йўлинг сори  
Эй сиймбар, ушбу замон, хуш келдингиз, жон устина.

Ҳажринг асири бўлмишам, эй маҳвashi барно, саңга,  
Ҳолим нечук айлай баён, хуш келдингиз, жон устина.

Мискин Авазни қилғоли мумтоз ушшоқ эли аро,  
Эй дилбари ҳуронишон<sup>119</sup>, хуш келдингиз, жон устина.

\* \* \*

Қўй, эй парипайкар, қадам, айлаб карам бош устина,  
Қаҳру ғазаб таркин қилиб, чин солмагил қош устина.<sup>120</sup>

Зоҳид ул ойдин ижтиносиган замон, аҳбобким,  
Гар тушса ўлгай ламъаи хуршид хуффош устина.<sup>121</sup>

Изҳор этиб бедоду кин ойинини бешак манга,  
Борсам изидин ул гўзал тош отгуси тош устина.

Ҳосидлиғ айлаб бу замон, ким берди, дер аҳли жаҳон,  
Кийса янги хилъат агар қашшоқу қаллош устіна.<sup>122</sup>

Гардуни дун зулму ситам озода элга қилғуси,  
Жавру жафо ойинини фош айлабон фош устина.

Бўйла муруватсиз замон аҳли эрурким, эй Аваз,  
Гар топса фурсат бергуси оғу қўшиб ош устина.

\* \* \*

Аё қосидлиғ илмида ягона,<sup>123</sup>  
Етур арзимни ул ороми жона.

Фироқ ичра кўзимдин тўkkанимни,  
Сиришк ўрнига қонлар дона-дона.

Қил олдида бориб бир-бир тақрир,<sup>124</sup>  
Бори шарҳи ғамим, қилмай баҳона.

Аё ушшоқ хайли, фанму билмон,  
Ситам ул маҳвashi номеҳрибона?

Дегил: сансиз Аваз етмиш ўларга,  
Танида қолмайин жондин нишона.

\* \* \*

Олди қароримни менинг бир ёшгина дилбаргина,  
Айлаб ҳалоким қасдига кирпикларин ништаргина.

Чашми сиёҳин ўйнотиб<sup>125</sup> ширин сўз ила олдотиб,  
Ушшоқ аро қилди мани девонаи бесаргина.

Не офат әрди билмадим олмоқға ошиқ кўнглини  
Ул нозанину маҳваниши дилдори сийминбаргина.

Найлай шакар бирла гуҳар таърифин айлабким, онинг —  
Бордур тиши гавҳаргина, лаъли лаби — шаккаргина.

Райхону анбарни нетай, аҳбобким, ул ёрни —  
Райхони тардек хатлари<sup>126</sup> ҳам кокили анбаргина.

Ақлу шикебимни адам қилмиш мани бир гулрухе  
Зулму жафопарваргина, жавру ситамгустаргина.<sup>127</sup>

Фанжу далолу<sup>128</sup> ишвау жилва била бу дам Аваз,  
Олгуси ҳушу тоқатим ул кўзлари кофаргина.

\* \* \*

Олди шикебу тоқатим бир маҳваниши жононгина,  
Мужгонлари — ўқ, қошлари — ё,<sup>129</sup> кўзлари — фаттонгина.

Олиб ниқобин ногаҳон базмимда ул ой юзидин  
Шавқи ўтига ўртаниб бағрим бўлур бирёнгина<sup>130</sup>.

Үлтурса чашми йўқ ғамим, чунким топарман тоза жон<sup>131</sup>  
Килса лаби жонбахшидин бир бўсае эҳсонгина.

Нозик әмишдуру хотири, то бўлмасун ул ой малул,  
Кўйи аро кўб чекмагил фарёд ила афғонгина.

Ошиқлар ичра гар мани маҳсуб қилса<sup>132</sup> ул гўзал,  
Қолмас эди кўнглум аро зарра киби армонгина.

Ранжи фироқидин онинг йўқ сиҳат имкони манго  
Гар сўрголи ҳолимни бир келмас эса пинҳонгина.

Жон нақдими иқдомига исор этар әрдим<sup>133</sup>, Аваз,  
Келса бу оқшом бўлғоли ман зорга меҳмонгина.

\* \* \*

Нигорим кетгали айлар баҳона,  
Ғам ўқиға мани айлар нишона.

Дедим: «Қилғил ҳадаф ман нотавонни  
Отарда новак ул абру камона»<sup>134</sup>.

Нузул этгуси ҳар дам чархи дундин  
Бошимға фитна хайли бекарона<sup>135</sup>.

Нетонгким, бандаси гар бўлса Зуҳра,  
Рубобу чанг ила қилғач тарона<sup>136</sup>.

Очиб ҳуснидин олам ранг-баранг гул,  
Фигоним қилгусидур булбулона.

Агарчи ҳусн аро маъшуқи олам,  
Вале мажлис тузарда ошиқона.

Кетарман деб рақиби шум сори  
Кўзимнинг қилди қон ёшин равона.

Пари эрдиму билмон ул дилором,  
Ки кўздин лаҳзада бўлди ниҳона.

Савор ўлгон чоги ноз ашҳабига<sup>137</sup>,  
Кўзимдин ашик тўқдим дона-дона.

Нечук зор ўлмайин ман бенавоким,  
Ул ўлса хўблар ичра ягона.

Аваз, гар дод қилсан, не ажабким,  
Бўлубдур мунқалиб аҳли замона<sup>138</sup>.

\* \* \*

Тараҳҳум қил мани маҳзуни зора,  
Аё кўнгли қотиг монанди хора<sup>139</sup>.

Фироқинг тиги бирла, эй жафожӯй,  
Бўлубдур сарбасар кўнглум чу ёра.

Бери келким, аё маҳ, сандин ўзга  
Кўнгулнинг майли йўқ ҳеч бир нигора.

Жудолиғ ханжаридин, эй ситамгар,  
Фами ҳажрингда сийнам-пора-пора.

Мани дарёи меҳнат ғарқа айлаб,  
Нечун, жоно, ўзинг чекдинг канора<sup>140</sup>!

Қилиб лутфу карам бу лаҳза, соқий,  
Қадаҳ сун ман ҳазину бадхумора.

Топиб комин, Аваз, оламда аҳбоб,  
Осилсун душманимнинг хайли дора.

\* \* \*

Ушшоқ эли қошларининг ёсидаадур, а?  
Эҳёлиғи ҳам лаълини анфосидаадур, а?<sup>141</sup>

Не олам ичин мушки муваттар қачон айлар,  
Бу хислат онинг зулфи мутарросидаадур,<sup>142</sup> а?

Не кун қиласур тийра куним равшану пурнур,  
Ёрутмоқ они ҳусни мусофифосидаадур, а?

Даҳр аҳли дилин қумри киби вола қилурга,  
Ҳар ёнга равонлиғ қади зебосидаадур, а?

Ошиқ биладур ҳар сори ёри қарагон чоғ  
Нега қарайинким они савдосидаадур, а?

Жонимни бериб етсам анго ман не ажабким,  
Борча анго етмакни таманиносидаадур, а?

Билгилки, Аваз, ушбу жаҳон шўхларини,  
Минг сирри ниҳон кўзларин имосидаадур, а?

\* \* \*

Кўнглум агар ғайри сори майлу тақозо айласа,  
Куйсун ғам ўтиға, ўзин ғайриға шайдо айласа.

Лол ўлсун-ўқ нутқим<sup>143</sup> агар икки жаҳон ичра ўзин,  
Эй шўх, сандин ўзганинг васфида гўё<sup>144</sup> айласа.

Ғайри париваш сорига рағбат қилиб, эй маҳлиқо,  
Кўз хира бўлсун гар юзинг кўрмай табарро айласа.<sup>145</sup>

Бир умр кўнглум ўртониб, армонда бўлсун, эй пари,  
Мойил бўлуб кавнайн аро<sup>146</sup> ғайриға парво айласа.

Бенур ўлуб чиқсун кўзум ҳижронинг ичра, эй гўзал,  
Гар ўзга бир оромижон ҳуснин тамошо айласа.

Кому муродин топмасун икки жаҳонда ҳар киши,  
Гар гайрининг ишқи била ўзини расво айласа.

Топғай әдим ҳаззу фараҳ<sup>147</sup> беҳадду сон, ман сорига —  
Ул дилбари барно, Аваз, бир нома иншо айласа.<sup>148</sup>

\* \* \*

Ваҳ, найлайнин, мажлис тузуб ул шўхи дилбар бўлмаса,  
Ким нўши жон этмак учун саҳбову соғар бўлмаса.

Тийра кўзимни айлагай равшан не моҳу офтоб,  
Ҳусн авжида ул орази хуршиди анвар бўлмаса.

Комимни ширин этмагай ҳайвон суйи бирла шакар,  
Бал шарбати ҳайвон доги, ул лаъли шаккар бўлмаса.

Ҳур<sup>149</sup> ила ғилмон<sup>150</sup> сұҳбатин кўнглум не наў этсун ҳавас  
Ҳамсуҳбату ҳамдам манга ул ҳурпайкар бўлмаса.

Ким дегуси яхши киши аҳли замон ичра сани,  
Эй кимса, ёнингда басе гар сийм ила зар<sup>151</sup> бўлмаса.

Масрур ўлур кўнглум нечук, аҳбоб, ушбу базм аро,  
Үлтурғучи ўйнаб-кулуб ул нозпарвар бўлмаса.

Ё раб, қачон етгусидур маҳзун Аваз мақсудига,  
Гар Хизри алтофинг<sup>152</sup> анга бу йўлда раҳбар бўлмаса.

\* \* \*

Базми дилбар хушдурур ошиқға ағёр ўлмаса,  
Ўйлаким булбулға гул атрофида хор ўлмаса.

Ёр номус этмасунким касрати ушшоқидин,  
Ҳар матое камбаҳо бўлгай харидор ўлмаса.<sup>153</sup>

Қим вафову меҳр расмин тутғай өрди ишқ аро,  
Нозанинларға жафоу жавр атвор ўлмаса?

Ҳар кишиким ошиқи содиқ эмасдур борҳо,  
Чекмак иши меҳнату андуҳу озор ўлмаса.

Жон қачон топғай ўлук жисмим висоли ёр аро,  
Ошкоро лаълидин жонбахш гуфтор ўлмаса.<sup>154</sup>

Оқким, маҳзун кўнгул ноком бўлғайму эди,  
Ёр ҳажр домига бўйла гирифтор ўлмаса.

Нолау оҳи Авазнинг кўк сари чиқғай қачон,  
Бир чаманрухсор ишқиға сазовор ўлмаса.

\* \* \*

Не хушдир ҳар кишиким кўнгли севган ёр ила бўлса,  
Очиб айшу тараб бобини бир дилдор ила бўлса.

Кўнгулда қолмоғи мумкин эмасдур заррача кулфат,  
Ҳамиша кимса мунис бир шакаргуфтор ила бўлса.

Бу мавсумда нишот жашни<sup>155</sup> асбобини соз айлаб,  
Хуши, улким мудомо ошиқи дийдор ила бўлса.

Халос ўлғусидир албатта даврон можаросидин,  
Қаю эл ишрат айлаб соғари саршор<sup>156</sup> ила бўлса.

Жафои ҷархи қажрав етмагай, аҳбоб анго ҳарғиз  
Кимиким базм аро бир сарви хушрафтор ила бўлса.

Не суд ўлғуси охир ташлаб они озим ўлғунгдур,  
Фузун умринг<sup>157</sup> доги сийми зари бисёр ила бўлса.

Баҳор айёми, эй мискин Аваз, тун-кун ичиб-саҳбо,  
Не хушдур ҳар кишиким, кўнгли севган ёр ила бўлса.

\* \* \*

Ҳар кишини дилбари номеҳрибон чолок эса,  
Не ажабким, ўйла одам борҳо ғамнок эса.

Ёрни важҳи қилур мол ила жоним қасдини,  
Бошима ёғдургучи сангни ситам афлок эса.

Ман ҳазинни кулбаси бўйла бузуқ, айб айламанг,  
Чунки булбул ошёни хас била хошок эса.

Тарки ишқ эт, эй биродар, гар санго олам аро  
Меҳнату андуҳу қулфатни чекардин бок<sup>158</sup> эса.

Дофеи олому ғамдур, бода сунким, соқиё,  
Жумлаи асмум муҳлик дофеи тарёк эса<sup>159</sup>.

Тонг эмаским, ҳажр асири бўлғон ошиқни мудом,  
Хотири ошуфтау ҳам сийнаси минг чок эса.

Эй Аваз, дилдордин ишқ аҳли айру бок йўқ,  
Қалби ношоду ҳамиша кўзлари наминок<sup>160</sup> эса.

\* \* \*

Нозаниним не ажаб ҳар дам манга ноз айласа,  
Токи бу ишдин мани ишқ ичра мумтоз айласа.

Лаб тақаллумға очиб ман ҳам топарман тоза жон,  
Жўмлаи ушшоқига жон бермак оғоз айласа.

Ҳалқни озоридин асло шикоят қилмагай,  
Ҳар кишини лутф этиб ёри сарафroz айласа.

Чашми ҳам жаллодлиғ кўп кўргузар, кўр турфаким,  
Ҳар қачон зоҳир ул ой Ҳисодек эъжоз айласа.<sup>161</sup>

Зуҳра кўк узра урар раққос соз олған ҳамон,  
ЛАъли ширини агар лаҳни фалактоз айласа.<sup>162</sup>

Бўлгуси албатта доми ишқ бирла пойбанд,<sup>163</sup>  
Жон қуши гар ёр кўйин сори парвоз айласа.

Хотири ошуфтадурким айб қилманг, дўстлар;  
Гар Аваз шоҳ хизматини ушбу йил оз айласа.

\* \* \*

Жонимға ўт тушсун, агар ғайриға парво<sup>164</sup> айласа,  
Кўз доғи чиқсан ўзганинг ҳуснин тамошо айласа.

Офатни помоли<sup>165</sup> бўлуб қолсун бошим ҳажринг аро  
Эй дилрабо, тарки ғами ошубу савдо айласа.

Дилким, ҳамиша ҳажр аро ошуфта бўлсун, эй пари  
Гар ўзга бир маҳваш сори майлу тақозо айласа.

Кўнглумга таъсир этмагай, аҳбоб хайли, заррае  
Ғайри парипайкар агар минг ишва барпо айласа.

Ушшоқ хайли борҳо бўлсун гаронжону ҳазин,<sup>166</sup>  
Гар ўзни онлар ўзганинг ишқида шайдо айласа.

Ул шўхваш маҳлиқо, топғой, дедим, умри абад,  
Ширин тилини сўрдуруб бир бўса ато айласа..

Маҳзун Авазким бордуур ул мөдни ишқиға асир  
Тонг йўқки, ул доим ўзин халқ ичра расво айласа.

\* \* \*

Гул олса қўлға жонон даста-даста,  
Юракда боғланур қон даста-даста.

Жамоли ёрдин гуллар уёлиб,  
Қилур чоки гирибон даста-даста.<sup>167</sup>

Агар гул боғласа гесуӣ бирла,  
Онингдек боғланур жон даста-даста.

Кўруб лаълин, топиб файз этгусидур,  
Лабини ғунча хандон даста-даста.

Ул ой келтиридиму мажлисда, билмон,  
Гул ўлмишдур намоён даста-даста.

Париващлар, ёқиб булбул ичини,  
Қилурлар гулни ҳар ён даста-даста.

Қишиким ҳар иш айлар, чунки кулча  
Емакка ўлса полвон даста-даста.

Чекар наргис хижолат, олса ногаҳ  
Гул ар ул чашми фаттон даста-даста.

Аваз, рашк айлама ер деб фалони,  
Агар сен ҳам есанг нон даста-даста.

\* \* \*

Вафо расмин тутуб ул дилрабо оҳиста-оҳиста,  
Жафо таркини ҳам айлар, хушо<sup>168</sup> оҳиста-оҳиста,

Фироқидин ҳаётим мунқатеъ эрди ҳаёт ичра,  
Етурди тоза жон лаъли яно оҳиста-оҳиста.

Оёқиға қўюб бошим, дедимким, олам аҳлиға,  
Басе аъдо қилур розим фишо оҳиста-оҳиста<sup>169</sup>.

Деди: «Эй нотавоним, ғам ема ағёр хайлидин,  
Шикебу сабр қил, бўлғум жудо оҳиста-оҳиста».

Басе саъб эрдї дардим лаъли ёдида,<sup>170</sup> биҳамдиллаҳ,  
Лаби шурби<sup>171</sup> била қилди даво оҳиста-оҳиста.

Эрур базм аҳли сомеъ, дилкушо соз устин тиҳмай,  
Чек, эй мутриб, суруди жонфиزو оҳиста-оҳиста.<sup>172</sup>

Агар ҳар ошиқеким ишқ аро событқадам бўлса,  
Аваз, бешак бўлур коми раво<sup>173</sup> оҳиста-оҳиста.

\* \* \*

Агар оқил эсанг, эй бенаво, бир ўзга ёр иста,  
Вафодору мурувватлиғ, муҳаббатлиғ нигор иста.

Ўзингни қилғоли қумри била булбулдек ошуфта,  
Сочи сунбул, қади шамшод, сарви гулъузор иста.

Агар топсанг тараҳум қилғоли бир шўхи барнони,  
Висоли шарбатидин дофеъи ранжи хумор иста.

Агарчи кўбдурур бадмехр маҳбублар жаҳон ичра,  
Валекин истар эрсанг, раҳмдиллиғ ғамгусор иста.

Аё ушвоқ элин фарзонаси, субҳу масо ичра,  
Онингдек ёр васлини бўлуб беихтиёр иста.

Қаю маҳбубким, гар ваъдаси чин ўлса сан они,  
Фироқ ичра қилиб қалбингни сартосар фигор<sup>174</sup> иста.

Аваз, топмоқ муродинг истасанг бир меҳргустарни,  
Бошига то қилурга нақди жонингни нисор иста.

\* \* \*

Қачон чеккай фифон қумри бу зори нотавонингча?  
Ки сарви борму зебо қомати сарви равонингча?!

Агарчи гул уза сунбул муфарриҳдур,<sup>175</sup> vale эрмас  
Жамолинг узра тушган кокили анбарфишонингча.

Недин зулмат аро пинҳон бўлубдур чашмаи ҳайвон,<sup>176</sup>  
Агар жонпарвар эрса нуктаи ширин даҳонингча?<sup>177</sup>

Ниҳоятсиз эрур нозик агарчи соchlаринг тори,  
Вале эрмас назокатликда ул нозик миёнингча.<sup>178</sup>

Ажал минг йил ҳалойиқ қасди жонин этса ҳам бўлмас,  
Аён кўз остида бўлғон бир имон ниҳонингча.

Нетай фирдавси ризвонни<sup>179</sup> мани бечора ожизким,  
Манга ул файз бермас эмди кўйи гулистонингча.

Агарчи ҳурвашлар эй Аваз, кўпдур жаҳон ичра,  
Вале кўнглумга марғуб эрмас ул ҳуронишонингча.

\* \* \*

Дилкаш эмас гулшанда гул ул шўхнинг рухсорича,  
Афғони булбул бўлмағай ман хаста оҳу зорича.

Фирдавси аълонинг<sup>180</sup> гулин васф этма, эй воиз, манго,  
Ким кўзга илмасман они дилдор кўйи хорича.

Жон берса ўлган жисмима, ваҳ, не ажаб аҳбобким,  
Эрмас Масиҳо мўъжизи лаъли лаби гуфторича.

Вуслат куни<sup>181</sup> айшу тараб беҳадду сон айлар эдим,  
Энди фироқида ғамим ҳар дам бор онинг борича.

Шаксиз, аё аҳбоб эли, фикр айласам ишқ аҳлига,  
Нори жаҳаннам ҳам эмас андуҳи ҳижрон норича<sup>182</sup>.

Борму жаҳон мулки аро ул дилрабоу ёрни  
Ҳажрида бемор ўлғон эл, ёраб, мени беморича?

Қил ишқ таркинким, Аваз, маҳбубларни бўлмоғой,  
Васлида қилғон шафқати ҳижрондаги озорича.

\* \* \*

Бу оқшом соқиё, базингда ман меҳмон тонг отғунча,  
Паёпай бода тут беҳадду бепоён тонг отғунча<sup>183</sup>.

Не тонгким тоза жон топса ўлук жисмим бу тун ичра,  
Насибам кавсар ила шарбати ҳайвон тонг отғунча.

Дамодам тўккуси хунобаи ҳасрат тонг эрмаским,  
Агар кўз мардумидур<sup>184</sup> ғарқаи тўфон тонг отғунча.

Биродарлар, лаби ҳажрида ҳасрат бирла йиғларман,  
Оқиб ёш ўрнига икки кўзумдин қон тонг отғунча.

Не ғам оламни сув олса, аё аҳбоб эли, бўлса —  
Манго ҳамдам ҳамул сийминбари жонон тонг отғунча,

Ғамим йўқ бўлғусидур ғамгусорим бўлса бу соат,  
Кулуб ўйнаб, қилиб ишва фалонижон тонг отғунча.

Бўлубдур ёр рухсори гули ҳумро, биродарким,  
Не тонг чексам агар булбул киби афғон тонг отғунча.

Манго бўл муниси жон, эй нигори шўхи бепарво,  
Қилурға бўсалар инъому ҳам эҳсон тонг отғунча.

Аваз ёнглиғ мани сармаст қил соғар бериб тинмай,  
Бу оқшом соқиё, базмингда ман меҳмон тонг отғунча.

\* \* \*

Дило, дохил эсанг аҳли вафога,<sup>185</sup>  
Жафога рози бўл, сабр эт балоға.

Бўлуб бир ёр ишқида ғирифттор,  
Қолибурсан туганмас можарога.

Қарору тоқатинг маъдум бўлмиш,  
Тушуб ҳажрида юз минг ибтилога.

Фигонким, пеша бўлмишдур ҳамиша,  
Шиор этмак ситам ул дилрабоға.

Билолмайманки қайдин дўш бўлди<sup>186</sup>,  
Бу савдолар мани бахти қарога.

Дариғо, бўйла эрмиш сарнавиштинг<sup>187</sup>,  
Топилмас чора тақдири худоға.

Аваз ёнглиғ даме тинмай шабу рўз,  
Фигонинг ўт урар авжи самоға.

\* \* \*

Эмас яхши қўнгул бермак жафожў дилраболарға,  
Ки раҳм этмас алар ушшоқи зору мубталоларға.

Висоли ёрни истаб басе мушкулдур ошиқға,  
Фироқи ичра сабр этмак ғаму дарду балоларға.

Нетай ул бемуҳаббат ишқида то бўлғоли шайдо,  
Гирифттор ўлмишам ҳажрида беҳад ибтилоларға.

Бўлуб бегоналарни ошноси ул жафогустар<sup>188</sup>,  
Қилур бегоналиғ расмини доим ошноларга.

Муяссар қилмасанг, ёраб, бу лаҳза иттисолинким,<sup>189</sup>  
Қолибман ҳажр оқшомида юз минг можароларга.

Қарам қил ман ҳазинингға бу дам, эй шоҳи хубонким,  
Муносиб гар шаҳаншоҳ айлача эҳсон гадоларга.

Туну кун, эй Аваз, ул маҳ манго қаҳру ғазаб қилди,  
Агар сан оқил әрсанг ошиқ ўлма дилраболарга.

\* \* \*

Ҳар кишининг дарди ўлса, арз қилсун ёрга,  
Қолмағай токим ҳамиша ҳажр аро озорга.

Шояд айлаб раҳм<sup>190</sup> аҳволига ёри васл аро,  
Майлу рағбат қилмағай ихлос ила ағёрга.

Эй кўнгул, ошуфтасан, ажз ила изҳор айлагил,  
Нечаким ноз этса ҳам ул зулфи анбарборга.

Эйки, истарсан давомат даҳр ишқи беҳжатин,  
Чек миҳан, гулшанда гул пайванд бўлмиш хорға.<sup>191</sup>

Қилмағил дашном, эй оромижон, ғайриғаким,  
Берса бўлмас под заҳри талх ҳар беморға.<sup>192</sup>

Ихтиёр этма қўлингдин келмас ишни даҳр аро,  
Ким недин таъну маломат эл қилур беорға.

Эй Аваз, наэмингда келтурма ҳар эл алфозини,  
Ким баробарлиғ садаф қилмас дури шаҳворға.

\* \* \*

Эй дилбари номеҳрибон, раҳм айлагил ман зорға  
Ким қолмишам ҳажринг аро юз минг туман озорға.

Тонг йўқ раҳолиғ<sup>193</sup> топмасам бир дам жафоу жаврдин,  
Ким бўлмишам мафтун басе ул пуржафо дилдорға.

Бўлса насибим борҳо бедод кўрмак не ажаб,  
Ким одат ўлмиш зулму кин ул нарғиси хунхорға.

Ақлу шикебу сабрни маъдум билкулл айлади,<sup>194</sup>  
Ким зору шайдо бўлса ул шўх пари рухсорға.

Ҳажрида кулфат бирла ғам доим насибим, ваҳ, бўлуб  
Васли аро ишрат насиб ағёри шум дийдорға.

Соз айласа олғусидур мандин хирад мутриб магар,  
Ёримни зулфи торидин тор этдимуса торға.

Қилмас тараҳҳум, эй Аваз, ул сангдил<sup>195</sup> жаллодкӯз,  
Айлаб ситам узра ситам кўзлари хунборға.

\* \* \*

Бу оқшом меҳру шафқат расмин ул оромижон айлаб,  
Келиб кулбамда маъво қияди дилбарлик аён айлаб.

Қилиб қасди ҳалоким, ул кўзи жаллод ман сори  
Отар мужгон ўқини қошларин чунким камон айлаб.

Фироқи бирла бўлган тийра чашмим равшан этмакка,  
Ниқоб олди юзидин оразин хуршидсон айлаб.<sup>196</sup>

Келиб кошонам ичра кирдию ёнимда ўлтиридӣ,  
Ҳароб ҳолим сўрарга ёр лаълин дурфишон айлаб.

Деди: Эй, бекасим, ҳижрон жафосидин нечукдурсан?  
Дегил, ҳолинг борик ёширмайин, мендин ниҳон айлаб.

Дедимким: Қайси дардим сўргунг эмди, эй ситамгустар,  
Тушиб фурқат қаро шоми аро бағримни қон айлаб?

Аваз, тут хотиринг хуррамки, келдим, деди ул дилбар,  
Муродим ҳосил айларга, не эрса комрон айлаб.

\* \* \*

Ҳазин кўнглумни тиндири мас нигорим бир вафо айлаб,  
Муруват бирла шафқат расмини зоҳир манго айлаб.

Муҳаббат айламас ман хастау зорига ул дилбар,  
Давомат қаҳру бедоду ситам бирла жафо айлаб.

Вафо ул навъ қочмиш ул ситамгардину гар ман ҳам,  
Қоча олсан, ҳавас ишқин яна этмон хато айлаб.

Висоли роҳатидин айлади навмид ҳажр ичра,  
Ишим чекмак ҳамиша меҳнату ранжу ано айлаб.

Дуое бирла не навъ қиласай сухбат таманносин,  
Ки йўқдур ишқ дардидин қутулғон эл дуо айлаб.

Талаб қилғум давомат ул париваш марҳами васлин,  
Фироқи ханжари кўксумни сарто сар<sup>197</sup> яро айлаб.

Не ёнглиғ телба кўнглум ишқ таркин айласун, эйким,  
Ҳамул савдони сотқун олди жон нақдин баҳо айлаб.

Кўнгул узмиш, фиғонким, ман ҳазинидин ҳамул маҳваш<sup>198</sup>  
Рақиби шум хайли бирла ўзни ошно айлаб.

Аваз, маҳбублардин истама мақсуди дил ҳаргиз,  
Ки ман комим алардин топмадим жоним фидо айлаб.

\* \* \*

Биҳамдиллаҳки, келди дилбарим тарки жафо айлаб,  
Адову ишва бирла юз очиб меҳру вафо айлаб.

Узуб әрди кўнгул мен нотавону зору бекасдин,  
Ўзин ул маҳлиқо шум муддаийга<sup>199</sup> ошно айлаб.

Агар алтоф ила ҳолимни сўрса ёрима тонг йўқ,  
Муҳаббат зоҳир этсам хаста жонимни фидо айлаб.

Деди: Ҳолинг нечук тортиб балиятларни ҳажримда?  
Табассум фош этиб ул ёр ноз ила адо айлаб.

Дедим ман кўзларим ашкин тўкуб ул шўхи маҳвашга:  
— Фироқинг ўлгали еткурди кўнглумни яро айлаб.

Аваз бечорани ўлмакка еткурди, аё аҳбоб,  
Рақиби рўсияҳлар хайли<sup>200</sup> ёридин жудо айлаб.

\* \* \*

Раҳм қил аҳволима, эй нўшлаб,  
Ҳажр аро доим танима тобу таб.<sup>201</sup>

Васл шурбига етурким, юрмишам —  
Ҳажр муҳлик дашти ичра ташналаб.

Муддаий жонин ёқиб рашқ ўтиға,  
Ман била қилмоққа кел айшу тараб.

Гарчи лутфу меҳр этиб ағёрға,  
Лек қилғунгдур манга қаҳру ғазаб.

Гул била хор ҳамнишиндур, дилбарим,  
Файриға ёр ўлсанг эрмас бесабаб.

Эй Аваз, кечмак керакдур жонидин,  
Қилғон элга ёр васлини талаб.

\* \* \*

Фозадин келди бериб рухсориға дилдор зеб,<sup>202</sup>  
Үйлаким гул ғунчасидин топғуси гулзор зеб.

Топса зийнат муддаиӣ бирла ул ой, не айбким,  
Эй биродар, боғ аро гул бирла топғай хор зеб.

Ул паривашға жаҳон аҳлиң қилурға мубтало,  
Холу ҳат бирла топибдур лаъли шаккарбор зеб.

Ёр зулфини тараарда жонлар айлар изтироб,  
Чек қўл, эй машшота,<sup>203</sup> мунча негадур даркор зеб.

Ҳусни бетимсоли янглиғ, эй кўнгул, олам аро  
Ул паривашға эрур афъол ила атвон зеб.

Ул бути ошуби давроним ўзига бергуси  
Қилғали жону кўнгулларни асиру зор, зеб.

Эй Аваз, албатта бўлғуси гумонсиз дилкушо,  
Топса мазмуни дақиқот<sup>204</sup> ила гар ашъор<sup>205</sup> зеб.

\* \* \*

Шодмон этти мени базмим аро ёр келиб,  
Лола ранг шиша била соғари саршор келиб.

Тийра шоми ғам аро қолмиш эдим ушбу нафас,  
Айлади равшан ҳамул меҳри нур анвор келиб.

Ўлғали етмиш эдим ҳажри балосини чекиб,  
Берди жони тозадин ул мўъжиза гуфтор келиб.

Қилғали токи мени бергусидур ширин ком,  
Шаҳди лаълидин<sup>206</sup> ҳамул лаъли шаккарбор келиб.

Олди орому қароримни алимдин билкул,  
Юз туман ишва билан ул кўзи айёр келиб.

Авазо, шодмон қилди бу соат ичра,  
Ман сори ул ёри вафодор келиб.

\* \* \*

Эй менинг кўнглумни олғон нозу ишва кўрсотиб,  
Хусн аро бўлмас сани ҳеч дилрабоға ўхшотиб.

Кўзларимга даҳрни яксар қоронғу айладинг,  
Оразинг меҳри уза шабранг зулфинг бутротиб.<sup>207</sup>

Барча элни зору шайдо этдинг, эй оромижон,  
Минг адову ғанж ила қошу кўзингни ўйнотиб.

Ул парирў нозаниним қошларининг ёсидин,  
Яксар афгор этгуси кўнглум нигоҳ ўқин отиб.

Сунганидин яхшироқдур ҳавзи кавсар шарбатин,  
Соғаре сунса нигорим гар манга бу дам тотиб.

Эй Аваз, бу чархи дун ком истаганнинг жомига  
Бергусидур оқибат нокомлиғ заҳрин<sup>208</sup> қотиб...

\* \* \*

Дедим: «Дилимга солма ўт қошу кўзингни ўйнотиб»,  
Дедики: «Бил, қилғум ҳадаф они далол<sup>209</sup> ўқин отиб».

Дедим: «Не бўлғай оразинг хуршидидин олсанг ниқоб?»  
Деди: «Нетарсан заррадек ожиз танингни титротиб?»

Дедим: «Манинг бирла келиб ёт эмди ҳамоғуш<sup>210</sup> ўлуб».«  
Деди: «Ҳамиша ман била не ҳаз топар эрдинг ётиб?!»

Дедим: «Не важҳдин даҳрни тутмишдуур анбар иси?»  
Деди: «Юзумга эл солур шабранг зулғим торқотиб».

Дедим: «Ҳамиша коми дил сандин тилярман ман ҳазин»,  
Деди: «Бори коминг раво бу тун қилурман ўхшотиб».

Дедим: «Жамолингдин олиб бурқа<sup>211</sup> қаро шомим ёрут»,  
Деди: «Не қилғунг оразим ўтиға жонинг ўртотиб?»

Дедим: «Рақиби шум Аваз бечорага айлар азоб»,  
Деди: «Берур, оре<sup>212</sup> ситам отганда гул хори ботиб».

\* \* \*

Сан май ичсанг файр ила ман қон ютарман, эй ҳабиб,  
Қолмайин күнглумда бас ором ила сабру шикеб.

Ваҳки, мен куйдум муҳаббат ўтиға, сарто ба по,<sup>213</sup>  
Не ажаб, жону дилим қул бўлса, жоно, анқариб.<sup>214</sup>

Айб эмасдур хонумонимдин жудо бўлсам агар,  
Ким кули гулхан бўлур манзилгоҳи зору ғариб.

Ер рухсорин кўруб гар нола қилсам не ажаб,  
Ким қилур гул фаслида фарёду афғон андалиб.<sup>215</sup>

Не сифат ул чашми жодудин топай комимниким,  
Ман киби ҳар кун туман ошиқға бергуси фиреб.

Мол ила жондин кечиб васлим тилармен, тонг эмас,  
Ким фироқи меҳнатин чекмак манго бўлмиш насиб.

Дилкашу аҳмар эмас дилдор пистони киби,  
Этмагил, эй боғон, ҳаргиз манго таърифи себ.<sup>216</sup>

Келгали аҳд айлаб эрди ушбу соат келмади,  
Бўлғон ўхшайдур анго монеъ келур ҷоғда рақиб.

Не ажаб бўлсам Аваздек чеккучи дарду алам  
Ким манинг дардимга йўқдур қилғучи дармон табиб.

\* \* \*

Бу дам ёрим олса юзидин ниқоб,  
Бўлур заррадек нопадид офтоб.<sup>217</sup>

Яна тори гисусин очса агар,  
Тушар сумбул аъзосига печутоб.<sup>218</sup>

Кўруб оташин юз<sup>219</sup> била лаълини,  
Гулистондадур лола бағри кабоб.

Ҳаво сори учғуси жонлар қуши,  
Лабин холин истагидин беҳисоб.

Жаҳон ичра ҳар гулрухи нозанин  
Анинг олдида қилғуси изтироб.

Бўлур чашми нарғисга уйқу ҳаром,  
Кўзи айласа боғ аро майли хоб.<sup>220</sup>

Не ҳажриға поён<sup>221</sup> бор они Аваз,  
Висоли қилур умр янглиғ шитоб.

\* \* \*

Ҳажр ўти қилди дилу жонимни сарто сар кабоб,  
Еткуруб ҳар лаҳзада ман телбага беҳад азоб.

То мени бир бевафо бетоби ҳижрон айлади,  
Айлауб ман нотавону хаста дилдин ижтиноб.

Кўзларим гирёну бағримни қароқон этгали,  
Файр бирла ул париваш қилди ошоми шароб.<sup>222</sup>

Бахт вожун, дард афзун қилғали<sup>223</sup> олам аро,  
Ул ситамгар қилғуси доим манга қаҳру итоб.

Баски ул золим кўнглимни беҳол айласа,  
Не сифат бўлмас сиришким бирла бу олам хароб.

Даҳр аро мандек бирор фурқатга дучор ўлмасун,  
Ким жудолик меҳнату андуҳи бордур беҳисоб.

Ҳеч ким онинг дарди ишқидин хабардор ўлмагай,  
Эй Авазким, айлади ул шева чашмимни пуроб.<sup>224</sup>

\* \* \*

Кел ман сари алтоф ила, эй гулрухи олижаноб,  
Токим бўлай васлинг аро роҳатмаобу комёб.<sup>225</sup>

Кўнглимда бордур оразинг кўрмак таманиси басе,  
Айлаб иноёту карам, эй шўх, ол андин ниқоб.

Манким, қилурман мол ила жонимни йўлингда фидо,  
Ишқим аро содик, деюб гар айласанг басдур хитоб.

Тонг йўқки, сепсам йўлингга сув ашкдин, эй дилрабо,  
Хижрон аро дарду алам чашмимни қилғуси пуроб.

Лаъл ила гавҳарни нетай, гар сан эмассан ёварим,  
Эй маҳлиқо, қиммат аро ҳар бир каломинг дурри ноб.<sup>228</sup>

Оlam гулистони аро ҳар ишни қилмай орзу,  
Воқиф ўл, эй маҳзун Аваз, қилғуси даврон инқилоб.

\* \* \*

Ул ойнинг ҳажрида ҳолим эрур хароб-хароб,  
Бўлуб ҳамиша насибим ғаму азоб-азоб.

Фироқ шиддати бирла ўлуб ажаб эрмас  
Йўлида жисми низорим эса туроб-туроб.<sup>227</sup>

Қилурға асрү ҳаззу ишрат, эй биродарлар,  
Ғанимат ўлғусидур мавсуми шабоб-шабоб<sup>228</sup>.

Хушо, ҳамулки, ҳузн дил висол умиди била  
Фироқ ўтиға бағри эмиш кабоб-кабоб.

Етар висолига гаҳ кўйининг ити, басдур  
Нигорим айласа андин мани ҳисоб-ҳисоб.

Аё муҳаббат эли, базм аро нигор элидин  
Келинг ичарга ҳама лаъланг шароб-шароб.

Аваз ғазал деса бу навъ тинмайин ҳар дам,  
Ҳар ҳафта ичтар бир улуғ китоб-китоб.

\* \* \*

Қачонким, ул паривашга гирифтор ўлдим, эй аҳбоб,  
Туман олому оғатга сазовор ўлдум, эй аҳбоб.

Бу янглиғ бениҳоят ранжу меҳнат чеккали доим  
Асири зори ул ёри жафокор ўлдим, эй аҳбоб.

Бори умри аро чекмак иши ул зулмгустардин,  
Жафову жавру зулму кину озор ўлдим, эй аҳбоб.

Келиб ўлтурса ўлтурсун ҳамул ёри ситампарвар,  
Нетай жонимни, ондин чунки безор ўлдим, эй аҳбоб.

Фироқи өқшомида ғам чекиб беҳадду беғоят,  
Висоли орзуси бирла бемор ўлдим, эй аҳбоб.

Бўлуб бу дайри кажбуни<sup>229</sup> аро маҳмуру ошуфга,  
Не бир дам май ичиб сармасту саршор ўлдим, эй аҳбоб.

Аваздек ўзни қилмоққа аламлар қайдига побаст,<sup>230</sup>  
Ажойиб бир жафогустарга дучор ўлдум, эй аҳбоб.

\* \* \*

Дилбаримнинг бор манга атвори хўб,  
Ҳам адову ишваю рафтори хўб.

Бўлгуси албатта мандек бешикиб,  
Кимнинг эрса ҳусн аро дилдори хўб.

Ошиқи содиқнинг, эй аҳбоб өли,  
Бор ҳақиқатда бари кирдори хўб.

Ҳурдин ҳам ишқ хайли кўзига,  
Кўринур бешак ўзининг ёри хўб.

Қўрмагай асло ғаму меҳнат юзин,  
Қайси ошиқнинг эса ғамхори хўб.

Эй Аваз, бор жўмлаи девон<sup>231</sup> аро,  
Хўблигда ул иков гуфтори хўб.

\* \* \*

Сўрмади ҳолимни, ёраб, ошнолардин бирор,  
Ул муруватсиз ситамгар, бевафолардин бирор.

Ер кўйида қилиб ғаммозлиқ изҳорини,<sup>232</sup>  
Солди бошимга қаро кун пуржафолардин бирор.

Айб эмаским, айласа гар таън жумла эл манга,  
Кўрмади ҳажр ичра ман кўрган балолардин бирор.

Баски қилди жавру зулму қаҳру кину ҳам итоб  
Бовар айлаб ғайр сўзин дилраболардин бирор.

Ноз ила ажзу ниёзимни кўзига йлмайин,  
Нозанинлик кўргузуб соҳибadolардин бирор.

Васл нақдин истабон нокому мардуд ўлдиму,  
Кўйи маҳбуб ичра ман янглиғ гадолардин бирор?

Эй Аваз, кўрган малолу ҳасрату ранжу ано,  
Йўқ жаҳон мулкида сендеқ бенаволардин бирор.

\* \* \*

Деди манго Лайливашим: Мажнуншиорисан киминг?  
Зору низориған киминг, девонаворисан киминг?

Сориғ юзингдиндур сенинг автори ошиқлик аён,  
Тортиб жафолар ҳар замон меҳр устуворисан киминг?<sup>233</sup>

Олам аро бисёрдур сайёд кўз, сочи каманд,  
Айғилки, банди анбарин зулфини торисан киминг?

Туфроқу қонга булғаниб доим қилурсан изтироб  
Сайд айламишдур ким сани, оё шикорисан киминг?

Ишқингда булбулдек қилур ушшоқ рўзу шаб фифон  
Ман билмадим, эй нозанин, насрин узорисан киминг?

Нозу тағофул айлабон изҳор мандин борҳо  
Бир сўрмадинг лутф айлабонким: «Интизорисан киминг?»

Аҳбобдин рози дилин ёшурмоқ ўлғаймураво,  
Мафтунинг ўлмишдур Аваз, эй шўх, ёрисан киминг?

\* \* \*

Фурқат бошингға тушмайин вуслатни қадрин билмадинг,<sup>234</sup>  
Ранж ила меҳнат чекмайин роҳатни қадрин билмадинг.

Токим давомат ғам била қойғу насибинг бўлмайин,  
Эй содаи маҳзун кўнгул, ишратни қадрин билмадинг.

Токим маломат ишқ аро чекмай мани дилхастадек,  
Васл оқшоми андаккина<sup>235</sup> фурсатни қадрин билмадинг.

Токим малолу куїфату оломи етмай ҳажр аро,  
Эй жони ожиз, васлида беҳжатни қадрин билмадинг.

Токим қўлингдин кетмайин халқ ичра давлат, эй ғани,<sup>236</sup>  
Бу олами фони аро давлатни қадрин билмадинг.

Эл эрур хайли сипаҳ бўйла бузулмай савлатинг,  
Шайх ила шоб ўртосида савлатни қадрин билмадинг.

Эйким чу синмай шавкатинг ҳамроҳу амсолинг<sup>237</sup> аро,  
Бу даҳри бебунёд аро шавкатни қадрин билмадинг.

Токим алингдин кетмайин ҳиммат жаҳон айвонида,  
Эй кимса, иш айлар чогинг ҳимматни қадрин билмадинг.

Эй ошики мискин Аваз, оламни гулзори аро  
Фурқат бошингга тушмайин вуслатни қадрин билмадинг.

\* \* \*

Фарёдким, дарду ғамим ҳар лаҳза афзундур манинг,  
Бу ҳасрату армон ила ҳолим дигаргундур манинг.

Нокомлик кўп юzlаниб ҳижрон қаро шоми аро,  
Бағрим саросар лаълининг ёди била хундур манинг.

Рашк ўтиға ёниб ичим, кўксимда бор доғ узра доғ,  
Бори миҳаннинг остида қаддим дағи нундур манинг.<sup>238</sup>

Ераб, нечук баҳт эрди бу шўридаи баҳти бадим,  
Фархунда бўлмай лаҳзай бир умр возжундур манинг.<sup>239</sup>

Мужиб ҳаётимга келиб мувъжиз каби шириң сўзи,  
Боис мамотимга ҳам ул чашми пур афсундур манинг.

Найлайки, қанд ила шакар сорига рағбат айлабон,  
Оғон қарорим ноз ила бир лаъли майгундур манинг.

Ишқ ичра ўзни қилғали зору гирифтори Аваз,  
Фарёдким, дарду ғамим ҳар лаҳза афзундур манинг.

\* \* \*

Оҳким, раҳм әтмас аҳволимга жононим манинг,  
Не ажаб, чиқса фалакка оҳу афғоним манинг.

Сарбасар бўлса жароҳат кўксум эрмас айбким,  
Кўбдурур кўнглумда ҳасрат бирла армоним манинг.

Айб қилманглар, эсам ношодхотир борҳо,<sup>240</sup>  
Ким жафо айлар манго ул чашми фаттоним манинг.

**Найлайин май нўш этиб ҳижрон қаро шоми аро,  
Ким тўкар ёш ўрнига қон чашми гирёним манинг.**

**Эй фалак, озор кўб еткурма маҳзун жонима,  
Ким ҳамул дилбар фидоси бўлғуси жоним манинг.**

**Воизо, таъриф қилма жаннату кавсар сувин,  
Ким лабидур кавсарим, кўйи гулистоним манинг.**

**Не ажаб, гар файр сори майлу рағбат қилмасам,  
Ким эрур мустаҳкам асрү аҳду паймоним манинг.**

**Хотирим зору паришон этгали ман хастадин,  
Ким мудом айлар ҳазар зулфи паришоним манинг.**

**Оҳким, бўлдум, Аваз, бир ой ғәмига мубтало,  
Не ажаб, гар бўлса вайрон қалби вайроним манинг.**

\* \* \*

**Гул юзинг устига, жоно, кокулинг,  
Бордуурким бурқаосо кокулинг.**

**Эй нигори беҳжатафзои жаҳон,  
Оразингға зебу оро кокулинг.**

**Солғусидур борҳо, эй дилрабо,  
Эл бошига шўру ғавғо кокулинг.**

**Ақл ила ҳушу қарорим нақдими  
Айлади торожу яғмо кокулинг.**

**Қўзларингға даҳрни зиндан қилур,  
Эй париваш, зулматагзо кокулинг.**

**Айлади ошуфта юзингга тушуб,  
Тушмагай эрди анго то кокулинг.**

**Ишқинг ичра мисли бу маҳзун Аваз  
Оlam аҳлин қилди шайдо кокулинг.**

\* \* \*

**Нигоро, бўлғоли ман нотавон токим гирифтординг,  
Ишимдур рўзу шаб чекмак фироқинг, жавру озоринг.**

Тараҳҳум кўргузуб, эй маҳ, висолинг марҳамидин бер,  
Ки ҳажринг ханжари захми асири бу дилафгоринг.

Қуёш анвор ила ёрутмоғи, жоно, не мумкинким,  
Мунаввар қилмаса тийра кўзум хуршиди рухсоринг.

Ҳаётафзо лабинг эъжоз ила жон бермаса гарчи,  
Вале бедод ила ўлтургусидур чашми хунхоринг.

Не дилбарсанки, ҳуснинг кўрган одамлар бўлуб ҳайрон,  
Бўлурлар жону дил бирла бериб дил волау зоринг.

Нечук жонлар қуши сайди шикоринг бўлмасун, бўлса —  
Кўзинг — сайду холинг — дона, доминг — зулфи тоторинг.

Қачонким, эй Аваз, киргунг вафо аҳли қаторига,  
Бу йўлда қилмайин барбод то номус ила оринг?

\* \* \*

Балои жон экан ҳижрони онинг,  
Басе дарду алам ҳирмони онинг.

Чу қадрин билмадинг ул ёрниким,  
Фанимат бор экандур они онинг.

Нечук борсам кўрарман қадру иззат  
Рақиби шум эрур меҳмони онинг.

Тўкарга элни қонин мойил ўлмиш  
Ҳамиша нарғиси фаттони онинг.

Хушо, ул ошиқеким ёрин истаб,  
Ёвуқлашмиш чиқарга жони онинг.

Ман этдим имтиҳон, ушшоқ, ёлғон —  
Инноманг, аҳд ила паймони онинг.

Очиб шамъи рухин базмига киргач,  
Аваз бўлса не тонг, қурбони онинг?

\* \* \*

Бир дам қарор этмасдуур, эй сиймбар, қошу кўзинг,  
Жону дилим ўртагали, қилмай ҳазар қошу кўзинг.

Айлаб тараҳҳум бир йўли сан етмасанг фарёдима  
Ман кимга йиғлай илгидин бедодгар қошу кўзинг.

Субҳу масо жон қасдиға ким не бало келтурмади  
Солиб бошимға лаҳзада минг шўру шар<sup>241</sup> қошу кўзинг.

Боқсанг қиё қоқиб қошинг, жоду кўзинг имо қилиб  
Қўймас танимда заррае жондин асар қошу кўзинг.

Ҳушу қарорин олдириб девонаосо бўлмайин  
Имкони йўқдур, эй пари, кўрган башар қошу кўзинг.

Тиргуз қилиб мўъжизбайён Исосифат базм аҳлини,  
Бир ғамзада қилди басе зеру забар<sup>242</sup> қошу кўзинг.

Ўлмакка етти айлабон нозук белинг фикрин Аваз,  
Ўйнота ноз оғоз этиб қилғоч назар қошу кўзинг.

\* \* \*

Нигоро, тобакай ўлғум асири дарду ҳижронинг?  
Манго кўргуз юзингни, то қилай жонимни қурбонинг.

Қетибдур фурқатингдин сабрим ила нангу номусим,  
Қўлимдин кетгали, эй дилбари маҳбуб, домонинг.

Аё моҳ, айлама мандин йироқ ўзни, ки ҳар соат,  
Бошимға солғуси савдо басе зулфи паришонинг.

Қадаҳ сун, айлабон лутфу иноятлар, аё соқий,  
Тиларман ушбу дам бўлмоқ санинг базмингда меҳмонинг.

Сен этсанг, эй кўнгул, беҳадду сон меҳру муҳаббатлар,  
Санго айлар жафо доим ҳамул маҳбуби жоненинг.

Олур барча қарору тоқатинг ҳам ихтиёринингни  
Қилиб бир ишвау нозу адo ул чашми фаттонинг.

Эрурсан ўз адонинг шоири сардафтари, тонг йўқ  
Аваз, бўлса Навоний дафтари монанди девонинг.

\* \* \*

Билмадим, ваҳ, не бало эрди, нигоро, суратинг,  
Қўргач-ўқ қилди мени мафтуну шайдо суратинг.

Чеккан устодингга юз таслим қилғум<sup>243</sup> ҳар нафас,  
Ким қилибдур айбу нуқсондин мубарро<sup>244</sup> суратинг.

Тушмас асру бўйнума занжири зулфинг, кошки,—  
Қилмағай эрдим азал кунда тамошо суратинг.

Бармоғин тишлиб қолур ҳайратда гар наққоши Чин,  
Кўрса суратдек тутуб, эй шўхи барно, суратинг.

Ногиҳондин бир кўруб, қайта кўролмай доғ ўлуб,  
Кўнглум айлар борҳо кўрмак таманно суратинг.

Нозанинлар гарчи кўпдур, билмадим олам аро  
Ҳеч бирига бўлғаму монанд, оё суратинг.

Илкинга олиб асо юрсанг улуғ дастор ила,  
Зоҳидо, қилғай сани оламга расво суратинг.<sup>245</sup>

Кўргали зору асиринг бўлмиш асру бу Аваз,  
Билмадим, ваҳ, не бало эрди, нигоро, суратинг.

\* \* \*

Нетдим сани, эй чархи дун, кўнглумни ношод айладинг?!  
Фурқат ғаму оломини чекмакка мутьод айладинг.<sup>246</sup>

Ман нотавони хастау бечораға субҳу масо  
Жавру жафо бирла ситам расмини бунёд айладинг.

Аҳроб элининг кулбасин вайрон этиб душманларим,  
Меъмори лутфингдин бу дам вайронин обод айладинг.

Аҳли жаҳон ичра мани сайлаб чекарга дарду ғам,  
Зору асиру волаи бир қадди шамшод айладинг.

Айлаб насибим дард ила олому меҳнат борҳо,  
Номусу орим ул пари ҳажрида барбод айладинг.

Мискин Аваэдек бир пари ҳажрида айлаб бенаво,  
Нетдим сани, эй чархи дун, кўнглумни ношод айладинг?!

\* \* \*

Эрур жонға роҳат висолинг сенинг,  
Фараҳбахшиғ иттисолинг сенинг.<sup>247</sup>

Бўлубдур анга етмак, эй хаста дил,  
Фироқида ёди хаёлинг сенинг.

Рақиб аҳлига ёр ўлубдур бу дам,  
Ҳамул ёри соҳиб жамолинг сенинг.<sup>248</sup>

Кўруб дилраболардин-ўқ зулму кин,  
Муҳаббат русуми хисолинг сенинг.<sup>249</sup>

Етушса мани хастаға, соқиё,  
Бас ўлғуси синfon сафолинг сенинг.

Аваз ҳафтада, тонг йўқ, этсанг китоб,  
Етибдур бу фанда камолинг сенинг.

\* \* \*

Дарди дилим ул шўхи ситамкорима айтинг,  
Кўнглумни ғамин ёри вафодорима айтинг.

Шоядки, қилиб лутфу карам кулбама бу тун  
Келгай, бориб ул шўхи севар ёrima айтинг.

Васлини тилаб шому саҳар ҳеч чу топмай,  
Бедорлиғим ул кўзлари хунхорима айтинг.

Кўнглум чидай олмай ситами ҳажриға эмди,  
Ким ўлгали етдим ани дилдорима айтинг.

Ҳижронда чекиб ранжу балият Аваз осо,  
Маҳзунлигим ул лаъли шакарборима айтинг.

\* \* \*

Вафову меҳр расмин кўргузуб, эй ёр, хуш келдинг,  
Жафову жавр ойинин бузуб бисёр хуш келдинг.

Келибсан васл ила ман зорни шод этгали, юз шукр,  
Бу маънидин хабардор ўлмасун ағёр, хуш келдинг.

Басе муштоқ эдим ҳажринг аро, эй хўблар шоҳи,  
Қудумингга қилурға нақди жон исор, хуш келдинг.

Қилиб маҳзун дилим хушнуд, доғ айлаб рақиб аҳлин,  
Адову лутф ила кулбамга, эй дилдор, хуш келдинг.

Фироқ андуҳи ичра бу сариф юз бирла ашкимдин,  
Бори оламға ифшо бўлмайин асрор, хуш келдинг.<sup>250</sup>

Авазни ранжи ҳажрингдин ҳаёти муңқатиъ эрди,  
Анга жон тозадин бермакка Исовор,<sup>251</sup> хуш келдинг.

\* \* \*

Гарчи бағишилар әлга жон, эй нозанин, гүёлигинг,  
Жонларга оғатлик әрүр бу наўъ бепарволигинг.

Шамшод титраб, гул қилур жайбини чок,<sup>252</sup> эй гулбадаң,  
Токим чаманда кўргали қадду рухи зеболигинг.

Эй дил, ўзингни қилғали ишқ ичра зору бекарор,  
Бўлди бори аҳли жаҳон афсонаси шайдолигинг.

Не сен топар коми дилинг, не ёр олур сендин хабар,  
Не они васлидин асар, не ҳаззу айш афзолигинг.

Кетиб вафоға тўғри иш сендин вужуда келмаса,  
Ҳеч суд қилмас оқибат олимлиғу донолигинг.

Дорушшифойи васл учун чексанг касал ранжин, Аваз,  
Кимга билинмиш гўшаи ҳижрон аро танҳолигинг.

\* \* \*

Муяссарму висоли ёр оё?  
Бўлурманму ғамида зор оё?

Кетарму эркан ушбу лаҳза бир ён,  
Ул ойнинг қошидин агёр оё?

Бўлурсан ташна ҳар соатда, эйким,  
Дилу жонингда борму нор оё?

Топилғайму жаҳонда, эй биродар,  
Менингдек бир дили афгор оё?

Бу янглиғ мақсадимча айланарму,  
Ҳамиша гунбази даввор оё?

Ул одамким менингдек бўлмиш ошиқ  
Эканму жонидин безор оё?

Билолмай фикр этарман, борму эркан  
Жаҳонда ишқдек душвор оё?

Борибуму ғайринг базмиға ё йўқ,  
Нигорим масканида бор оё?

Тутар мотам, бўлубдурму Аваз ҳам  
Асири бир кўзи хунхор оё?

\* \* \*

Ҳалокимга ичар дилдор савганд,<sup>253</sup>  
Қилиб бир иттифоқ ағёр савганд.

Вафосиздур жаҳоннинг дилрабоси,  
Қабул этким ичай бисёр савганд.

Ҳамул ёлғончию шум муддаийга  
Ва ё одатмудур гуфтор савганд.

Кўзига ўзни ташбәҳ айламақдин,  
Ичибдур нарғиси хўммор савганд.<sup>254</sup>

Тополмай чора ул маҳваш қошида,  
Мани зор айладим noctor савганд.

Вафо аҳлила ичмаклик жаҳонда,  
Ҳақиқатда эрур душвор савганд.

Мақомимға ёна қойтиб келурға —  
Ичиб эрди ҳамул дилдор савганд.

Ичарман бу сўзумни тўғрусида,  
Аё дил, бовар этгил бор савганд.

Нигорим олдида чунким қилибман,  
Нечук бўлғум, Аваз, инкор савганд.

\* \* \*

Ошиқға гарчи тушмагай ёрининг ағёри писанд,  
Лекинки, они қилғуси субҳу масо ёри писанд.

Роҳат жаҳон мулки аро ҳеч бормудур меҳнатсизин,  
Шаб — рўз тушса не ажаб, жонимға озори писанд.

Лаззоти оламдин онинг кўнглида армон қолмағай,  
Кимни ҳамиша айласа маҳбуби дилдори писанд.

Тонг йўқки, ул ой жаврини доим писанд этса дилим,  
Тушгуси ушшоқ аҳлиға маҳвашлар автори писанд.

Онча жафо ёр айласа не айб ман бечораға,  
Ким тушгай албатта анинг мажмуи кирдори писанд.<sup>255</sup>

Кўнглим не қилсун гул сари рағбат қилиб, эй дўстлар,  
Ким тушгусидур дилбарим гулранг рухсори писанд.

Ҳарчанд етса ҳам алам шавқи муҳаббатдин мудом,  
Маҳбуб васли тушгуси ишқ аҳлиға, оре, писанд.

Шуҳрат басе топмишдуур назм ичра олам аҳлиға,  
Тушса Авазнинг не ажаб ҳар навъ ашъори писанд.

\* \* \*

Бери кел ноз бирла, эй паризод,  
Қилурға қалби маҳзуним басе шод.

Қарам қил бўсае лаъли лабингдин,  
Балият қайдидин қилмоқға озод.<sup>256</sup>

Висолинг орзусида туну кун  
Фироқингда қилурман оху фарёд.

Агарчи ғайриға лутфу манго қўб —  
Вале қилгунг жафоу зулму бедод.

Аё сийминбари маҳбуби гулрӯй,  
Қилиб бу лаҳзада келгил мани ёд.

Нега мунча манго бергүнгдур озор,  
Аё кофарбача, бераҳм, жаллод?

Аваз, жонлар қушини сайд этарда  
Сочи дому кўзи·андоқки сайёд.

\* \* \*

Айлагум доим ҳамул маҳбуби давронимни ёд,  
Маҳваши сийминбари шўхи сухандонимни ёд.

Қумри осо манки тушган айру раъно сарвидин,  
Не ажаб, гар айласам сарви хиромонимни ёд.

Ғунчадек аксар қаро қон ўлди кўнглум, айлабон —  
Хусн аро бир лаблари гулбарги хандонимни ёд.

Борҳо мен нотавону бенаво тўти сифат,  
Лол эсам, не айб, айлаб шаккаристонимни ёд?

Байтул әҳzonim<sup>257</sup> қаронғу ондин айру тушгали,  
Иғласам, тонг йўқ, қилиб шамъи шабистонимни ёд.

Булбулеманким, жудо бўлғон гулзоридин,  
Гар наво чексам, не тонг, айлаб гулистонимни ёд?

Эй Аваз, ман ани зулғи фикридин ошуфтамен,  
Ул қачон қилғой манинг ҳоли паришонимни ёд?

\* \* \*

Ишқ ичра ман каби йўқ қилган вафони муътод,  
Ҳусн ичра сан сифат ҳам бир маҳваши паризод.

Қаддинг равона айлаб ман сорига, нигоро,  
Ман зори нотавонни не бўлғай айласанг шод.

Токим бўлай сарафroz ушшоқ хайли ичра,  
Кел базмим ичра, жоно, бир йўл қилиб мани ёд.

Қўп дилбару дилоро даҳр ичра бордур, аммо  
Қайда сенингдек ўлган дилбарлик ичра устод.

Эй маҳжабин гулрух, ўтди неча замонлар,  
Чекмак ишим бўлубдур ҳажрингда раёнжу бедод.

Оlam элига ифшо рози дилимни қилдинг,  
Эй ёшгина дилоро, айлаб жафони бунёд.

Мехру вафо русумин айлаб бу лаҳза зоҳир,  
Фам қайдидин қилурға келгил Авазни озод.

\* \* \*

Фурқат уза юзлангуси ҳар дам манго дард узра дард,  
Чексам не тонг, бу ғуссадин шому саҳарда оҳи сард.<sup>258</sup>

Токим ҳамул ширинлиқо ҳуснин назора қилғоли,  
Фарҳодосо бўлмишам ишқ ичра шайдолигда фард.<sup>259</sup>

Даъвои меҳр айлар эсанг, эй ким манго қасд айлаюб,  
Икки гувоҳидур они: кўз ёши бирла ранги зард.<sup>260</sup>

Бўйла ҳамиша, эй рафиқ, бор ўлса ҳамроҳим манинг,  
Ағёри бадсийрат ила ҳожат эмас қилмоқ набард.<sup>261</sup>

Эй ошиқи бехонумон, истар эсанг бу дам висол,  
Рахшин туёки остида жисмингни қилғил гард-гард,

Зийраклигига қилмишам таҳсинки, ўтди неча йил,  
Шум муддаий бирла ул ой ўйнап чоги шатранжу нард.<sup>262</sup>

Не навъ ношод, эй Аваз, бўлмай мани дилхастаким,  
Фурқат аро юзлангуси ҳар дам манго дард узра дард.

\* \* \*

Недур жўрмим менинг, эй чашми жаллод?<sup>263</sup>  
Ки қилғунг мунча зулму жавр бунёд?

Фироқ ичра ман ўлгум асру ғамгин,  
Рақиб аҳли эса, васлинг аро шод.

Нигоро, оразингдин айру тинмай  
Ишимдур булбулосо оҳу фарёд.

Юзингдур ҳусн авжи узра хуршид,  
Қадинг боғи назокат ичра шамшод.

Не бўлғай, келсанг, эй маҳбуби барно,  
Авазни доғи айлаб бир йўли ёд?

\* \* \*

Ҳолимға раҳм эт, эй пари, ҳажр ичра ҳайронман басе,  
Ошуфта ҳолу хотири зору паришонман басе.

Озурда жисму қомати ҳам ё каби, жони низор,  
Кўкси фигору дидаси хунбору гирёнман басе.<sup>264</sup>

Аввалда эрдим айлабон ошоми май сармасти жом,  
Эмди ғамингда ғунчадек бағри тўла қонман басе.

Ёд айлабон зебо қадинг, эй нозанини дилрабо,  
Тортуб наво қумри сифат шайдову нолонман басе.

Мингдин биридин заррача таъсир топғайман дебон,  
Дарди дилимга айладим тадбиру дармон ман басе.

Меъмори васл ила они обод этарга кел бери,  
Ким фурқатинг ичра чекиб олом вайронман басе.

Мискин Аваздек борҳо чеккумдурур, эй маҳлиқо,  
Беҳадду бесон сансиzin андуҳи ҳижрон ман басе.

\* \* \*

Золим эдинг, ваҳ, не бало, эй қоши ё, эй қоши ё,  
Ким раҳм этмассан манго, эй қоши ё, эй қоши ё.

Сан бевафо ноошно маҳбубда, фарёдким,  
Йўқдур муруват аслоҳо,<sup>265</sup> эй қоши ё, эй қоши ё.

Эмди анодин бўлмоқи мумкин эмасдур бегумон,  
Бир сан сифат соҳиб адo, эй қоши ё, эй қоши ё.

Гарчи ҳамиша шафқатинг ағёр элиға бордуур,  
Лекин манго қилгунг жафо, эй қоши ё, эй қоши ё.

Токим санго айлай фидо жону жаҳоним нақдини,  
Дамсозим ўлғил борҳо,<sup>266</sup> эй қоши ё, эй қоши ё.

Ман доғи ношод ўлғоман гар тайр бирла айласанг,  
Айш ила ишрат доимо, эй қоши ё, эй қоши ё.

Ҳамроҳинг ўлса муддаи шому саҳар рози дилим,  
Не навъ арз айлай санго, эй қоши ё, эй қоши ё.

Қадду рухингни ёд этиб ҳажрингда тортармен мудом,  
Фарёду афғону наво, эй қоши ё, эй қоши ё.

Үтлуг юзунгни кўргали маҳзун Аваз бўлмишдуур,  
Ишқингга зору мубтало, эй қоши ё, эй қоши ё.

\* \* \*

Муяссарму висоли ёр оё?  
Бўлурманму ғамида зор оё?

Қетарму эркан ушбу лаҳза бир ён,  
Ул ойнинг қошидин ағёр оё?

Бўлурсан ташна ҳар соатда, эйким,  
Дилу жонингда борму нор оё?

Топилғайму жаҳонда, эй биродар,  
Менингдек бир дили афгор оё?

Бу янглиғ мақсадимча айланурму,  
Ҳамиша гумбази даввор оё?

Ул одамким менингдек бўлмиш ошиқ,  
Эканму жонидин безор оё?

Билолмай фикр этарман, борму эркан  
Жаҳонда ишқдек душвор оё?<sup>267</sup>

Борибму гайрнинг базмиға ё йўқ,  
Нигорим масканида бор оё?

Тутар мотам, бўлубдурму Аваз ҳам  
Асири бир кўзи хунхор оё?

\* \* \*

Бўлма, эй кимса, ҳамиша бу сифат мағрури ганж,  
Ким, не ёнглиғ айлади Қорунни<sup>268</sup> кофар зўри ганж?!

Қалби вайроналарни ганжи жуд ила обод қил,<sup>269</sup>  
Лутфи ҳақдин истасанг бўлгой санго маъмури ганж.

Истагил дарвишлардин файзи маъни истасанг,  
Ким хароби кўҳналарда бўлғуси маҳсурни ганж.<sup>270</sup>

Ҳирс ила ганж асрароқ қилма ҳавас афъи сифат,<sup>271</sup>  
Заҳр этиб комингни, жисмингни қилур ранжури ганж.

Эй, хуш ул одамки, бордур жуду эҳсон қилғучи,  
Деса бўлғуси они дорайн<sup>272</sup> аро масрури ганж.

Ҳар кишини қисмати бўлса қаноат маҳзани,  
Ваҳ, не ёнглиғ бўлғуси олам аро манзури ганж.

Эй Аваз, жамъи зар этмакдин ҳазар қил, тонглаким —  
То саросар бўлмасун гўрингда мору мўри ганж.<sup>273</sup>

\* \* \*

Юзинг нурига, эй шўх, хуршиду қамар<sup>274</sup> муҳтож,  
Лабинг шаҳдиға ҳам қанду набот ила шакар муҳтож.

Қиё боқмоқни касб этмак учун сандин айирмас кўз,  
Ики фаттон кўзингга боғ аро наргис магар муҳтож?

Лабингга лаъл ила ёқут эса икки гадо ёнглиғ,  
Каломингга дуру лаълу беҳамто<sup>275</sup> гуҳар муҳтож.

Қадингға банда сарву ар-ару шамшоди озоди,  
Сочингга келди анбар бирла атру мушки тар муҳтож.

Нега ҳар кунда сўйи шарқдин, эй маҳ, тулуъ айлар<sup>276</sup>  
Юзинг нурига хуршид эрмаса бўйла агар муҳтож?

Тонг эрмас, эҳтиёжим ишқ аро афзун ҳунар бирла,  
Ки бўлгой олам ичра соҳиби фазлу ҳунар муҳтож.<sup>277</sup>

Аваз васлингни истаб ҳар тараф юз урса, айб эрмас,  
Бўлур жон нақдиға беътибору мўътабар муҳтож.

\* \* \*

Олмиш қарору тоқатим бир шўхи сиймандом,<sup>278</sup> Аваз,  
Айлаб ишим оҳу фифон ичра сабоҳу шом, Аваз.

Бир лаҳза бўлсам онсизин юз навъ қойғу юзланиб,  
Бўлгой ҳаётим мунқатеъ топиб ишим итмом,<sup>279</sup> Аваз.

Ақлу хирад билкулл бўлуб маъдуму мафқудул асар,<sup>280</sup>  
Хижрон аро борман басе бесабру беором, Аваз.

Жоним қушин сайд айлаган дилбарлар ичра эрди бир;  
Сайёд — қўзи, абрю — камон, зулфи сиёҳи — дом, Аваз.

Ушшоқ хайлидин ҳисоб айлаб мани ул дилрабо,  
Мужда санго ирсол этар қосид била пайғом, Аваз.<sup>281</sup>

Розилиғ иста мудданий таън айласа гар ҳалқ аро,  
Чин ошиқ эрмас ўйлаган ишқ ичра нангу ном, Аваз.

Англаб ганимат даҳрнинг айшу нишотин базм туз,  
Ким бир нафасда ўтгуси айлаб мурур айём, Аваз.

\* \* \*

Васлнинг саҳбосига ҳуноби ҳижрондур аваз,<sup>282</sup>  
Анда май ўрнига балким таҳ-батаҳ қондур аваз.

Ваҳ, не янглиғ етгаман ман нотавону хастаким,  
Ёр кўйи гулшаниға боғи ризвондур аваз.

Орзу айлаб висолин марҳами кофурини,  
Ўқи ҳижрондин танимда заҳми пайкондур аваз.

Токи пинҳон ўлғали ул кокили анбар фишон,  
Ҳар замон савдои зулфидин паришондур Аваз.

Бир париваш базмida сокинлиқ йистаб борҳо,  
Жону дил шахсига эмди банди зиннодондур аваз.

Ул замониким эдим ул ой бошига соябон,  
Эмди онинг ўрнига минг тирборондур аваз.

Эй хуш ул кунларки, базми ёр қадрин билмадим,  
Эмди фурқатда анга юз навъ армондур аваз.

\* \* \*

Ичиб ёр этти гулгун то шароби ноб ила ораз,  
Манга ҳам чунки андоқ бордурур хуноб ила ораз.

Ҳалойиқнинг кўзига даҳрни қилмоқ учун тийра,  
Гуликим, қилди пинҳон сунбули сероб<sup>283</sup> ила ораз.

Нигорим жабҳаю рухсорига боқғон киши айтур,  
Баробар тутғуси гўё қуёш маҳтоб ила ораз.

Дилоромим сочиким бордурур бошинда бир қуллоб,  
Жаҳон аҳли дилин банд этти ул қуллоб<sup>284</sup> ила ораз.

Қўзингдин, эйки, тўқ ашки надомат бўйлаким доим,  
Юйилса яхшироқ бўлғусидур гар об ила ораз.

Хушоким, ушбу қиши топмай чафоне баъзи киймакка,  
Совуқ ошушибдин баъзи ёпар синжоб ила ораз.<sup>285</sup>

Аваз бечорани булбул каби шайдоси қилмоқға,  
Ичиб ёр этти гулгун то шароби ноб ила ораз.

\* \* \*

Анго нома ёзорға олсам илгимга агар когаз,  
Гумонсиз, кўз ёшим бирла бўлур, эй дўст, тар когаз.

Бу когазларга сифмас шарҳи аҳволим битар бўлсан,  
Анго мажмуъи ашъё бўлсалар сифой магар когаз<sup>286</sup>

Езиб жон пардасига арзи дилни айласам ирсол,  
Тонг эрмаским, муносибму, онинг илкига ҳар когаз.

Бер, эй қосид, ул пайгоми жонбахшини лутф айлаб,  
Берур әркан манго андин бу соат не хабар көғаз.

Нигорим васфини айлаб дейин бир назми руҳафзо,  
Рафиқо, бер манго айлаб мурувват бўлса гар көғаз.

Била олмон қаю ағёри бадрӯдин<sup>287</sup> етушмишдур,  
Олиб илтига ул ороми жон айлар назар көғаз.

Авазға гар йиборса көғаз ул гулруҳ қилиб шафқат,  
Бори ушшоқ аро албатта айлар тожи сар көғаз.

\* \* \*

Аҳбоб, бордур мұғтанам ишрат қилдураға фасли ёз,  
Бир ёшғина дилбар била айлаб тараб созини соз.

Ул сарвқомат ишқида субҳу масо құмри киби,  
Чексам, не тонг, ман бенаво тинмай фифони жонгудоз.<sup>288</sup>

Жавр ила нозин лаҳзае кам құлмади ул жаврфан,  
Ҳар неча изҳор айладим қошида ман ажзу ниёз.

Эй гулрухи ғунчадақон, ғайри юзига боқмаким,  
Ҳар бемүҳаббат булҳавас сидқ ила бўлмас ишқбоз.

Десам, не тонг, ушшоқ әлин сан қатл құлмишсан бу дам,  
Ким ишқ хайли даҳр аро кўз етгуси кўзимга оз.

Айлаб тараҳхум ҳолига ман нотавону хастани,  
Нозу карашма кўргузуб келгил бери, эй сарвиноз!

Мехру вафодин, эй Аваз, йўқ шаммае даҳр аҳлида,  
Ким ман қиулурман борҳо онларни бир-бир имтиёз.<sup>289</sup>

\* \* \*

Жоно, манга минг жафо қилурсиз,  
Юз ранжға мубтало қилурсиз.

Жаллод қилиб нигоҳингизни,  
Мушкин қошингизни ё қилурсиз.

Эй шўх, гар этсангиз жудолик,  
Жондин мани бас жудо қилурсиз.

Киприк ўқини отиб не учун,  
Бошдин оёқим яро қилурсиз.

Аҳбоб, ҳазар қилинг Аваздин,  
Ким оҳи ўтиға ёқилурсиз.

\* \* \*

Ҳар дам манга юз ситам қилурсиз,  
Сабру хирадим адам қилурсиз.

Минг дардга мубтало қилиб,вой,  
Чашмимни чуонки нам қилурсиз.

Файри сарифа бориб чу пайдо  
Жонимда туман алам қилурсиз.

Бир умр ғаминг юки тагида,  
Эй шўх, қадимни хам қилурсиз.

Бағримда қўярға доф уза доф,  
Агёр әлига карам қилурсиз.

Бечора Авазни фурқат ичра,  
Оромини мунъадам<sup>290</sup> қилурсиз.

\* \* \*

Аҳбоб, мансиз соате оҳанги ишрат қилмангиз,  
Сиз нўш этиб саҳбо, мени хунҳори ҳасрат қилмангиз.

Гар топсангиз йўл васлиға анда мени ёд этмайин,  
Кўнглум насибин доф ила андуҳи фурқат қилмангиз.

Иўқдур жаҳонда ман каби маҳмурӣ айш ўлғон киши,  
Ким эмди мандин файриға ул майни шафқат қилмангиз.

Ишқ аҳлини ишрат маоб этмакни истар эрсангиз,  
Бир лаҳза ҳам агёр ила, эй ёр, суҳбат қилмангиз.

Тушмиш ёмон кун бошима бўйла жафо изҳор этиб,  
Аҳли вафодин бўлсангиз, тарки муҳаббат қилмангиз.

Роҳат маоб ўлмоқ тилаб ўзга бу янглиғ, эй Аваз,  
Доим бу кулфатхонада бехуда меҳнат қилмангиз.

\* \* \*

Бирор ишқингга мандек ўзни мұттод этмади ҳаргиз,  
Гамингда хотири зорини ношод этмади ҳаргиз.

Кўруб сандин жафоу жаврлар, ҳеч ошиқи шайдо,  
Санга чун ман вафоу меҳр бунёд этмади ҳаргиз.

Аё дилдори барно, нозпарвар ёшгина дилбар,  
Сан этган ишвани ҳеч бир паризод этмади ҳаргиз.

Балоу дарду меҳнат тоғида Фарҳодга Ширин,  
Саносо гаҳ итобу ноз ижод этмади ҳаргиз.

Ул ой илан иноёту карамлар нотавон кўнглум,  
Фаму ранжу алам қайдидин озод этмади ҳаргиз.

Кўнглумким эрди вайрон ҳажрида ул нозанин бир йўл,  
Келиб меъмори васли бирла обод этмади ҳаргиз.

Бори ушшоқи мафтунини бир-бир ёд этиб гарчи,  
Вале ор айлабон бу телбани ёд этмади ҳаргиз.

Жаҳонда воласига ҳеч париваш ул pari ёнглиғ,  
Азобу зулму қаҳру кину бедод этмади ҳаргиз.

Аваз, бу дайр ичра муг мани сармаст этиб майдин,  
Нишот ила тараб илмида устод этмади ҳаргиз.

\* \* \*

Кўнгулким, ҳажрини қайдидин озод ўлмади ҳаргиз,  
Топиб базми висоли ёрни шод ўлмади ҳаргиз.

Нечук бўлмай малули, айлабон дилдордин шиква,<sup>291</sup>  
Ки вайрон хотир ондин бир дам обод ўлмади ҳаргиз.

Дило, ғам чекма ишрат қилмадим, деб, ушбу оламда,  
Ки айш айларга онда кимса мўттод ўлмади ҳаргиз.

Десам лойиқдур андоқ кимсани ҳимматлиғ асруким,  
Арўси ком ила мақсадга домод ўлмади ҳаргиз.

Шикоят айласам, тонг йўқ, фалакни илгидин, ваҳқим,  
Иши кўброқ манго жуз кину бедод ўлмади ҳаргиз.

Фироқи ёрга тошлаб саросар бағрим этти қон,  
Манго иш токи ондин ғайри фарёд ўлмади ҳаргиз.

Қўнгул, тарк эт ҳамул ноошно қотилни ишқинким,  
Вафу мәҳр расми ондин ижод ўлмади ҳаргиз.

Нечаким нақди жонимни нисори мақдами қилдим,  
Манго ҳамдам ҳамул шўхи паризод ўлмади ҳаргиз.

Аваз, найлай бўлуб ушшоқ элини маъдум осори,  
Жаҳондин ғайрининг осори барбод ўлмади ҳаргиз.

\* \* \*

Қўнгилким, эй суманбар, сансизин шод ўлмади ҳаргиз,  
Бўлуб вайрон давомат, бир дам обод ўлмади ҳаргиз.

Бошимға тушгали фурқатнинг ошуви мани шайдо,  
Ғаму дарду алам қайдидин озод ўлмади ҳаргиз.

Агарчи топди мақсудин тамоми эл, мани маҳзун  
Адрўси мақсадига лек омод ўлмади ҳаргиз.

Не тонг чарх илгидин қилсан шикоят, эй биродарким,  
Манга кўпроқ иши жуз зулму бедод ўлмади ҳаргиз.

Қачонким бўлмишам ошиқ ҳамул дилбарни ҳуснига,  
Фироқ ичра манга иш ғайри фарёд ўлмади ҳаргиз.

Жаҳонда гар эсанг оқил, ема ғам қайғу чекмакдин,  
Ки ҳаз қилмоқға анда кимса мутьод ўлмади ҳаргиз.

Аваз, сабр айла мақсудинг эса ғамдин халос ўлмак,  
Ки сабр этганин қалби ғусса бунёд ўлмади ҳаргиз.

\* \* \*

Оразинг наззораси жондин лазиз,  
Бўси лаълинг оби ҳайвондин лазиз.

Рағбат айлаб найлайн гул сориким,  
Базми васлингдур гулистондин лазиз.

Нўши лаълинг олам ичра, эй нигор,  
Ҳарнаким ширин эса ондин лазиз.

Қўзларимга оразинг, эй маҳлиқо,  
Муштарию моҳи тобондин лазиз.

Гулшани кўйинг манго, эй сиймбар,  
Бордуур жаннати ризвондин лазиз.

Ҳеч неъмат бу жаҳонда, эй кўнгул,  
Борму лаъли шаккарафшондин лазиз?

Ўлмағай ҳеч бир нимарса, эй Аваз,  
Ишқ элига васли жонондин лазиз.

\* \* \*

Таолаллоҳ, сиз эй оромижон, ваҳ, не балодурсиз?  
Ки бир ғамза била жонимға ишқ ўтиң солодурсиз?

Агарчи бошингиз ёш эрса ҳам, эй маҳваши гулрух,  
Вале моҳир басе маҳбублиғ илми ародурсиз.

Олурға аҳли олам ақлу ҳушу тоқату сабрин  
Дилорому парирў соҳиби ғанжу адодурсиз.<sup>292</sup>

Улуми нозу ишва бобида, эй нозанин дилбар,  
Бори дилдори шўху шангларга пешводурсиз.

Ҳама эл рўзгорин шом ёнглиғ тийра қилмоқға  
Хату холию қоши бирла кўзи қародурсиз.

Бори ушшоқ хайли дод этар, эй ёр дастингдин,  
Магар онларға доим қилғучи жавру жафодурсиз?

Аё жону кўнгул, даврон аро сизлар-да ар мандек,  
Асири ишқи бир жавргустар дилрабодурсиз?

Кеча-кундуз қилурсиз қумри осо нолалар бунёд,  
Магар бир сарвқад ишқига сиз ҳам мубталодурсиз?

Авазға раҳм этинг, эй гулбадан, айлаб ситамгарлик,  
Ки онинг ҳар нафасда жисмидин жонни олодурсиз.

\* \* \*

Эй дўстлар, даҳр аҳлиға ҳамроҳу ҳамдам бўлмангиз,  
Ҳамроҳу ҳамдам демайин, бал ошно ҳам бўлмангиз.

Ҳошоки, доно эрсангиз онларга топиб ихтилот,  
Бир кун паришон ўлғосиз, масруру хуррам бўлмангиз.

Аҳли жаҳонким бордуур мөхру муҳаббатдин йироқ,  
Онлар фиребин еб яна расвои олам бўлмангиз.

Мөхру вафо айлаб ҳамул ноошнолар хайлиға,  
Чекмак ҳамиша қисмати олом ила ғам бўлмангиз.

Яқдиллик айлаб бу сифат хайли бани одам била,  
Бори балиятни чекиб ҳам қомати хам бўлмангиз.

Ўзни жаҳоннинг дилбару дилдорига айлаб асир,  
Ҳам роҳати кам бўлмангиз, ҳам чашми пурнам бўлмангиз.

Токим, Аваз, асрорингиз гайрига ифшо бўлмасун,  
Келса қўлингиздин биророз розига маҳрам бўлмангиз.

\* \* \*

Базм айламак мумкин эмас дилдор ила аёргиз,  
Ким йўқдур олам боғида бир гул очилғон ҳорсиз.

Гар лол бўлса, не ажаб, кўйидин айру жон қуши,  
Ким булбул этгайму фиғон лаҳза гулу гулзорсиз?

Нангила орим йўқ эса, эй булҳавас, не айбким,  
Албатта, ошиқ бўлғон эл бўлғуси нангу орсиз.

Ул шўх васлидин умид узган ҳазин кўнглум мани  
Бир турфа созеким чиқар оҳанги онинг торсиз.

Ҳоли харобимни бориб, тангри учун арз айлангиз,  
Аҳбоб хайликим, ул ой қошида маҳрам борсиз.

Очиб жамолин шамъини кўзумни равшан айласун,  
Ким кўзум ўлмиш тийра кўб ул шамъи пурандорсиз.

Чин ошиқ эрсанг, эй Аваз, ўлгилки, ўлган яхшироқ,  
Оламда юргандим тирик ишқ аҳлиға дилдорсиз!

\* \* \*

Эй, не хушдур ўйлаким кабки дари рафтордингиз,<sup>293</sup>  
В-эй, ҳаловат бобида шаккар киби гуфторингиз.

Гарчи доим муддаийлар кўрса ҳаззи лутфингиз,  
Биз валекин тортадурмиз борҳо озорингиз.

Тийра бўлди кўзларимиз ҳажр аро, эй нозанин,  
Кўрмак истаб ҳар кеча дийдори пурандорингиз.

Жону кўнглим мулкини торожу яғмо айлади,  
Ваҳ, не оғат эрди икки наргиси bemoriningiz.<sup>294</sup>

Андалибосо фигону нола қилсан не ажаб?  
Ким бўлубдур тоби майдин гул киби руҳкорингиз.

Мунча зори қилғосиз, эй жону дил, ул шўхни  
Самъиға гар етмаса не суд қилғон зорингиз?!

Биз учун, ушшоқ, ул оромижон кўйи сори  
Кетдингиз, хуш кетдингиз, бўлсун худойим ёрингиз.

\* \* \*

Айлабон шайдо дилим шўхи ниғорим сизмусиз?  
Чашми шаҳло, сочи сунбул, гулъузорим сизмусиз?

Бошима савдо солиб, қилғон кўзумни ашкбор,  
Кўнгли қаттиғ, тори зулфи мушкборим сизмусиз?

Олғоли олам элинин сабру ҳушу тоқатин,  
Ашҳаби нозу адo узра саворим сизмусиз?<sup>295</sup>

Ушбу оқшом ишқнинг базми аро соқий бўлуб,  
Айлаган соғар била дафъи хуморим сизмусиз?

Булбулу қумри киби айлаб мани зору асир,  
Боиси аффон ила фарёду зорим сизмусиз?

Айлабон доим тағофул минг итобу қаҳр ила,  
Қаҳрлар қилғон манго дилдор ёрим сизмусиз?

Кўргузуб рангин табассум, деди ул Лайливашим:  
Эй Аваз, ушшоқ аро Мажнуншиорим сизмусиз?!

\* \* \*

Бизни қилғон ишқ аро мафтуну ҳайрон сизмусиз?  
Ожизу бечорая чоки гирибон сизмусиз?

Шүхлик оғоз этиб, турлук адову ноз ила,  
Айлаган ман зорни бесару сомон сизмусиз?

Борҳо ағёрнинг сўзини бовар айлабон,<sup>296</sup>  
Ишқ элин қилган асири доги ҳижрон сизмусиз?

Шум рақиб ила бўлуб мунис сабоҳу шом аро,  
Айлаган ушишоқнинг бағрин тўла қон сизмусиз?

Мунчаким ишқ аҳли қонин тўқдингиз бедод ила,  
Қон тўкардин бўлмаган гўё пушаймон сизмусиз?

Жумладин душвор эди, жоно, манга ҳижронингиз,  
Қилғучи мажмуи мушкилларни осон сизмусиз?

Эй Аваз, айларсиз ағғону наво субҳу масо,  
Ё гирифтари ҳамул шўхи сухандон сизмусиз?

\* \* \*

Бугун ёнимга, эй оромижоним, нега келмайсиз?  
Бўлурға ҳамнишину меҳрибоним, нега келмайсиз?

Бори маҳвашни айлаб сояи девор бу соат,  
Паривашлиқда яктои замоним, нега келмайсиз?

Қолибман ҳажр аро меҳнат чекиб, жон бергали аммо,  
Бор эрди васлингиз дорил-амоним, нега келмайсиз?

Замири покингизга ошкородур кечаю қундуз,  
Фигону нолау очи ниҳоним, нега келмайсиз?

Мани бечоранинг арзини сўрмоққа карам айлаб,  
Аё маҳбублиғ мулкида хоним, нега келмайсиз?

Неча кун бўлди тортиб мунтазирлиқ етдим ўлмакка,  
Мани ҳам ёд этиб, шўхи жаҳоним, нега келмайсиз?

Аваздек бўлмишам бехонумону толии вожун,  
Бугун ёнимга, эй оромижоним, нега келмайсиз?

\* \* \*

Лутфу карам айлаб манга, эй дилрабо, хуш келдингиз,  
То аҳдингизга қилғали бу дам вафо хуш келдингиз.

Роҳатмаоб этмак учун бу хотири ношодни,  
Мехру муҳаббат кўргузуб беинтиҳо хуш келдингиз.

Базмим аро, эй гулрухи олижанобу меҳрибон,  
Ушбу нафас гўё қилиб тарки жафо хуш келдингиз.

Раҳму мурувват расмини фош айлаб, эй оромижон,  
Токим қилурға жумлаи комим раво хуш келдингиз.

Ранжур этиб ҳижронингиз ичра, аё неку шиям,<sup>297</sup>  
Дарди дилимга бергали бу дам даво хуш келдингиз.

Бу тун Авазнинг базмига ёри қадрдонлиқ қилиб,  
Ағёр хайлиға бўлуб ноошно хуш келдингиз.

\* \* \*

Шўхлар хайлидадур меҳру вафо нодиру шоз,  
Жуз хусумоту итоб ила жафо нодиру шоз.

Истама бўса ато<sup>298</sup> ушбу санамлардинким,  
Ул гуруҳ ичра эрур лутфу ато нодиру шоз.<sup>299</sup>

Мани бечорани, эй жоҳил ҳаким, инжитма,  
Ишқ бир дард эрур, ул дарда даво нодиру шоз.

Бўлмишман ўйла гаронруҳки, бу олам аро,  
Иллати жони ҳазинига шифо нодиру шоз.

Найлайн йигламайн асруки, фурқат ичра,  
Файри олому азоб ила ано нодиру шоз.

Не ажаб ғайри била шому сабоҳ ичса қадаҳ,  
Ким ҳамул ёри жафожӯда ҳаё нодиру шоз.

Эй Аваз, шоири чолок ўладурсан-ўққим,  
Сен сифат назм аро эмди кумало нодиру шоз.<sup>300</sup>

\* \* \*

Ҳар ошиқеким, ишқ аро бўлса ҳамиша покбоз,  
Албатта бўлгай ёридин топиб муродин сарфароз.

Маъшуқ тузса борҳо жавру жафони барбатин,  
Мехру вафо қонунини ошиқ қилур бир умр соз.

Пайваста қошинг<sup>301</sup> булъажаб меҳроб эрур, эй ёрким,  
Гар сажда қилса, тонг эмас, кўргач сани аҳли намоз.

Гул бўлғомудур хорсиз олам гулистони аро,  
Кел суҳбатимдин қилмайин, эй орази гул, эҳтиroz.

Ушшоқ хайлар ўртама, эй ҳурпайкар шамъким,  
Парвонани ўртаб топар ҳар тун ўзи сўзу гудоз.<sup>302</sup>

Нозу тағофул расмини фош этгуси ул нозанин,  
Изҳор ман қилсан агар қошида ажз ила ниёз.

Тонг йўқ, ул ой тарк этмаса жавр ила нозин, эй Аваз,  
Ким бордурур маҳбублар кори<sup>303</sup> ҳамиша жавру ноз.

\* \* \*

Ҳолим эт, қосид, бориб ул сарви ғулрухсора арз.  
Бевафо, қоттилиқ ичра кўнгли мисли хора арз.

Ҳажрида ошуфтаҳол ўлғонлиғимни айлагил  
Қотилу номеҳрибону чобуку дилдора арз.

Хотирим асрү паришон ўлғонини қил бу дам  
Айлаб алтофу карам ул сочи анбарбора арз.

Ҳажрида бесабру бесомону саргардонлигим  
Ул қатолу ғамзаперо кўзлари хунхора арз.

Айлаким беҳушу мабҳут ўлғонимни бу нафас  
Чашми жоду қадди ножу лаъли шаккарбора арз.

Ақл ила ҳушумға яғмо тушгонини айлагил  
Ул жафоу зулмпеша кўзлари айёра арз.

Эй Аваз, борсанг агар айлаб карам ҳолимни де  
Ул нигори дилбару нозу тағофилкора арз.

\* \* \*

Бир нозанин ишқи аро шайдову мафтунман ҳануз,  
Ҳижрон қоронғу шомида яксар жигархунман ҳануз.

Ул Лайливаш гарчи мани ҳолимни сўрмасдур, vale  
Ишқи жунун водисида монанди Мажнунман ҳануз.

Бир йўл висолида майи роҳатни ошом этмайин,  
Дарду малолу меҳнату оломи афзунман ҳануз...

Гарчи бори эл толии чиқди нуҳусатдин, vale  
Бу даҳри бебунёд аро иқболи вожунман ҳануз.

Барча ёмонлар бўлдилар оламда неку номлиг,  
Гумномлиғ бирла мани бедасту по дунман ҳануз...<sup>304</sup>

Ишқ олмаган бўлса агар идроку ҳушим, эй рафиқ,  
Мехру муҳаббат илмида мисли Фалотунман<sup>305</sup> ҳануз.

Не айб, бўлсам, эй Аваз, девонаи беҳушким,  
Бир нозанин ишқи аро шайдову мафтунман ҳануз.

\* \* \*

Ераб; жаҳонда бўлмасун ҳеч кимса ҳайрон ман каби,  
Ошуфта ҳолу хотири асрү париён ман каби.

Борму экан олам аро бўлгон фалак бедодидин,  
Зору ғарибу бенаво бир хонавайрон ман каби.

Тортиб жафову жаврлар бўлғон ҳамиша устувор,<sup>306</sup>  
Мехру вафо ойинида йўқтур бир инсон ман каби.

Билмай висоли қадрини ҳажри насиб ўлғоч, vale  
Не суд агарчи айласанг чандон<sup>307</sup> пушаймон ман каби.

Оlamda жону дил била яхши кўруб ҳусн аҳлини.  
Йўқтур бори ушшоқ аро чоки гирибон<sup>308</sup> ман каби.

Етмай нигори васлиға бир умр айлаб жидду жаҳд,  
Бўлғай насиби борҳо андуҳи ҳижрон ман каби.

Бу кена, эй мискин Аваз, билғил ганимат англасанг,  
Айшу нашоти даҳрни дайр ичра меҳмон ман каби.

\* \* \*

Сан мажмуи шўх сарбаланди,<sup>309</sup>  
Ушшоқ эли кўнглининг писанди.

Кўп айлама жилваким мабодо,  
Хосид етуролмасун газанде.<sup>310</sup>

Ишқ аҳли бўлуб ҳамеша маҳрум,  
Васлингни рақиб баҳраманди.

Ўтлуғ юзинг эрса нори сўзон,<sup>311</sup>  
Жонлар эрур ониким сипанди.<sup>312, 313</sup>

Жон ила кўнгулни банд этарга  
Айёр кўзингу сочинг — каманди.<sup>314</sup>

Не навъ гаҳи комим ўлмасун талх,  
Бир етмас анга лабингни қанди.

Ул ҳуру пари фироқи ичра,  
Кўз ашки, Аваз, оқиб туганди.

\* \* \*

Бир пари ҳажри мени бу навъ бемор айлади,  
Юз балоу меҳнату кулфатга дучор айлади.

Базмима қелгач ҳамоно,<sup>315</sup> оҳким, кетти туруб,  
Ман била гўё ўтурмоқдин ул ой ор айлади.

Кокилин фикри кўнгулларни паришон айлабон,  
Даҳрни кўзларга ҳам гўё шаби тор<sup>316</sup> айлади.

Ул тағофулпеша маҳваш кўргузуб расми ситам,  
Ханжари ҳижрон ила жисмимни афғор айлади.

Тошлоб ул ой ҳажри ичра, чархким бу дам манго —  
Бўйла офоту балиятни намудор айлади.<sup>317</sup>

Дилбарим то ошнолиг фош этиб, фарёдким,  
Жавру зулму бевафолиг расмин атвор айлади.

Эй Авваз, қилғунг шикоят борҳо ёр илкидин,  
Қайси бир маҳваш вафо расмини изҳор айлади?

\* \* \*

Ераб, недин ул бевафо ман хастани ёд этмади,  
Бир лаҳза фурқат қайдидин<sup>318</sup> кўнглумни озод этмади.

Базми висолидин бори ағёрни масрур этиб,  
Ман нотавонин бир йўли маҳзун дилин шод этмади.

Субҳу масо айлаб вафо, чекмак ишим жавру жафо,  
Мен бенаводин ўзгани бу ишга мутьод этмади.

Қалду хати бирла юзин кўрган кишилар шавқидин,  
Ёди гули ҳумро била райҳону шамшод этмади.

Ҳижронида тан кишварин ғам хайли вайрон этса ҳам,  
Мъемори васлидин ани маъмуро обод этмади.

Базми висол ичра қачон етгай ул одам, эй Аваз,  
Ким ишқ аро номус ила орини барбод этмади.

\* \* \*

Фигонким, қаҳр этиб ул нозанин мандин жудо бўлди,  
Ишим ушбу жиҳатдин чекмак андуҳу ано бўлди.

Висолига етушмакни давомат айлабон уммиди,  
Фироқин теги буррони била кўксум яро бўлди.

Ҳакимо,<sup>319</sup> сиҳҳат уммидини қилма кўб бериб дору,  
Гирифтори мани бечора дарди бедаво бўлди.

Дилу жон шахсиким нақди висолин орзу айлаб,  
Ҳамул бедодгуетар шўх кўйида гадо бўлди.

Ўзини қилғоли расво мани дилхастау сода,  
Вафо расми била ул бевафоға ошно бўлди.

Муҳаббатсиз гўзаллардин чекиб жавру жафо асрү,  
Ҳамеша қалби зорим роғиби меҳру вафо бўлди.

Қилурға, доимо ўзни шикаста ўйлаким, Фарҳод,  
Аваз, кўнглум ҳамул Ширинлиқоға мубтало бўлди.

\* \* \*

Нигоро, келки ҳажрингда басе ҳолим хароб ўлди,  
Ишим чекмак туман олом ила ранжу азоб ўлди.

Хижолатдин қошингда хўблар гар изтироб этса,  
Тонг эрмаским, санга руҳсор рашки офтоб ўлди.<sup>302</sup>

Недур журми мани дил хастанинг, эй ёри мушкин хат,  
Санга варзиш ҳамиша мендин этмак ижтиоб ўлди.<sup>321</sup>

Фамингдин, эй нигори жавргустар, қил тараҳумким,  
Таним щикаста,<sup>322</sup> аҳволим забун, кўзим пуроб ўлди.

Вафову меҳр расмин кўргузуб, эй шўх, келгилким,  
Фироқ ичра ғаму дард ўтиға бағрим кабоб ўлди.

Ул ой ушшоқ хайлин дафттар айлар чоғда, эй аҳбоб,  
Биҳамдиллаҳ, мани бечора ҳам ондин ҳисоб ўлди:

Висоли давлатига ғарра бўлма,<sup>323</sup> эй Аваз, билким,  
Фалак давриға доим расму одат — инқилоб ўлди.

\* \* \*

Менинг ақлимни олғон дилбари соҳиб жамол эрди,  
Бори хўблар аро маҳбублигда бемисол эрди.

Юзининг ҳусн аро хуршиди раҳшон эрди шайдоси,  
Қошининг дилкушолиг ичра зори ҳилол эрди.

Ики шаҳлову фаттон кўзларининг ҳар бир имоси  
Улуснинг жонини олғучи бепарво қитол<sup>324</sup> эрди.

Фироқи заҳри бирла ўлган ошиқға берурда жон,  
Висоли базми айшида басе Исо<sup>325</sup> мақол эрди.

Юзининг меҳрини кундек демак беҳудагўлникким,<sup>326</sup>  
Анга ҳар тун завол эрди, мунга ҳар кун камол эрди.

Қади наврас ниҳоли меҳр бўйтонини сарвиким,  
Назокатлиғ аро тувиға андин инфиол<sup>327</sup> эрди.

Аваз, жон мурғи банд ўлмоқға боис зулфи домига  
Руҳи гулзори ичра дона осо турфа хол эрди.<sup>328</sup>

\* \* \*

Мани бир шўх ҳижрони аро зор этдию кетди,  
Туганмас ранжу дарду ғамға дучор этдию кетди.

Ёриб кўйсумни сарто по фироқи ханжари бирла,  
Гаронжон, сина чоку<sup>329</sup> кўнгли афгор этдию кетди.

Қўюб ман хастаю нокоми маҳжурини<sup>330</sup> ҳажр ичра,  
Тутуб бедод расмин майли ағёр этдию кетди.

Қилиб бемеҳрлик зоҳир мани бечора ожизни  
Балову дарду меҳнатга сазовор этдию кетди.

Мани ошуфта ҳолу зору ҳайрону ғамин айлаб,  
Жафо бирла ситам расмини изҳор этдию кетди.

Аваз, найлай мани бехонумону нотавонини  
Бу дам ул бевафо маҳруми дийдор этдию кетди.

\* \* \*

Зўр айлади бу дам манго ул навъким ҳижрон ғами,  
Қошида они бўлғуси зарра киби даврон ғами.

Не айб бўлсан борҳо шикаста хотир<sup>331</sup> даҳо аро,  
Ким қалби маҳзунимда бор бир нарғиси фаттон<sup>332</sup> ғами.

Васли нишоту ҳаззини ёдимға келтурсам агар,  
Ҳар лаҳза ҳайрат ўтиға жоним қилур сўзон ғами.

Найлайки, бўлмай нотавон ман бенаво ҳажри аро,  
Юзлангуси онисиз манго беҳадду бепоён ғами.

Қўнглум агар ношод эса, тонг йўқ, аё аҳбоб эли,  
Ким анда борғур ушбу дам бир бевафо жонон ғами.

Кўзимға олам тийрадур, токим бошимға тушгали,  
Ул ҳусн авжида руҳи шамсу маҳи тобон ғами.

Ҳолимға қилмас бир нигоҳ, ул сарвқомат, эй Аваз,  
Қўнглумни айлар дўимо қумри киби нолон ғами.

\* \* \*

Ул шўхи якто айламас васли била хуррам мани,  
Айлаб ўзиға бир йўли хилватаро маҳрам мани.

Ул беҳжатафзо васлининг тарёкин айлаб муддао,  
Бўлмиш ҳамиша қисматим ҳижронда муҳлик сам<sup>333</sup> мани.

Бегона бўлдум ақлдин ул бевафо ишқи аро,  
Расволигим кўрган киши не навъ дер одам мани.

Ойтинг бориб, келсун, ул ой эрди ҳаётим боиси,  
Ултургусидур онсизин ҳижронда дарду ғам мани.

Арз эт хумор ўлғонлигим, шоядки келгай<sup>334</sup> ул пари,  
Қилмоқ учун ушбу кечада сармасти жоми Жам мани.

Бир умр гайрини бўлуб ёри анису муниси,  
Ул маҳ ўзига айламас билмон иедин ҳамдам мани.

Не навъ айлай, эй Аваз, чекмак малолат бўйлаким,  
Доим ул ой кўргусидур ағёр элидин кам мани.

\* \* \*

Оҳким, қилди фалак ойру диёrimдин мани,  
То йироқ солмоқға бир гулрух нигоримдин мани.

Хотирим ошуфта бўлса айб қилманг, негаким,  
Солди айру чарх аҳбоб ила ёrimдин мани.

Ҳодисоти даврдин бошимға юз савдо тушуб,  
Қолмади осор қўлда ихтиёrimдин мани.

Юзланиб бечоралиғ ҳар дам жудолиғ доғидин,  
Қолмагай андак асар сабру қароримдин мани.

Не манга ёрову ҳамдам, не манга бир меҳрибои,  
Шум иқболим айирди йўқу боримдин мани.

Ёр учун жоним фидо қилсан агар эрмас ажаб,  
Ким аён ошиқлигим афғону зоримдин мани.

Эй Аваз, қилма таажжуб доимо ношод эсам,  
Ким хабар олмас бирор ҳоли низоримдин мани.

\* \* \*

Бир пари ишқи аро мафтуну зор айлар мани,  
Ақлу ҳушимни олиб девонавор айлар мани.

Базми васлига агар етсан ҳамул соҳиб адо,  
Бир далолу ноз ила беихтиёр айлар мани.

Нозир ўлсам ҳусни бетимсолиға бир лаҳзада,  
Қўзлари имоси бирла беқарор айлар мани.

Бевафолиқ расмин айлаб фурқат андуҳи аро,  
Бағри қону сина чоку дилфиғор айлар мани.

Турраи зулфин паришон айлабон рухсорига,  
Хотири ошуфтаву жони низор айлар мани.

Ишвалар айлаб тутуб ағёр әлига жом, Аваэ,  
Доги нокому малулу бадхумор айлар мани.

\* \* \*

Ошиқ ўлдим бир йўли қилғач тамошо ҳуснини,  
Бу жиҳатдин ҳар нафас қилғум таманно ҳуснини.

Заррадек ойу қуёш қошида айлар изтироб,  
Нозири бўлса қачон ул моҳ сиймо ҳуснини.

Оlam аҳлин сарбасар шайдову зор этмак учун,  
Халқ қилмиш гўёї тағри таоло ҳуснини.

Дил бериб нозу адову ишваву рафторига,  
Кўргали ман бўлмишам ушшоқи шайдо ҳуснини.

Нотавон кўнглумга найлай бўлмаса сабру шикеб,  
Кўрмайин бир лаҳза ул маҳбуби зебо ҳуснини.

Бўлғусидур кўрган эл албатта ишқига асир,  
Ким анинг дилкаш яратмиш тангри гўё ҳуснини.

Эй Аваэ, бўлсам агар беҳуш ман не айбким,  
Кўргали ҳайратда ман бир нозперо<sup>335</sup> ҳуснини.

\* \* \*

Гарчи ёрим айламишдур ошнолиғ таркини,  
Лек кўйида ман этмасман гадолиғ таркини.

Тарки меҳр этган била ул дилбари номеҳрибон,  
Хаста жоним қайда қилғай мубталолиғ таркини.

Ернинг озорига тоқат кетурмай борҳо,  
Ошиқ эрмас айлаганлар бенаволиғ таркини.

Сода кўнглум дер яна, айлар муҳаббат, ғам ема  
Айласа ул нозанин меҳру вафолиғ таркини.

Не ажаб ҳижронда ишрат таркини айлар эсам  
Ким қилур ушшоқ әли завқу сафолиғ таркини.

Тарки ишқ этканни аҳли дил нечук одам десун,  
Ким ул айлар гүйё фармонраволиғ таркини.

Эй Аваз, тарк этмаким зинҳор ишқинг лаҳзае,  
Дилбаринг ҳам бир кун айлар пур жафолиғ таркини.

\* \* \*

Кел эй дилбар, ту tub расмӣ вафони,  
Бўлурга ман ҳазиннинг меҳрибони.

Мани дил хастау зорингни етмиш  
Фироқинг ранжидин чиқмоққа жони.

Вафо аҳлига, эй маҳваш, ҳамиша  
Муносиб ёд қилмоқ ошнони.

Қилурга муддайи хайлини нохуш,  
Манга бир лаҳза қил тарки жафони.

Жаҳон мулкида ҳаргиз кўрганим йўқ,  
Сенингдек шўҳшанг дилрабони.

Келиб, эй мутриби яктойи олам,  
Бу дам соз айла «Сегоҳ»у «Наво»ни.

Аваз, гар бўлмасанг сирримдин огоҳ,  
Кўруб неткунг мани баҳти қарони.

\* \* \*

Базм этар бўлсанг ҳамул маҳбуби сийминбар қани?  
Соқии гулчеҳрау мийно била согар қани?

Улдум асрү ком талҳ, эй дўстлар, ҳижрон аро,  
Қилғоли комим мулаззаз<sup>336</sup> ул лаби шаккар қани?

Ушбу базм ичра, не тонгким, хотирим очилмаса,  
Борчани маҳбуби бордур, бизни ул дилбар қани?

Рост айғил, қойда кетти, маҳфилимда йўқдуур,  
Ул нигори нозперо кўзлари кофар қани?

Эй биродар, ушбу кеча кўзларим ёрутголи,  
Хусн авжидаги руҳи рашки маҳи анвар қани?<sup>337</sup>

Даҳр иззу жоҳига, эй кимса, мағрур ўлмаким,  
Гар бақо бўлса анга Жамшид<sup>338</sup> Искандар<sup>339</sup> қани?

Эй Аваз, гар ушбу олам қиласа оқилға вафо,  
Бу Али Сино<sup>340</sup> била Луқмони донишвар<sup>341</sup> қани?

\* \* \*

Меҳри ишқи ёрким жисмимда жон дерлар они,  
Синаи афгорим ичра бир ниҳон дерлар они.

Ўргатай Мажнунга ишқ ичра муҳаббат шевасин,  
Сарвари хайли тамоми ошиқон<sup>342</sup> дерлар они.

Бир нигори бевафоу нозперо воласи,  
Жону кўнглумким эрурлар, нотавон дерлар они.

Ул паривашким эрур ҳусн аҳлининг сардафтари.<sup>343</sup>  
Нозанину маҳлиқо абрӯ камон дерлар они.

Мазҳари нури тажалли бордур йўқ билмайин,  
Оразин монанди моҳи осмон дерлар они.<sup>344</sup>

Дилбарим моҳияти аслини билмай ҳеч киши,  
Гаҳ Зулайхон<sup>345</sup> гаҳи Юсуфнишон<sup>346</sup> дерлар они.

Эй Аваз, гар ошиқ эрсанг, гулрухинг кўйиниким,  
Маскан этгил борҳо, доруламон<sup>347</sup> дерлар они.

\* \* \*

Эй ҳаётим боиси бўлғон лаби жонпарвари,  
В-эй, мамотим мўжиби киприкларининг ханжари.

Бир тараҳҳум зоҳир этсанг не бўлур аҳволима,  
Ким бўлубман ҳажр аро сабру қароримдин бари.

Гавҳари дурҷи фасоҳатдур сўзингдан мунфаил,  
Юзларингдин ҳам хижил буржи сабоҳат ахтари<sup>348</sup>.

Қошларинг андоқки шамшири жаллоди ажал,  
Кўзларинг хунрезлиғда шаҳри Хайбар<sup>349</sup> кофари.

Суратинг, эй жон, эрур руҳи мужассам шакл аро,  
Талъатинг эрса агар нури тажалли мазҳари.

Зулфи шабрангинг дуғур ҳам сунбули гулзори Чин,  
Ҳам эрур мавзун қадинг боғи назокат ар-ари.

Оразинг беҳжатнамолигда гулистони биҳишт,  
Руҳпарвар лабларинг шаҳдиidor онинг кавсари.

Меҳру моҳу Муштарига гар сени ўхшаш десам,  
Кимсанинг олмишдур ҳушин меҳру моҳу Муштари?<sup>350</sup>

Базм аро маҳзун Авазга муддаийни доғ этиб,  
Бўсае қилғил ато лаъли лабингдин, эй пари.

\* \* \*

Манга айламас марҳамат ул пари,  
Бўлуб муддаий хайланинг ёвари.

Ҳамеша нигорим мусаххар дурур,  
Рақибимға толеъмудур Муштари.<sup>351</sup>

Ул ой илтифот этмаса бўлғоман,  
Ман хаста ушшоқ элин аҳқари.

Хуш андоқ кишиким, гар ўлса тўла,  
Мұҳаббатни саҳбосидин соғари.

Ул ой изига тушса аҳли жаҳон,  
Гирифтори бўлмишдур онинг бари.

Қачон жонни мулки амон қолғуси.  
Гар эсса фано бодининг сарсари.<sup>352</sup>

Бўлур зору маҳзун қаю кимсанинг,  
Онингдек эса пуржафо дилбари.

Фироқи аро ўтди умрим, нетай,  
Бўлуб мажмаъи молу жондин бари.<sup>353</sup>

Аваz, сақла ўзингни зинҳорким,  
Санга жилвагар бўлса дунё гари.

\* \* \*

Оади жонимни фироқинг, эй суманбар, кел бери,  
Нўш этарга ман била гулранг соғар, кел бери.

Токи бўлсун пурзиё шоми ғамим ораз очиб,  
Эй руҳи рашики маҳу хуршеди анвар, кел бери.

Эй нигори гулжабину нозанину дилрабо,  
Ушбу оқшом то манга бўлмоқға ёвар, кел бери.

Кўргузуб лутфу вафоу меҳр ушбу лаҳзада,  
Эй лабин ширинлиги монанди шаккар, кел бери.

Манда қолмас сансизин бир заррача сабру шикеб,  
Фош этиб беҳадду сон нозу адолар, кел бери.

Муддайилар хайлидин бу дамда айлаб ижтиоб,  
Гар муҳаббатлиғ эсанг, эй шўх дилбар, кел бери.

Гар Аваз бирла қадаҳ ошом қилмоқ истасанг,  
Эй дилорому парӣ пайкар, диловар, кел бери.

\* \* \*

Сўрголи ҳолимни келмас дилраболардин бири,  
Ул мурувватсиз, вафосиз ошнолардин бири.

Етса эрди ҳар кишига тарки ишқ айлар эди,  
Ҳажрида ман чеккан олому балолардин бири.

Етмади Фарҳодга Ширин ғами ишқи аро,  
Онсизин етган мангә ранжу анолардин бири.

Нечаким жоним фидоси айлаб ўлдум ошно,  
Олмади мандин хабар ул бевафолардин бири.

Ишқ аро Мажнунки, дерлар, телба ўлгой, эди.  
Етса гар эрди анга бу можаролардин бири.

Етмади ҳеч кимсага бу бебақо олам аро,  
Эй биродарлар, манга етган жафолардин бири.

Эй Аваз, ман ҳар қачонким бордим онлар сорига,  
Сўрголи ҳолимни келмас дилраболардин бири.

\* \* \*

Нигоро, кўрмадим сандек нигори,  
Жаҳон аҳли дилин қилғай шикори.

Бори олам элин бўйнига тушмиш  
Каманд осо келиб зулфингни тори.

Кулуб ул дилбари Лайли шамойил,  
Деди: Эрдинг киминг Мажнуншиори?

Қадин кўргач дедим: Ҳолимға раҳм эт,  
Чекарман қумридек афғону зори.

Мани ошуфта дил жон жавҳарини  
Тилар қилмоқ қудумингнинг нисори.

Гар ошиқ нолалар булбулдек этса,  
Не тонг қошига келгач гульузори.

Сани кўргач йиқилғай хайли ушшоқ  
Бориб ўздин инону ихтиёри.

Фироқинг аҳқариман, лек ағёр  
Висолинг комрону комкори.

Мани бечораву бехонумоннинг  
Не қолмиш заррадек сабру қарори.

Фироқинг дард ила оломи ичра,  
Этурман шарбати васлинг хумори.

Аваз, жаҳд айла доим истар эрсанг,  
Агар назм ичра бўлмоқ номдори.

\* \* \*

Менингдек ҳеч кимса бўлмағай фурқат гирифтори,  
Етар ҳар соат ичра жонима ранж ила озори.

Таажжуб қилмангизлар ман ҳаётимдин умид узсам,  
Ки сиҳҳат қотили ҳеч бўлмағуси ишқ бемори.

Иши чекмак бўлур жавру жафоу зулму қаҳру кин,  
Кишиким борҳо меҳру вафо бўлса агар кори.

Мұхаббат айламак әркан ғалат оламни шүхига,  
Ки онларинг ҳамиша бўлгуси дамсозу ҳамкори.

Бори ушшоқ аҳволи эрур ошуфтау абтар,  
Магар шафқат аларға қилмагуси эмди дилдори.

Агар билмас эсанг субҳи висоли ёр қадрини  
Бўлурсан, эй кўнгул, ҳижрон қаро шомин сазовори.

Авазким, назм аро гарчи эрур табъи салим асрү,  
Ва лекин бўлмади мажмуи шоирларни сардори.

\* \* \*

Ҳусн ичра ул нигор парилар ягонаси,  
Ман ишқи ичра бўлмишам олам фасонаси.

Байтулҳазандга бу мани маҳзуну хастани,  
Қўз ёши бирла дарду ғам — обу донаси.

Ман не сифат малул басе ошуфта бўлмайин,  
Бўлмиш гиреҳ-гиреҳ они зулфини шонаси.

Топгум нечук мурод била васл базмини,  
Навъи тогафул эрса гўзаллар баҳонаси.

Фикр айласам ҳақиқат аро, эй рафиқлар,  
Мурғи дилимни асрү буюк ошёнаси.

То тушгали ул ойни, ман зор, кўйига,  
Ҳар соридин бошимга келур тозиёнаси.<sup>354</sup>

Гарчи, Аваз, рақиб элин обод кулбаси,  
Бўлмиш хароб ишқ әлини лек хонаси.

\* \* \*

Кўнгуллар қайди зулфинг мубталоси,  
Фидойинг бўлса жонлар муддаоси.

Қилиб ишва, нигоро, кёл бериким  
Қиласай жонимни иқдоминг<sup>355</sup> фидоси.

Агарчи зоҳиран сандин жудоман,  
Вале кўнглум эмас ёдинг жудоси.

Нечук тоқат қиласай сансиз, аё гул,  
Ки сабрим олғуси ҳажринг ҳавоси.

Қўлумдин ихтиёримни олибдур,  
Аё маҳ, ёди чашмингни қароси.

Олиб тобу тавоним жисмим этти  
Фироқинг ранжи бирла ибтилоси.

Жамолинг партави нури тажалли,  
Хати лаълинг бу сўзимнинг тувоси.

Агар ўлтургали шамшир чексанг,  
Ҳазин жонимни улдур илтимоси.

Авазга бир мушаддад<sup>356</sup> дарди ҳажринг,  
Ани сан, йўқса марг ўлгай давоси.

\* \* \*

Биродарлар, жаҳоннинг йўқ вафоси,  
Вафоси демайин, балким бақоси.

Етүрмас ҳеч кима бу чарх роҳат,  
Фузун ҳар дам бўлуб зулму жафоси.

Бўлур ким келса бу ёлғончи ичра,  
Ғаму дарду балонинг ошноси.

Чиқар кўк сори офат қасратидин,  
Халойиқнинг фифон ила навоси.

Дуо айлангки, шояд айлагай раҳм,  
Бу ҳолига еру кўкнинг худоси.

Ҳар одам бўлса ошиқ ожиз айлар,  
Рақиб аҳлини таън ила изоси.

Аваз, ул ойга етмай ўлғадурман,  
Йўқ эрмиш ишқ дардининг давоси.

\* \* \*

Тушуб бошимга бир Лайлинасабнинг зулфи савдоси,  
Бўлубдур масканиди Мажнун ишқ саҳроси.

Ҳамоноким бу соат бўлмишам Фарҳоди маҳзундек,  
Ҳамул Шириншамойил ишқининг мафтуну шайдоси.

Магар ул шўхи қотил отланиб чиқмишму майдонга,  
Жаҳон мулкин тутар ушшоқ хайлиниг алолоси.

Бошимга тушколи бир шўхи беҳамто ғами ишқи,  
Биҳамдиллаҳ, эруман ошиқон хайлини яктоси.

Агарна етмасам ҳам борҳо, фарёдким, найлай,  
Дилу жонимда онинг базми васлининг таманноси.

Нигорим изидин айрилмогуси муддайи хайли,  
Манго бордур аларнинг ё магар ишқ ичра даъвоси?

Биҳамдиллаҳ, Аваз, дилкаш ғазалдан ҳафтадан бўлди,  
Икки юз элликни айтурға таъбимни тақозоси.

\* \* \*

Бўлибман дарди ишқинг мубталоси,  
Ҳазин жонимда ҳижронинг балоси.

Нетайким, йиғламай бисёр, бисёр,  
Йўқ эрмиш ишқ дардининг давоси.

Хуш ул кунларки, эрдим хуррам, эмди  
Бошимга тушди фурқат можароси.

Жафову жаврлар чекмак жаҳонда  
Ҳамиша ошиқ ўлғоннинг сазоси.

Қачонким, бўлмишам мафтуну шайдо,  
Танимда қаҳри нишининг изоси.

Кўруб беҳадду ғоят фитнаи ҳажр,  
Бу дамдур муддати умр интиҳоси.

Не тонг ҳижронда қолғон элни чиқса,  
Фалакка оҳу фарёду нағоси.

Бўлубдур мунъадам сели, ситамдин  
Фироқ ичра ҳаётимнинг биноси.

Аваз гар бўлса васли марҳамидин,  
Битар эрди фироқининг яроси.

\* \* \*

Бир ёшгина маҳваш мани ишқида ҳайрон этгуси,  
Ташлаб фироқи шомига кўзумни гирён этгуси.

Тинмай замоне шавқ ила жон булбули шаб то саҳар,  
Гулдек узорин ҳажрида фарёду афғон этгуси.

Помоли хижлат қилғоли сарви сиҳини борҳо,  
Шамшод қаддин боғ аро ҳар ён хиромон этгуси.

Зулфин саҳобосо ул ой меҳри руҳига тарқатиб,  
Бу ёғду дунёни манга гўёқӣ зиндан этгуси.

Токим қилурга ғунчанинг яксар яқосин чок-чок,  
Ул гулрухи барно букун сайри гулистон этгуси.

Сидқи дилимдин ёлбориб топди баҳона, қол, десам,  
Еким ул ойни муддай базмида меҳмон этгуси.

Васлиға етгач не ажаб қурбони бўлсам, эй Аваз,  
Ким ошиқ ўлғон жонини жононга қурбон этгуси.

\* \* \*

Фамгин кўнгул шод ўлки, ул маҳбуби барно келгуси,  
Жисминг аро жон бергали нутқи Масиҳо<sup>357</sup> келгуси.

Бир илкина соғар олиб, бир илкина шиша тутуб,  
Сан хаста бирла ичгали гулранг саҳбо келгуси.

Зулфу юзин сунбул била гулдек қилиб ул дилрабо,  
Базмимни қилмоқға букун жаннатоси келгуси.

Дилдорлиғ таврин тутуб, айлаб ситамлар иоаён,  
Расми адоу ишвани айлаб ҳувайдо келгуси.<sup>358</sup>

Ушбу кеча, эй нотавон, сан бирла ишрат қилғоли,  
Үйнаб-кулуб ул ёшгина дилдори якто келгуси.

Бўлса санингдек музтариб эрмас ажабким, эй кўнгул,  
Ҳар ошиқе ким базмига ул беҳжатафзо келгуси.

Ваҳ, не қаро баҳт эрди шу шўрида баҳтинг, эй Аваз,  
Ҳар лаҳзада бошингга юз оғоту савдо келгуси.

\* \* \*

Ваҳким, яна хайли ситам бошимда гағро қилгуси,  
Сабру қарору тоқату ҳушимни яғмо қилгуси.

Найлайки, ман жону дилим фурқатнинг оташгоҳида,  
То тушгали бошдин-аёқ қолмай асар ё қилгуси.

Эй дўстлар, бир дилбари барно гўзал ишқи мани,  
Олиб иноним жумлаи оламга расво қилгуси.

Олому меҳнат шиддати оҳим ўтин тез айлабон,  
Дуди шарорин ҳар кеча афлокфарсо қилгуси.

Асрори ишқин ёшурун сақлар эдим жоним аро,  
Қон ёшим оқиб, ваҳ, ани кўп ошкоро қилгуси.

Эрди мақомим аввало гулзору бўстони висол,  
Чарх ҳажр зиндонин манга, ваҳ, эмди маъво қилгуси.

Ул ҳусн султони Аваз аҳволидин оғаҳ эса,  
Мунча тагофил билмадим, ваҳ, нега пайдо қилгуси.

\* \* \*

Дардимни ёрим сўрмайин кўнглумни маҳзун қилгуси,  
Ҳам жоним ошуби ғамин кам қилмай афзун қилгуси.

Не айб гар йиглар эсам, гардуни дуннинг гардиши,  
Ким ёр лаъли ҳажрида ашким жигар хун қилгуси...

Не навъ даҳр аҳлин сафи, аҳбоб, барҳам бўлмасун,  
Ким аскари дарду алам ҳар кеча шабхун<sup>359</sup> қилгуси.

Тонг йўқ эсам ҳижрон аро ноком ман зору ҳароб,  
Ким ушбу ғусса сарбасар бағримни бас хун қилгуси...

Бўлғай нечук саршорком аҳбоби неку фоллар?  
Ким ушбу чархи нилгун тарбияти дун қилгуси.<sup>360</sup>

Келса қўлидин, эй Аваз, ҳар шоири жоду баён,  
Албатта ҳар бир байтини бир дурри макнун қилгуси.

\* \* \*

Кетма сан ҳар ёна турлук можаро қўзғолғуси,  
Можаро ҳам демайинким, минг бало қўзғолғуси.

Сан агар мандин жудо бўлсанг, аё номеҳрибон,  
Сарсари оҳим била арзу само қўзғолғуси.

Оразингни гулгун айлаб ёқмаким жонимға ўт,  
Онда сансиз нори сўзон борҳо қўзғолғуси.

Сан ниҳон ўлсанг паридек, эй парилар сарвари,  
Мажмуъи ушшоқ аро оҳу наво қўзғолғуси.

Сан итобу қаҳр бирла ҳар қачон боқсанг қиё,  
Қойтадин ғавғои дашти Қарбало қўзғолғуси.<sup>361</sup>

Улки сандин айлар эрди, эй париваш, мултамас,  
Қил онинг коми муродинираво, қўзғолғуси.

Гар савор ўлсанг адую хашм якрони<sup>362</sup> уза,  
Оламин мулкида кулли мосуво қўзғолғуси.

Дайр пири майни сунмоймен, деса зоҳидни кўр,  
Қаҳр ила олиб қўлига бир асо қўзғолғуси.

\* \* \*

Бу дам мани дарди фироқ ўлтургуси, ўлтургуси,  
Ул ой бўлуб мандин йироқ ўлтургуси, ўлтургуси.

Жавру ғамин ҳаддин фузун айлаб мани бечораға,  
Ул гулрухи бодом қабоқ ўлтургуси, ўлтургуси.

Хижрон қоронғу шомида дард ила меҳнат ўтиға  
Жонимни айлаб эҳтироқ ўлтургуси, ўлтургуси.

Сан нотавон хастадек ким ошиқ ўлса, эй кўнгул,  
Ул дилрабойи сиймсоқ ўлтургуси, ўлтургуси...

То кўрмасам ул дилбари барниони бу соат аро,  
Ман нотавонни иштиёқ ўлтургуси, ўлтургуси.

Васли мұяссар бўлмаса гар ул гўзални, эй Аваз,  
Бу дам мани дарди фироқ ўлтургуси, ўлтургуси.

\* \* \*

Манго жаврини ул маҳбуби дилдор эттию кетти,  
Кўзум ҳасратни ашки бирла хунбор эттию кетти.

Манго бегоналиғ таврин тутуб ул бевафо маҳваш,  
Шитоби беҳад айлаб майли ағёр эттию кетти.

Ҳамул номеҳрибон, ноошноу пуржафо дилбар,  
Дилу жоним фироқи ичра bemор эттию кетти.

Буким беҳад вафодин лоф урар эрди ҳамул қотил,  
Ситамгар эрконини бу дам изҳор эттию кетти.

Боқиб бир мартаға ман сорига турлук адo бирла,  
Қарору сабрим олиб ошиқи зор эттию кетти.

Давомат бистари васл ичра масти хоб эдим, ул ой,<sup>363</sup>  
Насими ҳажр ила бу лаҳза бедор эттию кетти.

\* \* \*

Мани бир шўхи барно ишқи ичра беқарор этти,  
Кеча-кундуз ишим фарёд, фифону оҳу зор этти.

Мани бекасни жоми илтифотин орзусиким,  
Фироқи муҳлиқ оқшомида доим бадхумор этти.

Қадимни ё мисоли хам қоши ёди била айлаб,  
Жамолин очмайин икки кўзумни ашкбор этти.

Аёқин бўса қилмоқ эрди кўнглумни таманноси,  
Мани бу орзу йўли уза гарду губор этти.

Лабинг ёди, аё оромижон, ҳижронинг ичраким,  
Юроким таҳбатаҳ қону таним беиқтидор этти.

Аё қоши камоним, икки жоду чашму мужгонинг,  
Манга турлук жафоу жавр ила зулм ошкор этти.

Аваз, фарёдким, базм айлагач бир йўл олиб ақлим,  
Мани бир шўхи барно ишқи ичра беқарор этти.

\* \* \*

Қадаҳ сунким, асири дөғи ҳижрондурман, эй соқи,  
Нигорим лаъли ёдидин бағир қондурман, эй соқи.

Ул ойнинг бодай васли била сармас том ўлмай,  
Хуморим ҳасратидан чашми гирёндурман, эй соқи.

Нечук ўлмай бу соатда малулу зору саргашта,  
Асири бир нигори чашми фаттандурман, эй соқи.

Ажаб әрмас агар кўздин сиришки лолагун тўксам,  
Ки то ман ошиқи бир лаъли хандондурман, эй соқи.

Кезиб шаҳр ила саҳрони мани ошуғаву бедил,  
Хабар топмай ул ойдин асру ҳайрондурман, эй соқи.

Карам бирла олиб илгингга соғар бода бергилким,  
Ҳамиша бадхумору ҳам гаронжондурман, эй соқи.

Муродим жомидин то бўлмайнин саршор Аваз янглиғ,  
Ишим чекмак ғаму андуҳу ҳирмондурман, эй соқи.

\* \* \*

Эй мажмуъи ишқ элинни шоҳи,  
В-эй аҳли вафо жаҳонпаноҳи.

Фурқатни балоси жонга оғат,  
Алтоғ ила соқласун илоҳи.

Ҳижрон аро кўзума кўрунмас,  
Афлокни ушбу шамсу моҳи.

Фарзона керак қадам қўярға,  
Жон оғат эрур чу ишқ роҳи.

Мехр ила вафо бал этса ёринг,  
Жавр ила жафоу қаҳр гоҳи.

Кўнглўнг топар эрди беҳжат асру,  
Қилса, Аваз, ул ой нигоҳе.

\* \* \*

Ҳар кишиким орзуйи васли жонон айлагай,  
Ўзни доим мубталойи дарди ҳижрон айлагай.

Қимки ёрин хол ила зулфу хатин фикр айласа,  
Хотирин ошуфтау табъин паришон айлагай.

Қимсаким дилдор лаълин бўса этмак истаса,  
Фурқат ичра борҳо бағрин қаро қон айлагай.

Ошиқеким, айласа хилват таманно ёр ила,  
Бу таманноси анга оламни зиндан айлагай.

Илтимос этган киши маҳбубининг ҳамдамиғин,  
Топмайин комини юз минг навъ армон айлагай.

Эй кўнгул, ишқ ўйнамоқ қилма ҳаваским, борҳо<sup>1</sup>  
Ишқинг охирда сани расвойи даврон айлагай.

Эй Аваз, ким истаса айш ила роҳатни, фалак  
Қисматини доимо олому ҳирмон айлагай.

\* \* \*

Ҳар кишиким, гар ўзин ишқ ичра ҳайрон айлагай,  
Оқибат қилғон ишидин кўб пушаймон айлагай.

Бўлғой албатта ҳамиша ношикебу музстариб,  
Ҳар кўнгулким майли ул маҳбуби жонон айлагай.

Қимсаким ул зулфи мушкин сори рағбат айласа,  
Хотирин ошуфтау, табъин паришон айлагай.

Ҳар хирадким гар тафаккур қилса ёр атворини,  
Борҳо ишқи жунун даштида сайрон айлагай.

Ҳар бир ошиқ Лайливашлар ишқига шайдо эса,  
Ўзни билким даҳр аро расвойи даврон айлагай.

Эйки, молу жон санго даркор, кирма ишқ аро,  
Ким бори дилдор қасди мол ила жон айлагай.

Бўлмагил мағрур Аваз, субҳи висоли ёраким,  
Ҳажр айёмини чарх охир намоён айлагай.

\* \* \*

Ваҳ, ул тағофулпешага ҳоли харобим ким дегай?  
Ҳажр ичра чеккан меҳнату ранжу азобим ким дегай?

Рухсорининг ҳижронида ул меҳр талъат шўхга,  
Заррадек ўлсам музтариб, ваҳ, изтиробим ким дегай?

Ул сангдил ойга бориб, эй дўстлар, фурқат аро,  
Хуноби чашмим ким дегай, боғир кабобим ким дегай?

Фарёд, асрү ожизу бекас эруман даҳр аро,  
Айлаб иноят ҳолима чашми пуробим ким дегай?

Ул лаъли анфоси Масиҳ, номеҳрибон маҳбубға,  
Бўйла адам майдонига қилғон шитобим ким дегай?<sup>364</sup>

Ул bemuruvvat ёрға шафқат қилиб, эй дил, манго,  
Ҳижрони ичра йўқ эса, жуз вола хобим ким дегай?

Найлайки, бўлмай борҳо ношод Аваз олам аро,  
Ваҳ, ул тағофулпешага ҳоли харобим ким дегай?

\* \* \*

Кўрмасам меҳри рухинг бу чашми бинони нетай?  
Сўрмасам ширин лабингни жамъи ақвони<sup>365</sup> нетай?

Гар назарда жилвагар бўлмас эса раъно қадинг,  
Боғ аро сарви била шамшоди зебони нетай?

Жон машомини муаттар холу хатting қилмаса,  
Найлайн анбарни бўйин мушки сорони<sup>366</sup> нетай?

Топсам ар лаъли лабингдин чошни ман нотавон,  
Софари ёқут аро гулранг саҳбони нетай?

Меҳри рухсоринг била бўлса мунаввар кўз манга,  
Ойни найлай, офтоби оламорони нетай?

То муҳаббатни кулоҳин киймасам ушшоқ аро,  
Эмди Искандар масаллик тожи Дорони нетай?<sup>367</sup>

**Мақсудим исор қилмоқ мақдамиға бўлмаса,  
Эй Аваз, жону дил отлиғ нақди аднони<sup>368</sup> нетай?**

\* \* \*

**Телба кўнглум ёр зулфи торидин айрилмағай,  
Жони зорим лаълининг гуфторидин айрилмағай.**

**Қолгали ҳижрон қаро шомида, яъни қўзларим,  
Ул рухи хуршиди пур анворидин айрилмағай.**

**Бағрим ўлмоққа ҳамиша пора-пора ёдидин,  
Ул суманбар лаъли шаккарборидин айрилмағай.**

**Ердин айру тушуб бўлдум гирифтори миҳан,<sup>369</sup>  
Ҳеч бир ошиқ манингдек ёридин айрилмағай.**

**Иш манга ул гулдин айру борҳо бўлмишдуур, -  
Булбули шўрида ҳам гулзоридин айрилмағай.**

**Ғамда қолдим, эй Аваз, онсиз манингдек ҳеч ким  
Мехрибону мунисуғ ғамхоридин айрилмағай.**

\* \* \*

**Ман киби ҳеч ким ҳамул дилдора ошиқ бўлмағай,  
Киприки ўқ, қошлари хунхора ошиқ бўлмағай.**

**Олғуси жонимни истигноси, ёраб, ҳеч киши,  
Бемуҳаббат золими маккора ошиқ бўлмағай.**

**Ҳар киши ушбу жаҳонда ман сифатлик борҳо,  
Бир сиҳиқомат, қамарруҳсора ошиқ бўлмағай.**

**Ноз ўқин ҳар дам урар кўксумга оламда бирор,  
Ҳам кўзи бадмасту ҳам айёра ошиқ бўлмағай.**

**Орази ҳижрони ичра бехуду бадҳолман,  
Ҳеч кас ул шўхи гулруҳсора ошиқ бўлмағай.**

**Ман ҳам ондин ўзгага дил бермагайман борҳо,  
Мандин ўзга ҳеч бирор ҳам ёра ошиқ бўлмағай.**

**Эй Аваз, ошиқлик әрса бу сифат олам аро,  
Ман киби ҳеч ким ҳамул дилдора ошиқ бўлмағай.**

\* \* \*

Ҳамдамим борҳо нигор ўлғой,  
Андин алтоф ошкор ўлғой.

Боз дармондадур кўнгул мурғи,  
Сайди мақсад анго шикор ўлғой.

Ул паривашки бордур аҳли вафо,  
Нақди жон бошига нисор ўлғой.

Кўнглум олғон нигор шому сахар.  
Ҳамдаму ғамгусор ўлғой.

Билмаган қадри ёрни доим,  
Васл саҳбосига хумор ўлғой.

Гул рухингға ким ўлса зору асир,  
Иши чекмак фифону зор ўлғой.

Вақино раббано азобан нор,<sup>370</sup>  
Ким Аваздек анга дучор ўлғой.

\* \* \*

Топмиш камол ҳуснинг, эй маҳлиқо, муборак!  
Бермиш бори жаҳонға нурү зиё, муборак!

Қилмиш фузун жамолинг зеб ила зийнатини,  
Эй ёр, тоза кийган гулгун қабо муборак!

Эй ишқ ҳайлӣ ичра меҳру вафода содик,  
Келмиш юзин очиб ул базминг аро, муборак!

Ағёри шумни айлаб бу кеча доғу ноком,  
Ул шўху шанг қилғон лутфу ато муборак!

Жавру жафо русумин тарк айлабон бу оқшом,  
Ул нозанин тутубдур расми вафо, муборак!

Айёми васл бордур айёми ийд ёнглиғ,  
Аҳбоб, бўлғай ул кун доим манго муборак!

Шум муддайи юзина солма назар Авазким,  
Дийдорин они кўрмак ошиқға номуборак.<sup>371</sup>

\* \* \*

Ушбу мажлис аро бир дилбари дилдор керак,  
Ҳам ичарга май или соғари, саршор керак.

Деди ул шўх кўруб, ҳоли харобу заъфим:  
— Бу ҳазин бир неча йилдин бери бемор керак.

Дегуси сарзанишу таън қилиб шум рақиб:  
— Ошиқ ўлғон киши беномусу беор керак.

Ман нечук рози дилимни сизга дейин, эй аҳбоб,  
Ким ани айғали бир маҳрами асрор керак.

Үйла бўлмишман ўзимдин йўқ ўзимни хабарим,  
Ким ўзин билгали бир ошиқи ҳушёр керак.

Даҳр гулзори аро мумкин эмас топмоқингиз,  
Исламакка десангизлар гули бехор керак.

Эй Аваз, рози дилингдин руқабойи қаллоб<sup>372</sup>  
Шиква қилғуси сани, эмди хабардор керак.

\* \* \*

Малоҳат авжидаги ҳуснинг қамардек,  
Сўзинг лаззатда қанд или шакардек.

Асиру волау мафтунинг ўлғон  
Йўқ оламда мани бепоу сардек.

Мусаффо тишларинг, эй нозаниним,  
Асл дур или ёқуту гуҳардек.

Юурман кўйинг ичра, эй ситамкор,  
Тилағ васлинг гадои дарбадардек.<sup>373</sup>

Нечук ман бўлмайин қумрию булбул,  
Қадинг ар-ар, рухинг гулбарги тардек.

Кўрунмишдур кўзумга бу жаҳонни  
Фироқингда бори суди заардек.

Аваз, ваҳ, не сифат додимға етгай,  
Қотиғдур ёрни кўнгли ҳажардек.<sup>374</sup>

\* \* \*

Бир кўзлари қотил манго айлар ситам ўлтургудек,  
Икки қаро қошин қилиб тифи дудам<sup>375</sup> ўлтургудек.

Фарёдким, эй дўстлар фурқат қоронғу шомида,  
Сабру таҳаммул айласам дарду алам ўлтургудек.

Ағёрни хуррам қилиб, зулму итоб айлаб манго,  
Ул жавргустар пуржафо қотил санам ўлтургудек.

Мағтуни бўлдинг, эй рафиқ, ушбу ғунаҳ бирла сани,  
Айлаб ҳамул чобук гўзал кўб муттаҳам ўлтургудек

Ул золими ҳунхорким, биллоҳки, таҳқиқ айламай,  
Ишқи сиридин гар десам «лоу наам» ўлтургудек.<sup>376</sup>

Гар ул жафожў васлиға еткурмаса, эй дўстлар,  
Бу дам фироқ ичра мани дард ила ғам ўлтургудек.

Найлай Авазким, йигламай, ман нотавону бенаво,  
Бир кўзлари қотил манго айлаб ситам ўлтургудек.

\* \* \*

Гар бўйла эса ул кўзи фаттонима киприк,  
Монанди пичноқ сончиладур жонима киприк.

Ул орази зебони агар кўрмасам, аҳбоб,  
Доим қадалур дийдаи гирёнима киприк.

Ул ҷашми қаро жонима бедод қилур чоқ,  
Минг ўқ урадур сийнаи урёнима<sup>377</sup> киприк.

Бир лаҳза фараҳ лаъли лаби этмади зоҳир,  
Бедод қилиб хотири ҳайронима киприк.

Кўнглумни қилиб ғамза ўқи бирла жароҳат,  
Ҳеч боқмади фарёд ила афғонима киприк.

Ул шўхни эрди не сифат кўз била қоши,  
Қолгуси манинг олам аро қонима киприк.

Ҳар дам, Авазо, жону дилим қилгуси қасдин,  
Эрди не бало ул бути жононима киприк?

\* \* \*

Қажлик қилди манго даври афлок,  
Сийнамни қилиб фироқ аро чок.

Ул шўхдин айру солди билкулл,<sup>378</sup>  
Қилмоқга ғарибу чашми намнок.

Не айб эсам ҳазину бекадр?  
Кўйи аро бўлдум ўйлаким хок.

Ҳар кимки вафо өлидин ўлса,  
Ҳеч айламагуси ишқ аро бок.<sup>379</sup>

Ағёр сабабли субҳ ила шом,  
Етмакка висола йўлдур имсок.<sup>380</sup>

Ошиқ қиладур нигоҳ қилса,  
Ҳар кимсага ул нигори чолок.

Етгуси, Аваз, висоли ёра,  
Ҳар кимни эса замири гар пок.

\* \* \*

Ул шўхи маҳвашим эрур лаъли шакарбори сучук,  
Исойи қудсуллоҳ сифат эъжози гуфтори сучук.

Лаъли лабингни васфида таҳрири хат қилса қалам,  
Бир тўтиедурким бўлур шаҳд ичра минқори сучук.<sup>381</sup>

Не навъ оғуш айлагач, комим мулаззаз бўлмасун,  
Қим сийнаи софи аро бордур ики нори сучук.

Маъзур тутқайсиз базе ҳижронда доим йигласа,  
Ман ёнглиғ ўлса ишқ аро ҳар кимсанинг ёри сучук.

Зору гирифтори бўлур олам элининг мажмуъи,  
Ҳар шўхи гулрухни эса ноз ила рафтори сучук.

Масрур ўлурман ҳар неча жонимга бедод айласа,  
Баским бор ул қоши қаро дилбарнинг озори сучук.

Шаҳ илтифоти бирла гар масруру хуррам бўлмаса,  
Бўлмас Аваздек шеър аро ҳар шоир ашъори сучук.

\* \* \*

Етиб васлингга шум рақиб, эй гўзал,  
Етар борча ушшоқ әлига халал.

Фироқингки, мушкул эрур, эй ҳабиб.  
Висол ила қил мушкулимни ҳал.

Адулиқ шиор айлаб ағёр эли,  
Аён этгуси бўйла баҳсу жадал.

Яротқонда олиймақом айламиш,  
Сани чунки сунъи ҳакими азал.

Аё маҳлиқо, дилраболар аро,  
Ва ё хулқи хушинга борму бадал?<sup>382</sup>

Ул ой кимга деса: «Вафо айлагум!»  
Эрур ушбу алфози зарбулмасал.

Аваз, яхшироқдур халойиқ аро,  
Қолиб бўлғон ишдин бу навъ гунгу шал.

\* \* \*

Йўқ сан киби, эй сиймбар, шўх гўзал, шўх гўзал,  
Соҳиб адоу ишвагар, шўх гўзал, шўх гўзал.

Маҳвашлар ичра қайси бир номеҳрибон сандек эрур,  
Нозук миёну лабшакар, шўх гўзал, шўх гўзал.

Бесабру бетоқат бўлур олам аро андоғки ман,  
Кимни эса ёри агар шўх гўзал, шўх гўзал.

Аҳли жаҳон кўнглин санго банд айламишлар сарбасар,  
Даҳр ичра йўқ сандек магар, шўх гўзал, шўх гўзал.

Фофиллиғ этма, эй кўнгул, ким тортиб озори жафо,  
Қилмас вафоу меҳр ҳар шўх гўзал, шўх гўзал.

Даврон арўсиз ишт эрур маънида, суратда vale —  
Бордур басе қилсан назар шўх гўзал, шўх гўзал.<sup>383</sup>

Қатл этгусидур, эй Аваз, шамшири ҳижрони била,  
Ушшоқидин олмай хабар шўх гўзал, шўх гўзал.

\* \* \*

Ўзингни ишқ роҳида адам қил,  
Қилиб мардоналиқ собитқадам қил.

Фалак жомин лаболаб қилса ғамдин,  
Они хавф этмайин ложуръя дам<sup>584</sup> қил.

Тилар эрсанг жаҳонда айшу роҳат,  
Асири борҳо ранжу алам қил.

Кишига қилмайин, келса қўлингдин,  
Ўзинг ўз жонингга турлук ситам қил.

Висоли ишқ эрса орзуйинг,  
Давомат мубталои дарду ғам қил.

Кўр аввалда залилу хорлиғ кўп,  
Ки то ўзни жаҳонда муҳташам қил.

Аваз, айтиб ғазал чобуқлик ила,  
Бори шоирлар ичра якқалам қил.

\* \* \*

Муяссар бўлур чогда базми висол,  
Муродимни хуршиди топти завол.

Етурди бирор бир ёмонроқ хабар,  
Онинг хавфидин бўлдум ошуфта ҳол.

Қилурға ёруғ тийра шоми ғамим,  
Юзи эрди андоқки бадри ҳилол.

Қелурман юз армон била қўйидин,  
Бўлуб бир нафас қисматим иттисол.

Шарафда эди толеи асъадим,  
Мубаддал әмди субути вубол.<sup>585</sup>

Ул ахбор ташвишидин беадад,  
Эди телба кўнглимда фикри маҳол.

Эшигтгач, они, ваҳки, жисмим аро,  
Еримдин турарға не қолди мажол.

Сўрар эрди ҳолимни бир-бир ёнги,  
Ҳамул гулрухи ҳуру гилмон мисол.

Деди ул суманбар: «Келурсиз қачон?»  
Жавобин беролмай эдим гунгу лол.

Бориб эрдим асру баҳона топиб,  
Бўлурға онинг бирла ишратсигол.

Жудолигни ўртага солди фалак,  
Ки васл изида бор дурур инфиол.

Яна бир нафас ичра етмак анго,  
Йўқ имкон, Аваз, неча қилсанг хаёл.

\* \* \*

Ул ойким эрур соҳибжамол,  
Суханвар, сухандону ширин мақол.

Нетайким, қилиб орзу шаҳдни,  
Лаби лаъли лаззат аро қанду бол.

Дуо олгуси чунки ушшоқдин,  
Етушиш жамолига мундин камол.

Ул ойнинг эрур қади озода сарв,  
Етурма анго, ё илоҳо, завол.

Агар истасанг комронлиғ мудом,  
Дуои бад, эй кимса, элдин кам ол.<sup>286</sup>

Хушо, эйким, ўлғунгдурур шодком,  
Насибинг бўлуб неъмати иттисол.

Аваз, ёр исмини ёд айласам,  
Тасалли берур кўнглума бу хаёл.

\* \* \*

Ҳусн авжида бордур санго, эй моҳ, қуёш ёнглиғ жамол,  
Ман изтироб этсам не тонг, кўргач они зарра мисол.

Зебо қадингдур жон ила кўнглум гулистони аро,  
Эй дилрабои маҳвашим, мисли кўкарған бир ниҳол.

Шум муддайлар хайлини маҳжуру маҳрум айлабон,  
Жоно, мани ҳам бир йўли қил маҳрами базми висол.

Бордур латофат гулшани ичра, нигоро, қўзларинг,  
Элни ўзига қилғучи мойил ики чобук ғизол.

Жонимға лаззат, кўнглума роҳат берур ҳар бир сўзинг,  
Қошима кел Исосифат лутф айлаб, эй ширин мақол.

Эй моҳсиймо, сиймбар, ороми жону лаб шакар,  
Авжи саодатда қошинг беҳжатфизо икки ҳилол.

Меҳру вафо расмин тутуб келгил бери, эй нозанин,  
Бордур Авазға сансизин жон асраломақ асрү маҳол.

\* \* \*

Мушкин қошингни шаклидур ул навъким янги ҳилол,  
Онинг хаёлидин, не тонг, ушшоқ қадди бўлса дол.

Бас нолайи жонкоҳима боис кечакундуз бўлур,  
Бир нуқтаи нарғис каби икки қўзинг устида хол.

Гар ул паривашга аниш ўлсам тонг эрмас лаҳзаи,  
Чунким пари бирла башар бир ерда унс ўлмоқ маҳол.

Афлокнинг ойу куни ҳожат эмас, басдур манга,  
Ул моҳ талъат маҳжабин ҳуро нишон очиб жамол.

Заҳроби фурқат, не ажаб, ишқ аҳлига қисмат эса,  
Ким ғайрига рўзи әрур субҳу масо шаҳди висол.

Сан ҳам ҳамиша сидқ ила қил фақр қўйида нишин,  
Ким топғуси, эй ким камол бир ерда турғонда ниҳол.

Қилма кўп ўзни раҳрави дашти муҳаббат, эй Аваз,  
Токим балият аскари остида бўлмай поймол.

\* \* \*

Токи осгоч бошиға ул шўхи гулрухсора гул,  
Топти онинг ҳусни бирла зеб бора-бора гул.

Дилбарим рухсори бирла баҳс этиб таъдиблар —  
Кўрди тонг боди елидин жайбин айлаб пора гул.

Андалибосо фифонлар айласам, не айбким,  
Ул юз очғоч боғ аро қолди бўлиб бекора гул.

Гулшан ичра ҳамнишиним ул парирў бўлмаса,  
Ҳожат эрмас, васф қилма, боғбон, ман зора гул.

Бурқаъин очғоч жамолидин чаманда ул гўзал,  
Жайбини чок айлабон бўлди басе бечора гул.

Булбули шайдони бағриға урап хори фироқ,  
Бу жиҳатдин бўлғуси сўнгра сўлиб овора гул.

Бўса айлаб беибо ул моҳсиймо илгини,  
Эй сабо, сўрғилки, билмон бўлғуси не кора гул?

Шавқидин кўнглум қуши ўтлуғ наво чекса, не тонг,  
Ким эрур май тоби бирла ораз ул дилдора гул.

Чекмагил беҳуда меҳнат гул экибон, эй Аваз,  
Ким насиб бўлғусидур очилса ўзга ёра гул.

\* \* \*

Эй биродарлар, эрурман дарди фурқатдин малул,  
Анда минг ранжу балову турлук офатдин малул.

Токи айрилдим ҳамул ороми жонлар шоҳидин,  
Бўлмишам андин бери оҳи надоматдин малул.

Ман сифат албатта ошиқ бўлғусидур даҳр аро,  
Доим ағёр айлаган таъну маломатдин малул.

Ул нигори моҳ сиймонинг тушуб ҳажри аро,  
Ўзни айларман бу дам беҳуда фикратдин малул.

Васл доруси била, ваҳ, қайдা этгай шодлиғ,  
Гар эсам бу навъ амрози суубатдин малул.<sup>387</sup>

Бир куни роҳат била топғай фараҳ, бил, эй кўнгул,  
Ҳар киши гар бўлса олам ичра меҳнатдин малул.

Соқиё келтур қадаҳ бир жом ила беҳуш қил,  
Ким Аваздек бўлмишам ақлу фаросатдин малул.

\* \* \*

Бу дам бўлибман, эй рафиқ, андуҳи ҳижрондин малул,  
Юз меҳнат анда юзланиб, билкул дилу жондин малул.

Бошига минг офат келиб таъну маломатлар кўруб,  
Ишқ аҳли эрса, тонг эмас, гар ҳажри жонондин малул.

Гар хотиримга, эй рафиқ, ҳар лаҳза етса, не ажаб,  
Ким дарду меҳнат, бўлмишам оломи ҳирмондин малул.

Ҳолим сўрарға ул санам бир келмади айлаб карам,  
Етдиму, билмайман, анго ман зори ҳайрондин малул.

Тонг йўқки, бўлсам бу нафас ўз ҳолима мотамзада,  
Кўйида асрү бўлмишам хайли рақибондин малул.

Не айбиким, эрсам малул аҳбоб элидин, эй Аваз,  
Йўқдур жаҳонда бўлмогон бу чархи гардондин малул.

\* \* \*

Ман найлайнин раҳм этмаса аҳволинга ёр, эй кўнгул,  
Чексанг доги минг меҳнату ранж ила озор, эй кўнгул.

Гар сабру тоқат қилмасанг жавру жафойи ёрга,  
Недин анго қилдинг ўзинг бўйлаб гирифтор, эй кўнгул?

Айлаб ўзига мубтало ул нозпарвар дилрабо,  
Қилмиш сенингдек нечани муштоқи дийдор, эй кўнгул.

Ул ёр васлидин санго сиҳчат етурмас, англағил,  
Ҳижрон аро бўлсанг доги шаб-рўз bemор, эй кўнгул.

Зулму ситамлар айлабон ушшоқга, ҳеч айламас  
Мехру вафони расмини ул шўх изҳор, эй кўнгул.

Маҳбубинг ишқин таркини, келса қўлингдин, айлагил,  
Ким ул гуруҳ эрмасдур, биллоҳ, вафодор, эй кўнгул.

Бўлсанг Аваздек бир гўзал ҳуснин харидори агар,  
Зинҳор, минг зинҳорким, бўлма харидор, эй кўнгул.

\* \* \*

Ичиб май борҳо масти хароб ўл,  
Бир ой бирла ётиб саршори хоб ўл.<sup>388</sup>

Шароби васлни гар истар эрсанг,  
Кўзи гирёну ҳам бағри кабоб ўл.

Ки шояд васлнинг базмига етгунг,  
Дилафгору тани пур изтироб ўл.

Агар эрсанг вафо расмида содиқ,  
Топиб борча муродинг, комёб ўл.

Ки то фаҳм этмагайсан даҳр ранжин,  
Жаҳонда борҳо масти шароб ўл.

Ёрутмоқ истасанг тийра кўзумни,  
Аё ороми жоним, бениқоб ўл.

Азиз жонинг фидо жононга айлаб,  
Аваз, аҳли муҳаббатдин ҳисоб ўл.

\* \* \*

Санго ҳусн ичра яктолиғ мусаллам,<sup>399</sup>  
Манго ишқингда шайдолиғ мусаллам.

Бўлуб ошиқ, мани бедасту поға —  
Бори халқ ичра расволиғ мусаллам.

Кўзумни равшан этиб дилбаримға —  
Рухи хуршидсиймолиғ мусаллам.

Гўзаллар ичра, эйким, уд парига,  
Дилорому дилоролиғ мусаллам.

Рақибиға ул ойнинг базми ичра  
Давомат бодапаймолиғ мусаллам.

Мани бекасста ҳижрон шёми ичра  
Фам остида қади ёлиғ мусаллам.

Замон шоирлари ичра бу ёнглиғ,  
Авазға назмгўёлиғ мусаллам.

\* \* \*

Фарёдким, бир пуржафо ишқиға дучор ўлмишам,  
Үшбу сабаб бирла иши андуҳу озор ўлмишам.

Не айб, доруи висол истар эсам ман нотавон,  
Ким ҳажр айёми аро, аҳбоб, бемор ўлмишам.

Тонг йўқ, агар йиглар эсам шому саҳарда тинмайин,  
Ким бир ситамгар шўхга зору гирифтор ўлмишам.

Роҳат висол ичра агар истарман, ўлгайму ажаб?  
Ким фурқати озориға гўё сазовор ўлмишам.

Марҳам тиларман, не ажаб, шамшири рашқ ила мудом,  
Ким қилиб зори сарбасар мажруҳу афгор ўлмишам.

То ул парини ишқиға, мажнуну расво бўлғали,  
Оlam аро беқадр ҳам бадному беор ўлмишам.

\* \* \*

Қани ул паризоди некўшиям,  
Дилорому дилдору дилбар санам?

Қани ул нигори пари пайкаре,  
Эди ҳусн оғоқида яққалам?

Қани ул вафодор ҳам меҳрибон,  
Бор эрди манго қилгучи кўб карам?

Қани ул парирўларни санами,  
Ки бор эрди онлар аро муҳташам?

Қани ул кунеким манго эрди ёр,  
Ҳамул шўх-шангу соҳиб дижам?<sup>390</sup>

Қани гар вафо айласа бу жаҳон —  
Кишига, Фаридун,<sup>391</sup> Жамшиди Жам?<sup>392</sup>

Қани, эй Аваз, ҷарҳ бедодидин,  
Жаҳон сарфарози тамоми Ажам?

\* \* \*

Кел бери, бўлсун паришон хотирим, эй ёр, жам,  
Айлабон зулфи сиёҳинг торини зинҳор жам.

Тоқатим йўқ боқғали қошу кўзинг имосиға,  
Ким алар ҳар рамзида бордур басе асрор жам.

Ғамзаи шаҳло кўзингни кўргали қилғай нечук  
Ашки хун олудини бу дийдаи хунбор жам.

Ҳайфким, эмди жаҳондин кетгамен армон била,  
Бўлдилар қасди ҳалоким айлабон ағёр жам.

Доф ҳам нокомман, бўлмиш магар бошим аро  
Неки олам ичра бўлса накбату идбор<sup>393</sup> жам.

Мунча савдоким бошимда бордурур эмди манга,  
Хотири ошуфтани қилмоқ басе душвор жам.<sup>394</sup>

Ёр атрофин, Аваз, ушшоқ олса не ажаб,  
Ким ҳакими ҳозиқ оллида бўлур бемор жам.

\* \* \*

Оҳқим, ман нотавон мискину маҳзун бўлмишам,  
Ҳажр айёми аро яксар жигар хун бўлмишам.

Не ажаб гар айласам ношоду маҳзунлиғ басе,  
Ким сабоҳу шом аҳволи дигаргун бўлмишам.

Токи ман бадному расвониғ чекарга доимо  
Жўмлаи аҳбоб аро иқболи вожун бўлмишам.

Айб қилманглар ману дил хаста оҳу ноласин,  
Ким асири дилбари чашми пур афсун бўлмишам.

Айласам фарёду аффону наво эрмас ажаб,  
Ким гирифтори ҳамул рухсори гулгун бўлмишам.

Шукрким, топдим висоли базмини ман нотавон,  
Гўйё ушбу нафас баҳти ҳумоюн<sup>395</sup> бўлмишам.

Бок эмас гар айласам назми ҳаёт афзони машқ,  
Ким Аваэдек шоири хуш табъи мавзун бўлмишам.

\* \* \*

Ул маҳваша бап<sup>396</sup> ҳолим аён этдира билмам,  
Кендуяма сирримни ниҳон этдира билмам.

Дилдорими лаълини сўруб рашк ила, аҳбоб,  
Ағёр элининг бағрини қон этдира билмам.

То бергали ақлу хирадимни анга, ўзга  
Жуз ёрни кўйида макон этдира билмам.

Эй ҳамдами дамсози рафиқ, ул руҳи гулсиз  
Жон мурғина фарёду фигон этдира билмам.

Ул дилбари сийминбара қосид тилидин, ваҳ,  
Аҳволи харобими баён этдира билмам.

Маҳбубнинг ҳуснини бўлуб нозири доим,  
Ғайри кўзини ашк фишон этдира билмам.

Бир умр, Аваз, ҳажрида қолсам доғи найлай,  
Ул маҳваша бап ҳолим аён этдира билмам.

\* \* \*

Базмимга келса ул санам айлаб карам-карам,  
Токим қўярға бошу кўзимга қадам-қадам.

Онсиз чекиб фироқ аро меҳнатни беадад,  
Сабру қарорим ўлғуси билкул адам-адам.

Нозу адову ишва қилур чоғда не ажаб,  
Маҳбублар нигорима бўлса хадам-хадам.

Ширин лабини ёди била фурқати аро,  
Жонимга етгуси бу нафасда алам-алам.

Ул ошиқеки, меҳру вафо устуворидур,  
Келса хабар олурга нигорим не ғам-не ғам.

Ул маҳвашики ҳусн элининг шоҳи, эй Аваз,  
Келмас жаҳонга эмди анингдек санам-санам.

\* \* \*

Вафо гар истасам, ҳар кимсадин турлик жафо кўрдим,  
Бори аҳли жаҳонни, эй биродар, бевафо кўрдим.

Кўруб бемеҳр элин мақсуди ҳосил бўлғали доим,  
Муҳаббат аҳлини борча муродин нораво кўрдим.

Нетайким, чархи кажрав гардишидин ошиқон хайлини,  
Ҳамиша муниси ороми жонидин жудо кўрдим.

Қаю маҳбуби барно бирла тузсам ошнолигни,  
Онинг кўнглини синааб тил учидин ошино кўрдим.

Қима сирри ниҳоним зоҳир этсам ушбу оламда,  
Ўзим янглиғ барисин дарду ғамга мубтало кўрдим.

Десам ҳар кимга ёрим илтифотин, эй Аваз, сандек,  
Бори кўксини тиги рашқдин яксар яро кўрдим.

\* \* \*

Ул ой илкидин жом нўш этмадим,  
Кўруб ёрни, тарки ҳуш этмадим.

Ҳамиша фироқ ичра ҳушёр ўлуб,  
Кўруб ёрни, тарки ҳуш этмадим.

Фаромуш бўлғуси вуслат эли,  
Они ўзга ҳижронда дўш этмадим.

Қи то бўлмишам ошиқ ул ёрга,  
Ман ошиқлигим парданпуш этмадим.

Фироқ ичра доим бўлуб ман ҳазин,  
Висол ила кўнглумни ҳуш этмадим.

Бўлурлар жаҳон мутриби нағмасоз,  
Даме тинмадим они гўш этмадим.

Аваз, шоми ҳижронда маҳмур ўлуб,  
Ул ой илкидин жом нўш этмадим.

\* \* \*

Бу соатда ҳамул маҳбуби дилдоримни соғиндим,  
Қадрдон севдугум, ёри вафодоримни соғиндим.

Боқиб ҳар сорига тонг йўқки, бўлсам зору саргардон,  
Назокат гулшанида кабкрафторимни<sup>397</sup> соғиндим.

Бўлуб ҳижрони ичра талхком мажмаъи аҳбоб,  
Лаби шаккар масаллик шаҳдгуфтторимни соғиндим.

Ҳалок этмак тилаб ўзни бу лаҳза бир нигоҳ бирла  
Қошиё, киприки — ўқ, чашми хунхоримни соғиндим.

Не тонг Фадҳоддек ғам тогига юз қўйсамким, эй аҳбоб,  
Ки ул Ширин шамоил, нек атворимни соғиндим.

Эсам Мажнун каби расвои даврон, айб қилманглар,  
Ки ул Лайливиши марғуб кирдормини соғиндим.

Кўюнг ўз ҳолима, йиглай, фироқи ичра, эй аҳбоб,  
Ҳамул ороми жон, соҳиби асроримни соғиндим.

Манго раҳм айлаб, айтинг ҳоли зоримни, аё дўстлар,  
Муруватлиг, вафолиг, шафқатосеримни соғиндим.

Аваз, тонг йўқки, қилсан булбулосо нолау афгон,  
Ким ушбу кеча ул рухсори гулноримни соғиндим.

\* \* \*

Бир маҳваш эрур манинг муродим,  
Кўбдур анго асрү эътиқодим.

Бошимга келиб ўтурса ногоҳ,  
Ушбу иш эди фараҳу шодим.

Кофар кўзи жонима солур печ,  
Эл бирла қилурға хайрбодим.

Ҳар гаҳ висола етгаман дей,  
Ким ул эди ўйла дилкушодим.

Жон садқа нигорига қилурман,  
Ким бўлғуси анго эътиқодим.

Ўйла манго юзланур малолат,  
Ким ёр ҳамиша фикру ёдим.

Не айб, Аваз, малул эсамким,  
Бир маҳваш эрур манинг муродим.

\* \* \*

Сўрмагил дарди дилим қўлмоқға темор,<sup>398</sup> эй ҳаким,  
Ким маризи ишқ бордур асрุ душвор, эй ҳаким.

Чекма заҳмат билмайин ҳар навъ доруни бериб,  
Ким анга ҳеч бир давоий этмагай кор, эй ҳаким.

Сен каби минг зуфунуни даҳрни<sup>399</sup> ожиз қилур,  
Ажз изҳор айлабон ўз ишингга бор, эй ҳаким.

Соате йўқдур манга хоби фароғат айламак,  
Токи бўлмишман бу оғатға гирифтор, эй ҳаким.

Сен киму қўлмоқ даво ким ишқ дарду ранжиға?!  
Оқил эрсанг тилна олма они зинҳор, эй ҳаким.

Ваҳ, не янглиғ айлагумдур суд дорудин умид,  
Бўлмишамким дарди бедармонға дучор, эй ҳаким.

Гарчи кўрмишсан Авазнинг бўйла аҳволини бад,  
Лекин они қилмагил ҳар кимга изҳор, эй ҳаким.

\* \* \*

Букун, эй дўстлар, ёри вафодоримни соғиндим,  
Анису меҳрибону маҳбуби гамхоримни соғиндим.

Яна фарёду аффон айласам айб айламангларким,  
Ҳамул шамшод қомат, лола рухсоримни соғиндим.

Кўруб ой ила куннинг кеча-кундуз ичра анворин,  
Ҳамул ҳуси авжида меҳри пур анворимни соғиндим.

Ҳануз айёми фурқат ранжу дардининг асириман,  
Висоли ичра кўрган ҳусни бисёrimни соғиндим.

Жамоли бирла эрди кўзларим субҳу масо равшан,  
Ҳамул хуршид сиймо шўх дйлдоримни соғиндим.

Эрурман бекасу бедасту пою хастаю маҳзун,  
Таажжуб қилмангиз, ул беҳжат осоримни соғиндим.

Не тонгким, эй Аваз, бўлсам малулу телбаи мискин,  
Демакка ҳолим ул донои асроримни соғиндим.

\* \* \*

Эй хуш ул кунларки, ёру ҳамдами жонон эдим,  
Васл базмида қилиб айшу тараб хандон эдим.

Қўзларимга жилвагар ул сарви озод айлабон,  
Шавқ ила қумри каби шому саҳар нолон эдим.

Ёр рухсорин кўруб меҳри мунир айлаб хаёл,  
Иттисол айёмида саргаштау ҳайрон эдим.

Гарчи шод эрди бори ушишоқи мискинлар, vale  
Барчадин кўпроқ мани бедасту по шодон эдим.

Бўлмай ағёри сияҳрўга анису ҳамжалис,<sup>400</sup>  
Доҳили аҳли вафову донишу ирфон эдим.<sup>401</sup>

Эмди бўлмишман гарibu турфа ҳолот соҳиби,  
Шодлиғдин чеккучи фарёд ила афғон эдим.

Инжитурсан мизбонлиғ бумидур, эй пири дайр  
Дайринг ичра ман Аваздек беш куни меҳмон эдим.

\* \* \*

Барчадин мушкил ғами фурқат экандур, билмадим,  
Анда чекмак иш манга меҳнат экандур, билмадим.

Янгидин кирган ҳазину нотавон жисмимга жон,  
Эй биродар, соати вуслат экандур, билмадим.

Ҳажр муҳлик дашти ким, аҳбоб эли, бошдин оёқ  
Ходисоти фитнаву офат экандур, билмадим.

Эмди хижронида юз кулфатга дучор ўлмишам,  
Васл шоми жонима роҳат экандур, билмадим.

Мен ҳазину хастаға дилдор ила даврон сурин,  
Кўз юмуб очғунча бефурсат экандур, билмадим.

Муддаий сори кетарди дилбарим, фарёдким,  
Умр мурғидек анга суръат экандур, билмадим.<sup>402</sup>

Васл аро нолиш қилур эрдим ҳамиша, эй Аваз,  
Барчадин мушкил ғами фурқат экандур, билмадим.

\* \* \*

Келгил бериким, эй меҳрибоним,  
Йўқ танда сансиз тобу тавоним.

Фурқат ўтиға, эй нозперо,  
Ёнди саросар жисм ила жоним.

Айлаб иноят, келгил бёриким,  
Сан жиссим ичра руҳи равоним.

Қилмай тағофул ҳолимға раҳм эт,  
Бордур аёнинг рози ниҳоним.<sup>403</sup>

Ҳар дам чиқодур оҳим самоға,  
Еқиб ҳумони ўтлуг фифоним.

Вомиқ сифат<sup>404</sup> ман ҳижронинг ичра.  
Эй дилрабои Узронишоним.<sup>405</sup>

Бўлдум Аваздек зору асиринг,  
Бўлсун тасаддуқ жону жаҳоним.

\* \* \*

Хироми қадди шамшодингға таслим,  
Яна ҳусни худододингға таслим.<sup>406</sup>

Дариг этмай тўкар ушшоқ қонин,  
Ҳамиша чашми жаллодингға таслим.

Мамот ўлмиш бори ушшоқ хайли  
Жафоу жавру бедодингға таслим.

Кўзу зулфинг қўнгулларни қилур сайд,  
Бу доминг бирла сайёдингға таслим.

Қилурлар, эй кўнгул, аҳли замона  
Ҳамул шўхи паризодингға таслим.

Етти афлокнинг авжидин ўтди,  
Фигону оҳу фарёдингға таслим.

Дединг етти ғазал бир соат ичра,  
Аваз, назм ичра устодингға таслим.

\* \* \*

Олиб ниқобинг юздин, эй маҳбуби дилбар, маҳвашим,  
Хуршиддек тийра кўзум қилғил мунаввар маҳвашим.

Не оғат әрдинг билмадим, меҳри гиёхинг бормуди?  
Ушшоқинг ўлмиш жумлаи базм аҳли яксар маҳвашим.

Гарчи қилиб саршорком ағёрни алтоф ила,  
Лекин манго қаҳр айлагунг бир умр аксар, маҳвашим.

Жабҳанг эса гар Муштари, дилкаш қошинг монанди қавс,  
Авжи саодатда рухинг меҳри пуранвар, маҳвашим.

Маҳжури ҳижронинг бўлуб ошиқ висолинг базмида,  
Шум муддайлар топғуси комин саросар, маҳвашим.

То кўргали шамси рухинг бир йўл висолинг базмида  
Зарра мисоли бўлмишам саргашта, музтар, маҳвашим.

Гарчи нечаким жустужў қилғусидур васлинг Аваз,  
Мушкул санго етмак vale бесийму безар, маҳвашим.

\* \* \*

Айлаб қарам беҳадду сон, келгил бери, эй гулбадан,  
Ким сансиз ишимдур манинг чекмак туман раинги миҳан.

Мажнундек ўлсам не ажаб, ишқингда, эй Лайлилиқо,  
Сандек жаҳонга келмагай бир нозанини сиймтан.

Гарчи муҳаббат ғайриға қилсанг доғи, жоно, манго —  
Лекин қилурсан борҳо жавру жафо расмини фан.

Ҳусну малоҳат шаҳрида, эй шўх, сан Ширинсифат  
Дарду балият тоғида ман бордуурман Кўҳкан.<sup>407</sup>

Қил раҳм аҳволимғаким, жоно, ғами ҳажринг аро  
Олому кулфатлар манго юзлангуси юз минг туман.

Шоми фироқингда қолиб доим таманно айлагум  
Бўлмоқ жамолинг нозири,<sup>408</sup> эй маҳлиқо, ҳар лаҳза ман.

Мискин Авазни лутф ила, эй дилбари ширин забон  
Айлаб ҳамиша ёрлиғ бўл муниси дамсози сан.

\* \* \*

Ушшоқ өлин фироқ аро ҳоли хароб экан,  
Чекмак иши ҳамиша балоу азоб экан.

Софар нигорим илкидин олиб ичай десам,  
Шавқи муҳаббат ўтиға бағри кабоб экан.

Ранжури ишқ бўлғон улусға илож йўқ,  
Шафқат аларни ҳолига қилмоқ савоб экан.<sup>409</sup>

Фаҳм этмадим нигордин әйрилмағунча ман,  
Лабташна чоғи ҳажр аро қони шароб экан.

Таҳрир Аваз этар эса ошиқлигин дигар,<sup>410</sup>  
Жонсўз оҳин ҳар бириси бир китоб экан.

\* \* \*

Мандек яна бир шефта жононга ким эркан?  
Еқған танини оташи ҳижронга ким эркан?

Ошиқлигини қилғали изҳор уруб оҳ,  
Сўз қотғучи ул шўхи сухандонга ким эркан?

Жону дилини кўйдуруб ишқ ўтиға яксар,  
Парвона ҳамул шамъи шабистонга ким эркан?

Жонини қилиб зарра киби ишқида шайдо,  
Нозир бу қун ул меҳри дурахшонга ким эркан?<sup>411</sup>

Ииғлаб қошида ажз ила аҳволи харобим,—  
Арз айлагучи ул шаҳи хубонга ким эркан?

Фарёдини кўқдин ошуруб бергувчи кўнглини,  
Қумрисифат ул сарви хиромонга ким эркан?

Бошиға тушуб юз туман ошўб Аваздек,  
Ошиқ яна ул зулфи паришонга ким эркан?!

\* \* \*

То бўлмишам бир бевафо ишқи аро девонаман,  
Сартосар олам аҳлиға шому саҳар афсонаман.

Гарчи ҳамул номеҳрибон бегоналарға ошно,  
Лекин они деб ман бори аҳбобдин бегонаман.

Андоқки, бергуси манго панду насиҳат ушбу дам,  
Зоҳиди худбиндин қочиб, кўр озими майхонаман.<sup>412</sup>

Не айб, эмди таъндин асло қутулмон, эй рафиқ,  
Ким бўлдим онинг ишқидин расво бори давронаман.

Токим ҳамул дилдордин айрилғоли ман бенаво,  
Дарду малолу ранжни хайли била ҳамхонаман.

То зору бекас бўлмишам эрмас ажаб, эй дўстлар,  
Фурқат қаро шоми аро қолсам туман армонаман.

Мискин Аваздек борҳо ул хўбларни шоҳидин,  
Кўз тутғоли алтоф ҳам инъому эҳсонаман.

\* \* \*

Тушуб ёдимга бу соат висол айёми йиғларман,  
Ҳузури қалб ўлиб ҳаззу фараҳ оқшоми йиғларман.

Бўлуб зори асири бир нигори шўхи қотилни,  
Бу лаҳза етмаган сўнг, эй кўнгул, пайғоми, йиғларман.

Манга қулфатни саҳроси ҳамеша гар эса рўзи,  
Этур гайрилара қисмат майшат жоми, йиғларман.

Сазовори балият бўлмишам аҳбоб ҳам бу дам,  
Келиб хотирга онинг лутф ила инъоми, йиғларман.

Ҳамул тунлар әдим вуслат аро сармасты хуррам,  
Бориб ўздин гаҳи, эмди фироқи шоми йиғларман.

Ўзин мандин жудо айлаб, ишим турлук жафо айлаб,  
Ки бўлмиш ул суманбар муддаийнинг роми йиғларман.

Аваз, тонг йўқ малул ўлсамки, онинг дарди ҳажридин  
Тушуб ёдимга бу соат висол айёми йиғларман.

\* \* \*

Нигорим ғайри бирла ошно бўлғонға йиғларман,  
Бошимда ҳажридин юз минг бало бўлғонға йиғларман.

Солиб гардун қаро кунларни бошимға шубу<sup>413</sup> соат,  
Мани бехонумон андин жудо бўлғонға йиғларман.

Тушуб ҳижрон қаро шоми аро юз навъ савдоға,  
Ишим доим гаму дарду ано бўлғонға йиғларман.

Бўлуб гарчи жаҳон аҳлини ҳосил мақсуди, лекин,  
Муродоти ҳамиша нораво бўлғонға йиғларман.

Эрурлар ғайр хайли дилбарим васли била сархуш,  
Мани бечора ғамгин борҳо бўлғонға йиғларман.

Олиб мақсадида ағёр онинг лаълидин бўса,  
Ёниб рашк ўтиға жоним адо бўлғонға йиғларман.

\* \* \*

Билмадим, эй дилрабо, кимсани жононисан?  
Хушу дилин олғучи ёри қадрдонисан?

Бўлди мунаvvар кўруб тийра кўзумиз сани,  
Қайси само буржини бадри дурахшонисан?<sup>414</sup>

Юзга солиб кокилинг шефта қилдинг дилим,  
Қай дили ошуфтанинг зулфи паришонисан?

Кумри киби қайдига даҳр элин этган асир,  
Қайси чаманзорнинг сарви хиромонисан?

Ишқ ғаму дардини кўнглума солдинг басе,  
Қай дилий bemorning дардини дармонисан?

Деди табассум қилиб: «Еринг эрурман санинг,  
Сен доғи айғил, кимнинг ошиқи ҳайронисан?»

Эй Аваз, этгил фидо мол ила жон йўлиға,  
Кўрмак агар истасанг ул юзи бўстонни сан.

\* \* \*

Манинг кўнглумни олғон дилбару дилдор ёримсан,  
Қадрдону вафолиғ меҳрибон зебо нигоримсан.

Нечук шамшод сори майлу рағбат айлайнин, ваҳқим,  
Назокат гулшанида қомати сарви равонимсан.

Шаҳиди ишқ бўлмай найлайнинг, эй пари чеҳра,  
Кўзи жаллодосо қотилу чобуксуворимсан.

Кўзумни қилғоли равшан, аё дилбар, жамолинг оч,  
Рухи ҳусну малоҳат авжиди хуршидворимсан.

Тоғай то ман жаҳон мулкида эҳёлиғ муродимча,  
Такаллум айла, эй маҳваш, лаби мўъжизбаёнимсан.

Нечук ман бўлмайин Мажнун масаллик зору саргардон,  
Ниҳори нозпарвар дилбари Лайлинишонимсан.

Не ёнглиғ қилмайин ман арзи ҳолимни санго чунким,  
Анису мунису ҳам маҳрами рози ниҳонимсан.

Каманди турраи мушкининг<sup>415</sup> ила банд эса кўнглум,  
Дилорому сўманбар хўблиқ мисрида<sup>416</sup> хонимсан.

Не хуш давлат манго деди ҳамул шўхи паризодим:  
— Аваздек ожизу озурдажону жонажонимсан.

\* \* \*

Мани ишқ ичра шайдо айлаган ороми жонимсан,  
Нигори гулжабину маҳвashi ширинзабонимсан.

Фироқ ичра мани бечорани ноком этиб доим,  
Рақиб аҳлини комин бергучи номеҳрибонимсан.

Кўруб ҳолим таажжуబ қилма фарёдимга, жоноким,  
Туну кун нола қилсан, боиси оҳу фифонимсан.

Юзи насрину лола, холи ҳинду, кўзлари жоду,  
Хати райхону, сочи сунбулу ғунча даҳонимсан.

Нечук ман қумри ёнглиғ чекмайин афгони жонкоҳим,  
Назокат боғи ичра қомати сарви равонимсан.

Адоу ишва бирла, эй малаксиймо пари, келким,  
Кўзумни пурисан ҳам маҳрами доги ниҳонимсан.

Аваздек торгаман ҳажрингни оломин, нигороким,  
Аниси ёри ҳамдам дилбари икки жаҳонимсан.

\* \* \*

Мани ҳижронга ташлаб, эй ситамгар, нега келмассан?  
Ичарга рўзў шаб гул ранг соғар, нега келмассан?

Ўзинг йнсоф ила де бўйламу дилбарлик ойини,  
Уруб бедод ила кўксумга ханжар, нега келмассан?

Иноёту карамдин бир йўли тарки жафо айлаб,  
Тутуб расми вафо, эй шўх дилбар, нега келмассан?

Мани рўйи сияҳдин ё гуноҳе содир ўлмишму,  
Ёқиб ҳижрон ўти жисмим саросар, нега келмассан?

Ерутмоқға кўзимни ушбу дам фарруҳ жамолингдин  
Қилиб икки юзинг чун моҳи анвар, нега келмассан?

Адову ноз ила маҳзун Авазни, эй пари пайкар,  
Қилиб ушшоқ аро мумтозу сарвар, нега келмассан?

\* \* \*

Бир ой ишқида зору мубгаломан,  
Ҳамиша беқарору бенавоман.

Юрагимни саросар пора айлаб,  
Чекарман ранжни субҳу масо ман.

Керакмасдур мангра жаннатни ҳури,  
Ки мафтуни ҳамул чашми қаро ман.

Ҳар оқшом айларам беғоят афғон,  
Ки дучори азоб ила аноман.

Жамоли ёрни истаб давомат,  
Мадору сабру ҳушимдин жудоман.

Эрур бошимда юз минг навъ офат,  
Не офат, мубталойи минг бало ман.

Нечук жон сақлагум ман, эй Аваз то,  
Нихоятсиз балоға ошноман.

\* \* \*

Фигонким, ёрдин бўлдим жудо ман,  
Не ғамлар била эмди ошно ман.

Ҳамул бедодгарға арз қилдим,  
Нечаким ҳоли зорим борҳо ман.

Не тонг булбулдек этгум кўрмай они,  
Агар шаб-рўз фарёду наво ман.

Ани бир кўргали ҳижронда қолдим,  
Не янглиғ меҳнату кулфат аро ман.

Агарчи ногиҳондин фориғ ўлдим,  
Давомат лек чеккум можаро ман.

Муродим топмадим қилдим Аваздек,  
Нечаким маҳвашимга жон фидо ман.

\* \* \*

Ул ой мени чиқордиму ёду хаёлидин?  
Маҳрум эрурман ушбу нафас иттисолидин.

Ботди бу кеча асрุ хижолат чекиб қамар,  
Олғоч ниқобин ул юзи анвар жамолидин.

Кўргач они чун этгусидур иктисоб мушк,  
Шоми сияҳни олам аро хатту холидин.

Не навъ этайин чу висолини жустужў,  
Хотир муқаддар ўлса фироқни малолидин?!

Қайтормоқ эмди мумкин эмас, асло, эй рафиқ,  
Телба кўнгулни ҳажр аро фикри маҳолидин.

Яхши дурур ўз ишини қилғонда ҳар киши.  
Ҳаргиз тажовуз айламаса эътидолидин.<sup>417</sup>

Ҳаргиз Аваз, умид сан этма жаҳондаким,  
Маҳрум эрур вафо эли онииг висолидин.

\* \* \*

Дўстлар, ул шўхни шайдоси бўлдум, найлайнин,  
Жумла олам аҳлини расвоси бўлдум, найлайнин?

Қилмайин жоним фидо ул нозанингга борҳо,  
Ким бори ушшоқни яктоси бўлдум, найлайнин?

Иўқ эса орим мани, не айбким, ишқ аҳлини,  
Бенавоу bekasу танҳоси бўлдум, найлайнин?

Ҳажр айёми аро қилмай яқомни чок ман  
Ким хумори васлни саҳбоси бўлдум, найлайнин?

Бўлмайин девонаосо ишқ аро бир ёрни,  
Ким асири нарғиси шаҳдоси бўлдум, найлайнин?

Чекмайин жонсўз оҳи бениҳоят рўзу шаб,  
Ишқ боғи булбули гўёси бўлдум, найлайнин?

Айламай мискин Аваздек оҳу афгон беадад,<sup>418</sup>  
Дўстлар, ул шўхни шайдоси бўлдум, найлайнин?

\* \* \*

Кутулмасман ул ойнинг ҳажрининг дарду балосидин,  
Фалакнинг гардишидин ёки баҳтимни қаросидин.

Ҳакимо, сўрма аҳволимниким, дардим эрур мўшкул,  
Бошимға тушгали бир иллат ожизман давосидин.

Бори бегоналиғ изҳор этиб мандин хабар олмас,  
Худо бергай фано ушбу замоннинг ошносидин.

Нечук ман они ишқин таркин этгум, эй биродарким,  
Кутулғон кимса йўқ ул ёр ишқин можаросидин.

Ишимдур фурқат ичра жавру зулм ила жафо чекмак,  
Давом уммид этиб вуслат аро меҳру вафосидин.

Ажаб бедодгар золим экандур, оҳқим, аҳбоб,  
Хабар бир олмади ул маҳлиқо бу мубталосидин.

Ўз аҳволимға доим йигламай мотам туғуб охир,  
Етушдим ўлгали найлай, Аваз, жавру жафосидин?!

\* \* \*

Фамингда бузди кўнгул хонумонини ҳижрон,  
Висол ила сан они тузмадинг, аё жонон.

Манинг мажолисим ичра не айладинг маъво,  
Бўлуб ҳамиша рақиб аҳли базмида меҳмон.

Аё нигори сиймбар, мудом ўлуб сармаст,  
Лабингни аллагайсан гайри базмида хандон.

Жаҳонда борми экан ман сифат санго ошиқ,  
Аё ситамгару қаттолу кўзлари фаттон?

Ишим давом миҳандур санга ета олмай,  
Кел, они қилғоли зойил, аё шаҳи хўбон!

Бирига ҳеч вафо қилмадинг, аё маҳбуб,  
Қасам ичиб қилиб эрдинг манга аҳд ила паймон.

Аваз фироқинг аро етти ўлгали, қилгил  
Муруват ҳолига эй шўх, маҳваши даврон.

\* \* \*

Кел элдин, аё шўхи абрў камон,  
Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон.

Қилурсан ситамларни ишқ аҳлиға  
Аёну аёну аёну аён.

Ки ман токи кўйинг аро қилмишам  
Макону макону макону макон.

Фаму дарду оломимға бор дурур  
Не сону не сону не сону не сон.

Ҳужум этгуси бошима дарду ғам  
Замону замону замону замон.

Манинг ҳолим ашъорим ичра дуруп  
Баёну баёну баёну баён.

Аваз, англасанг, борча яксон эрур  
Жаҳону жаҳону жаҳону жаҳон.

\* \* \*

Ман ҳазин бир бенавоу бекасу бехонумон,  
Хотирим ошуфта ҳам бўлмиш аҳволим ёмон.

Киргуси жунбушга шаксиз ер била кўк гумбази  
Айласам ҳар гоҳ оҳи сарду фарёду фигон.

Ер рухсори таманиоси била кўздин мудом,  
Оқғуси ҳижрон аро, аҳбоб, ёш ўрниға қон.

Токи ул маҳбубга бўлдим гирифтору асир,  
Эмди бўлсам не ажаб зору гарибу ногавон.

Токи бу навъ насибим бўлди андуҳи фироқ  
Айламиш дарду аламнинг бори қаддимни камон.

Ерким, бераҳм ҳам афлок қажрав, эй рафиқ,  
Ман нечук бўлғум алар гар бўйла бўлса комрон.

Эй Аваз, ёрим келур деб шод бўлғум ман ҳазин,  
Умр ўтди бўлмайнин андин басе осор нишон.

\* \* \*

Олур жонимни, жоно, ушбу соатда ғами ҳижрон,  
Бошимға юзлатиб дарду бало беҳадду бепоён.

Рақиб аҳлини мустағний қилиб дилдор васлидин,  
Вафо аҳлини маҳрум айлар ушбу гумбази гардон.

Тўкарга ошиқон қонини ул маҳбуби барнонинг  
Эрур мужонларининг ҳар бири бир ханжари буррон.

Кишиким айш ила роҳат умидин айласа, гардун  
Ишин қилғай ҳамиша дарду ранжу меҳнату ҳирмон.

Кимиким сарбаланд ўлса, ёмои кўз заҳмати бирлан  
Ваё бир нуқс еткургай, ваё қилғай ани яксон.

Тафаккур айла, эй аҳли замонни, оқили ҳушёр,  
Мангаким, ишқ дарди мубталоси, не дурур дармон?

Қилур доим бу чархи кинагустар, эй Аваз, вахқим,  
Мұхаббат аҳлини ношод этиб, душманларим хандон.

\* \* \*

Кел, эй ўхид жағожүй, чашми фаттон,  
Итобу зулм бирла түккали қон.

Олиб кел соғару шиша қўлингга,  
Қилурға ман била ҳаззи фаровон.

Ичиб май айш қўлмоқ яҳшироқдур,  
Ким ушбу дам ганимат беҳаду сон.

Нигоро, оразинг шармандасидур,  
Жамол авжиги уза хуршиди тобон.

Такаллум сурки, мұъжиздур каломинг,  
Лабингнинг сағаси Иссий даврон.

Табассум қилки, элға жон берурсан,  
Қила олмас ани ҳар лаъли хандон.

Санинг васфи жамолинг бирла гүё,  
Авазнинг нағзими бўлмиш икки девон.

\* \* \*

Ерга ошуфта ҳолим ким десун?  
Дарду андуҳу малолим ким десун?

Мехрни афлокида, эй дўстлар,  
Толии наҳсу заволим ким десун?

Ул қади шамшодға олам аро,  
Бори ғамдин қадди долим ким десун?

Ишқ илму фанида беҳадду сон,  
Кам бўлур ҳар дам камолим ким десун?

Ҳеч одам топмаса андин ишон  
Бўйла ўтган моҳу солим ким десун?

Эй Аваз, ҳижрон қаро шоми аро,  
Ерга ошуфта ҳолим ким десун?

\* \* \*

Бари пайваста қошлар, эй гўзал, қошингдин айлансун,  
Сўзи жонбаҳшлар лаъли гуҳарпошингдин айлансун.

Ҳаёву ноз иқлими аро маснаднишин ўлғон,  
Паривашлар дағи кўйингда фаррошингдин айлансун.

Қўзингдин наргиси шаҳло, қадингдин тубийи сидра,  
Сакиз жаннатни хури'үн саккиз ёшингдин айлансун.

Бўлуб ғунча даҳанлар лаъли шакарборингга садқа,  
Масиҳо нутқи ҳам гуфтори дурпошингдин айлансун.

Аёхуршид сиймо, мажмаъи шўхи парирулар,  
Мақом этган сари кўйингни, авбошингдин айлансун.

Чаманда оразингдин гул, қадингдин сарв ила шамшод,  
Яна ҳам доги сунбул, зулфи чирмошингдин айлансун.

Аваз бечора, эй оромижон сарви равон, доим,  
Санга жонин қилибон садқа, йўлдошингдин айлансун.

\* \* \*

Кўнгул ул шўх ҳижронида нолондур, нечук қилсун?  
Иши шому саҳар фарёду афғондур, нечук қилсун?

Ҳамул маҳбубдин айрилғали шаб-рўз ҳажр ичра,  
Аниси меҳнату андуҳу ҳирмондур, нечук қилсун?

Жамолин кўрмайин тортиб ҳамиша ҳасрату ғусса,  
Кўзи хунбор ҳам бағри қаро қондур, нечук қилсун?

Ҳамул ойнинг қошида ошиқи маҳзун сужуд этмай,  
Қоши моянди икки тиги урёндур нечук қилсун?

Дариго, йиғламай ман нотавону зори бедилни  
Дамодам ҳажр аро ранжи фаровондур нечук қилсун?

Уз аҳволига мотам тутмайин охир мани мискин,  
Фалакдин бошиға оғат намоёндур нечук қилсун?

Аваз ул нозанинни истамай охир фироқ ичра,  
Ҳазин жонида юз минг доги пинҳондур нечук қилсун.

\* \* \*

Бир париваш интизори бирла ҳайронман букун,  
Тортарам бу важҳдин фарёду афғон ман букун.

Ед этиб они мусалсал кокилининг торини  
Ҳажр андуҳи аро хотир паришонман букун.

Оҳқим, афлокнинг каж гардишидин гўйё,  
Толии наҳсияти беҳадду поёнман букун.

Васлини айлаб таманно ман ғариби бенаво,  
Мубталойи кулфату оломи ҳижронман букун.

Ул қади сарви сиҳининг кўрмайин рафторини,  
Тинмайин қумри каби, аҳроб, илонман букун.

Найлайн ўзимни қилмай ожизу бечораким,  
Дўстлар, беихтиёру зору гирёнман букун.

Эй Аваз, не навъ ўлмай ноумиду номурод,  
Ким асири фурқати ул чашми фаттонман букун.

\* \* \*

Соқиё, сун тинмайин бу тун шароби лаългун,  
Ким хуморидин онинг доим эрурман багри хун.

Муддатедур тушгали бир ой фироқи бошима,  
Етдим ўлмакка бўлуб ман хаста аҳволи забун.

Токи бўлғондин бери ул ёрнинг ишқида зор,  
Тортадурман жавр ила озорлар ҳаддин фузун.

Берғоли комимни айлаб аҳд, билмон ул санам,  
Аҳдига қилмас вафо изҳор этиб макру фусун.

Касрати журму гунаҳ бирла басе шармандаман,  
Бўлмаса, ё раб, манго маҳшарда лутфинг раҳнамун.<sup>419</sup>

Сарбаланд ўлғусидур пастфеъллик қилғон киши,  
Кимки кибр ила сарафroz ўлса, бўлди сарнигун.

Ман не ёнглиғ айлайнким, эй Аваз, субҳу масо,  
Дунларнинг комича айланса гар гардуни дун.

\* \* \*

Истаса ким бизни, саҳрои балодин истасун,  
Ҳажр водийси била дашти фанодин иётасун.

Вомиқу Фарҳоду Мажнун шевасин истар киши,  
Фурқат андуҳи аро ман бенаводин истасун.

Онлар ишқича туман дарду балоу ғуссани,  
Ҳажр аро бошимга келган можародин истасун.

Истаган одам саводул-важҳни дорайни ишқ,<sup>420</sup>  
Келсуну кўрсун мани баҳти қародин истасун.

Хотирим бўлса паришон они билмас истаган,  
Ул мусалсал зулфи анбар мушкодин истасун.

Ҳар нечаким истаса ногаҳ вафосиз ёрни,  
Ушбу бадкирдорни аҳли жафодин истасун.

Эй Аваз, ҳар кимса истар бўлса доғи ишқни,  
Дардманду дардкашу аҳли вафодин истасун.

\* \* \*

Кишиким бўлмаса баҳти ҳұмоюн,  
Ҳамиша бўлғуси нокому маҳзун.<sup>421</sup>

Келиб бошиға оғат шаш жиҳатдин,<sup>422</sup>  
Бўлур бир умр саргардону вожун.

Тонг эрмас, бўлса ёвар баҳту иқбол,  
Ки кажлик бирладур мўътод гардун.

Агар бир қунлари очилса толеъ  
Топиб мақсад бўлғай шоду мамнун.

Не иш қиласа, бўлуб мақбули олам,  
Не сўз деса, тушар маъқулу мавзун.

Гар онинг ёр васлидур муроди,  
Анго еткургуси халлоқи бечун.

Аваз, зоҳир бўлуб саъди баҳтинг  
Манго ёр ўлди бир чашми пурафсун.

\* \* \*

Хусну малоҳатда эрур хўбларга шоҳ ул дилрабо,  
Ким бу сабабдин айламас бизга нигоҳ ул дилрабо.

Гар тийра бўлса толеим, не айбким, эй дўстлар,  
Хосса хатту киприку чашми сиёҳ ул дилрабо.

Айлаб тағофулға ўзин, ҳолимдин ўлмай боҳабар,  
Айлаб баҳона қилғуси мандин гила ул дилрабо.

Мажмуи дилбар қошида чокар киби бўлса, не тонг,  
Ким хўбликда хисрави олампаноҳ ул дилрабо.

Не навъ ўлмай талхком, аҳбоб хайликим, бу дам,  
Расми жафоу жаврни тутмиш яно ул дилрабо.

Бераҳм бордур бу сифат афв этмайин ўлтурғуси,  
Ваҳким, баякбор, эй кўнгул, қилсан гуноҳ ул дилрабо.

Айларға ушшоқ аҳлини ушбу нафасда қатли ом,  
Маҳбубларнинг хайлидин чекмиш сипоҳ ул дилрабо.

Чиқғусидур, ноз аҳшабин ҳар ён суруб майдон аро,  
Боши уза эгри қўюб заррин кулоҳ ул дилрабо.

Бўлса қошида, эй Аваз, ходим не тонг хўби жаҳон,  
Хусну малоҳатда эрур хўбларға шоҳ ул дилрабо.

\* \* \*

Гарчи ул дилбарга бўлдим ошно ман бенаво,  
Лек чекдим беадад жавру жафо ман бенаво.

Бир йўли ҳам топмадим ишқ ичра мақсаду мурод,  
Ераб, эрдимму ваё бахти қаро ман бенаво.

Нечаким оҳу фигоним чарх фарсо айладим,  
Истабон шому саҳар кўйи аро ман бенаво.

Рашк ўти куйдуғмаса жонимни ҳеч қилмас эдим,  
Ҳажр тиги бирла бағримни яро ман бенаво.

Эй пари, қил раҳмким, бўлдим ғарибу нотавон,  
Васлинг айлаб орзу субҳу масо ман бенаво.

Муддаийға қилма шафқат қилғали бағримни қон,  
Чунки жону дил билан ошиқ санго ман бенаво.

\* \* \*

Кўнгул гар айласа ғайриға парво,  
Куюб рашк ўтиға ёнсүн саропо.

Фам ўтиға тутоқсун жони маҳзун,  
Гар этса ўзганинг ишқин таманно.

Фироқинг шомида кўз хира бўлсун,  
Кўрардин оразинг қилса табарро.

Тилим қилса тутилсун, эй паризод,  
Агар ғайрини зикрин ошкоро.

Кўзум хунбор ўлуб, бенур бўлсун,  
Гар этса ўзганинг ҳуснин тамошо.

Сенга бўлсун тасаддуқ, зоҳир этса,  
Қуёш ҳар заррасидин юз Масиҳо.

Енар раҳм айлагилким, ҳажр ўтиға,  
Дилим то қилғали шавқингни пайдо.

Берib соғар ҳаробот ичра, соқи,  
Мени қил бу сифат сармasti расво.

Нигоро, кел Авазнинг хотирини  
Қилурға дарду меҳнатдин мубарро.

\* \* \*

Бўса лабдин айласа ул ой қарам манго,  
Икки жаҳонни ҳодисасидин не ғам манго?!

Икки жаҳонни роҳатидин баски ул гўзал,  
Лутфу иноят этса агар дам-бадам манго.

Кўйи аро маскан ўлуб жом исам ар,  
Даркор эмас чу тахти Каю<sup>422</sup> жоми Жам манго.

Жонимни токи қилғоли ҳижронида адам,  
Үйла ҳужум қилғуси хайли алам манго.

Хури биҳишт сұхбатини күнглум истамас,  
Гар мунис ўлса ушбу кеча ул санам манго.

Ким бир гўзали ҳажрига дучорман, не тонг,  
Ақлу қарору сабр эса маҳву адам манго?

Назмимни кўргач-ўқ, не ажаб, этсалар, Аваз,  
Таҳсин шоири Араб ила Ажам манго.

\* \* \*

Бўсае бергил лабингдин, эй пари пайкар, манго,  
Токи бўлсун ғайр қалби рашк тигидин яро.

Гарчи қиласум мен сенга меҳру муҳаббат ҳар неча,  
Лек сен қиласунг менга юз онча жавр ила жафо.

Ўз азиз жонинг учун қиласил карамким, эй гўзал,  
Оламин мулки аро сен подшоҳу мен гадо.

Үлдилар ушшоқ әлидин бир киши топмай амон,  
Мунча ҳам бўлмоқ бўлурму золим, эй чашми қаро.

Етмадим васлинига, эй маҳбубларнинг сарвари,  
Топмайин токим жаҳонда ҳажр тигидин сазо.

Эй биродарлар, не тонг бир гул ғамидин рўзу шаб,  
Булбулеманким, қиласурман оҳу фарёду наво.

Васл уммидин қиласурсан, эй гариби сода дил,  
Фурқатининг кунлариға борму эркан ингихо.<sup>423</sup>

Эй Аваз, ҳар ким ўзига сабрни қилса шиор,  
Шаксизин етгусидур мақсадига олам аро.

\* \* \*

Бўлмишам токи бир ой ишқида шайдо кумало,  
Қиласоли ўзни жаҳон мулкида расво кумало.

Манки қурбон анга бўлмоқ тиларам, эрмас ажаб,  
Манга зулм этса ҳамул қўзлари шаҳло кумало.

Ёрким бўйла жафо варзиши шом ила сабоҳ,  
Манга мумкинму тирик юрмаким, оё, кумало?

Сизга бир наеъ мубоҳот ила они дегамен,  
Қатли ошиқ қилур ҳар кимга бир имо кумало.

Топар албатта тараф мажлис аро шому сахар,  
Токи бор эрса ҳамул гулрухи якто, кумало.

Қучғоли ёрни нозик белини бир йўли ман,  
Бўлди бори алам остида қадим ё, кумало.

Демангиз, дилбаринг ағёр ила ёр ўлмиш,  
Бўлмасун олама ошиқлиқим ифшо, кумало.

Эй Аваз, сан нечук ишқ ичра камоле топғунг,  
Қилмаса шафқат ила ҳолингга пárво кумало.

\* \* \*

Манга, душман, ул дилрабо бўлдило,  
Ки бир үмр мандин жудо бўлдило.

Басе ишқ жонсўз экан, билмайнин,  
Дилу жон анга мубтало бўлдило.

Фироқ эркан асрү балои кабир,<sup>424</sup>  
Анга шахси жон вола то бўлдило.

Рақиб эликим эрур сағин кўнгул,  
Олдоб мани, чуну чаро бўлдило.

Вафо аҳлини ўзи беихтиёр  
Асири чу аҳли жафо бўлдило.

Хуш ул хайлким, ёри гамхорни  
Висоли аро борҳо бўлдило.

Не хушдур, ҳамул шўхлар шоҳини  
Бирэвлар изида гадо бўлдило.

Ажойиб чекиб бенаволар наво,  
Наво аҳли кўб бенаво бўлдило.

Будур турфаким, жумлаи ишқиё,<sup>425</sup>  
Аваз, даҳр аро порсо бўлдило.

\* \* \*

Ёрлар ҳолимни сўрмай зор маҳзун қилдило,  
Ранжу озоримни ҳам кам қилмай, афзун қилдило.

Бермайин аммо юроким қониға таскин даме,  
Қайтадин афзун кўзум ёшич жигархун қилдило.

Дафъи савдо айламай лаъли била Лайлившам  
Ҳажр даштида мани андоқки Мажнун қилдило.

Шахси жон Фарҳоддек Ширинвашени ишқида,  
Дард ила ранжу алам тогини маъмун қилдило.<sup>426</sup>

Бесутунға гар сутун Фарҳод бўлса ишқ тоги,  
Лек они ул Бесутун<sup>427</sup> остидағи нун қилдило.

Қавқабу сайёрау ҳам событочи чархи дун,  
Не мани иқбол ила баҳтимни маймун қилдило.<sup>428</sup>

Чархи гардонким эрур дун, эй биродар, зоҳираи,  
Хибслиг<sup>429</sup> оғоз этиб тарбияти дун қилдило.

Нозанинларким, эдилар борчаси ноошно,  
Кўргузуб бегоналиг, бағрим яна хун қилдило.

Ман нечук фарёди жонкоҳ чекмайинким, эй Аваз,  
Ёрлар ҳолимни сўрмай зор маҳзун қилдило.

\* \* \*

Мангаг ёрлар — ўқ ситам этдило,  
Ғамим — асрү, айшимни кам этдило.

Ҳамеша мангаг айлабон қаҳру кин,  
Жафоу ғазаб дам-бадам этдило.

Малолу алам борини остида,  
Қадим долдек, ваҳқи, ҳам этдило.

Не янглиғ жафоу ситамлар манго,  
Ҳамул шўх-шанг санам этдило.

Вафо аҳли ишқ ичра кирган ҳамон,  
Ҳамул йўлда бошдин қадам этдило.

Ҳамеша тилаб ёр рухсорини,  
Кўзин ёшин андоқки ям этдило.<sup>430</sup>

Агар билдилар ёр мавжудини,  
Вале ўзлукни адам этдило.

Қарорини ушшоқи бехонумон,  
Бори ишқ аро мунъадам этдило.

Аваз, фурқат ичра гирифтор этиб,  
Ишим чекмак асрү алам этдило.

\* \* \*

Эй, ишқ эли, дилдорингиз ноошно, ноошно  
Гуфтори ширин ёрингиз ноошно, ноошно.

Сизларгадур доим иши зулму итобу қаҳру кин,  
Ул кўзлари хунхорингиз ноошно, ноошно.

Бўлса давомат чашмангиз ҳажр иҷра тийра не ажаб  
Ким ул қамар рухсорингиз ноошно, ноошно.

Талх ўлса доим комингиз, не айб, ушшоқким,  
Ул лаъли шаккарборингиз ноошно, ноошно.

Сизларга тонг йўқ муддаий кўйида дашном өтсаким,  
Шўхи шакар гуфторингиз ноошно, ноошно.

Аҳли вафодин эрсангиз, эй дилрабои нозанин,  
Майл айламанг айёрингиз ноошно, ноошно.

Бўлманг Аваздек кўйида бехонумонким, суди йўқ,  
Эй, ишқ эли дилдорингиз ноошно, ноошно.

\* \* \*

Сунгил манго паёпай, эй гулузор мийно,  
Токим ман ичкоч, этсун рафъи хумор мийно.

Ман нотавонни айлаб бағрини рашқдин қон,  
Қилма рақибим ила ичмак шиор мийно.

Аҳбоб бирла ичмай бегона бирла ичсанг,  
Бўлғусидур гумонсиз беътибор мийно.

Бир хилват ичра шаб-рўз, эй ошиқи гаронжсон,  
Тутса не хуш кишига қонгунча ёр мийно.

Ожиз танимга қувват етсун десанг, аё ким,  
Нўш этмак одат этгил лайлу наҳор мийно.<sup>431</sup>

Ичсанг бўлур билошак<sup>432</sup> бир умр дафъи савдо,  
Бил, дилрабо элчдин фасли баҳор мийно.

Сан, эй Аваз, ҳамиша тадриж бирла ичким,  
Ким тез ичса айлар беихтиёр мийно.

\* \* \*

Үлукка жон берур жонбахш гуфторингга салламно!<sup>433</sup>  
Мамот айлар тирикни чашми хунхорингга салламно!

Жаҳон дилбарлари гар кўрса рухсори жаҳонтобинг,  
Бўлуб ҳайрон, дер эрди бори дийдорингга: Салламно!

Тушуб зарра каби партав рухингдин ҳажр шомида,  
Мунаввар қилди чашмим, меҳри рухсорингга салламно!

Гул ўзни тарк қилгай ўёлгандин чаман ичра,  
Деюб қаддинги кўргач: Сарв рафткорингга салламно!

Етар ушшоқ элига ушбу соат жавру озоринг,  
Аё маҳбуби маҳваш, жавру озорингга салламно!

Қаю шоирда бордур бўйла табъи тезу назми хуш,  
Аваз бу табъи тезинг бирла ашъорингга салламно!

\* \* \*

Сарв қадинг эрур басе раъно,  
Неки зебодур андин ул зебо.

Қошлиарингму ёки икки ҳилол,  
Кўзларинг узра, қамарсиймо?

Икки фаттон қўзларинг не шунқор,  
Жон кабутарларига турфа бало.

Оразингмудур икки зулфинг ажаб,  
Ой аро келгуси ики ялдо.

Наргисинг кимсани гар этса қатил,  
Анга икки лабинг Масиҳосо.

Хирад аҳли даҳонинг этточ фикр,  
Ажаб изҳор қилди фикри расо.

Қойси ҳур эрур, аё дилбар,  
Сан сифат ҳусн мулкида якто.

Бош-оёқ сан сори назар қилсам,  
Йўқдуур камлигинг, магарки, вафо.

Не ажабки, Аваз асиринг эса,  
Ким санга борча ошиқу шайдо.

\* \* \*

Маъво қилибдур дилбарим, ваҳ, маҳфили ағёр аро,  
Ичмак учун мийно солиб бир согари саршор аро.

Ул дилрабонинг юзлари гул-гул ёнар май тобидин,  
Онинг каби гул бутмаги мумкин эмас гулзор аро.

Ҳар кимга қилса дилбари меҳру вафо изҳорини,  
Ул қолғусидур ҳажрида юз минг туман озор аро.

Бу дам матои ишқни тонг йўқки, савдо айласам,  
Бир маҳлиқо ҳуснин кўруб саргашта ман бозор аро.

Ваҳ, найлай ўртанимай бу дам, ишқ ўти андоқ ўт эрур,  
Ким тушмиш андин учқуни ушбу дили афгор аро.

Чақмоқ демангким, абрнинг чақмоғини, эй дўстлар,  
Афлок сорига шаар чиқғуси оҳу зор аро.

Шаҳбайт<sup>434</sup> янглиғ, эй Аваз, назмингни ҳар бир мисраи,  
Овоза топмишдур басе абёт<sup>435</sup> ила ашъор аро.

\* \* \*

Раҳм эт ман ҳазинга, эй маҳвashi дилоро,  
Ким сабру тоқатим йўқ ҳажринг ғамига гўё.

Ҳижронинг ичра бўлмиш олам манга қоронғу,  
Равшан кўзумни айла ораз очиб, нигоро.

Келсанг толар эдим ман жовид умр шаксиз,  
Меҳру вафо русумин гар айлаб ошкоро.

Майнин манга тутарда изҳор этиб табассум,  
Эй, нозанин дилбар, кошимни қил гуворо.<sup>436</sup>

Бўйла ғариб ўлубман бўлмоқға дастирим,<sup>437</sup>  
Йўқдур фироқинг ичра меҳнат чекарга ёро.<sup>438</sup>

Холим кўруб тараҳҳум изҳор айламассан,  
Кўнглингму ёхуд, эй моҳ, қотиглиг ичра хоро?

Қўйса Аваз ҳамул маҳ кўйида бошима пой,  
Даркор эмас манга, бас, тахт ила тожи Доро.

\* \* \*

Бегоналарға бўлсанг, сен ошно, нигоро,  
Шамшири рашк айлар кўксум яро, нигоро.

Раҳминг келиб не бўлгой, ман хастага замоне  
Айлаб карам гар этсанг тарки жафо, нигоро?

Сонсиз балоу ғамни келса бошимга, найлай,  
Чекмай фироқинг ичра ман бенаво, нигоро?

Нозу карашма бирла айлаб хиром бул ён  
Кел, мақдаминга бўлсун жоним фидо, нигоро.

Ўлмакка еттим асрү тортиб фироқ дардин  
Еткур висол шурби<sup>439</sup> анго даво, нигоро.

Осон санга, валекин, гар ихтиёр қилсанг,  
Ҳар нима мумкин эрмас қилмоқ манго, нигоро.

Қоми дилимни бутун бермакка ваъда қилдинг,  
Аҳдингға қилғил охир эмди вафо, нигоро.

Ағёрдин ниҳони бир жойи хилват ичра  
Юр, иккимиз суроли завқу сафо, нигоро.

Ҳеч бири сандек әрмас дилдору дилраболар,  
Кўбдур, валекин, аммо, олам аро, нигоро.

Улса рақиб аҳли ҳайратсигол ўлубон,  
Не ерда эрконингни билмай, хушо, нигоро,

Бир кўргач — ўқ жамолинг, бўлмиш санга Аваздек,  
Зору асиру мафтун бу мубтало, нигоро.

\* \* \*

Зоҳир айлаб, шукр, ул дилбар манго меҳру вафо,  
Ноз якронин суруб базмимга келди беибо.

Фурқат ичра доимо ранжур, бекувват эдим,  
Васлини доруси бирла қилди дардимга даво.

Бўлди яксар кундузосо тийра шомим, эй рафиқ,  
Партаве солғоч жамоли байтул эҳzonим аро.

Истагач, кетмакка рухсат ул парилар сарвари,  
Бўйла беҳуш ўлдиму жон ўлди жиссимидин жудо.

Сўнг кўруб ҳолимни ул маҳбуб, кетмайман, дегач,  
Хотиримда бўлди пайдо беадад завқу сафо.

Қўзлари қатл айласа, ўлган танимга берди жон —  
Фош этиб лаъли лаби турлук каломи жонфизо.

Даҳр шўхиким, Аваз, бордур вафосиз барчаси,  
Бўлмагон яхши алар ишқиға зору мубтало.

\* \* \*

Бир лаҳза юзинг айлайнин, эй ёр, тамошо,  
Ким молни этгуси харидор тамошо.

Қўз нур топиб, касб қилур қалб сурурлар,  
Гўёки жамолинг эди осори тамошо.

Девона сифат музтар эса әрмас ажаб дил,  
Ким они қилур асрү талабгор тамошо.

Хуршиди жаҳонтобни хуффош не билгай,<sup>440</sup>  
Ким ҳар кўз әмас маҳрами асрор тамошо.

**Ноз айлама, кўргуз мани маҳзуна жамолинг,  
Ким мавсуми гул бўлғуси гулзор тамошо.**

**Не айб дамодам эсам ҳайрону гаронжон,  
Ким ман қиладурман гули бекор тамошо.**

**Эмди, Авазо, ёрни топ васли сари йўл,  
Йўқ эрса топиб қилғуси ағёр тамошо.**

\* \* \*

**Ёримни эрур нарғиси шаҳлои тамошо,  
Оlamда анинг ҳам мани шайдои тамошо.**

**Ё ул қади шамшод чиқиб жилва қилурму?  
Оlamни тутар халқ ароғаи тамошо.**

**Оlamда бари иш қарамиш сийм ила зарга,  
Бетангаю пул қилма таманнои тамошо.**

**Ушшоқ әлига бермагуси соғари мийно,  
Ағёр элининг бодаи паймои тамошо.**

**Сармаст бўлуб қолгусидур лаҳзада ҳайрон,  
Нўш этса агар ҳар киши саҳбои тамошо.**

**Не навъ, Аваз, қотил эди ул кўзи оғат,  
Кулдургусидир элни алолои<sup>441</sup> тамошо.**

\* \* \*

**Келгил бери, жамолинг то ман қилай тамошо,  
Ким йўқдуур жаҳонда сандек нигори, барно.**

**Монанди сан, нигоро, қайси париваш ўлғай,  
Наргис кўзу шакар лаб, хушхулқ, қадди раъно.**

**Айлаб лабингни хандон, оч оразингни, жоно,  
Еткургали бу соат базмимга зебу оро.**

**Кўнглумни олғон, эй дўст, бир шўхи моҳталъят,  
Сунбул сочу юзи гул, гунча лабу шакархо.<sup>442</sup>**

**Кўнглумки тоқат этмай озорига гум ўлсун,  
Файри сарига қилса, гар рағбату тақозо.**

Не насть бўлмайин ман расво халойиқ ичра,  
Кўз бирла ашким этса ишқин сирини ифшо.

Қилғил, Аваз ҳамиша сабру шикеб, пеша,  
Ким элни қилғусидур таъжил асрү расво.<sup>443</sup>

\* \* \*

Эй, лаби сарчашмаи оби бақо,<sup>444</sup>  
В-эй кўзи жаллоду кофир, пуржафо.

Ман қилурман ҳар неча сандин умед,  
Санда йўқдур заррacha раҳму вафо.

Кел, они ёрутголи, эй сиймбар,  
Кўзларимга даҳр эрур яксар қаро.

Келгусидур фурқат ичра сансизин  
Бошима ошӯби офоту бало.

Эй париваш, шўхликни фаннида —  
Сандурурсан шўхларга пешво.<sup>445</sup>

Эй, нигори нозанин, ёди рухинг  
Қилғуси ишимни фарёду наво.

Эй Аваз, қилғил даво ҳақдин умед  
Ҳарнаким кўнглингга бўлса муддао.

\* \* \*

Очгоч жамолидин ниқоб ул нозанини маҳлиқо,  
Сар то бапо бахш айлади базмим аро нуру сафо.

Ман сори боқиб кўз учи бирла бир имо айлади,  
Токим қилурға жумлаи сабру қароримдин жудо.

Ул нозпарвар шўхким, берди муроду мақсадим,  
Ман айласам эрмас ажаб шукронасига жон фидо.

Васли нишоту айшидин маҳрум ўлуб шому саҳар,  
Эрдим мани бедасту по ҳижрони ичра мубтало.

То тушгали фурқат ғаму андуҳига ман нотавои,  
Вуслатни уммиди била тортар эдим ранжу аио.

Мажмуи ранжу кулфатим кўргач они бўлди адам,  
Ҳаззу фарақлар юзланиб ушбу кеча беинтиҳо.<sup>446</sup>

Айлар Авазни ул гўзал васлиға маҳрам, эй рафиқ,  
Тонг йўқки, қилса шодлиғ бирла ағфону наво.

\* \* \*

Эй санам, ағёрни сен ёд этма кўп,  
Хотиримни зору ношод этма кўп.

Зулм ила ушшоқ элин ўлтурғали,  
Кўзларингни мисли жаллод этма кўп.

Ошиқи бехонумонлар хайлиға,  
Эй суманбар, зулму бедод этма кўп.

Бўлмасун яксар жаҳон аҳли ёсир,  
Ўзни дилбарликда устод этма кўп.

Туммасун то ул паривайнаға өғир,  
Эй Аваз, ағфону фарёд этма кўп.

\* \* \*

Ушбу жаҳон ободидур охир хароб, эй дўйстлар,  
Тургун бинои сув уза мисли ҳубоб, эй дўйстлар.

Ашқоли олам тарҳини ўйлар эсанг таҳқиқ ила,  
Не саъду наҳсу событу не инқилоб, эй дўйстлар.

Ҳар имми айлар бўлсангиз, айлангки тадриж ила иш,  
Оқил киммилар қилмагай ҳаргиз шитоб, эй дўйстлар.

Улким замона ишрату айшини онглар муғтанам,  
Бўлгуси жовид умрдин бас баҳраёб, эй дўйстлар.<sup>447</sup>

Ҳаз ила беҳжоту<sup>448</sup> фараҳ ком ўлса сизга, базм этиб —  
Айланг сабоҳу шом аро нўши шароб, эй дўйстлар.

Лозим паривашлар била тузмак мажолис ўйлаким,  
Бордур ҳазиф айёми ҳам аҳди шабоб, эй дўйстлар.<sup>449</sup>

Айланг Аваздек орзу фақру фано кошонасин,  
Ушбу жаҳон ободидур охир хароб, эй дўйстлар.

\* \* \*

Бу дамни бил ғанимат, эй биродар,  
Кидур айёми вуслат, эй биродар.<sup>450</sup>

Анисинг ул парирў нозанинтур,  
Фараҳ топ ушбу соат, эй биродар.<sup>451</sup>

Бўлуб феруз баҳтинг ёвару ёр,<sup>452</sup>  
Ул ой бўлди ҳамулфат, эй биродар.

Рақиб, албатта, ошиққа ҳамиша.  
Қилур таъну маломат, эй биродар.

Қадаҳ нўш айла тинмай рўз ила шаб,  
Қилиб ёр ила сухбат, эй биродар.

Фалак солиб жудолигни ароға,  
Бўлур бу кун ҳиёмат, эй биродар.

Аваздек, дема ҳар бир ёва сўзни<sup>453</sup>  
Ичиб кўб жоми гафлат, эй биродар.

\* \* \*

Нигоримким эрур асру ситамгар,  
Қоши —ё, киприги — ўқ, чашми кофар.

Адоу нозу ишва айламакда  
Жаҳон ичра анго йўқдур баробар.

Ҳамма сийминбар ичра ул париваш,  
Қатолу ғамзаперо зулмгустар.<sup>454</sup>

Ики чашми сиёҳи мисли сайёд,  
Олурда ишқ эли жонин саросар.

Юзиким ёрутурда элни чашмин  
Адам қилғой бори эҳени яксар.

Қиё боқғонда мужгоними тири  
Мисоли Муштариу меҳри анвар.

Бўлубдурман Аваздек бир гўзалга  
Асиру ошиқу мафтуну музтар.

\* \* \*

Қосидо, бер ул суманбардин хабар,  
Роҳати жон, шўх дилбардин хабар.

Қўзларимни ёритурға топмадим  
Орази хуршиди анвардин хабар.

Бенавоман қумридек эшитмайин —  
Қадди шамшод ила ар-ардин хабар.

Не топа олдим жаҳон мулки аро  
Кокили мушк ила анбардин хабар.

Эйки, гар билсанг қаерда эрканин,  
Бер ҳамул шўхи ситамгардин хабар.

Топмадим ҳарчанд истифкор<sup>455</sup> этиб,  
Ул паришон чашми кофардин хабар.

Эй Аваз, топғил демиш неча ғазал,  
Шоири доно ҳунарвардин хабар.

\* \* \*

Олди кўнглумни менинг ёшгина бир сийминбар,  
Сўзи ширин, қора кўз, лаъли қанду шакар.

Беқарор этгусидур, айладиму, билмайман,  
Ўзига ишва била нозу тагофилни ҳунар.

Қилмагайлар они одамдин ҳисоб аҳли замон,  
Бўлмаса киссасида ҳар кишининг нуқраю зар.

Ташналаб ўғли эса ҳам отаси сув бермас,  
Қолмамиш меҳр ила шафқат бу жаҳон ичра магар.

Эй Аваз, йиғламайин ҳасрат чекиб найлайким,  
Фуқаро бошида бордур неча минг шўр ила шар.

\* \* \*

Юз очиб чаман ичра ушбу ёри жононлар  
Кирдилар қилиб нозу ишвалар фаровонлар.

Ақлим айлабон зойил этгали такаллумлар,  
Жилва қилгуси ҳар ён далир сухандонлар.

Қилдилар мани ҳайрон турлук ишвалар бирла,  
Кабкваш хиром айлаб, қомати хиромонлар.

Үлтурууб ҳузуримда базм туздилар бу тун,  
Орази гулистонлар, сочи сумбулистанлар.

Тузгали келиб мажлис боғ сайрини айлар,  
Шўх лаъли хандонлар, кокили паришонлар.

Хуррам ўлдим андоқим, васлидин топиб роҳат,  
Маҳв ўлуб ғаму дарду фикру ранжи ҳижронлар.

Эй Аваз, сўруб ҳолим, мастилик чоги бир-бир,  
Қилдилар менга онлар неча лутфу эҳсонлар.

\* \* \*

Ҳар кишиким истаса бу олам ичра ком агар,  
Топмагай они ҳамиша бўлмаса бадном агар.

Заҳрдин билсун муроди шоҳиди соқий бўлуб,  
Айш базми ичра тутса, лутф бирла жом агар.

Кўргуси зулму ситам бирла итобу қаҳру кин,  
Орзу сultonдин этса ҳар киши инъом агар.

Мақсад оҳусини сайд этмакка фурсат топмагай,  
Кимсага бўлса таманно шоҳбози ром агар.

Эй Аваз, ноком ўлуб, тун-кун пушаймон айлагай,  
Ҳар кишиким истаса бу олам ичра ком агар.

\* \* \*

Келди, эй кўнгул, истаб бизни яхши меҳмонлар,  
Дилбари муҳаббатлиқ, маҳвави қадрдонлар.

Базмим ичра кирдилар, фош этиб табассумлар,  
Лаъли гунча хандонлар, нутқи шаккарафшонлар.

Базм аро юруб ҳар ён онча жилва қилдилар,  
Юзлари гулистонлар, қадди хуш хиромонлар.

Барчасини рухсорин айлабон назар, кўрдим,  
Ҳар бириси бор эркан офтоби рахшонлар.<sup>456</sup>

Гарчи, гайрни айлаб бағрини қаро қондек,  
Қилдилар манга лекин шафқати фаровонлар.

Шукр, ушбу соатда юз очиб манга давлат,  
Берди коми мақсудим шўх-шанг жононлар.

Эй Аваз, бало жонға «айни шину қоф» эрди,  
«Вову соду лом» ила дафъ ўлди ҳижроилар.<sup>457</sup>

\* \* \*

Мандин хабар олмас ошнолар,  
Бегона мисоли бевафолар.

Ҳижрон аро зору нотавонман,  
Тортуб неча ун ила наволар.

Жонимни фидойи ёр қилдим,  
Ишқ ичра чекиб тумая жафолар.

Молимни йўлида айлабон сарф,  
Мандин ҳазар этгуси гадолар.

Неком бўлуб расолиғимдин,  
Мақсудига етди норасолар.

Ҳар лаҳза қилур ҳужум сонсиз,  
Бошимға фироқ аро балолар.

Кош эрди агар ижобат ўлса,  
Баским Аваз айлаган дуолар.

\* \* \*

Ул ойни қотили хунхор, дерлар,  
Иши ишқ аҳлига озор, дерлар.

Не янглиғ сода элдур ишқ әликим,  
Аниңдек бевафони ёр, дерлар.

Сочи сунбул, юзи гулфомларни,  
Фусунгар золиму айёр, дерлар.

Анга майл этма, ҳаргизким аларни,  
Ҳамиша ҳамдами ағёр, дерлар.

Мени расвойи олам қилмоқ учун  
Вафо дилдорларда бор, дерлар.

Эсам ҳам доимо ғам бирла ҳамроҳ,  
Нигоримни манга ғамхор, дерлар.

Қим ўлса ишқ сўзидин хабардор,  
Ани олам аро ҳушёр, дерлар.

Ажабдур тоғмадим суд айлаб андин,  
Не ишким судни бисёр, дерлар.

Нечук келгай Аваз базмингга ёринг,  
Ки эл сандин ани безор, дерлар.

\* \* \*

Бор эса жаҳон ичра неча шўх жононлар,  
Борчаси санга бордур чунки зору ҳайронлар.

Жавр йла тағофул кўп пешадўр санга, жоно,  
Не ажабки ашкимдин зоҳир ўлса тўфонлар.

Етмагусидур билмам не учун қулоқингға,  
Ҳажр шомида чеккан нола бирла афғонлар.

Не ажаб қатл ўлса ишқ хайли, эй маҳқим,  
Бордуур санга ўқдек тезлук мужгонлар.

Қадингга бўлуб шамшод банда, эй пари пайкар,  
Кўрса оразингни гул чок этар гирибонлар.

Ном ила нишонингни тоғмадим мани шайдо,  
Тай қилиб фироқингда водию биёбонлар.

Тўбъи тезлик ичра айб эмас эса чокар,  
Эй Аваз, қилиб таҳсин шоири суҳандонлар.

\* \* \*

Эй шўх, сани жон ила кўнглум севар, истар,  
Ҳарким олар учраса сандин хабар истар.

Қилмоқға назар оразинга жони низорим,  
Бир зарраи саргаштаки шамсу қамар истар.

Турмас қафаси танда даме мурғи тан, эй жон,  
Кўёнгга ҳаво қилғали бол ила пар истар.

Шимдур лаби лаълингни мани хастаға, чунким  
Коми бўлуб-ўқ талх, ҳамиша шакар истар.

Оч меҳри жамолинг қуёш осо, мани шайдо  
Кўрмак сани, эй ҳурлиқо, бир назар истар.

Қил фош табассумки, тилар хотирим они,  
Андоқки гадо гавҳари луълуи тар истар.

Бечора Аваз гарчи эрур ожизу мискин,  
Минг жаҳл ила лек камоли ҳунар истар.

\* \* \*

Бўлмасун, ёраб, замоне ёр ила ағёр ёр,  
Ким манга, гар бўйла бўлса, бергуси озор ёр.

Ман нечук чекмай жафову жавр шом ила саҳар,  
Ким вафову меҳр расмин айламас изҳор ёр.

Келмади ҳолим сўраб, мендин хабар ҳам олмади,  
Ёки бўлмишму мани дил хастадин безор ёр.

Ихтиёр илгига доим, ман не янглиғ айлайин,  
Айласа мен телбага зулму ситам бисёр ёр.

Токи айларга мани кўйида монанди гадо,  
Нақди васлидин манга кўргузмади осор ёр.<sup>458</sup>

Муддаийлар хайлиға бу даҳри бебунёд аро,  
Оқилу ҳушёр эрсанг бўлмагил, э ёр, ёр.<sup>459</sup>

Бўлди бил олам аро доим гирифтори бало,  
Эй Аваз, ҳар кимса бўлса сан каби дучор ёр.

\* \* \*

Табассум фош этиб<sup>460</sup> ул лабшакар ёр,  
Деди: Ҳолинг нечук, эй ошиқи зор?

Дедим ман йиғлабон: ўлмакка етдим,  
Чекиб ҳажрингда юз минг дарду озор.

Етур васл ичра марҳамким, бўлубдур —  
Фироқинг ханжаридин бағрим ағфор.

Қутулмас ўлмагунча, эй ситамгар,  
Ким ўлса доми зулфиннга гирифтор.

Нечук даврон эли зор ўлмасунлар,  
Ки бордур бўйла санди тарзи рафтор.<sup>461</sup>

Мани маҳзун бўлуб ҳажрингда ғамгин,  
Ҳамиша васлинг ичра шод ағёр.

Аваз, бу чашми фаттонлар қўлидин  
Тирик юрмаклик олам ичра душвор.<sup>462</sup>

\* \* \*

Нигоро, мойил ўлсанг сўйи ағёр,<sup>463</sup>  
Қилур бағримни тиги рашқ ағфор.

Алардин ошинолиқ риштасин уз,<sup>464</sup>  
Мани шод этмак истар эрсанг, эй ёр.

Фироқинг тийра шоми ичра, ваҳким,  
Не ғамлар чекмади бу телбайи зор.

Пари янглиғ ниҳон ўлмай кўзимдин,  
Замоне бўлғил ҳолимдин хабардор.

Тонг эрмас эмди гар мақтул бўлсам,<sup>465</sup>  
Фироқинг тиги бирла, эй жафокор.

Мукофоти жаҳон андишасин қил,<sup>466</sup>  
Вафо аҳлиға кўп еткурма озор.

Ки бир соҳиб адo<sup>467</sup> ишқиға сан ҳам  
Аваздек бўлмагайсан то гирифтор.

\* \* \*

Қил баҳор айёми, эй ким, арсаи оламни сайр,  
Ким басе чоқ этгусидур хотири одамни сайр.<sup>468</sup>

Топғасан дилдорни хат ила холидин нишон,  
Айласанг боғ ичра яксар сабзаи хуррамни сайр.<sup>469</sup>

Гар эсанг афтодаи бехонумон сайри гул эт,  
Ким санга билдиримагуси ҳеч бешу камни сайр.<sup>470</sup>

Сайр этсанг бир киши таън<sup>471</sup> айлай олмасдур санга,  
Хотирингдин ювгуси албатта чирки<sup>472</sup> ғамни сайр.

Кир вафо даштиға бўл собитқадам бир умрким,  
Илкинга гўё колур жоми Жаму хотамни сайр.<sup>473</sup>

Сайр одат қил, Авазким, бўйла қилмишдур баланд,  
Бу жаҳон мулки аро овозаи Хотамни сайр.

\* \* \*

Ошнолар, эй қўнгул, бегоналиқ қилмиш шиор,  
Ушбу кунларда бўлубдур гайр хайли бирла ёр.

Нечаким меҳру вафо қилдим жаҳон маҳбубига,  
Лек онлар оқибат қилди жафо расмини кор...

Жони маҳзуним әрур доғи гарон<sup>474</sup> беҳадду сен,  
Тарки ишқ этмасму эрдим манда бўлса ихтиёр.

Ошиқи зору гирифтор ўлганимни сўрмаким,  
Сан даги ёрим ғамида бўлмагайсан бекарор.

Ҳар кишиким, гар муҳаббат истаса олам аро,  
Кеча-кундузларда чексун ранжу меҳнат бешумор.<sup>475</sup>

Халқ аро девоналиқ изҳор қилсам не ажаб,  
Ким Аваздек бўлмишам бир шўх ишқига дучор.

\* \* \*

Васл аро ағёр ўлурлар комрону комкор,<sup>476</sup>  
Ишқ әли ҳижрондадурлар борҳо хореу зор.

Ошиқонким хастаю маҳжуру ноком ўлғуси,  
Бошига ул дам бўлуб юз навъ офат ошкор.<sup>477</sup>

Дилбаримким, мажмаъи ҳури жаҳон хаддомидур,<sup>478</sup>  
Ман ҳам ўлсам не ажаб ушшоқиу зору низор?

Заррадек ман музтариб бўлсам, не тоиг, аҳбоб эли,  
Ким сабоҳатда<sup>479</sup> юзи хуршидидур хуршидвор.

Гар ниқобин олса ул моҳ сайри гулшан чорғида,  
Гул жамоли қошида бўлғуси бешак шармисор.

Гарчи ушшоқи ҳазиннинг зарра қадри бўймайин,  
Лек онинг ёнида ғайри топғусидур эътибор.

Эй Аваз, шому сабоҳ ношод эсам, не айбким,  
Бир жафожў дилрабо ҳажридадурман беқарор.

\* \* \*

Ақлимни олғуси мани ул шўхи холдор,  
Нозу адони зоҳир этиб беҳадду шумор.<sup>480</sup>

Бир ёр олди ҳушу қароримни, не ажаб,  
Бир заррадек йўқ эрса манго сабру ихтиёр?

Ул маҳлиқони қошида маҳрам эса рақиб,  
Қолғой нечук бу тун мани бекасда<sup>481</sup> эътибор?

Инглар эсам, не тонгки, фироқини шомида  
Васлини шарбатига басе бўлмишам хумор.

Ман зор фурқат ичра бўлуб хору залил,  
Базми висоли ичра эрур ғайр комкор.

Келса агар ул ой мани кулбамга бир кеча,  
Айлар эдим қудумига жон нақдини нисор.<sup>482</sup>

Доим Авазни ҳажр аро гирён қилиб қўзин,  
Ёғду жаҳонни ҳам анго қилғуси тийра тор.

\* \* \*

Гарчи ул Лайливашим Лайлилиғ истеъоди бор,  
Ишқ аро ман содикӣ, Мажнунни лекин оди бор.<sup>483</sup>

Аҳли тамқиңман, мани деманглар, аҳбоб, андалиб,  
Ким ани сабри йўқу ҳар лаҳза юз фарёди бор.<sup>484</sup>

Үйла бадҳол ўлмишам ҳолим кўруб ношод ўлур,  
Кимсанинг аҳбобидин гар хотирида шоди бор.

Не ажаб бир умр аро хотир эса вайрон манга,  
Қайси бир вайронки бўлғай, оқибат ободи бор.

Кирма, эй кўнглум қуши, ишқи жунун дашти аро  
Ким ҳамул саҳрони кўп бераҳмлиғ сайёди бор.

Фаҳр қилсун, ёрни бордур менингдек ошиқи,  
Лайлию Ширинни гар Мажнуни или Фарҳоди бор.<sup>485</sup>

Эй Аваз, гар ошиқ эрсанг ишқ таркин қилмаким,  
Даҳр аро ушбу замон ҳар кимни бир мұтоди бор.<sup>485</sup>

\* \* \*

Эй шўхи жафокори ситамкор,  
Мунча нега еткуурсан озор?

Ё майл қилдимму ўзга сори,  
Сан айлаганингда майли ағёр.

Ё гайриға бўйла қилма рағбат,  
Е қатл мени кел айла, эй ёр.

Ё гайдрин ўлса асрү судинг,  
Зинҳор манга йўлуқма, зинҳор.

Ё меҳру вафода содиқ ўлғил,  
Айлаб яна ёрлиғ намудор.<sup>486</sup>

Ё васлда будин айла нобуд,  
Ё қилма Авазни ҳажр аро зор.

\* \* \*

Бўйла, эй кофир кўз, ишқ аҳлин ўлтурмак недур?  
Ултурууб рашк ўти ичра бўйла куйдурмак недур?

Ошиқи бечораға айлаб итобу қаҳру кин,  
Муддаийлар хайлининг кўнглини ўстурмак недур?

Гарчи меҳр айлаб рақиби шуми нокасға, vale,  
Зулму кин аҳли муҳаббатга раво кўрмак недур?

Бевафо гар бўлмасанг олам гулистони аро,  
Файр бирла сайр этиб, ҳар сорига юрмак недур?

Ман каби аҳли вафони бир гуноҳи бўлмаса,  
Ҳажр шамшири била қонини тўқдурмак недур?

Борҳо жавру жафо расмини айлаб ошкор  
Бегунаҳларни уқубатгоҳга<sup>487</sup> сурмак недур?

Гар Авазнинг ишқ ойинида журми бўлмаса,  
Бўйла беғоят анга озор еткурмак недур?

\* \* \*

Ул ойким, муддаийга меҳрибондур,  
Вале ошиққа қаҳр андин аёндур.

Манга қилғон жафо бирла сигамни,  
Ҳамул сийминбари оромижондур.

Мани бағримни қон этган гўзалнинг  
Vaфосиз эркани беҳадду сондур.

Нетай афлок ойин, дилбаримни —  
Рухи андоқки, моҳи осмондур.<sup>488</sup>

Манга жон бергали ул дилрабонинг  
Ҳаётафзо лаби мўъжиз баёндур.<sup>489</sup>

Манга қилғунг жафо десам, дегуси:  
«Бу ишлар ишқ әлига имтиҳондур!»

Аваз, рамзи муҳаббат бу ғазалнинг  
Дегил, ҳар мисраи ичра ниҳондур.

\* \* \*

Кўзингнинг гамзаси, ваҳ, не балодур,  
Ки ишқ ўтини жонимга солодур.

Хаёли зулфи торингдин ҳамиша  
Бошимда бениҳоят можародур.

Нетонгким, айласам ошиқлик изҳор,  
Санга кўнглум азалдин мубталодур,

Нуқуди<sup>490</sup> васлдин бебаҳра қилма,  
Бари ушшоқ кўйингда гадодур.

Жафо сендин агар не айб чексам  
Ки иш доим манга меҳру вафодур.

Эса ошиқларинг маҳзун, нетонгким,  
Санга одат ситам бирла жафодур.

Агар бўлса замоне сансиз, эй ёр,  
Авазга бу жаҳон мотамсародур.

\* \* \*

Келгил бериким, бу кеча, эй дилрабо, наврӯз<sup>491</sup> эрур,  
Ман хаста бирла қилғали завқу сафо наврӯз эрур.

Хуршиди оламтобдек очиб жамолинг меҳрини,  
Тийра шабимга бергали нуру зиё наврӯз эрур<sup>492</sup>.

Барча париваш маҳлиқо ушшоқ зору ноласин,  
Фамхор ўлуб қилғусидур комин рано наврӯз эрур.

Кел ман сори, эй маҳвави соҳиб далоли гулжабин<sup>493</sup>,  
Үйнаб-кулиб изҳор этиб нозу адо наврӯз эрур.

Эй меҳрибон сийминбарим, аҳли муҳаббатлар била,  
Бордур ғанимат айламак касби ҳаво<sup>494</sup> наврӯз эрур.

Қил олам аҳлин ишқинга шайдову мафтуну асири,  
Эй ҷашми нарғис, сиймтан,<sup>495</sup> боқиб қиё наврӯз эрур.

Оч оразинг, эй нозанин, маҳзун Авазнинг кўзларин,  
Пур нуру равшан қилғали базми аро наврӯз эрур.

\* \* \*

Ҳар кимсаким жаҳонда асири фироқ эрур,  
Жону дили алам ўтиға эҳтироқ эрур.<sup>496</sup>

Қилғунча бўйла фурқатида зиндагончилиқ,<sup>497</sup>  
Ўлсам доғи висоли аро яхшироқ эрур.

Олғон қарору тоқатим, эй дўстлар, бугуи  
Бир шўхшанг тулрухи бодомқобоқ эрур.

Қилғон мани фироқида ҳайрону нотавон,  
Бир дилрабойи сиймбару сиймсоқ<sup>498</sup> эрур.

Эй ёр, не учун борасан, аҳли муддай  
Мазмуму рўйсияҳи бадсиёқ эрур.<sup>499</sup>

Токим мани ғарибу ҳазину ишқаста дйл<sup>500</sup>  
Сандек нигори маҳвашидин ифтироқ әрур.<sup>501</sup>

Аҳли вафоға жавру жафо қилғучи, Аваз,  
Бедодгари ҳамиша шубу эски тоқ әрур.<sup>502</sup>

\* \* \*

Эй пари, ағёра шафқат беҳисоб этмак недур?  
Ким анга лутфу, манга қаҳру итоб этмак недур?

Хотирин они ҳамиша шоду обод айлабон,  
Ваҳ, мани ошуфтау ҳолим хароб этмак недур?

Доф этарга ман ҳазинни юз очиб хуршидсон,<sup>503</sup>  
Равшан этмак они базмин, иртикоғ<sup>504</sup> этмак недур?

Бемуҳаббатлар сори, эй ёр, рағбат кўргузуб  
Хайли ушшоқ улфатидин ижтиноғ этмак недур?<sup>505</sup>

Борҳо ошом этиб онлар била жоми тараб,<sup>506</sup>  
Куйдурууб рашк ўтига бағрим кабоб этмак недур?

Кимсани ноком этиб, бир кимсани коминраво,  
Бўйла, ёраб, даври гардун инқилоб этмак недур?<sup>507</sup>

Ман каби дил хастани бедод ила ўлтурғали,  
Эй Аваз, бу чархи кажрав интихоб этмак недур?<sup>508</sup>

\* \* \*

Нигорим мойили ағёр ўлубдур,  
Аларға мунису ғамхор ўлубдур.

Рақиблар сори кетмиш ё магарқим,  
Мани бечорадин безор ўлубдур.

Тутуб ўзга жафову жавр расмин,  
Ул ой ағёр элига ёр ўлубдур.

Ҳамул маҳбуби беҳамтойи олам,  
Вафо ойинида бебор ўлубдур.<sup>509</sup>

Жамоли ёди бирла фурқат ичра  
Ишим чекмак фигону зор ўлубдур.

Манга меҳру муҳаббат бўлса одат,  
Анга зулму ситам атвор ўлубдур.

Ғаминг шамширидин, эй шўхи барно,  
Авазнинг сийнаси афгор ўлубдур.

\* \* \*

Кўнгулким бир паривашға гирифтор ўлди ўхшайдур,  
Иши чекмак ғаму олому озор ўлди ўхшайдур.

Келурга аҳду паймон<sup>510</sup> айлаб эрди келмайин бу тун,  
Дилоромим яна ағёр ила ёр ўлди ўхшайдур.

Қилур фарёду нола тинмайин шўрида булбулким,  
Менингдек бир юзи гул ишқига зор ўлди ўхшайдур.

Ҳамиша музтарибдур жону кўнглум, эй биродарким,  
Асири волаи бир шўхи дилдор ўлди ўхшайдур.

Тафаккур айласам ақлу хирад бирла қенгаш айлаб,  
Анинг келмаслигина монеъ ағёр ўлди ўхшайдур.

Бўлубдур асру бетоқат ҳазину хаста кўнглумким,  
Менингдек бир гўзал ишқида бемор ўлди ўхшайдур.

Балову меҳнати афзун ўлуб, бўлмас замониким,  
Аваз турлук балиятларға<sup>511</sup> дучор ўлди ўхшайдур.

\* \* \*

Токи ағёр ул аҳли дилдорнинг ёнидадур,  
Доғлар андин бари ишқ аҳлининг жонидадур.

Ишқ дардини иложидин қўлин чексун табиб,  
Ким ҳалоки ошиқ онинг заҳри дармонидадур.

Эй пари, қоқма илик афтодайи ушшоқдин,<sup>512</sup>  
Ким аларнинг неча золим илги домонидадур.

Баски ҳижроннинг ҳавоси дер ҳама қатъи ҳаёт,  
Бу ҳаёт аҳлиға ҳайрон бўлки, ҳижронидадур.

Гар Аваз кўзимга зиндан бўлса олам айб эмас,  
Ким не савдо ёрнинг зулфи паришонидадур.

\* \* \*

Кўйига борсам жавр этиб ул шўхи дилдор ўртуур,  
Ваҳ, бормасам фурқат ғами айлаб мани зор ўлтуур.

Дилдор гар кўйи аро жавр айлабон ўлтурмаса,  
Неши маломатлар уруб жонимға ағёр ўлтуур.

Базми висоли сорига борсам мани бехонумон,  
Шум муддаийлар еткуур, албатта, озор ўлтуур.

Дилбардин олиб комини, ғайри киши лекин мани,  
Файратни<sup>513</sup> тифи айлабон, жонимни афгор ўлтуур.

Ё носиҳи ноаҳя деб панду насиҳат жон олур,  
Ё ҳосиди худбин дебон кўп талх гуфтор ўлтуур,<sup>514</sup>

Макру ҳиял расми била қонуни душманлиғ қилиб,  
Бўлса манга ағёр эли ҳар ерда дучор ўлтуур.

Алқиссаким, топмай омон оламда ўлмакдин Аваз,  
Ким ё мани ағёр, ё ёри жафокор ўлтуур.

\* \* \*

Фигоним орзуйи базми вуслат этдигимдантур,  
Фамимнинг кўплиги ҳам фикри фурқат этдигимдантур.

Дилу жоним қуши булбул каби оҳу наво чекса,  
Таманнойи ҳамул шамшод қомат этдигимдантур.

Кўзимга ёғду олам бўлса яксар тийра зиндондек,  
Ҳамиша ёди ул хуршид талъат этдигимдантур.

Қарөрим мунъадам<sup>515</sup> бўлса ҳамул чобук паривашни,  
Кўруб рухсорин ўэни мисли сурат этдигимдантур.

Агарна келса нохуш нуктадонлар самъига машқим,  
Сўзимни даҳр аро беқадру қиймат этдигимдантур.<sup>516</sup>

Кўзим гар хунфишон<sup>517</sup> ўлса ул ой ҳижронида, ёраб  
Ўз аҳволимға юз навъ надомат этдигимдадур.

Аваздек гар жафо чекмак ишим бўлса кеча-кундуз,  
Вафо ҳусн аҳлига беҳадду ғоят этдигимдантур.

\* \* \*

Рухсори ёр рашки маҳу офтоб эрур,<sup>518</sup>  
Кўнглумда заррадек изтироб эрур.

Ҳажрида немурод бўлуб ошиқи ҳазин,  
Васли аро рақиб эли комёб эрур.

Ёғду жаҳонни кўзимга қилмоқ учун қаро,  
Зулфи сиёҳи орази узра ниқоб эрур.

Ёраб, мусассар ўлмаса ушбу нафақ висол,  
Ҳижроннинг иштидодидин ҳолим хароб эрур.<sup>519</sup>

Ғайрини базми сарига бормоқни билмадим,  
Еримға умрдек нега мунча шитоб эрур.

Толеънинг саъду наҳсин бовар айлама,  
Гардунни дуннинг доим иши инқилоб эрур.<sup>520</sup>

\* \* \*

Юз шукрким, бу тун ҳамул гул юзли дилдорим келур,  
Мехру муҳаббатлик гўзал ёри вафдорим келур.

Зулфи мuanбар<sup>521</sup>, лаблари шаккар, кўзи офтотижон,  
Рухсори моҳ, шамишод қад, тиш — дурри шаҳворим<sup>522</sup> келур.

Фарёд бирла тортиб ун кўйида эрдим чун бу тун,  
Ҳолимға раҳм айлаб бу дам ул нек атворим<sup>523</sup> келур.

Бўл хуррам, эй дилким, яна ҳижронда қолган ошиқин  
Васл ичра шод этмак учун ул нек кирдорим<sup>524</sup> келур.

Токим бу оқшом бўлғали ушшоқ хайлин ҳамдами,  
Рахши мурувватни суруб таъжил ила ёрим келур.<sup>525</sup>

Ушшоқ эли сори бу дам айнӣ иноятдин туман —  
Алтоф ила айлаб назар ул чашми хунхорим келур.<sup>526</sup>

Юзланса даврон меҳнати тонг йўқки, эмди, эй Аваз,  
Қайғудин озод этгали ул шаҳд гуфторим<sup>527</sup> келур.

\* \* \*

Жаҳонким, эй биродар, бебақодур,  
Бақосиз бемадору<sup>528</sup> бевафодур.

Анго дил бермангизларким, ҳамиша —  
Иши бедоду зулм ила жафодур.

Ким ўлса гар онинг сокинларидин,<sup>529</sup>  
Иши чекмак давомат можародур.

Кишиким оқилу ҳушёр бўлса,  
Ҳазар қилғучи ондин борҳодур.

Гумонсиз, ушбу олам мулки, аҳбоб,  
Саросар меҳнату ранижу анодур.

Агар бор эрса ҳушиңг қилма рағбат,  
Ки ондин бошинга оғат келодур.

Аваз, бўлса фалак даврони гар каж,  
Вафо аҳдини коми нораводур.<sup>530</sup>

\* \* \*

Агар илгига олса ёр танбур,  
Берур элга фараҳ бисёр танбур.

Ул ой хушлаб қўлиға олғаниға,  
Қилур нағмотлар<sup>531</sup> изҳор танбур.

Қилур оҳу фифон ул гул ғамидин  
Ва ё бир андалиби зор тайбур?

Наво айлар, бир ойнинг ошиқиму?  
Тутуб жон рагидин сетор танбур.

Қизар базмим аро илгига олса,  
Ҳамул оромижон дилдор танбур.

Нечун созингни паст этдинг бу соат,  
Узулдиму, муғаний,<sup>532</sup> тор танбур.

Аваз, оламда илми мусиқ ичра  
Ўзингга одат эт зинҳор танбур.

\* \* \*

Ичарман қонини ҳар кимсаким ёримга душмандур,  
Манга душман эрур ул элки, дилдоримга душмандур.

Нетай тилга олиб булбул била түтини охирким,  
Ҳамул лаъли шакарваш шаҳд гуфторимга душмандур.

Қадига ўзни ташбиҳ айламиш шамшод бўстонда,<sup>533</sup>  
Ани ёқмоқ керакдур ўтғаким, ёримга душмандур.

Дема сўз ғунчадин лаълига ўзни ўхшатибдурким,  
Ҳамул золимки, билсан йўқ ила боримга душмандур.

Нетайким, гулнинг исмин ёд этиб, эй дўистлар хайли,  
Ҳамул оромижон рухсори гулзоримга душмандур.

Насим ила жаҳонга мунтазир бўлсун бори бўйи,  
Жаҳонда мушк ҳам ул зулфи тоторимга душмандур.

Манга сўз демагил эмди Аваз афлок давридин,  
Ким ул бедодгустар<sup>534</sup> баҳти бедоримга душмандир.

\* \* \*

Кел бери, еткургали, эй шўх, кўнглумга сурур,  
Ким бўлур дофеъ анго сонсиз туман савдоу шўр.<sup>535</sup>

Эй, нигори беҳжатафзойим, қадам ранжида қил,  
То қилурға ушбу соат накбати баҳтимни дур.<sup>536</sup>

Төки қилмоқлик учун эл қалбини шайдо санго,  
Хилқатинг руҳи мужассам айламиш ҳайи ғафур.<sup>537</sup>

Тушгали бошимга фурқат меҳнату дарду ғами,  
Бўлмишам ошиқлиқ ичра, эй пари, андоқки мўр.

Эй, руҳи рашки қамар,<sup>538</sup> ушбу нафасда не бўлур,  
Оразинг очиб, етурсанг чашми бенуримга нур.

Зоҳир ўлса сандин, эй дилбар, хусумат айламак,  
Борҳо меҳру муҳаббат расми майдиндур зуҳур.

Эй Аваз, ул ой фироқида етушдум ўлгали,  
Тонг эмаским, солсалар хешим манго бу дам қубур.<sup>539</sup>

\* \* \*

Висоли қадрини ҳижронига дучор ўландин сўр,<sup>540</sup>  
Зулоли ёр лаълин ташнаи дийдор ўландин сўр.

Лаби лаълики гоҳи йўқ бўлур, гаҳ бор сўз чоги,<sup>541</sup>  
Бу мубҳам нуқтани бир воқифи асрор<sup>542</sup> ўландин сўр.

Сўруб ҳар бир куни васлини афёри сияҳрӯдин,<sup>543</sup>  
Фироқ айёмини шаб то саҳар бедор<sup>544</sup> ўландин сўр.

Манеким, нўш қилдим шўх саҳбосини, эй бекас,  
Бу май кайфиятини оқилу ҳушёр ўландин сўр.

Онинг қадду юзи бирла гулу сарвии тавсифий,  
Бу ёнглиғ боғбони соҳиби гулзор ўландин сўр.

Сўруб ҳар кимса гар ишлиғ эса, донолиғ аҳволин  
Ақлсизлиқни доим даҳраро бекор ўландин, сўр.<sup>545</sup>

Аваз, сўрмоқ тилар эрсанг ҳамул маҳвашни афъолин,  
Рақиби бадсиёқосо<sup>546</sup> худобезор ўландин сўр.

\* \* \*

Шўхлар ичра манга ул дилбари дилдор бас,  
Гоҳи андин бўсае, гаҳ давлати дийдор<sup>547</sup> бас.

Узга бир абрў<sup>548</sup> камонлар сори майл айлаб нетай,  
Бор манга ул кирпики ўқ, қошлари ё ёр бас.

Не қиласи туби била жанноту кавсарни бу дам,  
Қўйи жаннат, қадди туби, лаъли кавсарвор бас.<sup>549</sup>

Сизга даркор ўлса кайф айланг шерикларим, манга  
Ёрлар ичра ҳамул маҳбуби хуш гуфтор бас.

Найлайин айлаб чаман сайрини, эй аҳбобким,  
Сарв қомат, ғунча оғиз, шўх гулруҳсор бас.

Бошима қилманг ҳужум ўлтургали, эй, шум рақиб,  
Қатл айларда мани ул кўзлари хунхөр бас.

Не бало офат эдинг назм аҳли ичра қилмадинг,  
Рўзу шаб айтиб Аваз абёт ила ашъор бас.<sup>550</sup>

\* \* \*

Дилдорима ҳусн ичра ҳар маҳбуби жонон ўхшамас,  
Ҳам баъди тобон ўлъзмас, ҳам шамси рашнион ўхшамас.<sup>551</sup>

Не навъ қумридек мани дилхаста афгон этмайин?  
Қаддига зеболиғ аро сарви хиромон ўхшамас.

Ошуфга хотир ишқ эли не навъ, эй ким, бўлмасун,  
Оlam аро ҳеч ким анѓо зулфи паришон ўхшамас.

Ҳам лаълиға кавсар суви ташбҳ бўла олмасдуур, -  
Ҳам чашми афсунсозига ҳеч чашми фаттон ўхшамас.<sup>552</sup>

Кўнглум нетар бу даҳрнинг, аҳбоӣ, лаззотиниким,  
Лаъли лаби шириниға ашроби ҳайвон ўхшамас.<sup>553</sup>

Гарчи жаҳонда кўбдуур ағзор, аё аҳли уқул,  
Лекин Аваз назмига ҳар абёту девон ўхшамас.<sup>554</sup>

\* \* \*

Бир малаксиймо суманбар сухбатин қилдим ҳавас,  
Қилғоли субҳу масо фарёд, андоқким жарас.<sup>555</sup>

Келмагай әрдим бу дори бебақота, оҳким,  
Бўлмадим фориғ ғаму меҳнат чекардин бир нафас.<sup>556</sup>

Ҳар кишиким шоҳларнинг сухбатила бўлса банд,  
Булбуледурким, бўлур доим гирифтори қафас.

Ёр учун ағёр хайли жон талони этмас эса,  
Не учун айлар гулу қанду шакар узра матас?<sup>557</sup>

Ман нечук нақди висолин элтайн, аҳбоб эли,  
Ёр кўйин давр этар ағёр андоқким алас.<sup>558</sup>

Эй Аваз, ҳеч ким этолмас ишни қилғунгудур, санго —  
Мажмуъи шоирлар ичра од ила своза бас.

\* \* \*

Оҳким, бир йўл мани ёр, ошиқи зорим, демас,  
Раҳм этиб ҳолимға бир муштоқи дийдорим, демас.

Хусниға мағрур ўлуб минг нозу истиғно била,  
Ул ниғори тундхў<sup>559</sup> бу хастани, ёрим, демас.

Ул жағожжү шаҳд лаълининг давосидин манго  
Айлабон лутфу карам ишқимда беморим, демас.

Ошиқон ичра ҳисоб айлаб мани, ул бевафо,  
Камтарин бир ошиқи бенангү<sup>560</sup> беорим, демас.

Ёд этиб, ораз очиб, ман нотавону зорни  
Борҳо ҳижрон аро маҳруми дийдорим демас.

В-арна комим бергали кирса қучоқим ичра ҳам,  
Қўнглум ондин ўзга ҳар маҳвашни дилдорим, демас.

Эй Аваз, охир сани ул бевафолар сарвари,  
Кўргузуб зулму ситам, ёри вафодорим, демас.

\* \* \*

Фигонким, ёри қотил бир йўли комим раво қилмас,  
Даме йўқким, мани юз минг балоға ошно қилмас.

Нетайким, гарчи ул маҳбуби дилбар борҳо бизга  
Қилиб ватъда басе, лекин бирисига вафо қилмас.

Ҳамул бедодгустар, бевафо ҳар ошиқи сори  
Жафову жавр ўқини агар отса хато қилмас.

Фироқи ичра етдим ўлгали, аҳбобким, ул моҳ  
Билиб дардимни васли шарбати бирла даво қилмас.

Жаҳонда бир кишини мендин ўзга ул ситампарвар  
Ғаму дарду балойи фурқатига мубтало қилмас.

Қишиким, дилбарининг васлига ҳарғиз ета олмас,  
Қи то жони ҳазини ҳажрнинг ўтиға ёқимлас.

Ажойиб бемуҳаббат, бевафову пур жафо эркан,  
Ҳамул маҳваш Аваздин гайриға жавру жафо қилмас.

\* \* \*

Нетайки, сиймбарим аҳдига вафо қилмас,  
Демай вафо, манго жуз жавр ила жафо қилмас.

**Висоли жамиатида асло айламас маъво,  
Киши жаҳаннам фурқатига токи ёқилмас.**

**Ҳар ошиқ этмаса дилдор кўйида маскан,  
Висол айшини гулзори ичра жо қилмас.**

**Ҳамиша аҳли жаҳолатни комёб айлаб,  
Вафо элини муродотини<sup>561</sup> раво қилмас.**

**Бу чарх зулмини меҳру вафө элига кўринг,  
Замоне йўқ они минг ғамға мубтало қилмас.**

**Висоли шарбати нилуфари била ёрим,  
Фироқ ранжи ила дардиға чун даво қилмас.**

**Аваз, гар оқилу ҳушёр эсанг, жаҳон ичра  
Кўнгулни берма аиго, кимсага бақө қилмас.**

\* \* \*

**Фуюзот ичра кўйингдек биҳишти жовидон эрмас,  
Рухингосо малоҳатда чу меҳри осмон эрмас.<sup>562</sup>**

**Аё сийминбари барно, хиромон қоматинг ёнглиғ,  
Чаманда ар-ару шамшод ила қарви равон эрмас.**

**Нечук ман ўзга сори мойил ўлғумдур, нигороким,  
Санингдек шўхларни ҳеч бири оромижон эрмас.**

**Жаҳон мулкида ҳеч дилбарни, эй маҳбуб, сан ёнглиғ,  
Сўзи шаккарситон эрмас, лаби мўъжизбаён эрмас.**

**Лабинг жон бергали ўлган кишига чашмаи ҳайвон,<sup>563</sup>  
Үёлғондин ниҳон ўлмиш, йўқ эрса ул ниҳон эрмас.**

**Ҳамиша қажравишдур ушбу чархи золими хунхор,<sup>564</sup>  
Недин ағёр әлидек ишқ хайли комрон эрмас.**

**Бори эл қувват ўз ҳолиҷа топиб ушбу оламда,  
Аваз, ожизлиғ ичра сандек ҳечким нотавон эрмас.**

\* \* \*

**Роҳати дунё жафоу меҳнатига арзимас,  
Инбисоти ҳаззи ранжу кулфатига арзимас.<sup>565</sup>**

Дилбарим субҳи висолидин кўзум равшан, дебон,  
Бўлма хуррам, ҳажр шоми зулматига арзимас.

Васл айёмида бўлсанг умрлар саршорком,<sup>566</sup>  
Лаҳзае чеккан балои фурқатига арзимас.

Маст бўлмоқ борҳо нўш айлабон жоми тараб,  
Бир куни етган хумори шиддатига арзимас.

Борҳо кўргузган алтофи аларни меҳр ила,  
Бир йўли қаҳр ила қилғон ваҳшатига арзимас.

Оқил эрсанг қилмағил аҳли хасосатдин<sup>567</sup> тамаъ  
Қилғон эҳсони аларни миннатига арзимас.

Қил қаноат, эй Аваз, зинҳор томеъ<sup>568</sup> бўлмайин,  
Ким тамаъ қилгучи кўрган зиллатига<sup>569</sup> арзимас.

\* \* \*

Керакмасдур манго гул сайри, дилдорим жамоли бас,  
Нетай ҳайвон сувин ҳам шарбати ширин, зулоли бас.

Нечук кўнглум, аё дўстлар, гулистон майлини этсун?  
Эрур ошиқга кўйи файз аро жанинатмисоли бас.

Не ҳожатдур назар солмоқ фалакни офтобига,  
Муяссар бўлса гар, ул ёрнинг рухсори оли бас.

Манго, эй боғбон, шамшоди раъно васфини қилма,  
Тамошои хиромон қомати сарви ниҳоли бас.

Басе тавсиф қилдинг, зоҳидо, назҳатда<sup>570</sup> жаннатни,  
Латофатда манго гулзори ҳусни бокамоли<sup>571</sup> бас.

Дема сўз, иёсеқо, эъжози Исодин,<sup>572</sup> ниҳондур ул,  
Үётдин, айлагач оғози жон бермак мақоли бас.

Нетай қурбига<sup>573</sup> етмакни Авазға йўқдурур имкон,  
Висол уммиди бирла борҳо ёди хаёли бас.

\* \* \*

Аҳбоб, аҳволимға раҳм ул чашми жаллод айламас,  
Яъни висоли бирла ғам қайдидин<sup>574</sup> озод айламас.

Ваҳ, йўл бериб васли сари ағёри масур этиб,  
Бу нотавон қўнглимни ул маҳ бир йўли шод айламас.

Нё навъ ночоқ<sup>575</sup> ўлмайин, эй дўстлар, аҳволима,  
Ким бир мурувват ҳоҳир ул ҳури паризод айламас.

Гарчи каломидин бори ағёр комин топгуси  
Лекин мани бекасни бир пайғом<sup>576</sup> ила ёд айламас.

Найлай ҳамиша йигламай, ўз душманига даҳр аро,  
Бу ким жафолар ёр этар, ҳеч одамизод айламас.

Ширинвашим, юз шукрким, ҳолимдин огоҳлик қилиб,  
Ул қилғон ишни дер эмиш ишқ ичра Фарҳод айламас.

Онсиз етишдим ўлгали ҳижронда монанди Аваз,  
Аҳбоб, аҳволимға раҳм ул чашми жаллод айламас.

\* \* \*

Гул юзин кўрган ҳавои боғи ризвон айламас,  
Сўргон эл лаълини майли оби ҳайвон<sup>577</sup> айламас.

Бовужуди ҳажридин ўлмакка етмишман қариб,  
Англаб ул маҳ шаҳди васли бирла дармон айламас.

Базм аро дамсоз<sup>578</sup> ўлуб ўлтурса ҳар ким сан била,  
Жаиннат ичра орзу ҳуру гилмон айламас.

Эй жафоу жаврпеша<sup>579</sup> бўйла ушшоқ аҳлиға —  
Айлаган жаврингни ҳеч бир шўх жонон айламас.

Шавқидин қадду юзингни бу ҳазин шаб то саҳар,  
Қумрию бўлбул киби жуз оҳу афғон айламас.

Тарки ишқ этгил, дединг беҳуда, эй носеҳ манго,  
Қўйки, бу ишни жаҳонда ҳеч нодон айламас.

\* \* \*

Фарёдким, айлар сафар азмими жонон бу нафас,  
Ҳам ноз якронин<sup>580</sup> суруб қилмиш шигобон бу нафас.

Ушшоқни жонин ёқиб онлардин ўлмоқға йироқ,  
Қатъ этгуси таъжил ила қўху биёбон бу нафас.<sup>581</sup>

Маҳфил тузуб эй дўстлар, шум муддай хайли била.  
Майнўшлиғ<sup>582</sup> айлаб, бўлуб масруру хандон бў нафас,

Улмиш йироқ ул юзлари рашки маҳу меҳри мунир,  
Бўлса кўзумга не ажаб гар даҳр зиндан бў нафас.

Ул шўх рухсори била, эй ошиқон, не айбким,  
Ағёр элин базми агар бўлса гулистон бў нафас.

Токим танимдин олголи жонимни шавқи итгисол,<sup>583</sup>  
Ераб, манго зўр этгуси андуҳи ҳижрон бў нафас.

Ман нотавондин ижтиоб айлаб ҳамул, маҳзун Аваз,  
Фарёдким, айлар сафар азминни жонон бў нафас.

\* \* \*

Ёрлар ҳуснига зору мубтало бўлмоқ абас  
Истабон васлини кўйида гадо бўлмоқ абас.

Шўхлар сорига майлу рағбат айлаб, эй кўнгул,  
Мубталои бўйла дарди бедаво бўлмоқ абас.

Улса ҳам ҳижронда ошиқ, келмагуси раҳм этиб,  
Интизори бемуҳаббат дилрабо бўлмоқ абас.

Иттисоли роҳатин истаб ситам тиги била,  
Кўкси сарто сар фироқ ичра яро бўлмоқ абас.

Эйки, келтурма муҳаббат ошино бўлмоқғаким,  
Пуржафолар соҳиби меҳру вафо бўлмоқ абас.

Токи сийнангни ҳадағ<sup>584</sup> айлаб ҳалоқ ўлмай десанг,  
Мойили мужгони ўқу қоши ё бўлмоқ абас.

Эй Аваз, ман кўб қилибман олам ичра имтиҳон,  
Бевафо маҳбубларга ошино бўлмоқ абас.

\* \* \*

Ё раб, манингдек бўлмасун ишқ ичра шайдо ҳеч кас,  
Не бөр манго бир ҳамдаму улфат, не фарёдрас.<sup>585</sup>

Ному нишони комдин ҳеч кўрмадим фарёдким  
Ул шўхи барно меҳридин ҳар неча қилдим мултамас.<sup>586</sup>

Не навъ айлай шодлиғ, эй дўстлар, ман зорким,  
Мамлу манго ғам аскари бирла бу соат пешу пас.<sup>587</sup>

То молу жондин кечмайин ошиқлик-ўқ душвор экан,  
Ман нотавон ишқ ўйнамоқ беҳуда қилмишман ҳавас.

Топғум нечук ман бенаво қувват тариқи ишқ аро,  
Ким етгуси беҳадду сон жонимға заҳмат ҳар нафас.

Озору ранжим қасрати<sup>588</sup> ўлмакка то еткургали,  
Ўз ҳолима мотам туғуб ун чеккүм андоқким жарас.

Маҳбуби оламким дурур берашму золим бевафо,  
Эй дил, агар ҳушёр эсанг, ул хайлдин улфатни кас.<sup>589</sup>

Қўр чарх ишини, эй кўнгул, еб ғатм қоқин, ваҳ, ҳумо,  
Ер борҳо шаҳду шакар, қанд ила печакни магас.<sup>590</sup>

Фоҳтакдек<sup>591</sup> илҳон, эй Аваз, қилғум сабоҳу шом аро,  
Бўйнумға токим тушголи занжири ишқидин марас.<sup>592</sup>

\* \* \*

Фалакдин бўлғуси ҳар дам манго юз минг<sup>†</sup> бало ҳодис,  
Қутулсам гар балодин, ҳодисоти можаро ҳодис.

Қўруб қилма таажжуб, эй биродар, дарду ранжимким,  
Бўлур бу навъ олому жафолар борҳо ҳодис.

Қачонким кирмишам ул нозанинни роҳи ишқига,  
Бошимға бўлдила ондин бери минг ибтило ҳодис.

Ҳазин жоним низору bemador этмак учун ул ҳам,  
Қилур бўйла ғаму оғатни ул қоши қаро ҳодис.

Ҳамул ойни висолига етурмакликка айлаб жаҳд,  
Агар бўлса фироқи шомида заҳмат манго ҳодис.

Дило, бечорау bemor ўлубсан ушбу соатда,  
Магарким бўлди бир ойни ғами ҳажри санго ҳодис.

Агар бу навъ бўлса ранжи фурқат ман чекибдурман,  
Мусулмон ўғлида ҳеч қилмасун они худо ҳодис.

Таманио қилма, эйким, ошиқ ўлмоқ васл шавқидин,  
Бўлур олдингда ҳар тун қулфати беинтиҳо<sup>593</sup> ҳодис.

Аваз, не навъ охир йигламай ўз ҳоли зоримға,  
Фалакдин бўлғуси ҳар дам манго юз минг бало ҳодис.<sup>594</sup>

\* \* \*

Кўнгул, гамгинлиқимға ҳажри бепоён эрур боис,  
Ҳам анда неча минг олом ила ҳирмон эрур боис.

Атар фурқат биёбонида бўлсам ташналаб, эй дўст,  
Анго бир дилрабои лаблари хандон эрур боис.

Ҳамиша номуроду зору саргардон басе эрсам,  
Ғаму андуҳу дарду қўлфати ҳижрон эрур боис.

Ул ойға, не ажаб, таъсир гар этмас эса оҳим,  
Ки тўрлук ноз, ишваи беҳадду бесон эрур боис.

Эсам оламда расво меҳнату андуҳи ҳажр ичра,  
Қўзи хунборау гирёну бағри қон эрур боис.

Сухансанж ўлмаким, эй дил, қафасбанд ўлмоқига, вах,  
Ҳамиша тўтиларға шаккарин илҳон эрур боис.<sup>595</sup>

Малул ўлма, Аваз, зиндани фурқат ичра қолдим, деб,  
Ки шаҳ бўлмоқға Юсуф Миср аро, зиндан эрур боис.

\* \* \*

Ёраб, замоне бўлмадим, ошуби дэврондин халос,  
Бўлғон мисоли кимсае зиндани аъдодин<sup>596</sup> халос.

Эй зоҳиди ҳақ ношунос, йигмоқға олам молини,  
Даврон элини қилмадинг бир лаҳза ғавғодин халос.

Бир кун яна ичқунгдуурким тарки одат бор маҳол,  
Демаки, бўлдим ичмайин ман эмди саҳбодин халос.

Эйким, дилозор ўлмойин, бечора элни кўнглин ол,  
Бўлмоқ агар истар эсанг ташвиши уқбодин<sup>597</sup> халос.

Дилдорларнинг зулфини кўрмаклик истаб, эй Аваз,  
Ошуфта кўнглим бўлмади андуҳи савдодин халос.

\* \* \*

Бўлмадим бир лаҳза ҳижрондин халос.  
Бўлмагандек кимса зиндандин халос.

Халқи олам, ман тирикман, бўлмагай  
Рўзу шаб фарёду ағондин халос.

Ҳажр аро тушмишман, эмди бўлмагай —  
Жисм ҳаргиз нори сўзондин халос.

Токи гайри бордуур, бўлгай қачон —  
Ишқ эли озори жонондин халос.

Эй кўнгул, қилма маломатдин ҳазар,  
Ошиқ ўлғон бўлмагай ондин халос.

Ишқнинг қайғуси сандин кетмагай,  
Бўлмағунча токи сан жондин халос.

Эй Аваз, дилдорсиз бўлгай қачон,  
Ранж ила олому ҳирмондин халос.

\* \* \*

Ўщул сийминбари хуршид талъат  
Солур бошимға юз минг навъ офат.

Олур жонимни ул шўхи жафожў  
Қилиб зору асири дарди фурқат.

Мани ҳижронда қилди ташна аеру  
Ичиб ағёр хайли бирла шарбат.

Мани қумри каби қилғуси шайдо,  
Агар келса ҳамул шамшод қомат.

Аё аҳбоб, айёми жудолик,  
Демишдурлар қиёматдин аломат.<sup>598</sup>

Ишим онсиз эрур ҳижрони ичра,  
Фаму дарду балову рânжу кулфат.

Жаҳон ташвишидии ич бода тинмай,  
Агар истар эсанг топмоқ фароғат.

Аваз то бўлғали дучори ҳижрон  
Бошимда бордур ошуби қиёмат!

\* \* \*

Жон офат экан ишқ аро, эй ёр, маломат,  
Ким еткурадур жонима озор маломат.

Ўзимни ҳалок айласам эмди қутулмон,  
Қылғуси манга рўзу шаб ағёр маломат.

Не айб агар айласам уммид караминг,  
Ким айлади кўп хотирим афгор маломат.

Бир ёр ғами тушгали бошимга, худоё,  
Қилди мани ҳижрон аро бемор маломат.

Андиша қилиб эмди мукофоти жаҳонни  
Қилманг манга, эй дўстлар, изҳор маломат.

Топмай ани васлида яна кому мурөдим,  
Чекдим алами ишқ аро бисёр маломат.

То ўзни Аваз айламишам ишқ аро шайде,  
Андин бери чекмак эрур бор маломат.

\* \* \*

Фигонким, бўлмишам дучори фурқат,  
Чекардин тинманам озори фурқат.

Қўзимни айлади хунбору гирён,  
Қадимни ёдек айлаб бори фурқат.

Кул ўлса гар вужудим не ажабким,  
Дилу жонимда бордур нори фурқат.<sup>59</sup>

Тонг эрмас жустужў<sup>600</sup> қилсам гар они,  
Ки бўлдим онсизин бемори фурқат.

Бу не ғавго дебон сўрсам, дедилар:  
Қурулмишдур яна бозори фурқат.

Висоли шукрини қил бўлмай ҳодис  
Утуб вуслат куни осори фурқат.

Бўлай токим Аваздек муниси ёр,  
Илоҳи қил мани ағёри фурқат.

\* \* \*

Не билсун васл қадрини насиби бўлмогон фурқат,  
Ки ишрат завқини мафҳум<sup>601</sup> этарму чекмаган кулфат.

Нетонг, жоюн йўлида жон фидо қилсан ман, эй аҳбоб,  
Ки ганжи ҳосил эткайму киши то чекмайин кулфат.

Таманио бўлса, эйким гар санга кашф айламак ҳосил,  
Дилу жонинг била қил кошифус-сир аҳлига<sup>602</sup> хизмат.

Бу йўл азмида етмак истасанг мақсадға, эй солик,<sup>603</sup>  
Қадам мардона қўйғил келса бошингга даги офат.

Қутулмоқ орзуйинг бўлса даврон можаросидин,  
Кириб дайр ичра нўш айла бодаи беҳжат.<sup>604</sup>

Аваз, бот ичра гулнийг ҳамнишини хорким бўлмиш,  
Не тонг, гар бўлса ёрим ҳамдами ағёри бад тийнат.<sup>605</sup>

\* \* \*

Нетайким, ул пари ман бирла бўлмас бир нафас улфат,  
Тузуб шому саҳар шум муддай хайли била суҳбат.

Баногоҳ келса қулбамга замоне бўлмайин ҳамдам,  
Рақибим сориға кетмак учун кўргузгуси суръат.

Бўлубдур ул пари аҳбоб элидин эмди бегона,  
Қилурга душманим хайли била шому сабоҳ ишрат.

Агарчи бадхумор айлаб мани маҳзуни ожизни,  
Валекин тинмайин ағёр ила ошом этар шарбат.

Жаҳон ташвишидин, эй дўст, бирдам бўлмасам фориг,  
Нечук ётгусидур табъи паришонимға жамъият.

Нетайким, нола қилмай ушбу афлоки жафожўдин,  
Бошимға турлук офат келгусидур бўйла ҳар соат.

Аваз, гар ҳушиңг ўлса бермагил ҳимматни қўлдинким,  
Қаҷон етгай муроду мақсадига бўлмаса ҳиммат.

\* \* \*

Не хуш бўлғай эди гар ҳамдамим ёр ўлса бир соат,  
Аниси ғамгусору<sup>606</sup> ёри ғамхор ўлса бир соат.

Юзи ҳижронида, эй дўстлар хайли, тонг эрмаским,  
Ишим чекмак фиғону нолаву зор ўлса бир соат.

Муроду мақсадича давр эт, ҷархи жафо густар,  
Бу ҳолимға тараҳҳум ондин изҳор ўлса бир соат.

Хушо,<sup>607</sup> ошиқ бўлиб нозир жамолига висол ичра,  
Рақиби рўсияҳ маҳруми дийдор ўлса бир соат.

Не янглиғ бўлғусидур ҳодисоти даҳрдин фориг,  
Кишиким бу куҳан дайр ичра ҳушёр ўлса бир соат.

Бўлур албатта кўнгли роғиби меҳру вафову раҳм,  
Жудо андин Аваз гар шум руҳсор ўлса бир соат.

\* \* \*

Бир пари ишқига бўлдим зору мафтун оқибат,  
Не ажабким бўлса яксар хотирим хун оқибат.

Ёрким, бегоналарнинг ошносибур мудом,  
Ошноларни қилиб ҳолин дигаргун<sup>608</sup> оқибат.

Гар жафо тоши бошимда хирман ўлса бок эмас,  
Ким қилибдур тифллар тош или мажнун оқибат.

Ҳар кишиким ишқ аро бўлса агар событқадам,  
Комига еткурграй они баҳти маймун оқибат<sup>609</sup>.

Жонима етса, нетонгким, ҳажр аро дарду алам,  
Орзуйи васл этар қаддимни чун нун оқибат.

Ул ситамгарнинг ҳамиша одатидур зулму кин,  
Ҳам жафову жаврни мўътоди гардун оқибат.

Не учун бўлмай Аваздек машқи абъёт<sup>610</sup> этгучи,  
Келса табъимдиқ агар не назми мавзун оқибат.

\* \* \*

Орзуи васл этар дучори фурқат оқибат,  
Келтуруб бошингға минг ошуби оғат оқибат.

Дилраболар суратин кўрмоқни қилма муддао,  
Ким сени ул қилгуси андоқки сурат оқибат.

Эй, бирор ишқи аро, қўй, бўлма бесабру шикеб,  
Чекмайин десанг агар таъну маломат оқибат.

Қилмайин пухта ишингни носаранжом<sup>611</sup> айласанг,  
Тушгусидур бошга андуҳи қиёмат оқибат.

Истасанг қучмоқ дилоромингни зебо қоматин,  
Бўлгусидур пайкаринг хоки мазаллат оқибат.

Кимса гар истар эса сийминбаридин марҳамат  
Ҳажр тигидин бўлур кўнгли жароҳат оқибат.

Ҳар киши гар орзу қилса майшат бирла ҳазз,<sup>612</sup>  
Бўлгусидур, эй Аваз, дучори меҳнат оқибат.

\* \* \*

Лабларинг уза токим чиқди, эй суманбар,<sup>613</sup> хат,  
Бўса нархини арzon қилмоқ учун аксар хат.

Эй, нигори дилжўйим, бу нафас аро Вашшамс —  
Оятини таҳририн шоҳидига мазҳар хат.

Чиқди хат, деюб жоно, айби йўқ, малул ўлма,  
Зеб сафҳага бергай, гар нуқат<sup>614</sup> эрур, гар хат.

Оразу лабинг узра хатту холму, эй моҳ,  
Ёздинарму ё гулгун қофаз узра ахзар хат.

Топғуси туман ҳаззу қут нотавон кўнглум,  
Айлар эрса гар ирсол<sup>615</sup> ман ҳазинға дилбар хат.

Гарчи хат жаҳон ичра кўб дурур, аё аҳбоб,  
Лек қилмағай хандон әлни қўнглини ҳар хат.

Қилғоли Аваз ёнглиғ даҳр элинин мафтунинг,  
Лабларинг уза токим чиқди, эй суманібар, хат.

\* \* \*

Эй шоҳи мамолики малоҳат,  
Эй моҳи сипеҳри саодат.<sup>616</sup>

Тонг йўқки, кўруб сани ўёлиб,  
Гар айласа хўблар итоат.

Қўксумни саросар этти ёра,  
Ишқинг аро ханжари маломат.

То тушгали шоми ҳажринг ичра,  
Ҳар дам манго етгуси малолат.

Ҳаддин ошиб асрү иштиёқим,  
Юзлангуси бу нафас қиёмат.

Сўрма, нечук ўлғуси, деюб, куфр,  
Икки кўзинг ондин-ўқ аломат.

Хижронинг аро Авазни, жоно,  
Жонига етушгусидур офат.

\* \* \*

Фигонким, эл қилур таъну маломат,  
Қилурға сарбасар қалбим жароҳат.

Анго ул ўлғоли шайдоу мафтун,  
Чекарман борҳо оҳу надомат.

Гаҳи ёд айлабон васли нишотин,  
Қилурман оҳу афғон бениҳоят.

Гаҳи фикр айласам дилдор номин,  
Фузун ишқим бўлур беҳадду ғоят.

Гаҳи они деган сўзини ўйлаб,  
Етар жонимға ҳижрондин азият.

Аваз, алқисса ул иекӯ шамойил,<sup>617</sup>  
Мани бошим аро солғуси фурқат.

\* \* \*

Бордур муносиб ичмак фасли баҳор шарбат,  
Бир юзи гул қўлидин лайлу наҳор<sup>618</sup> шарбат.

Афлокдин етушса, эйким, санго ғаме гар —  
Қил нўш бўлғунча то беихтиёр шарбат.

Не айб, ушбу оқшом бехудлик этсам изҳор,  
Ким олди ман ҳазиндин сабру қарор шарбат.

Эй соқийи дилоро, ман нотавону хаста  
Топғой эдим ёнгидин ичсам мадор шарбат.

Ранг ила лаззат ичра лаълинг ила қилиб баҳс,  
Ерга тўкулуб ўлди беэътибор шарбат.

Одам деманглар, аҳбоб, филҳол<sup>619</sup> ичмаганни,  
Берса муҳаббат айлаб бир гулузор шарбат.

Ошом қилсанг, аммо қил эътидол бирла —  
Ким ҳаддин ошса, айлар девонавор шарбат.<sup>620</sup>

Эй зоҳид, айлагил нўш, фарз айлаюб кавсар,  
Тутса санго дамо-дам гар бир нигор шарбат.

Бергил Авазға соқий, тарқ этти зуҳд расмин,  
Ким бермасанг анго кўб айлар хумор шарбат.

\* \* \*

Эдинг, ваҳ, не бало, эй моҳ талъат,  
Ки солдинг ноз ила жонларға оғат?!

Жаҳон аҳлини бошиға солурсан,  
Нигоҳинг бирла ошуби қиёмат.

Кўрар албатта, эй дил, ошиқ ўлғон  
Рақиби шумдин доим хусмат.

Адам қил ўзни ушбу дарду ғамдин,  
Агар истар этсанг топмоқ фароғат..

Қачон ганжига восьил бўлғусидур,  
Киши то чекмагунча ранжи меҳнат?!

Азиз ўлмоқ тиласаң олам ичра  
Ўзингга пеша қил доим қаноат.<sup>521</sup>

Қолур охирда бўлмай, ваҳки, фоний  
Не нодон аҳли, не хайли фаросат.

Фано бўлмоқ таманно қил ҳамиша  
Ки эрмас бу жаҳон жойи саломат.

\* \* \*

Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат,  
Они айлар ҳамиша сарвари аҳли жаҳон ҳиммат.

Қўлингни чекма ҳиммат айламакдин, эй биродарким,  
Қилур авлоди одамни давомат комрон ҳиммат.

Кўрарсан сидқидилдан нозир ўлсанг аҳли ҳимматни,  
Халойиқ ичра айлар айбу зиштини ниҳон ҳиммат.<sup>622</sup>

Ажойиб хосият ҳимматда бордур оқил эрсанг кўр,  
Паривашлар забонин қилғуси мўъжизбаён ҳиммат

Фидои хоки пойи бўлса оздур борча жон нақди,  
Кишиким пешасидур олам ичра ҳар замон ҳиммат.

Кишига умри жовид эрмаса ҳиммат недин қолмиш,  
Ҳануз овозаи Ҳотамдин оламда нишон ҳиммат.

Кариму розиқу<sup>623</sup> рабдин тилар чоғда муроди дил,  
Керакдур айламак оқил киши беҳадду сон ҳиммат.

Ким олиҳиммат ўлса аҳли олам ичра, эй аҳбоб,  
Анго лозим гар этсам садқа молу нақди жон ҳиммат.

Аваз уқбо аро саршорком<sup>624</sup> ўлғусидур бешак,  
Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат.

\* \* \*

Не хуш бўлгай мұяссар бўлса ҳиммат аҳлига давлат,  
Ки ондин ожизу дармондаларға етгуси қувват.

Дило, ҳиммат қилурдин эҳтиroz<sup>625</sup> этма сабоҳу шом,  
Ки эрмиш мўжиби умр ила давлат даҳр аро ҳиммат.

Агар ҳар кимда ҳиммат бўлса даврон ичра, эй аҳбоб,  
Бўлур албатта анда минг кишича ғайрату журъат.

Ҳамул феъл ила ким мавсүф эса аҳли жаҳон ичра  
Онингдур лозими ҳар қайдада бўлса фатҳ ила нусрат.<sup>626</sup>

Яна ҳимматлиғ элга кам бўлур оғоқ аро душман,  
Валекин ул бўлур эрмиш ҳамиша душмани хиссат.

Хасосат аҳли бирла ҳиммат аҳли бўлмас ҳаргиз соз,  
Қилур фосид қўшулса бир-бирин албатта зиддият.

Бириға варзиш<sup>627</sup> эрса зулм ила кину жафоу жавр,  
Давомат бирисини пешасидур раҳм ила шафқат.

Кетур соқий, гар ўлса санда үл ахлоқи фархунда,<sup>628</sup>  
Ки то ман телбани сармаст этарга жом ила ишрат.

Аваз, афтодаларни ҳолидин олмас хабар ҳеч ким,  
Бўлур жоҳу хилофат<sup>629</sup> аҳлиға ишрат сори рағбат.

\* \* \*

Эй сўзидин бергучи ўлгон ўлукларга ҳаёт,  
Вей кўзидин қилғучи юрган тирикларни мамот.

Оразинг ҳуршиди оламтобини кўрган киши,  
Топмоғи мумкин эмас бир зарра орому сабот.

Ноз ила боқиб қиё, эй дилрабо, ушшоқ аро,  
Жилвае қилсанг агар қўпгуси турлик ҳодисот.

Бир суманбар илгидин гулранг саҳбо ич, агар —  
Истасанг, эй кимса, топмоқ ғамни қайдидин најот.

Гар ўёте етмасун десанг жаҳонда кимсадин,  
Бермагил сан доғи умринг ичра ҳеч кимга ўёт.

Эй Аваз, субҳу масо дилкаш ғазаллар машқ эт,  
Гар десанг мандин доги оламда қолсун яхши от.

\* \* \*

Бир пари ишқиға зору мубтало бўлдум, эшит,  
Чекмак иши турлук офоту бало бўлдум, эшит.

Эй биродар, ушбу соат шоми ҳижрони аро,  
Фам чекарга токи ул ойдин жудо бўлдум эшит.

Сарбасар шавқ ўтиға ёниб ҳазин жону дили,  
Нотаён бедасту пои бенаво бўлдум, эшит.

Ул париваш бевафони ишқин айлаб ихтиёр,  
Мажмаъи амволу<sup>630</sup> жонимдин жудо бўлдум, эшит.

Они рухсори пуранворини кўрмакни тилаб,  
Манки маҳзуну ҳазин баҳти қаро бўлдум, эшит.

Ўзни Мажнундек халойиқ ичра расво қилғоли  
То гирифтори ҳамул Лайлилиқо бўлдум эшит.

Ул жафопарварни ҳижрони аро бўлса Аваз,  
Кўйдуму кул бўлдиму билкул<sup>631</sup> адо бўлдум, эшит.

\* \* \*

Қосид, бориб мандин салом ул сарвари хўбона айт,  
Сунбул сочу рухсори гул, икки кўзи мастона айт.

Бир сўрмас аҳволим кўруб алтоф ила ул бевафо,  
Аҳди бу янглиғму эди, ул ваъдаси ёнғона айт.

Ҳижрони ичра қолғоним юз минг туман армон ила,  
Айлаб тараҳҳум ҳолима ул маҳвashi жонона айт.

Рухсорининг ҳижронида икки кўзим тийралигин,  
Ҳусн авжига ул орази чун меҳру маҳ тобона айт.

Ўз жонинг учун, қосидо, айлаб иноёту карам,  
Холи харобим шарҳини ул офати даврона айт.

Гарчи бу сўзларни дони айғонда сомиъ бўлмаса,  
Лекин фироқи ранжини сан қайта бошдан ёна айт.

Инглаб санга дер арзини маҳзун Аваз, бор, эй сабо,  
Аҳволи зорин лутф этиб ул ҳатлари райҳона айт.

\* \* \*

Лутф айлаб, эй қосид бориб ҳолим севар ёримға айт,  
Ҳажрида ғамгин ўлғоним ул шафқатосоримға<sup>632</sup> айт.

Шоядки, раҳм айлаб бу тун кулбамга келгай юз очиб,  
Ҳусну малоҳат авжида хуршид рухсоримға айт.

Кўнглумнинг олому ғамин озурда тан ранжи билади,  
Жони низорим дардини ёри вафодоримға айт.

Ҳижрон аро бесабру беорому беҳуш ўлғоним,  
Бераҳму қотил, сангдил,<sup>633</sup> шўхи жафокоримға айт.

Эмди фироқ оломига тоқат бера олмай дилим,  
Рози ўлумга бўлғонин шўхи дилозоримға айт.

Минг ўлганимдин ҳажр аро, бир ўлганим марғубдур,  
Қатл этгали келсун бу дам ул чашми хунхоримға айт.

Ҳоли харобим лутф этиб, тушса гузоринг, эй Аваз,  
Зинҳор кўйи сорига албатта дилдоримға айт.

\* \* \*

Эй қосиди фаррұх,<sup>634</sup> бориб ҳолимни жононимға айт,  
Оромижону меҳрибон ёри қадрдонимға айт.

Юзу бошидин ўргулиб парвонадек арзи дилим,  
Ул дилрабойи орази шамъи шабистонимға айт.

Зарра мисоли ҳажр аро бесабру ором ўлғаним,  
Ул ҳусн авжида руҳи хуршиди рахшонимға айт.

Ғунча мисоли хотирим танг бўлганини зинҳор  
Ул маҳвави лаълин лаби гулбарги хандонимға айт.

Фарёду нолам ҳажрида қумрини хомуш этганин,  
Боғи назокатда қади сарви хиромонимға айт.

Бўйла ғарибу бекасу ожизлигимни, эй рафиқ,  
Ул дилбари сарфитнаи ошуби давронимга айт.

Кўрган чоги ман лол ўлуб бир сўз деёлмай, эй Аваз,  
Кўйига борсанг арз ул яктои хўбонимга<sup>635</sup> айт.

\* \* \*

Суҳбат қилурга борҳо бор бир сухандон ёр шарт,  
Онинг қўлидин бўлмоқ-ўқ сармасти саршор шарт.

Ҳар ошиқум васл аро мақсад била ком истаса,  
Ҳижронга бўлмоқ аввало ноком ўлуб дучор шарт.

Ким истироҳат орзу гар қиласа вуслат явмида,<sup>636</sup>  
Фурқат тунида доимо чекмак эрур озор шарт.

Ҳар кўмсаким ушшоқ аро мумтозлиғ истар эса,  
Мехру вафо ойинини қилмоқ давом изҳор шарт.

Эйким тиларсан ёр ила ҳамсуҳбат ўлмоқ орзу,  
Беҳуда қилма мултамас, ул ишда бор бисёр шарт.

Ҳар ким висоли марҳамин этса таманно, эй Аваз,  
Қалбин фироқи тифидин қилмоқ эрур афгор шарт.

\* \* \*

Лутф этиб, соқий, манго дайр ичра бир паймона тут,  
Ринд аҳли ёнглиғ бўлай они ичиб мастона тут.

Ҳодисоти даҳри бебунёдни дафъ этгали,  
Софари гулгун ичай ман телба қўна-қона, тут.

Телбалик ойинини изҳор этарман, не ажаб,  
Ким мани бир шўхи барно ишқида девона тут.

Эй гўзал, бошингдин ўргулсин мани манъ айлама,  
Ким жамолинг шамъиға руҳимни бир парвона тут.

Эй ғаний, кибр ила нахват<sup>637</sup> тарқин айлаб ихтиёр,  
Оқил эрсанг, кир диёри фақр аро кошона тут.

Эйки, кирмишсан тариқи ишқ аро ҳеч ёнмайин,  
Лекин они қатъин айларда ўзинг мардона тут.

Чуғзосо, эй Ағаз, фаҳм айлабон жонлар қушин  
Ушбу дунёни аларға ўйла бир вайронга тут.

\* \* \*

Келиб, эй шўх, базмимда мақом эт,  
Мани саҳбо бериб сармасти жом эт.

Қилурсан ноз ила оҳангি ҳасрат,  
Бу янглиғ меҳрибонлиғни давом эт.

Аё сийминбару оромижоним,  
Манга ҳамдам ўзингни субҳу шом эт.

Аё бехонумони ошиқи зор,  
Ўзингга бахтнинг мургини ром эт.<sup>638</sup>

Тиларсан гар муҳаббат риштасини,  
Тутуб ихлос ила жаҳди тамом<sup>639</sup> эт.

Аё зори балокаш, нақди жонинг,  
Фидойи ул бути ширни калом эт.

Аваз янглиғ бўлай ношод сармаст  
Келиб, эй шўх, базмимда мақом эт.

\* \* \*

Ҳажринг аро, эй шўх санам, жонима раҳм эт,  
Ўз жонинг учун дидаи гирёнима раҳм эт.

Юз хори фирөқ санчиладур кўйинг ароким,  
Ишкаста жароҳат тани урёнима раҳм эт.

Эй шўхи жафожўйим, бир айламадинг ёд,  
Фурқат тунида ҳоли паришонима раҳм эт.

Юзлангусидур неча туман фикру тахайюл,  
Эй ёр, бу дам хотири вайронима раҳм эт.

Келмай яна бу кеча, аё шўхи дилоро,  
Ғам дашти аро қўйма мани, жонима раҳм эт.

Фирдавс каби қилғали, эй ҳур шамойил,  
Иқдом қўйиб кулбай эҳзонима раҳм эт.<sup>640</sup>

Бу кун Аваз ила тутуб ором, аё моҳ,  
Ич бодани ҳам масти гаронженима раҳм эт.

\* \* \*

Гулшан ичра, эй гулрух, оразинг намоён эт,  
Хуснига чаман аҳлин жумласини ҳайрон эт.

Лаб очиб табассумга, ханда қилиб пинҳони,  
Үнча бағрини, жоно, сарбасар қаро қон эт.

Рафъ этиб<sup>641</sup> ниқобингни юзларингдин, эй дилбар,  
Лола доғдор ўлсун, сайри боғу бўстон эт.

Эй парилиқо маҳваш, юз узра ёйиб кокуя,  
Ушбу лаҳза сунбулни ҳар тараф паришон эт.

Эй париваши маҳбуб, тарки қаҳру кин айлаб,  
Ошиқи ҳазиниларга шафқатинг фаровон эт.

Эйки, билимадинг васлин шукрини қилиб қадрин,  
Они истама, эмди фикри шоми ҳижрон эт.

Қелса ул қади зебо кўргали сани ногах,  
Эй Аваз, алиф ёнглиғ жон уйида меҳмон эт.

\* \* \*

Аниси ўзни ул симин сақоқ<sup>642</sup> эт,  
Ҳамиша роғиби меҳру вифоқ эт.<sup>643</sup>

Тилар әрсанг жаҳонда умри жовид,  
Давомат бўсаи ширин дудоқ эт.

Ажойиб нор әрур, нори муҳаббат,  
Дилу жонинг ул ўтға, эҳтироқ эт.

Ул ойким бордуур ҳудрою ҳудком,<sup>644</sup>  
Анингдек жавр густардин қироқ эт.

Фаросат бодасини айла ошом,  
Ки то ўзни жаҳолатдин йироқ эт.

Аваз истар эсанг мақсадға етмак,  
Бори феъли ёмонинг яхшироқ эт.

\* \* \*

Манга, эй шўх, қил лутфу иноят,  
Лабингдин бўсае, яъни каромат.

Фироқинг ранжу оломида, жоно,  
Ишим сансиз эрур оҳу надомат.

Муяссар бўлса васлинг олам ичра,  
Керакмасдур манга ҳеч ҳури жанинат.

Қилурман оҳу афгону наволар,  
Ета олмай висолингга давомат.

Қиёматким демишлар аҳли тақви,  
Жудолиқдин ҳамоно бўл саломат.

Жудолиқдин ёмон оламда, биллоҳ,  
Йўқ эрмиш, эй нигори меҳр талъат.

Бу сўзумга қараб, жоно, амал қил,  
Агарда бўлса санда чин муҳаббат.

Гуноҳим не эди, де, эй париваш,  
Менинг ҳаққимда қилғунгдур адоват.

Авазким ошиқи зоринг бўлубдур,  
Анга қилғил висол ичра мурувват.

\* \* \*

Кўзларинг солгуси ҳижрон ичра ўт,  
Юзларинг ҳам юз гулистон ичра ўт.

Зулфи шабрангинг солур беиштибоҳ<sup>645</sup>  
Хайли куффору мусулмон ичра ўт.

Тушгусидур оразинг ҳижронидин  
Кўк аро хуршиди рахшон ичра ўт.

Гул юзинг кўрганда фарёдим била,  
Тонг эмас гар тушса бўстон ичра ўт.

Чекмайин ўтлуг фигонлар найлайн,  
Ким Аваз тушса дилу жон ичра ўт.

\* \* \*

Кўзиму ва ё қотили хунхор эрур ушбу?  
Хунрез, жафожў икки айёр эрур ушбу?

Ҳар нозу адоси соладур жонима олов,  
Хушсурату бир бачаи куффор эрур ушбу.

Элни қиласур ишқи аро зору гирифтор,  
Афсунгару ҳам гамзаси бисёр эрур ушбу.

Не айб никор этса тағофул манго тун-кун,  
Ким хўби жаҳоннинг борига кор эрур ушбу.

Тонг йўққи ул ой бирла мани хаста май ичмон,  
Субҳ ила масоғайрига атвон эрур ушбу.

Ҳеч қилма таажжуб ман агар ичмасам андин,  
Ким аҳли вафога нега даркор эрур ушбу?

Жон нақдини тарқ этса кўнгул энди ажабму?  
Ким они матоига харидор эрур ушбу.

Эй шўх, мани зорға бўл ҳамдаму мунис,  
Ким олам аро ёри вафодор эрур ушбу.

Не айб, Аваз, жон қуши гар қилса фигонлар,  
Ким ишқни домига гирифтор эрур ушбу.

\* \* \*

Эйким, санго ҳамиша эса вуслат орзу,  
Қилғил тариқи ишқ аро фурқат орзу.

Эйким, санго гар эрса, лаби бўси муддао,  
Қил рўзу шаб фироқ аро ҳасрат орзу.

Эйким, санго керакса никор ила айшу ҳаз,  
Қилғил мудом сидқ била кулфат орзу.

Эйким, санго муносиб эрур чексанг-ўқ азоб,  
Эрса висол базми аро роҳат орзу.

Эйким, санго на лозим эрур ишқ аро кириб,  
Қилмоқ бу навъ беҳадду бағоят орзу.

Эйким, санго мұяссар ўларму нигор ҳеч,  
Бўйла гар эрса васл аро касрат орзу.

Эйким, санго насиҳат этай ман гариб ҳам,  
Қилма ҳамиша етмагунча қудрат орзу.

Эйким, санго керакму жаҳон ичра обрў,  
Ўзга чиқармоқ айламагил шуҳрат орзу.

Эйким, санго Аваз киби бўлса малул дил,  
Гўёки айламиш чу сани беҳжат орзу.

\* \* \*

Эй кўнгул, ман кўрмаган дарду балият қолдиму?  
Келмаган бошимга савдо бирла офат қолдиму?!

Не ажаб, бўлсам малулу нотавон шому сахар,  
Ким манго юзланмаган андуҳу кулфат қолдиму?!

Чарх бошимга солур, қилғум таажжуб, можаро,  
Ким яна ман чекмаган дард ила меҳнат қолдиму?!

Нечаким сирримни пинҳон сақладим ағёрдин,  
Бўлмайин ифшо жаҳонда сирри касрат қолдиму?!

Нечаким чекдим мани бечора ҳасрат борини,  
Даҳр аро ман чекмаган олому ҳасрат қолдиму?!

Бир парига бўлғоли ушшоқи зору бенаво,  
Етмаган жонимга баским ранжи фурқат қолдиму?!

Токи ман жоним анго қурбон этай ола л аро,  
Эй Аваз, бир соҳиби меҳру муҳаббат қолдиму?!

\* \* \*

Мунисим бу тун ҳамул дилдорму?  
Ёки бир гайри пари рухсорму?

Кул қилур болу парин<sup>646</sup> жоним қуши,  
Қалби маҳзунида беҳад норму?

Қелмагуси ман сори ул дилрабо,  
Монеъи билмон онинг ағёрму?

Илтифот этмас висол ичра манго,  
Дилбарим мандин ва ё безорму?

Фурқат андуҳи аро ушшоқ элин,  
Қисмати дарду, ғаму, озорму?

Мандин олмасдур хабар аҳбоб эли,  
Ё ҳамул моҳ ўзга бирла ёрму?

Жону дил бўлмиш сазовори бало,  
Ранжи фурқатға алар дучорму?

Нола айлар кечакундуз тинмайин,  
Ё Аваз ҳижрон аро беморму?

\* \* \*

Юзингму ҳусн авжида, дурахшон меҳри анварму?<sup>647</sup>  
Тишингму, ё латофат дуржида дур ила гавҳарму?

Аё Исо нафас, ушбу ўлук жисмимга жон берган,  
Лабингму, оби ҳайвон шарбати ё оби кавсарму?

Бори олам элин ҳушини олғон бу сияҳ чашминг,  
Ики жоду эрурму ё ики бераҳм кофарму?

Олурға ишқ эли жонин қўзинг сайёдига гўё,  
Қошинг шамшир эса, киприкларинг ҳар бири ханжарму?

Хатингму мусҳафи оёт уза хатти мушкин ё —  
Лаби кавсада бутган хуш тароват сабзаи тарму?

Бу оқшом муддайлар базмида ноз этгучи аҳбоб,  
Қолиб ман билмайин ҳайратда ул маҳбуб дилбарму?

Аваз, гулшанда ёринг илгига жом олғуси, билмон,—  
Ва ё жаннат аро ҳур илгига гулранг соғарму?

\* \* \*

Онсиз манга қоронғу ёғду жаҳон эмасму?  
Чекмак фироқида иш оху фигон эмасму?

Гардунни йўқ вафоси, тун-кун жаҳон элига  
Юз минг жафову офат андин аён эмасму?

Жисминг ҳақиқатидин, эй ким мурод билсанг,  
Савдову балғам ила сафрову қон эмасму?

Меҳнат насибим ўлса, не айбким, ҳамиша,  
Дарду миҳанин жойи бу хокдон<sup>648</sup> эмасму?

Оlamғa келган одам, эй дўстлар, Аваздек  
Гоҳи ҳазину ғамгин, гоҳ шодмон эмасму?

\* \* \*

Не айлай жонни дилдоримдин айру?  
Лаби лаъли шакарборимдин айру?

Манго не ҳожат оламда тириклиқ,  
Муҳаббатлиғ вафодоримдин айру?

Фигон булбулдек этсам, не ажабким,  
Ҳамул рухсори гулзоримдин айру?

Манго юзлангуси ғам бениҳоят,  
Ҳамул маҳбуби ғамхоримдин айру.

Давомат талхком ўлсам тонг эрмас,  
Нигори шаҳдгуфтторимдин айру.

Дилу жонимда ғам анвои пайдо —  
Суманбар лоларухсоримдин айру.

Юроким пора бўлса, айб эмаским,  
Аваз, ушбу нафас ёримдин айру.

\* \* \*

Жаҳон маҳвашлариким бор эрурлар бевафо асрү,  
Алар ишқига ўзни мубтало қилмоқ хато асрү.

Қаро кўзлар ғаму дардиға қўнглинг ичра жо берма,  
Дер эрсанг бўлмасун гар кавкаби баҳтим<sup>649</sup> қаро асрү.

Қилиб бир йўл тараҳум ошиқин ҳолини сўрмаслар,  
Нечаким айласа бир онлара жонин фидо асру.

Агар жон топдинг эрса дилраболар лаълидин, эй ким,  
Бўлур охир санго бу нақд, билгил, хунбаҳо асру.

Туман сидқ ила жону кўнгулдин меҳру вафо айлаб,  
Ҳамиша тортар ошиқ ёридин жавру жафо асру.

Буким жоду кўзи сориға боқдинг, воқиф ўлғилким,  
Санинг қатлингға онлар бор мисоли аждаҳо асру.

Аваз, кўнглум қуши то бўлғоли ул шўх шайдоси,  
Қилур булбулсифат фарёду афғону наво асру.

\* \* \*

Эй гавҳари хаёлига қалбим садаф, садаф,  
Ким йўқ онинг киби бу жаҳонда шараф, шараф.

Дарди жафоу жавр чекиб фурқатинг аро,  
Умримни бор-йўқи бўлубдур талаф, талаф.

Қоғир кўзинг хадангига, эй шўхи қоши ё,  
Бўлмишдурур жаҳон эли кўнгли ҳадаф, ҳадаф.

Эй шўх, бу нафасда тағофул кўб айлама,  
Ман ошиқи ҳазининг эруман араф, араф.

Токим қўшулмасун санго ҳам нозир ўлмаким,  
Чиқмиш рухи рақибға асру калаф, калаф.<sup>650</sup>

Мужгонларинг тутубдурур ушшоқ қатлиға,  
Русу Яфун асокири<sup>651</sup> ёнглиғ чу саф, чу саф.

Не иш қилайки, йиғламайин, эй Аваз, бу навъ,  
Бошимда бор дурур неча оғат тараф, тараф.

\* \* \*

Гулшан аро гул бир тараф, ул юзи анвар бир тараф,  
Ишқ ичра булбул бир тараф, ман зори музтар бир тараф.

Слам гулистони аро бордур манга, эй боғбон,  
Ул қадди зебо бир тараф, сарву санубар бир тараф.

Жону кўнгуллар мулкига торожу яғмо<sup>652</sup> солғуси,  
Боғ ичра нарғис бир тараф, ул чашми кофар бир тараф.

Кавсарни васфин демагил ширинлик ичра, воизо,<sup>653</sup>  
Ул лаъли шаккар бир тараф, гар бўлса кавсар бир тараф.

Бу даҳр бозори аро хушбўйлигда, эй қўнгул,  
Ул зулфи мушкин бир тараф, мушк ила анбар бир тараф...

Бордур Аваз еткургали ҳаззу фараҳ базмим аро,  
Саҳбойи гулгун бир тараф, гулранг соғар бир тараф.<sup>654</sup>

\* \* \*

Гулзор аро гул бир тараф, ул юзи ҳумро бир тараф,  
Ишқ ичра булбул бир тараф, ман зори шайдо бир тараф.<sup>655</sup>

Дилбарлик ёйини била ҳусну малоҳат бобида,  
Мажмун маҳваш бир тараф, ул моҳсиймо бир тараф;

Бошимға оғат солғали қошу кўзидин ҳар нафас,  
Дилдўз гамза бир тараф, жонсўз имо бир тараф.<sup>656</sup>

Ташбиҳ не янглиғ айлайин сарвига зебо қоматин,  
Тубийи жаннат бир тараф, ул қадди боло бир тараф.

Фасли баҳори вақт эрур, масъуд ҳам айёми ҳаз,  
Соқийи гулрӯй бир тараф, гулранг мийно бир тараф.

Файз ичра қилғон мажлисим рашки гулистони Эрам,  
Гўё ҳама моҳ бир тараф, ул шўхи барно бир тараф.

Бўлса бошимда, эй Аваз, ман зори маҳзун найлайнин,  
Ошуби дунё бир тараф, андуҳи уқбо бир тараф.

\* \* \*

Оломи фурқат бир тараф таъну маломат бир тараф,  
Ҳам шоми зулмат бир тараф, ошуби оғат бир тараф.

То киргали маҳбублар ишқи йўлига ман ғариб  
Бошимда савдо бир тараф, ҳам ранжи меҳнат бир, тараф.

Эй дўстлар, бешакку райб<sup>657</sup> ҳусну малоҳат бобида,  
Мажмуъи ҳуро бир тараф, ул ҳур талъат бир тараф.

Лаъл ила қадди бир тараф, тўбуу кавсар бир тараф,  
Гулзор кўйи бир тараф, ризвони жаннат бир тараф.

Зўлфи паришон бир тараф, ошуфта сунбул бир тараф,  
Гул бирла ар-ар бир тараф, рухсору қомат бир тараф.

Токим бошимға тушголи, аҳбоб, ҳижрон офати,  
Қалбим жароҳат бир тараф, жонимда заҳмат бир тараф.

То тушти ишқ ила жунун шаҳрида савдо бошима,  
Явми қиёмат бир тараф, андин аломуат бир тараф.

Не навъ бўлмай ман ҳазин андуҳу қойғу соҳиби,  
Уммиди вуслат бир тараф, айёми фурқат бир тараф.

Бўлмай Аваз мискин нечук ҳажр ичра юзланса анго,  
Юз гуна<sup>658</sup> ҳасрат бир тараф, минг навъ қулфат бир тараф.

\* \* \*

Танимдин чиқди жон ҳижронда, жонон ўлмади воқиф.  
Нечукким мулк вайрон ўлди, сulton ўлмади воқиф.

Нечук ман йигламайким, ул лаби мўжизбаён дилбар,  
Фамида бўлди бағрим сарбасар қон, ўлмади воқиф.

Кўзумга даҳр зиндан ўлгусидур шоми ҳажр ичра,  
Магар андин ҳамул рухсори тобон ўлмади воқиф?

Мани бечорау дилхастани ҳижрони ўлтурди,  
Бу кирдикоримдин ул шўхи сухандон ўлмади воқиф.

Висоли нақдин истаб гадоман кўйида тун-кун,  
Бу кирдикоримдин ул шўхи сухандон ўлмади воқиф.

Бори ушшоқ мақтул ўлди ҳижрон офати бирла,  
Ҳамул ёри дилоро, чашми фаттон ўлмади воқиф.

Ҳамул тарсобача ишқига бўлдум ўйлаким мағтун,  
Анго ошиқлигимдин ҳеч мусулмон ўлмади воқиф.

Бу ёнглиғ ожизу бечора ман бўлдум бу ҳолимдин,  
Жаҳон мулки аро, ваҳким, бир инсон ўлмади воқиф.

Агарчи тортадур фурқат аро жавру жафо лекин,  
Аваз аҳволидин ул аҳди ёлғон ўлмади воқиф.

\* \* \*

Оҳқим, бир ой ғамидин бўлмишам зору заиф,  
Дегали бошдин-оёқ ҳолимни йўқдур бир ҳариф.<sup>659</sup>

Ҳар сўзиқим жонга роҳат берди десам, не ажаб?  
Йўқ жаҳон айвонида ғонинг киби шўху зариф.

Турфа даъво муддаий гар қилса ғолиб бўлмоғой,  
Ким онинг ишқи эрур маҳзи мажозона ҳафиғ.<sup>660</sup>

Ошиқе лофи муҳаббат эмди урғойму манго,  
Ишқ Истанбули ичра чунким ўлмишман ҳалиф.<sup>661</sup>

Комрон этгил мани бу навъ ноком айламай,  
Доим ўз лутфинг била ушбу жаҳонда, ё Латиф.

Бори гесуи келиб жонлар қушин банд этгали  
Турфаким, ҳақ сунъи бирла сарбасар монаци тиф.

Эй Аваз, қил жаҳд, девонингни қилмоқ истасанг,  
Гар Навою Табиий дафтариға ҳамрадиғ.<sup>662</sup>

\* \* \*

Фарёдким, қилмиш мани асру ғами ҳижрон заиф,  
Дил ожизу, бенур кўз, бетоб жисму, жон заиф.

Васлинин қилсан жустужў шому саҳар эрмас ажаб,  
Ким фурқат ичра бўлмишам беҳадду бепоён заиф.

Қилсун висоли шаҳдидин сиҳҳат мани ул дилрабо,  
Ким ман ҳазин то бўлмайин ҳижронда бедармон заиф.

Маҳбуб васлин топмайин рўзу шаб айлаб орзу,  
Минг ғуссая ҳасрат била бўлғуси бағрим қон, заиф.

Айрилғоли дилдорай ғамхордин ҳижрондаким,  
Айб айламанг, эй дўстлар, бўлсам мани нолон заиф.

Фурқатни юзори эрур жонсўз беҳад, оҳким,  
Субҳу масо бўлса, не тонг, ман хастау ҳайрон заиф.

Ерим жамолин меҳрини анворини кўрмак тилаб,  
Бўлғуси ҳижрони аро кўз ҳам бўлуб гирён заиф.

Они қади шамшодини ёд айлабон, қумри сифат,  
Бўлсам ажаб эрмас чекиб фарёд ҳам афғон заиф.

Айб этма ёрим васлинни кўб изласам гар, эй Аваз,  
Фарёдким, қилмиш мани асрү ғами ҳижрон заиф.

\* \* \*

Бўлмишам ул ой фироқида басе зору наҳиф.<sup>663</sup>  
Дард ила меҳнат чекиб шаб-рўз бемору наҳиф.

Бўлдум асрү марҳами васлиға толиб ҳалқ аро,  
Ханжари ҳижрон ила яксар дилафгору наҳиф.

То онинг ўтлуг рухин бир йўл тамошо қилғоли,  
Ораз ўлмиш ўйлаким қалбим аро нору наҳиф.

Бир пари ишқига бўлғон ошиқи бехонумон,  
Ман киби йўқдур жаҳонда нек атвору наҳиф.

Токи они мажлиси файзидин айру бўлмишам,  
Қалб сўзон, жисм ларzon, чашм хунбору наҳиф.<sup>664</sup>

Эй биродарлар, ул ойсиз тортиб ўлдум ҳажр аро,  
Қулфату олому дарду ранжу озору наҳиф.

Эй Аваз, бўлдум ҳамул Лайливашимға мубгало,  
Манда гар зоҳир эса Мажнунлиғ осори наҳиф.

\* \* \*

Бўлмишам ишқинг аро, эй лаъли хандон, комталх,  
Тушгали бошимға баским шоми ҳижрон комталх.

Ёр бўси лаълини бир умр ичра қилмайин,  
Мандек эрмасдур жаҳонда ҳеч бир инсон комталх.

Васл шаҳди этмаса комини ширин, айламак —  
Ҳажр шоми ичра бўлғонга не имкон комталх.

Бир сочи сунбул, лаби ширин ғами ишқи аро,  
Бўлди ушбу бекасу хотирпаришон комталх.

Топмағой лаззоти олам шаккар ила қандидин,  
Бўлса гар ҳар ошиқи мафтуни ҳайрон комталх.

Қайда лаззат бахш қилғой оби ҳайвон, эй рафиқ,  
Ҳар кишини қилса ёди лаъли жонон комталх.

Бодаи гулранг ошом айласун ихлос ила,  
Кимсада ногаҳ бўлса намоён комталх.

Токи ошиқ бўлғоли ман нотавону телбани,  
Қилғуси шавқи ҳамул рухсори тобон комталх.

Дайр аро, эй муғбача, мискин Авазға лутғ ила —  
Айлагилким, бўлди ул бир согар эҳсон комталх.

\* \* \*

Ногоҳ деса сўз не ажаб, лаъли лаби женона талх,  
Ким меваи ширинга ҳам бўлғуси гоҳи дона талх.

Қўнглумга ёрим оразин ўти хуш эрса тонг эмас,  
Ким кўрмади шам ўтига кўймаклигин парвона талх.

Йўл берма, эй дил, ғайриға ушшиқ эли базми сори,  
Ким кирса айлар ошно айшу ҳазин бегона талх.

Бошдин оёқи чок ўлуб, кўрди мукофоти жаҳон,  
Зулфин тараарда хотирим айшин чу қилди шона талх.

Оламни нўши завқиға қўйма қўнгулким оқибат,  
Заҳри ажал бирла қилур комингни бу хумхона<sup>665</sup> талх.

Гар оқил эрсанг матлабинг расмини роҳат англағил,  
Ким кўрмагай йўл меҳнатни бас солики мардона талх.

Иzzat шаробин истасанг синдуr тамаъ жоминиким,  
Шарбатни ҳам аччиқ қилур эрса агар паймона талх.

Эй дил, агарчи зоҳиран баским ачиқдур заҳри фақр,  
Билгил ҳақиқатда ани лекин чучук, аммо на талх.

Эй чарх, бердинг мунчаким маҳзун Авазға заҳри ғам,  
Ул ичмаган ҳеч қолдиму оламда оғу ёна талх.

\* \* \*

Эса ким даҳр аро, эй ёр густоҳ,  
Чекар албатта кўб озор густоҳ.

Бўлурсан оқибат ноком, бўлма —  
Гар эрсанг оқилу ҳушёр, густоҳ.

Адаб бергай анго чархи жафожў,  
Фалониким эрур бисёр густоҳ.

Ҳамул малъун манго берди ҳақорат,  
Гумон бирла дебон гуфтор густоҳ.

Гар эмассан сан аҳволимдин огоҳ,  
Бир иш этдимму ё ман зор густоҳ?

Куни келса адаб бирла демай сўз,  
Бўлур ўз жонидин безор густоҳ.

Қўюб иқдомини не ҳосил этти,  
Тариқи ишқ аро ағёр густоҳ?

Жаҳон мулкида бўлмас эътибори,  
Агар ким айласа изҳор густоҳ.

Аваз, густохлиғ ҳеч айламаким,  
Қилур осон ишин душвор густоҳ.

\* \* \*

Сансиз ўлди ҳажр ичра ҳолатим хароб, эй шўх,  
Қисматим бўлуб турлук ранж ила азоб, эй шўх.

Барча эл кўзи равшан бўлсун оч жамолингни,  
Ким юзинг эрур гўё моҳу офтоб, эй шўх.

Холига гараххум қил ман ҳазину бекасни,  
Тобакай, кўрар сандин зулми беҳисоб, эй шўх.

Ўйла бўлмишам расво, масхара қилиб доим,  
Ижтиноб этар мандин барча шайху шоб,<sup>606</sup> эй шўх.

Оҳ, ҳасрат ўлтурди сўрмадинг бир аҳволим,  
Айлабон манга қаҳру кин итоб, эй шўх.

Назм этиб ниҳоясиз байти жонфизолардин,  
Қилғуси Аваз ҳуснинг васфини китоб, эй шўх.

\* \* \*

Бўлубдурман гирифторинг, аё шўх,  
Асиру волау зоринг, аё шўх.

Нетайким, ишқ әлига бениҳоят,  
Жафоу жавру озоринг, аё шўх.  
Жаҳон аҳли асиринг, не ажабким,

Эсам ушшоқи дийдоринг, аё шўх.

Кўзиаг бедоди жон олғуси гарчи,  
Вале жон берса гуфторинг, аё шўх.

Топарму васлинг эл гар эрса солим,  
Жаҳон мулкида ағёринг, аё шўх.

Олиб жон нақдини қўлға, эрурман —  
Камина бир харидоринг, аё шўх.

Бўлубдурман кечиб жону жаҳондин,  
Аваз ёнглиғ талабгоринг, аё шўх.

\* \* \*

Ман меҳр қилсанум умид ул дилрабони кўргач,  
Ваҳ, айлар ул ситамлар ман бенавони кўргач.

Хавф айласам, тонг эрмас, зулғини кўрганимда,  
Ким хавф солғуси эл зўр аждаҳони кўргач.

Ағону оҳ тортиб доим борурман ўздин,  
Ҳар қойда ул нигори чашми қарони кўргач.

Ул ой юзин кўрардин зуҳд аҳли қочса, тонг йўқ,  
Ким бўлгуси турезон шабпар<sup>667</sup> зиёни кўргач.

Ҳар ким гар айб қилса, ҳар кеча йиғларимни,  
Билгай чекиб хижолат ул маҳлиқони кўргач.

Бегоналиғ қилибон изҳори жавр айлар,  
Сонсиз тагофул айлаб ул ошнони кўргач.

Ақлу қарору ҳушин бермиш санго, нигоро,  
Сандин Аваз бу ёнглиғ нозу адони кўргач.

\* \* \*

Ҳайрон бўлур ҳалойиқ ул дилрабони кўргач,  
Гоҳи куйиб изида ман мубталони кўргач.

Ушшоқинг ўлди барча сандин, аё ситамгар,  
Фанжу далолу ишва, нозу адони кўргач.

Ишқини тарк қил деб манъ айлар эрса зоҳид,  
Чеккай хижолат асрү ул қоши ёни кўргач.

Зоҳид юзин чевирса<sup>668</sup> кўргач ани нетонгким,  
Дармонда шабпар ўлгай нури зиёни кўргач.

Не айб ҳуррам ўлсам кўргач мани они, аҳбоб,  
Бемор ҳуррам ўлгай чунким давони кўргач.

Қўнглимда зарра янглиғ ихлос қолмадиким,  
Зоҳиддин ушбу соат кибру ҳавони кўргач.

Деса Авазга таслим эрмас ажаб, биродар,  
Ҳар кимса ушбу назми роҳатфизони кўргач.

\* \* \*

Суманбар кўрмадим ул сиймбарваш,  
Ки ҳусн ичра рухи меҳру қамарваш.<sup>669</sup>

Сочи савдосидин Чин мушки ҳар ён —  
Кезар камтар гадои дарбадарваш.

Ажаб бир нозанин, десам, не тонгким,  
Қадини жилвасидур найшакарваш.

Лаби ёди била гирён кўзумдин,  
Оқар ҳар қатраи ашким гуҳарваш.

Ҳазар қилмас балодин телба ушшоқ,  
Мұхаббат бешасида шери нарваш.

Жамолингни оч, эй шўхи дилоро,  
Очилсун хотирим гулбарги тарваш.

Аваз, маҳбуб жисмин қилма тавсиф,  
Жаҳонда йўқдурур ул бедодгарваш.

\* \* \*

Латофат гулшанида гул әрур рухсоринг, эй маҳваш,  
Онинг устида сүнбул зулфи анбарборинг, эй маҳваш.

Ниқоб ўлди сочинг юз узра ушбу гуссадин кўнглум,  
Бўлубдур асру ғамгин кўрмайин дийдоринг, эй маҳваш.

Манго шафқат қилиб лаълинг шаробин дамбадам тутким,  
Бўлубдур ича муддат бўлмишам хумморинг, эй маҳваш.

Не тонг, сандин тамаъ қилсан ҳамиша марҳами лутфинг,  
Ки бўлмишман мани бечора дилафгоринг, эй маҳваш.

Фироқинг ичра зиндони балиятдур манго маскан,  
Демассан бир йўли, не навъ ҳоли зоринг, эй маҳваш.

Дединг, бергум муродингни, фидо айлаб санго жоним,  
Агар чин бўлса ушбу лаҳза бу гуфторинг, эй маҳваш.

Ҳамиша ижтиnob этма бу ёнглиғ суҳбатимдинким,  
Сан эрсанг бир гул, аммо ман әрурман хоринг, эй маҳваш.

Агар бўйла вафое қилмайин жавру жафо қилсанг,  
Мани ўлмакка еткургусидур озоринг, эй маҳваш.

Аваз, тонг йўқ агар сарве сорига қилмаса рағбат,  
Ки андин хўб қадди сарви хушрафторинг, эй маҳваш.

\* \* \*

Бироки чекмак иши борҳо фироқ ўлмиш,  
Бил, они жони ғам ўтиға эҳтироқ ўлмиш.

Нетайки, йиғламай, аҳбоб эли, ҳазин кўнглум,  
Асири волаи бир хўби сиймсоқ ўлмиш.

Ул ой ниқобини олғон чоги, маозаллоҳ<sup>670</sup>,  
Ҳамани жонига оғат кўзу қабоқ ўлмиш.

Бўлур давомат иши фурқат ичра ғам чекмак,  
Кимики ман киби ар ёридин йироқ ўлмиш.

Бу лаҳза бергучи чунким мазоқима<sup>671</sup> лаззат,  
Ҳамул нигори гўзал шаккарин дудоқ ўлмиш.

Кишики эрса муҳаббат русумида содиқ,  
Билинг оники ёри оламинда тоқ ўлмиш.

\* \* \*

Бошима ёғдурғучи меҳнат дедим, гардун эмиш,  
Чунки таҳқиқ айладим бу баҳти номайдун эмиш.

Не ажаб, ошиқлиқимдин кўрсам андоқ бўлғоним —  
Ким ҳамиша ишқ хайлин толеи вожуи эмиш.

Айб эмас расво эса, ман телбаи бедасту по,  
Ким ҳамул Лайлилиқо ишқи аро Мажнун эмиш.

Эй кўнгул, ишқ ўйнамоқ қилма ҳавас олам аро,  
Ким чекиб кўб ҳасрат ушшоқ аҳли бағри хун эмиш.

Кир фано мулкиғаким, они кулоҳу силки бас  
Тожи Кайхусрав била афлок Афридун эмиш.

Ул кишиким қилғуси фахру мубоҳот борҳо,  
Бил они нодон ҳам абллаҳ, ақлсиз дун эмиш.

Эй Аваз, ул шўху шанг эркан тафаккур айласам;  
Бошима ёғдурғучи меҳнат, дедим, гардун эмиш.

\* \* \*

Ошиқ мани ҳуснига бир ҳури паризод айламиш,  
Сабру қарору тоқату ҳушимни барбод айламиш.

Эмди мани бекассифат йиглангки, эй ушшоқ әли,  
Жавру жафони ўзига ул шўх мұттод айламиш.

Ул хўблар шоҳаншаҳи ишқ аҳлинин ўлтурғоли,  
Пайваста қошин тиғ этиб, чашмини жаллод айламиш.

Онинг фироқи шомида етган жафолар сонини —  
Билмай, ҳисобин ақл ила ҳуш аҳли теъзод айламиш.<sup>672</sup>

Ағер элин ҳуррам қилиб бу чархи душманжомким,<sup>673</sup>  
Ушшоқ әлининг қисматин зулм ила бедод айламиш.

Бир сарвқадду гулбадан ишқини шайдоси қилиб,  
Булбул ила қумри киби ишимни фарёд айламиш.

Еримға яолам айламас таъсир, Аваз, гүё қазо —  
Маҳбубларнинг қалбини хилқатда фўлод айламиш.<sup>674</sup>

\* \* \*

Нигоримни, фигонким, гайр афсун бирла оздурмиш,  
Ки яъни кўнглини бу лаҳзада фўлода дўйдурмиш.<sup>675</sup>

Рақиби шумлар хайлиға ул шўхи жафогустар,  
Бу соат ичра лутфу илтифотин ҳаддин ошдурмиш.

Кўнгулким эрди бир шиша мисоли, оҳким, бу дам,  
Анга ағер әли таъну маломат сангини урмиш.

Ҳамул дилдори барнову нигори дилбари гулруҳ,  
Ҳамиша гайр ила ҳаззу майшат мажлисин қурмиш.

Қаро шоми фироқ ичра, аё аҳбоблар хайли,  
Миҳаннинг бори белимни, нетайким, оҳ синдурмиш.

Не янглиғ кўймайин бу чарх илгидин, аё дилким, .  
Давомат йиғлатиб аҳбобни, душманни кулдурмиш.

Үтубдур неча йил маҳзун Аваздин бир хабар олмас,  
Магар ул хўбларнинг ҳисравиким они ёзғурмиш.<sup>676</sup>

\* \* \*

Қилғил тараҳхум ҳолима, эй нозперо боғритош,  
Ким сансизин ман зордин фурқат аро кетгуси бош.

Қўнглумда пинҳон айладим ишқингни додгин нечаким,  
Суд әтмади, эмди они қилғум жаҳон аҳлиға фош.

Тўртунчи торамда<sup>677</sup> агар бўлса Масиҳу офтоб,  
Лаълинг Масиҳо ер узра, эй шўх, рухсоринг — қуёш.

Шому саҳар тонг отғунча ҳижрон аро май ўрниға,  
Лаъли лабингни ёдида қон ютмоқ ўлмишдур маош.

Киприкларингни айлабон ханжар мисоли, кўзларинг,—  
Кўксумни афгор этгуси жон ила қалбимни ҳарош.<sup>678</sup>

Пайваста қошинг ё қилиб жаллод чашминг, эй пари,  
Жонимни қасдига қилур бир-бириси бирла кенгош.

Мажмууи молу жон санго айлар тасаддуқ, эй гўзал,  
Ушшоқларинг айласанг ногаҳ вафо расмини фош.

Тонг йўқ, Аваз, ранжурлиғ изҳорини қилса санго,  
Ким ҳажринг оломи они қилмиш бу дам соҳибфирош.<sup>679</sup>

\* \* \*

Буқун бўлғусидур пинҳон сирим фош,  
Ки ҳар дам кўзларимдин оқғуси ёш.

Яна баҳтим қилиб шўридалиғни,  
Бошим устига хирмон қилгуси тош.

Қўзим ул ойни рухсорини кўрмай,  
Бўлубдур аҳволи андоқки хуффош.<sup>680</sup>

Ҳамиша ёр жаврини цекарман,  
Кўруб бир роҳатин ўлсам эди кош.

Жаҳонда кимса топғойму муродин  
Ки эрса комиға ноком подош.<sup>681</sup>

Ул өйким бевафоу пуржафодур,  
Анго бир важх<sup>682</sup> ила кўбдур ўйнош.

Нетай эмди, Аваз, суду зиённи,  
Ки одам ўғлиға ўлчоқлидур ёш.

\* \* \*

Меҳри жамолинг бўлғоли то олам ичра нурфош,  
Туфроқға ҳар кун юз қўяр гўё уёлғондин қуёш.

Кўйинг магар маҳбублар хайлиға бордур саждагоҳ,  
Ким қўйғусидур борчаси ҳар лаҳза анда ерга бош.

Эй ёшгина оромижон, раҳм айлаб ўтсанг не бўлур,  
Бир йўл вафоу меҳр ила шафқатни ойинини фош.

Гоҳи фалак зулми била, гаҳ ғайри бедоди била,  
Мунглиг бошимда бўлғуси хирман, аё аҳбоб, тош.

Ман не сифат нолам била ёқмай бори оламниким,  
Жоним аро ўт солғуси минг ғамза бирла кўзу қош.

Ваҳ, ҳасрати холи била йиглар эсам субҳу масо,  
Қон келгусидур, қолмайин чашмим аро бир қатра ёш.

Келгил бери, эй дилрабо, ким рашк ила айлар Аваз,  
Токай или тўйинг била тинмай даме разму<sup>683</sup> талош?!

\* \* \*

Фарёдким, қолғой нечук ман нотавонда ақлу ҳуш,  
Ортар хуморим қилмайин ёрим қўлидин бода нўш.

Келмиш манинг бирла бир ой нўш этгали бу тун қадаҳ,  
Жон нақдини бергум санго, май бер манго, эй майфуруш.

Гар дайр тоқидин садо чиқса дема, бу ун недур,  
Бир гулъузор ишқи била айларман ағфону суруш.<sup>684</sup>

Фарёд қилсам, не ажаб, тинмай висол айёмида,  
Ким фасли гул қилмай наво булбул ҳеч ўлғайму хамуш?

Маҳв ўлмоғи мумкин эмас чун мусҳафи<sup>685</sup> қалбинг аро,  
Қилса агар килки қазо нақши муҳаббатни нуқуш.<sup>686</sup>

Шўхи жаҳонга ўлма дўш дилкаш қошини қўргали,  
Гар қилмайин ўзни десанг, турлук бало хайлиға дўш.<sup>687</sup>

Рухи табиий не сифат, аҳбоб, куймаским манго —  
Айлар дамодам ишқ ўти жону дилим дегини жўш.<sup>688</sup>

Таъзир этарга муҳтасиб қилғусидур урён таним,  
Май дурди бирла пири дайр, сан кел бўлурға пардапўш.<sup>689</sup>

Ул шўх зулм айлар, Аваз, шому саҳар тинмай манго,  
Фарёдким, қолғой нечук ман нотавонда ақлу ҳуш?!<sup>690</sup>

\* \* \*

Қилсам ажаб йўқ бўсае ул лаъли шаккардин тамаъ,  
Ким айламасларум бори эл оби кавсадрин тамаъ?<sup>690</sup>

Доим гар ўлсанг устувор,<sup>691</sup> эйким, муҳаббат расмида,  
Қилма вафоу меҳрни расмини дилбардин тамаъ.

Ушишоқ ёри қоматин қучмоқға томеъ<sup>692</sup> бўлғоли,  
Қилғон киби бордур самар сарв ила ар-ардин тамаъ.

Ул сангдилни шафқату лутфин тиласен гўйиё,  
Айлаб мусулмон шевасин бераҳм кофардин тамаъ.

Ул маҳни зулфи бўй аро рашки мушк бордур, нечук —  
Ман айлагаймен бўйи хуш беҳуда анбардин тамаъ...

Хушхўйлиқни пеша қил гар айлар эрсанг, эй Аваз,  
Иzzат била ҳурматни сан бу аҳли кишвардин тамаъ.

\* \* \*

Ортар хуморим; айлабон ёр йлгидин соғар тамаъ,  
Фаввос<sup>693</sup> осоким, этар сув остидин гавҳар тамаъ.

Қон ўлди бағрим бу кеча, аҳбоб хайли, оҳким,  
Соқийи гулрў давридин айлаб майи аҳмар<sup>694</sup> тамаъ.

Ўлмакка етдим бу нағас бир нозанини шўхни  
Мужгонидин айлаб мани бехонумон ништар тамаъ.

Ул дилрабоким бордуур мандин гурезон<sup>695</sup> этгучи,  
Лаълидин айларман нечук нўш айламак шаккар тамаъ.

Лаълидин этсам мултамас гар бўсае минг ажз ила,  
Қилма дегусидур манго ул лаъли жонпарвар тамаъ.

Ул хўбларнинг шоҳидин комим тилар эрсам, не тонг,  
Шаҳдин гадолар қилғуси, албатта, сийму зар тамаъ.

Найлай, Авазким, чекмайин асрү малолат базм аро,  
Ортар хуморим айлабон ёр илгидин согар тамаъ.

\* \* \*

Гўё манингдек бир пари ишқида бордур зор шамъ,  
Ҳар тун этар бошдин оёқ сўзу гудоз изҳор шамъ.

Аҳроб эли, базмимда ул шамъи шабистон бўлмаса,  
Ёрутмагай тийра шабим ёқғон била бисёр шамъ.

Келса ул ой очиб юзин тортиб хижолат бегумон,  
Ламъа<sup>696</sup> солурдин базм аро бўлғой эди бекор шамъ.

Ҳар кеча тинмай риштам жони ёнар, андоқки ман,  
Бешак эрур бир ёрнинг ҳижронига дучор шамъ.

Базм ичра роҳат партавин солғойму эрди, ваҳ, агар —  
Токим куюб еткурмаса ўз жонига озор шамъ.

Зулфини торин юз ўза кўрсанг паришон ўлмаким —  
Равшан бўлурму маҳфилинг, гарчи эса бетор шамъ?<sup>697</sup>

Жисмини ҳар шаб сарбасар фурқатнинг ўтиға ёқар<sup>698</sup>  
Ёким Аваз ёнглиғмудур бир ошиқи дийдор шамъ?

\* \* \*

Қијғунча то ман ҳамул Исонишон бирла видоъ,  
Қошки қијғой эдим, бу хаста жон бирла видоъ.

Даҳр ошўби солур бошимга ул дам рустахез,  
Айласам ногаҳ ҳамул шўхи жаҳон бирла видоъ.

Зарра ёнглиғ музтариб эрсам, не тонгким, қилмишам —  
Орази ҳусн авжида хуршидсон бирла видоъ.

Юз агар саҳроға қўйсам, не ажабким, эй рафиқ,  
Токи қилдим ул моҳи Қанъониён<sup>699</sup> бирла видоъ.

Қумриосо ўзни нолон айламакка айладим,  
Ул нигори қомати сарви равон бирла видоъ.

Гулрухим бирла видоъ айлаб қолибман, эй рафиқ,  
Булбул этгандек дай<sup>700</sup> ичра гулистон бирла видоъ.

Йиғламай наилай Авазким, ул паривашлар шаҳи —  
Қилгусидур ман ҳазини бағри қон бирла видоъ.

\* \* \*

Тараҳҳум қил мангоким, ошиқи зорингман, эй гулрӯ,  
Саросар қайди ишқингга гирифтордингман, эй гулрӯ.

Висолинг шаҳди бирла кел танимга бергали қувват,  
Ки ҳижронинг аро бир умр беморингман, эй гулрӯ.

Топай то ишрату ҳаззу тараб озурда кўнглумга,  
Үпуб гоҳи лабинг, гаҳ-гаҳ рухсоринг ман, эй гулрӯ.

Санго то бўлғоли шайдоу вола нақди жон бирла,  
Матои ҳуснинг эрдим харидоринг ман, эй гўлрӯ.

Рақиб аҳли топиб роҳат висолинг базмида, лекин —  
Фироқ ичра туман меҳнатга дучорингман, эй гулрӯ.

Балоу дард водийсини айлаб сайр сар то сар,  
Кечиб жону жаҳондин, талабгорингман, эй гулрӯ.

Етурқим марҳами васлинг, мани маҳзун Авазосо —  
Фироқинг тифидин яксар дилафгорингман, эй гулрӯ.

\* \* \*

Билинг явми қиёматдур жудолик,<sup>701</sup>  
Дил ила жонға оғатдур жудолик.

Жудолик этмасун ул сиймбарким,  
Саросар дарду меҳнатдур жудолик.

Улумдин ҳам ёмонроқ, эй биродар,  
Манго андин аломатдур жудолик.

Нечук ошуфта бўлмайким, саропо  
Ғаму ранжу балиятдур жудолиқ.

Не ёнглиғ бўлмасун аҳволим абтар,<sup>702</sup>  
Ки кўнглум ичра ҳасратдур жудолик.

Чекиб оху наво беҳуда, эй дил,  
Хаёлот ила фикратдур жудолик.

Аваз айши била ранжини улча  
Бу ёнглиғ ҳадди вуслатдур жудолик.

\* \* \*

Бўл ҳамдам ул дилдорға, айлаб фидо жон, эй рафиқ,  
Шоядки, бўлғойсан даме озоди ҳижрон, эй рафиқ.

Васлиға етмай ишқ эли Мажнун киби субҳу масо  
Айлар фироқи даشتida чашмини гирён, эй рафиқ.

Нахли муродимдин самар тоғум десанг ишқи аро,  
Тутғил рақиби шумдин сиррингни пинҳон, эй рафиқ.

Ман нотавони ҳажр аро тортиб жафолар кўзидин —  
Ул навъким бўлмиш равон ёш ўрнига қон, эй рафиқ.

Жон берса ўлган жисмима, тонг йўқ, Масоҳидек келиб,  
Ширин табассум кўргузуб ул лаъли хандон, эй рафиқ.

Кўб бўлмағил ғамгин агар ўлтурса бир имо била,  
Тиргузуси бўса қилиб лаълидин эҳсон, эй рафиқ.

Ҳарчанд кўргузса вафо ул шўхга маҳзун Аваз,  
Айлар анго ёри ситам расмини чандон, эй рафиқ.

\* \* \*

Токи бир ой ишқи ичра мубталоман, эй рафиқ,  
Тортарам ондин бери юз минг бало ман, эй рафиқ.

Орзуйи роҳати васлини айлаб борҳо,  
Қолмишам андуҳи ҳижрони аро ман, эй рафиқ.

Етмишам ўлмакка бир ой фурқати айёмида,  
Ҳар нафас ичра чекиб турлук жафо ман, эй рафиқ.

Анди-ўқ кўргум жафо бирла ситам беҳадду сон,  
Фош этиб меҳру муҳаббат борҳо ман, эй рафиқ.

Ул тағофил пеша айлар гарчи жавр ҳардам манга,  
Лек қилгум борҳо меҳру вафо ман, эй рафиқ.

Барча олам аҳлининг ҳосил бўлиб коми дили,  
Доимо кому муроди норавоман<sup>703</sup>, эй рафиқ.

Доимо истаб Аваздек марҳами васлин анинг,  
Тиги ҳижрони била қўкси яроман, эй рафиқ.

\* \* \*

Кўз солма ушбу даҳринг шўхига зинҳор, эй рафиқ,  
Ким қилгусидур ул сани минг дарда дучор, эй рафиқ.

Ҳар лаҳза онлар ишваким фош айлар, олам аҳлини  
Ишқи аро қилмоқ учун мафтун ила зор, эй рафиқ.

Васлиға майл этсанг агар юз зулм ила ўлтургуси,  
Мойил аларға бўлмайин бўлғил хабардор, эй рафиқ.

Гар истар эрсанг даҳр аро топмоқлик иззу эътибор,  
Ул бевафолар кўйида қилма ўзинг хор, эй рафиқ.

Сиз бирла бизни қилғали доим фирибиға асир,  
Кўрким тағофил расмини қилғуси изҳор, эй рафиқ.

Ҳийлалариға алданиб олам элининг аксари,  
Тун-кун санингдек васлиға бордур талабгор, эй рафиқ.

Бўлмуш Аваз бир дилрабо ишқига зору мубтало,  
Ўзни қилурға беадад ғамға сазовор, эй рафиқ.

\* \* \*

Бўлса мақсаду муродинг субҳи вуслат, эй рафиқ,  
Етса сабр айла баногаҳ шоми фурқат, эй рафиқ.

Боқмагил ҳаргиз талабнинг роҳида оқил эсанг,  
Келса ҳам бошингға юз минг навъ оғат, эй рафиқ.

Шиквае қилма ниғоринг илгидин кўйи аро,  
Етса ҳам ҳар нечаким санги маломат, эй рафиқ.

Ошиқи содиқ эсанг чин солмағил қошинг уза,  
Нозанининг қилса ҳам турлук уқубат, эй рафиқ.

Ҳажри дарди чоҳидин чиқмоқнинг уммиди била,  
Айлагиқ жон борича бу ишда журъат, эй рафиқ.

Тортарам бекаслигу бечоралиғнинг меҳнатин,  
Бошима бу дам бўлуб қойим қиёмат, эй рафиқ.

Гар Авазнинг меҳнату оломи бегоят эса,  
Не ажабким, бор онинг сўнгида роҳат, эй рафиқ.

\* \* \*

Агарчи истагум хўби жаҳонга ошно бўлмоқ,  
Вале билмонки, сўнгра мушқул онлардин жудо бўлмоқ.

Халос ўлгой ҳазин кўнглум нечук тадбирлар била  
Насиби бўлса онинг ишқига гар мубтало бўлмоқ.

Агарчи мойил ўлмоқ шўхлар соригадур осон,  
Валекин қойтадин душвор басо ондин раҳо бўлмоқ.<sup>704</sup>

Жаҳонда рутбаи олий келибдур шодлиғ,<sup>705</sup> гарчи,  
Вале хушроқ манго кўйида ондин ҳам гадо бўлмоқ.

Аё қалби ҳазиним, ҳажрида бўл борҳо ноком,  
Агар истар эсанг васл ичра мақсудинг раво бўлмоқ.

Паризод ила бўлмоқ бо башар мунис не мумкинким,  
Тилар кўнглум ул ойни сухбатида борҳо бўлмоқ.

Аваз, бирига қилмаслар вафо кўб ваъдалар айлаб,  
Равому дилраболарға бу ёнглиғ бевафо бўлмоқ.

\* \* \*

Бўлмишам охир ҳамул маҳбуби жонондин йироқ,  
Бўлғунча андин йироқ, бўлсам эди жондин йироқ.

Не ажаб гар лол эса шому саҳар ичра тилим,  
Ким бўлубдурман ҳамул шўхи сухандондин йироқ.

Қумриосо айласам оҳу фифонлар не ажаб,  
Ким эрурман бир қади сарви хиромондин йироқ.

Гарчи ул бегонавашға истадим бўлмоқ қариб,<sup>706</sup>  
Лекин ўлдим мажмуи аҳбобу ёрондин йироқ.

Айлаб аҳдимга вафо бўлдим мени бехонумон,  
Ул нигори шўхи ҳам аҳди ёлғондин йироқ.

Бу замон ўлмиш ажойиб бир замонким, эй Аваз,  
Бўлғонига борҳо ман зору ҳайрондин йироқ.

\* \* \*

Найлайки, минг андуҳ била ғамға дучор этти фироқ,  
Ҳам кўзларимга бу ёруқ оламни тор этти фироқ.

Айлаб қарору тоқатим маъдум юз минг шавқ ила,  
Озурда жиссим сарбасар зору низор этти фироқ.

Кулбамга ул хўблар шаҳи бир келмакини истабон,  
Телмуртуруб ҳар ён кўзум кўб интизор этти фироқ.

Нутқимни лолу дийдаи гирёнимни ҳайрон этиб,  
Сирри ниҳоним халқ аро, ваҳ, ошкор этти фироқ.

Фаттон кўзию қошларин фикри била бу навъким,  
Қаддимни ҳам, жону дилим ҳам беқарор этти фироқ.

Рұксори бирла қоматин ёдида, найлай, рўзу шаб —  
Қумрию булбулдек ишим фарёду зор этти фироқ.

Кўймай дилимда, эй Аваз, бир зарра орому шикеб,  
Найлайки, минг андуҳ била ғамға дучор этти фироқ.

\* \* \*

Ўлтуур эмди мани дарди фироқ,  
Сани кўрмакликка айлаб муштоқ.

Солғоли бошимға гардун офат,  
Солғуси, ваҳ, мани сандинки йироқ.

Борма ағёр сори, эй моҳким,  
Юзида бордуур осори нифоқ.

Бўйла Мажнуни биёбонманким,  
Тўлғуси шуҳратим ила оғоқ.

Не хуш айём эди айёми висол,  
Тузулуб ўртада қонуни висоқ.

Эй муганний, бу нафасда тузгил,  
Зер этиб аро «Сегоҳ» у «Ироқ».

Назм айтурда Табибийдек эсам,  
Эй Аваз, мажмаи шоир аро тоқ.

\* \* \*

Ёриға зоҳир этиб меҳру вафолар ушшоқ,  
Чеккуси шому саҳар жавру жафолар ушшоқ.

Қадду рухсорини ёди била гар қилса, не тонг,  
Булбулу қумри киби оҳу наволар ушшоқ.

Ёрлар ғайри била гарчи қилур айш, vale —  
Тортадур фурқат аро дарду балолар ушшоқ.

Борҳо меҳнату олом чекиб ҳажр ичра —  
Қўрадур турфа ғаму ранжу анолар ушшоқ.

Тарки ишқ айламагай васлини уммиди била  
Чекса ҳам заҳри ғам жоми тўлолар ушшоқ.

Борча ранжини чекиб маҳвashi дилдорига —  
Демагай ҳар не деса, чуну чаролар ушшоқ.

Эй Аваз, ҳажр аро ноком ўлурин фаҳм эт,  
Қойда бўлғой эдилар коми раволар ушшоқ?

\* \* \*

Кимга ичурса бу кўҳан дайр ичра саҳбои ишқ,  
Айлар дамодам маст этиб олам аро расвои ишқ.

Икки жаҳоннинг мулки ҳам маъмур бўлғуси дурур,  
Бузғон кишига кишвари жонини сарто пои ишқ.

Тилга не мумкин олмоқи кавсар била ҳайвон сувин,  
Бу маҳфил ичра бир йўли нўш айлаган мийнои ишқ.

Лекин суманбарлар ики зулфи сори қилма назар,  
Гарчи бошимға тушмасун, десанг агар савдои ишқ.

Қилгунг таажжублар мани ҳолим кўруб, эй булҳавас,  
Эркансан ушбу бебақ оламда беларвои ишқ.

Кечмак санго лозим эрур номус бирла ордан,  
Эйким, гар ўлмоқ истасанг доим қадаҳпаймои ишқ.

Бўлгой Аваздек ҳуш ила сабру қароридин жудо,  
Кимга ичурса бу кўҳан дайр ичра гар саҳбои ишқ.

\* \* \*

Оҳким, бу базм ичра ул бути дилоро йўқ,  
Не ажаб эрур манда сабр ила шикебо<sup>707</sup> йўқ.

Қумридек не тонг қилсам нолау наволарким,  
Ул қади назокатда мисли сарву тўбо йўқ.

Билмадим не иш бўлди мажлис аҳлиға, ёраб,  
Май ичай десам, бу дам соғар ила саҳбо йўқ.

Бандадур жамолига лолау гули аҳмар  
Гулистон аро мендек андалиби шайдо йўқ.

Севмишам они ўйла мажмуъи жаҳон ичра,  
Эй Аваз, ул ой ёнглиғ шўхи беҳжатафзо йўқ.

\* \* \*

Бирровким, ишқ аро бўлса асиру зор ман ёнглиғ,  
Иши чекмақ ҳамиша бўлғуси озор ман ёнглиғ.

Деманг Фарҳоду Вомиқ қиссасинким, тиги ғам бирла  
Қачон онларни бўлмиш сийнаси афгор ман ёнглиғ?!?

Магар бир гулни ишқида эрур булбул доги шайдо,  
Ким айлар рўзу шаб фарёдлар изҳор ман ёнглиғ?!?

Гар ўлса ҳажр аро бу дарду меҳнатким чекарман мен,  
Илоҳо, бўлмасун ҳеч ким анго дучор ман ёнглиғ!

Ким ўлса бу ситамгар чашми жоду ҳуснига вола,  
Бўлур албатта ҳажр ичра кўзи хунбор ман ёнглиғ.

Гар этмас эрса ҳар хуршидваш ҳуснин таманносин,  
Нечун саргаштадур бу гунбади даввор<sup>708</sup> ман ёнглиғ?!

\* \* \*

Нечук ҳайратдадур ул наргиси бемор ман янглиғ,  
Бўлубдур ё ўзидек ўзга элга зор ман янглиғ.

Агарчи ул кўзи жаллод осо дилрабо бўлмас,  
Вале оламда йўқдур сийнаси афгор ман янглиғ.

Магар ул зулмгустар гўша тутмиш хилвати ичра,  
Висолидин хушоким, айрилур ағёр ман янглиғ.

Қабоқин бўс қилғоч хаста кўнглум завқ этиб айди:  
— Не яхшиким қилур бодом ила ифтор ман янглиғ.

Фигонким, борҳо жавру жафо чеккусидур ошиқ,  
Вафову меҳр расмини қилиб изҳор ман янглиғ.

Ҳамул ой изида бўйла гаронжон бўлмасанг, эйким,  
Нега ўткардинг умрингни бўлуб бекор ман янглиғ.

Аваз албатта бўлғай табъи нозик, хотири ношод,  
Деса субҳу масо ҳар кимса гар ашъор ман янглиғ.

\* \* \*

Бори ишдин экан мушкил жудолиғ,  
Ғаму дарду балога мубталолиғ.

Тушуб бошимга ҳижрони балоси,  
Бўлубдурман туман минг ибтидолиғ.

Ҳаманинг ҳосил ўлғуси муроди,  
Вале бир ман муроди нораволиғ.

Қилурман кўйи ичра васлин истаб,  
Ҳамиша, эй биродарлар, гадолиғ.

Олур жонимни бу соатда, ёраб,  
Фироқи эрди билмон не балолиғ.

Аваз, ағёр хайликим адувдур,<sup>709</sup>  
Алар бирла сан этма ошнолиғ.

\* \* \*

Ёмондур асру, эй жонон, жудолиғ,  
Ки мандин олғусидур жон жудолиғ.

Не ким оламда мушкил мушкил андин,  
Биродарлар, деманг осон жудолиғ.

Манга қайгу солурға қилди зоҳир,  
Ки то ул ваъдаси ёлғон жудолиғ.

Билурсан ёринг эса ошқоро,  
Санга беҳадду бепоён жудолиғ.

Басе ашк ўрнига гирён кўзимдин  
Оқизғуси ҳамиша қон жудолиғ.

Вафосизлиғ қилиб ул дилбар этти,  
Ман этсам аҳд ила паймон, жудолиғ.

Аваз, ўлсам мұяссар бўлмайин васл  
Қўяр кўнглимда минг армон жудолиғ.

\* \* \*

Фироқ ичра эрурман хастажонлиғ,  
Туман минг оҳу фарёду фиғонлиғ.

Малул ўлмай нечук, аҳбоб эликим,  
Дилоромим қилур номеҳрибонлиғ.

Не тонг, кўнглум қуши гар бўлса қумри,  
Ким онинг қомати сарви равонлиғ.

Не тонг, кўнглум гар ўлса зарраосо,  
Юзи бордур онинг хуршидсонлиғ.

Гумоне қилма мандин, эй кишиким,  
Жудо имондин ўлғай бадгумонлиғ.<sup>710</sup>

Малоҳат Мисри ичра, эй биродар,  
Ҳамул маҳваш эрур Юсуфнишонлиғ.<sup>711</sup>

Аваз, оқил эсанг, кўнглингни берма,  
Бу дунё ишратидур бир замонлиғ.

\* \* \*

Эй кўнгул, эрмас бу олам мулки жойи шодлиғ,  
Ким онинг хайлиң бориси зулм ила мўътодлиғ.

Они шўху нозанину дилрабо дилбарларин —  
Кўзларига иш давомат шеваи жаллодлиғ.

Даҳр арўсиға кўнгул берган киши бир умр аро  
Топмагай кому муродин, айлабон домодлиғ.<sup>712</sup>

Тешай зулм ила доим хотирим вайрон ўлуб,  
Лутф меъмори била ҳеч топмади ободлиғ.

Тарки уммиду мурод эт, эй гарибу бенаво,  
Истасанг топмоқ маломат қайдидин озодлиғ.

Они сарви қадлари сориға ким майл айласа,  
Қилғусидур борҳо қумри киби фарёдлиғ.

Чархким бир золими жавру жафогустар әрур,  
Эй Аваз, йўқ бўлмағон онинг қўлидин додлиғ.

\* \* \*

Оҳким, айлар мани дил хастани дилдор доғ,  
Айлабон субҳу масо ҳижрон аро бемор доғ.

Не сифат бўлмай давомат бекарору номурод,  
Ким мани қилғуси доим раҳм қилмай ёр доғ.

Не ажабким, гар эсам ғамгину мискину ҳазин,  
Ер ила сухбат қилиб айлар мени ағёр доғ.

Бек эмас гар муддаий васл ичра доғ этса мани,  
Ким қилур булбулни гулшан саҳни ичра хор доғ.

Ҳасрату дардинг, не тонгким, бўлса кун-кундин фузун,  
Ерға бўлмай әруман маҳрами асрор доғ.

Айб қўлманглар эсам, гар нотавон, айлар мани —  
Айлабон зулму ситам ул кўзлари хунхор доғ.

Ман нечук ношод бўлмай бўйла субҳу шомким  
Ишқ ўтидин, эй Аваз, кўнглумда бор бисёр доғ.

\* \* \*

Фарёдким, жону дилим оломи ҳижрон этти дөғ,  
Гирён этиб икки кўзум, бағрим тўла қон этти дөғ.

Дөғ ўлса яксар лоладек хотир манго эрмас ажаб,  
Ким ушбу дард ила алам жонда намоён этти дөғ.

Не айб, дөғ ўлса манго кўнгул саросар келмайин,  
Ким ушбу тун ичра мани ул чашми фаттон этти дөғ.

Тонг йўқ, чу ман бечоралиғ изҳор қиласам борҳо.  
Ким они кўйида мани хайли рақибон<sup>713</sup> этти дөғ.

Эйким, не тонгким кўзума тийра жаҳон юз очмайин,  
Хусн авжида ул орази хуршиди тобон этти дөғ.

Эрмас ажаб мискин эсамким бермайин коми дилим,  
Бу тун мани дилхастани, яъни фалонжон этти дөғ.

Ағёр ила ўйнаб-кулуб бир дилбари номеҳрибон,  
Қалб ила жонимда қўюб қўб доғи пинҳон, этти дөғ.

Васли умидига мани еткўрмайин бу кўҳна чарх,  
Фурқат қаро шоми аро кўнглумда армон этти дөғ.

Инглар эсам не айбким, ман зору маҳзун, эй Аваз,  
Қилмас вафо ёр, айлабон аҳд ила паймон, этти дөғ.

\* \* \*

Ваҳ, умрим ўтди бўлмайин бир лаҳза меҳнатдин фароғ,  
Гардуни вожун<sup>714</sup> этмайин ранж ила кулфатдин фароғ.

Афлок ила даҳр аҳлидин ҳар дам етар оғат манга,  
Алқисса, бўлмон лаҳзасе ман хаста заҳматдин фароғ.

Ҳар бир машаққат кейнидан роҳат келур, дер эрдилар,  
Етгуси шиддат гар дами топсам машаққатдин фароғ.

Гар етса аъдодин ситам, аҳбоб қилмас ёрлиғ,  
Бўлғонлиғ авто бу сифат аҳбобу улфатдин фароғ.

Топди фароғат қолғон эл ҳар бир балову ранж аро,  
Бир ман тополмай қолмишам ранжу балиятдин фароғ.

Эй дилбари оромижон, келгил бери, васлинг била,  
Топсун Аваз бир умрлик андуҳи фурқагдин фароғ.

\* \* \*

Олса қўлига базм аро гар ул лаби майгун қадаҳ  
Файзу нишоту айшимиз бешак қилур афзун қадаҳ.

Махмур ўлубман даҳр аро ёри гуландом илгидин,  
Кўнглум тилар, бўлса эди, ул навъким гардун қадаҳ.

Бўлғил қадаҳнўш, истасанг соф айламаклик хотиринг,  
Ким пок этарда эл дилин чиркин эрур собун қадаҳ<sup>715</sup>

Ҳижрон балоси бошима қилса ҳужум, эй дўстлар,  
Ошом этарман бу кеча то бўлғуча мажнун қадаҳ.

Ичгил қадаҳ зинҳор агар жаҳлингни дафъин истасанг,  
Ким қилғуси ҳикмат аро жоҳилни Афлотун қадаҳ.

Эй кимса, ёрон базмида ичмакдин этма ижтиоб,  
Гар ногаҳон тутса санга бир қомати мавзун қадаҳ.

Ман рашк этиб қон йигламай найлайки доим, эй Аваз,  
Ёрим билан нўш этгуси ағёри шуму дун қадаҳ.

\* \* \*

Билмон, қаю ойни ғами ишқида бўлмиш зор субҳ,  
Ким ҳар кун айлар элга бир доги ниҳон изҳор субҳ?

Чиқгуси кун юлдуз ботиб ё бир асири дарди ишқ,  
Ман телба ёнглиғ чеккуси бас оҳи оташбор<sup>716</sup> субҳ?

Аҳли мамот эҳё агар бўлса тонг эрмас<sup>717</sup> субҳидам,  
Ким зикри лаъли ёрни қилғусидур тақрор субҳ.

Ишқ икра дөғин кўргузуб қилғуси содиқлик аён,  
Эл субҳи козиб<sup>718</sup> дер эди ё қилди андин ор субҳ?

Кўргил, нечук ошиқдурур бир меҳр васлий йўлида,  
Сарғ этгуси шабнам киби сонсиз дури шаҳвор субҳ.

Нўш айлар эрдим тинмайин саҳбои гулгун, эй рафиқ,  
Бўлса манго ҳамдам агар ул маҳвани дилдор субҳ.

Илгим нетарсан орзу айлаб фалак хуршидини,  
Гар эрса ёри мунисинг бир нозанин ёр субҳ.

Фофиллиғ этма ғолибо бадмастни гардун иёр,<sup>719</sup>  
Даҳр аҳлин уйқудин қилур ул навъким бедор субҳ.

Келса ҳамул ораз қуёш эрмас ажаб, чекдинг Аваз,  
Ким нолау фарёд ила оҳу бисёр субҳ.

\* \* \*

Зиҳи, дегач ул ой эъжоз ила қалом фасеҳ,  
Улук баданлара жон берди ул сифатки Масеҳ.

Не навъ бермагуси жон мазоқига лаззат  
Сўзики, гар эса рангину ҳам лазизу малеҳ.

Не айб сўз десам охир таваҳҳум этгайму  
Демакда шаҳни қошида гадо ҳадиси сареҳ.<sup>720</sup>

Ҳамул суманбару дилбарни жонфизо лабидин,  
Қаю қаломки ози баёнға келдӣ саҳеҳ.<sup>721</sup>

Нетайки шамсу қамарни, нигорима бордур —  
Қамоли авжи сабоҳат аро жамоли сабеҳ.<sup>722</sup>

Қуёш уёлди бўлуб заррадек қошида, не тонг,  
Ядини гар яди байзо<sup>723</sup> қилсалар таржеҳ.<sup>724</sup>

Аваз, нигорим эрур хўбларни султони,  
Дегумдурур они ҳақида ман не навъ мадеҳ.<sup>725</sup>

\* \* \*

Ул шўхнинг лаъли мангодур оби ҳайвондин малиҳ,  
Не оби ҳайвон, балки жиссимишдоги жондин малиҳ.

Жону кўнгулга, эй рафиқ, ул маҳни ширин сўzlари —  
Ҳар неки оламда малиҳ эрса, эрур ондин малиҳ.

Ҳарчанд ачиғ дашном ила жавру ситамлар қилса ҳам,  
Ҳеч бўлмагай оғоқ аро ошиқға жонондин малиҳ.

Жон нақдини, тонг йўқ, бериб олсам лабидин бўсаким,  
Топғой қачон олғон киши кўб нархи арzonдин малиҳ.

Гулзор сайрин найлайн, ваҳ, айлабон, эй боғбон,  
Ким кўйи онингдур манго фирдавси ризвондин малиҳ.

Филмону ҳур авсофидин сўз дема, эй воиз, манго —  
Ким ул малаксиймодурур ҳур ила филмондин малиҳ.

Назм аҳли ичра, эй Аваз, мажмуъи шоир дафтари —  
Эрмас Табибий йигнағон абёту девондин малиҳ.

\* \* \*

Манго қилма маломат кўб тариқи ишқ аро носиҳ,  
Магар тушмай дуур бошингға ондин можаро носиҳ?

Қилиб ваъзу насиҳат, зоҳир асру қилмоғил бўйла —  
Совуқ сўз бирла кўнглумни мушавваш<sup>726</sup> борҳо үосиҳ.

Манго сан, ишқ таркин қил, дебон панд этмаким ҳаргиз —  
Раво кўрмасдуур үзга они аҳли вафо носиҳ.

Билур эрдинг фуюзи<sup>727</sup> ишқти ман нотавон ёнглиғ,  
Сани ҳам бир пари ишқига қиласа мубтало, носиҳ.

Агарчи ошнолиг эрса осон хўблар бирла,  
Валекин сўнгра бас мушкилдуур бўлмоқ жудо, носиҳ.

Нетайким, ихтиёрим билкул ул дилбарни илкида,  
Дегунгдур рост, оре, ишқ дарди бедаво, носиҳ.

Агарна ишқ таркин қилмасанг, май таркини қил деб,  
Қилур бўлдингму бас огози нодонлиғ яно носиҳ?

Шабоб айёми<sup>728</sup> ҳам фасли баҳору мавсуми ишрат,  
Нечук ичмай мани бедил<sup>729</sup> шароби жонфизо, носиҳ?

Авазким, бевафо маҳбубларга ошно бўлмиш,  
Илоҳо, сан ҳам ўлғойсан аларға ошно, носиҳ!

\* \* \*

Юзингдек пуранворму хуршиду моҳ?  
Сочингдекму мушк ила анбар сиёҳ?

Қим ар ўлса икки қўзинг нозири,  
Санго ошиқ ўлғуси беиштибдоҳ.

Тараҳхум манго айла, эй шўхким,  
Фироқингда бўлмишдур ҳолим табоҳ.

Жамолингни хуршидини ёд этиб,  
Юзумдур ғами ҳажр аро мисли коҳ.<sup>730</sup>

Аё нозанин, чунки халқ айламиш —  
Сани бўйла марғуб сунъи илоҳ.

Қачонким сочинг тушса гар ёдима,  
Бошимға чекар фикри савдо сипоҳ.<sup>731</sup>

Аваз, сан киби ранжу меҳнат чекар,  
Кишиким эса шонри интибоҳ.<sup>732</sup>

\* \* \*

Бўлса дамсозинг агар бир юзи гул шому сабоҳ,  
Тинмайин бир нафақ онинг қўлидин ич қадоҳ.

Жидду жаҳд айламасанг мумкин эмасдур асло  
Айламаклик санга мақсад арусини никоҳ.

Эйки, ошоми қадаҳ қилки, бу дам пири муғон,  
Берди фатво деюбон, майни йигитларга мубоҳ.<sup>733</sup>

Офату меҳнат эрур бошдин-оёқ олам аро,  
Истасанг роҳати бегоят агар ичгил роҳ.

Бўлмишам ожизу дармонда тараҳҳум айлаб,  
Оч муродим эшигини юзума, ё Фаттоҳ.<sup>734</sup>

Арсаи даҳр аро ҳайрат тенгизин сайд қилур,  
Қиштии<sup>735</sup> кулфату офатга ким эрса маллоҳ.<sup>736</sup>

Эй Аваз, айшу ҳараф қилмоқ ўлур эрди ишинг,  
Бўлса дамсозинг агар бир юзи гул шому сабоҳ.

\* \* \*

Дар боғ гулҳо як тараф, он рўи ҳумро як тараф,  
Дар ишқ булбул як тараф, он зори шайдо як тараф.

Девонавор афтодаам дар қўи он Ширин лиқо,  
Як сўст хайли ошиқон, ман хаста танҳо як тараф.

Сабру хирад бошад адам аз меҳнати ҳижрони ў,  
Таъни рақибон як тараф, ин ибтилоҳо як тараф.

Дар маърази ҳусну жамол бо ғамзау ғанжу далол,  
Мажмуъи хубон як тараф, он моҳсимо як тараф.

Моро ҳамон, дам носеҳо, аз оби кавсар дам мазан,  
Соқии гулрӯ як тараф, гулранг саҳбо як тараф!..

Ваҳ, чун кунад маҳзун Аваз андар жаҳон к-он дар сараш,  
Ошўби дунё як тараф, ғамҳои уқбо як тараф!<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Мазмуни: боғда бир томон гуллар, бир томонда ўша гул юзли. Ишқида бир ёнда бүлбул, бошқа томонда бу интизор шайдо эди. У ширин юзлининг кўчасида девоналарча йиқилдим: бир тарафда ошиқлар гуруҳи, бир ёнда мен хаста эдим. Унинг ҳижрони азобларидан сабр ва ақли тамом тугар экан, бир томонда ағёrlар таънаси бўлса, иккинчи томонда бу мубталолик. Нозу карашмалар билан ҳусну жамолининг кўринадиган жойида бир ёнда барча яхшилар, у ой юзли яна бир томонда эди. Гул юзли соқий ва яна гулранг май турганда, эй насиҳатгўй; бизга кавсар сувидан сўз очмагин! Эй воҳ! Бошида дунё ғавғоси ва яна жазо ғамлари бўла туриб, ҳазин Аваз жаҳонда яна шунаقا ишлар билан овора.

## МУЛАММАЛЬАР

Олур жон юз кишидин чашми фаттон инчунин бояд,<sup>737</sup>  
Берур руҳ минг ўлукка лаъли хандон инчунин бояд.

Ниҳоятсиз кўнгул банди буд ҳар тори гесўяш,<sup>738</sup>  
Бу ёнглиғ шўхға зулфи паришон инчунин бояд.

Хижил бўлди юзидан маҳлиқои даҳр сарто сар,  
Жамоли мисли хур shedи дурахсон инчунин бояд.

Малюҳат шаҳрида шаҳ гашт он офати жон имрӯз,  
Муборак бўлсун ушбу мулки султон, инчунин бояд.

Хазондек эрди, эй жону дилим айёми ҳижронаш,  
Бўлуб васли била базмим гулистон инчунин бояд.

Фараҳ кўйида этти баски моро, эй биродарҳо,  
Муфарриҳ раҳотафзо, боги ризвон инчунин бояд.

Аваз, бир ишва гар қилса чу он чашми сияҳ, гулруҳ.  
Олур жон юз кишидин чашми фаттон инчунин бояд.

\* \* \*

Ваҳки, ул париваш аз чашми мо чу пинҳон шуд,<sup>739</sup>  
Мани ҳазинга бу олам ҳамчу тийра зиндон шуд.<sup>740</sup>

Онсизин, аё бедард, ҳоли ман чи мепурси?<sup>741</sup>  
Сабру ҳуш ўлуб маъдум, хотирам паришон шуд.<sup>742</sup>

Этгали гирифтари бўсан лабаш моро,<sup>743</sup>  
Ваъда айлабон ул шўх баъд аз он пушаймон шуд.<sup>744</sup>

Истама вафо, ҳаргиз нест жуз жафо ҳосил,  
Ҳусн элидин, эй ғофил, буданаш на имкон шуд.

Зоҳидо, гули жаннат гар туро таманно буд,<sup>745</sup>  
Кўр узори ҳумросин рашки боғи ризвон шуд.

Сунгали манго соғар, соқиё, биёр саҳбо,<sup>746</sup>  
Чунки дарди ишқимға он даво ё дармон шуд.

Фурқати ғами ичра карда борҳо фарёд,<sup>747</sup>  
Бу Авазға икки кўз субҳу шом гирён шуд.<sup>748</sup>

\* \* \*

Базмим аро айлаб карам, эй дилрабо, хуш омади,<sup>749</sup>  
Жон садқангиз бўлса, не тонг, сад<sup>750</sup> марҳабо, хуш омади.

Равшан құлурға васъ ила зулмоти шоми ҳажр аро,  
Шамъи тирози мажлиси ушшоқҳо хуш омади.<sup>751</sup>

Доим эдим ноком ман, эй маҳ, з-андуҳи фирғ,  
Коми муродим қилғоли имшаб раво хуш омади.

Солиб йўлинг сорига кўз чун интизор аз ҳад гузашт,<sup>752</sup>  
Эй нурбахши дидай гирёни мо, хуш омади.

Авжи малоҳатда маҳу чун меҳр бинмуда хиром,<sup>753</sup>  
Ерутголи шоми гáмим, эй маҳлиқо, хуш омади.

Ушшоқ хайлин қилғоли аз чашми фаттонат мамот,  
Боқиб қиё зоҳир қилиб нозу адo, хуш омади.

Кулбангга ул шўх, эй Аваз, ояд зи баҳри куштанат,<sup>754</sup>  
Жону дилинг бирла дегил: «Жоно, басо хуш омади».

## МУСТАЗОДЛАР

Ҳижронинг аро сенсизин, эй маҳваши дилбар,  
Оlam менга зиндан,  
Бошимға солур зулм ила минг шўриши маҳшар  
Бу гунбази гардон.

Бир Лайли шамойил ғамида бўлмишам аҳбоб,  
Мажнуни биёбон,  
Юз ҳасрат ила тортиб алам ожизу музтар,  
Йўқ дардима дармон.

Шафқат била кўрмакка ҳазин ҳолими элдин,  
Кел бу кеча пинҳон,  
Ноз ила жамолинг очиб, эй шўхи суманбар,  
Чунким маҳи тобон.

Фурқат кечаси сели бало бирла бўлубдур  
Кўнглим уйи вайрон,  
Меъмори висолинг била бу дамда саросар  
Маъмур қил, эй жон.

Қилғил бу дам, эй холиқи арз ила самовот,  
Не ҳаззи фаровон,  
Қилдинг манга пинҳон бу нафас, эй лаби шаккар,  
Не бўсае эҳсон.

Қилғил бу дам, эй холиқи арз ила самовот,  
Коми дилим ҳосил.  
Алтоф ила эт ҳурмати мажмуъи паямбар,  
Мушкилларим осон.

Ҳижрони қаро шомига, ваҳким, Авазо, бор  
Не ғояту поён,<sup>755</sup>  
Ҳам васлини субҳига анинг ман киби аҳқар,  
Не етгали имкон.

\* \* \*

Чекмакдур ишим дарду ғаму меҳнату олом  
Хижронда давомат,  
Раҳм айлагил, эй ёри қадрдони дилором,  
Бошимда минг офат.  
Гар нозу рахшини майдон аро сурсанг,  
Қатл ўлмайин охир —  
Ушишоқ элидин бир киши, эй кўзлари бодом,  
Қолғойму саломат?  
Булбул била қумрини русумини қилиб соз  
Минг шавқ ила доим,  
Тортарман ўкуш<sup>756</sup> ҳажр аро, эй сарви гуландом,  
Юз нолау ҳасрат.  
Сандин мани дилхастау маҳжуру гаронжон,  
То тушколи айру,  
Бешим аро барпо бўлур, эй маҳвashi худком,  
Ошиби қиёмат.  
Беҳуш бўлуб ёдинг ила келмайин ўзга,  
Номингни қилиб зикр,  
Етмай чекаман уйқуламай ҳажр аро ҳар шом  
Афгону надомат.  
Кимни десалар ишрати кам, меҳнати афзун,  
Оламда ҳамиша,  
Расволиги ошикни бўлуб ҳалқ аро бадном  
Бор ондин аломат.  
Ақл ила хирад кетти чошиб ҳар бири бир ён,  
Девона бўлубман,  
Нўш этгач, Аваз, ёр элидин базм аро бир жом,  
То қилғоли беҳжат.

\* \* \*

Эй икки кўзи қотилу хунхораи жаллод,  
Бераҳму жафожӯ,  
Эрдиму санга жавру ситам ойини мўътод,  
Они қилосен хў;  
Васлингни таманноси мани зору ҳазинни —  
Бечора қилибдур,  
Базмимга очиб юзингни келгил, бир этиб ёд,  
Эй наргиси жоду.  
Фам лашкари соглусидурур бошима ғавғо,  
Хижрон аро сенсиз,  
Қилмоқму бўлур қаҳру ғазаб кин ила бедод,  
Эй золими бадхў?

Манким сани истаб туну кун кўйингга бордим,  
Йўл бермади ағёр,  
Ҳажрингга чидай олмай нетай, эй ҳури паризод,  
Юзлангуси қайгу.  
Юз ҳасрату армон ила бағрини қилиб қон,  
Шомеу саҳарда  
Ҳар лаҳза қилур меҳру вафо аҳлини барбод  
Бу гунбази мину.<sup>757</sup>  
То бўлғоли дучор дузоқи ғами ишқинг,  
Побости жудолиг,  
Кечча била кундуз кўзима, эй кўзи сайёд,  
Бир келмади уйқу.  
Ҳар сўзки, Аваз, риштаи назмингга чекилди  
Қиймат аро бордур —  
Ул тишлари луълуъни қилиб васфини бунёд,  
Ҳар бири бир инжу.

\* \* \*

Гулшанда қадинг воласи, эй сарви хиромон,  
Шамшоду санубар,  
Меҳри рухингга бадр била шамси дурахшон —  
Бир зарраи музтар.  
Ҳижрон тунида тийра кўзумни бўлур этсанг  
Бир лаҳза мунақвар,  
Қил орази хуршиди жаҳонтоб намоён,  
Эй ёри суманбар.  
Мажнунсифат ўлдум бори олам аро расво,  
Ишқингга бўлуб зор.  
Эй Лайливашу гулрухи шоҳаншаҳи хўбон,  
Хўблар санга чокар.  
Фурқат аро ўлсам мани бечорау бекас,  
Андуҳ чекиб аксар,  
Лаълингму берур жон манга, эй лаблари хандон,  
Ё Исо паямбар?  
Ваҳ, не сифат айём эди айёми жудолиг,  
Эй дўсти биродар,  
Офоту балоу ғам эрур беҳадду бесон  
Бошимда саросар.  
Мажмуъи жаҳон хайли, аё дилбари барно,  
Мафтуну асиринг,  
Ҳижронда қилур нолау фарёду афғон  
Ушшоқ эли яксар.  
Монанди Аваз зору гирифторинг эрурлар,  
Эй маҳвавиши дилбар,  
Бу ғамкада ичра бори аҳбоб ила ёрон,  
В-эй шўхи жафогар.

## МУРАББАЛЬЛАР

\* \* \*

Қул десам тонг йўқ ҳамоно Юсуфи Кањон санга,  
Ким бу ёнглиғ ҳуснни бахш айлади субҳон санга,  
Садқа бўлсун, эй гўзал, юз ҳуру минг ғилмон санга,  
Кўрган айлар орзу қилмоқ ўзин қурбон санга.

Эй суманбар, моҳ сиймо, нозперо дилрабо,  
В-эй ситамгар, чашми қотил, киприки ўқ, қоши ё,  
Билмадим эрдинг нечук ороми жону маҳлиқо?  
Кўрган айлар орзу қилмоқ ўзин қурбон санга.

Е сўзинг эрдиму Исо, нотики жонпарвари,  
Е ўзинг эрдингму, де ғилмон, ҳуру ё пари,  
Е жамолинг эрдиму нури тажалли мазҳари,  
Кўрган айлар орзу қилмоқ ўзин қурбон санга.

Топмасун иқболу баҳтинг кавкаби ҳаргиз завол,  
Ҳам топиб ҳуснинг, илоҳи, мундин ортиқроқ камол,  
Эй бори маҳвашлар ичра дилбари соҳибжамол,  
Кўрган айлар орзу қилмоқ ўзин қурбон санга.

Ёрлиғ изҳор этиб базмим аро очиб узор,  
Марҳамат айлаб манга бир бўса бердинг, эй нигор,  
Хоки пойининга, не тонг, жон нақдини қилсан нисор,  
Кўрган айдар орзу қилмоқ ўзин қурбон санга.

Бўлди ишқингға асиру волау ҳам мубтало,  
Жавринг ўтрусида айлаб борҳо меҳру вафо,  
Не ажабким, гар Аваз йўлийгда қилса жон фидо,  
Кўрган айлар орзу қилмоқ ўзин қурбон санга.

\* \* \*

Не ажаб базми ниҳон кўнглума матлуб ўлса,  
Бори асбоб муҳайё, доғи марғуб ўлса,  
Анда сокин кеча-кундуз ҳама хўб ўлса,  
Қани бир ёри вафодори маҳбуб ўлса.

Соғаре тутса ичиб сиймбари нўшин лаб,  
Даф ўлур эрди кўнгулдин ғаму олому тааб,  
Қилғали ҳаззу фараҳ, айшу нишоти тараб,  
Қани бир ёри вафодори маҳбуб ўлса.

Эй рафиқ, ўлмас эдим бўйла ҳазину ғамгин,  
Гули рухсори била еткурубон зебу зин,<sup>758</sup>  
Махғилим файз аро этгали фирдавси барин,<sup>759</sup>  
Қани бир ёри вафодори маҳбуб ўлса...

Бу нафас мұғтанам-ўқ бор эди ҳам жойи фараҳ,  
Бўлса бир лаъли шакар хандаси афзори фараҳ,  
Ишвау ноз била сунгали саҳбойи фараҳ,  
Қани бир ёри вафодори маҳбуб ўлса.

Қелмаса сўргали ҳолини пари тимсоли,  
Мани бекасни ўтар якка, не янглиғ ҳоли,  
Бу кеча маҳғилим ағёрдин ўлмиш ҳоли,  
Қани бир ёри вафодори маҳбуб ўлса.

Айланиб коми маромимча сипеҳри гардон,<sup>760</sup>  
Бодаи гулранг ичиб маст ўлубон ушбу замон,  
Эй Аваз, тонғача айтушғали асрори ниҳон,  
Қани бир ёри вафодори маҳбуб ўлса.

\* \* \*

Рухсори хуршидин очиб ул моҳ сиймо келмади.  
Қилмоқға бу тун маҳғилим фирдавсoso келмади,  
Дилдорлиғ расмин тузуб базмимға танҳо келмади,  
Ошом этарга ман била жонбахш саҳбо келмади.

Ман нотавонни қилғоли юз минг балоға мубтәло,  
Шум муддаиилар хайлиға ёр ўлғусидур борҳо,  
Фарёдким, эй дўстлар, ул нозанини бевафо —  
Ошом этарга ман била жонбахш саҳбо келмади.

Бошимда пайдо айлади беҳадду сон офоту шарр,<sup>761</sup>  
Ғайриға эҳсон айлабон бўса басе шому саҳар,  
Ул дилрабои лабшакар, оромижону сиймбар,  
Ошом этарга ман била жонбахш саҳбо келмади.

Мандин ҳазар қилғусидур ул гулрухи олижаноб,  
Токим рақиб аҳли била нўш этгали гулгун шароб,  
Не навъ ўлмай хотири ошуфтау зору хароб,  
Ошом этарга ман била жонбахш саҳбо келмади.

Гўё бўлубдурму ситам жумла суманбарнинг<sup>762</sup> фани,  
Маҳруми дийдор айлади, эй дўстлар, бу дам мани,  
Қаҳру итоб оғоз этиб ул хўбларнинг аҳсанни,<sup>763</sup>  
Ошом этарга ман била жонбахш саҳбо келмади.

Олди қарору сабр ила ҳушу шикебим фурқати,  
Ким ҳар дам афзун ўлғуси кўнглумни дарду кулфати,  
Ул дилрабои маҳжабин жон ила кўнглум роҳати,  
Ошом этарга ман била жонбахш саҳбо келмади.

Найлай, Аваз, гар келмаса тарк айлабон қаҳру жафо,  
Юз нозу минг ишва била зоҳир қилиб меҳру вафо,  
Меҳмон бўлурға бу кеча ул маҳлико кулбам аро,  
Ошом этарга ман била жонбахш саҳбо келмади.

\* \* \*

Фироқингдин нишоту роҳатим кам, ранжим аксар, кел,  
Бир илкингга олиб саҳбо, бирига доғи соғар, кел,  
Очилмиш ғунчай гул саҳни гулшандга саросар, кел,  
Баҳор айёми сайри боғ этарга, эй суманбар, кел.

Тузар ўз ошиқи бирла мажолис мажмаи жонон,  
Бери кел тузгали ман бирла маҳфил, эй лаби хандон,  
Очилимиш оташин гуллар бўлуб фирдавсек бўстон,  
Баҳор айёми сайри боғ этарга, эй суманбар, кел.

Агар истар эсанг айш айламак, эй гулрухи барно,  
Адову ноз ила саҳни гулистон ичра қил маъво,  
Мани маҳзуни бекас бирла ошом этгали саҳбо,  
Баҳор айёми сайри боғ этарга, эй суманбар, кел.

Висолинг базми бирла ишқ элинни комкор айлаб,  
Вафову меҳр расмини давомат ихтиёр айлаб,  
Рақиби шум хайлидин жудолиг ошкор айлаб,  
Баҳор айёми сайри боғ этарга, эй суманбар, кел.

Аё маҳбуби маҳваш нозпарвар шўҳи маҳ талъат,  
Ниҳон кел муддаийдин ман сорига топсанг ар фурсат,  
Фанимат англабон гул мавсумини қилғали суҳбат,  
Баҳор айёми сайри боғ этарга, эй суманбар, кел.

Аё, ёри қадрдон, ноз перо минг адо бирла,  
Кириб бўстонға сайр эт ман ғариби бенаво бирла,

Агар санда муҳаббатдин асар бўлса вафо бирла,  
Баҳор айёми сайри боғ этарга, эй суманбар, кел.

Авазни ҳамдаминг шаб-рӯз, эй ҳури паризод, эт,  
Висолинг бирла пошоду ғамин қалбин басе шод эт,  
Ани чекмак ишини шавқинг ила оҳу фарёд эт,  
Баҳор айёми сайри боғ этарга, эй суманбар, кел.

\* \* \*

Ғамингдин бўлмишам ранжур, қим тадбири дармоним,  
Сўруб ҳоли паришоним, кўруб ҳам чашми гирёним,  
Қўзимдин оқғуси шому саҳар ёш ўрниға қоним,  
Дилороми нигорим, севдигим, ёри қадрдоним.

Манингдек йўқ бори олам аро ушшоқи ҳайронинг,  
Мамотим мужиби — кин ила нози чашми фаттонинг,  
Ҳаётим боиси ширин қаломи лаъли хандонинг,  
Дилороми нигорим, севдигим, ёри қадрдоним.

Асири доми ишқинг бўлғали сандин жафо кўргум,  
Сани ҳар қайда кўрсам ғайри бирла ошно кўргум,  
Тариқи ошнолиг бирла не сандин вафо кўргум,  
Дилороми нигорим, севдигим, ёри қадрдоним.

Дегил кўнглинг недин бедоду зулм этмакка роғибдур,<sup>764</sup>  
Вафо аҳлидин ар ўлсанг жафо сандин на вожибдур,  
Санингдек нек суратга неку ишлар муносибдур,  
Дилороми нигорим, севдигим, ёри қадрдоним.

Бери кел, ноз ила дилдорлик расмин намоён қил,  
Рақиби бадсиёқни раиқдин бағрин тўла қон қил,  
Манга ҳар дам лабингдин шафқат айлаб бўса эҳсон қил,  
Дилороми нигорим, севдигим, ёри қадрдоним.

Висолинг маҳфилида муддайни комёб этма,  
Мани ғайратнинг ўтиға дилу жоним кабоб этма,  
Вафодору муҳаббатлиғ эсанг қаҳру итоб этма,  
Дилороми нигорим, севдигим, ёри қадрдоним.

Авазким қил тараҳҳум ҳолига, мафтуни зорингдур,  
Бори ушшоқинг ичра ошиқи безътиборингдур,  
Жафо доим кўруб сандин, вафода устуворингдур,  
Дилороми нигорим, севдигим, ёри қадрдоним.

\* \* \*

Мани кўрмакка хуш келдинг, аё маҳбуби жононим,  
Вафодору муҳаббатлиғ, лаби ширин сухандоним,  
Нетонг қурбонинг ўлса нақди имоним, дилу жоним,  
Тараҳхум айладинг, эй хўблиғ Мисрида султоним.

Висолинг орзусидин басе хурсанд эди кўнглум,  
Жамолинг қўргали муштоқу ҳожатманд эди кўнглум,  
Каманди зулфи торинг бирла баским банд эди кўнглум,  
Тараҳхум айладинг, эй хўблиғ Мисрида султоним.

Тутиб расми ситамни ошиқи зорингни ўлтурма,  
Агар эрсанг мурувватлиғ вафодорингни ўлтурма,  
Гирифтординг бўлубдурман, гирифтордингни ўлтурма,  
Тараҳхум айладинг, эй хўблиғ Мисрида султоним.

Бу оқшом ман сари, эй сарви хушрафтор, хуш келдинг,  
Очиб иккӣ кўзинг кўрсатгали дийдор, хуш келдинг,  
Вафову меҳр изҳор айлабон бисёр, хуш келдинг,  
Тараҳхум айладинг, эй хўблиғ Мисрида султоним...

Фидо жонимни айлаб, эй гўзал, ўн (етти) ёшингдин,  
Қилиб бўса юзингдин, гоҳи кўзу, гоҳи қошингдин,  
Нетонгким, садқа бўлсам, айланаб ҳар лаҳза бошингдин,  
Тараҳхум айладинг, эй хўблиғ Мисрида султоним.

Ҳаётим боиси лаъли лаби Исо нишонимсан,  
Нигори моҳ сиймо, нозанини жонажонимсан,  
Вафову лутғ густар, раҳмпарвар меҳрибонимсан,  
Тараҳхум айладинг, эй хўблиғ Мисрида султоним.

Бўлиб эрди басе овора саргардон сўрогингдин,  
Келиб ҳолини сўрдинг, ўргулай бошу оёғингдин,  
Авазга бўса эҳсон айлабон ширин дудогингдин,  
Тараҳхум айладинг, эй хўблиғ Мисрида султоним.

\* \* \*

Хеч киши мандек асири дарди ҳижрон ўлмасун,  
Хотири ошуфтаю чоки гирибон ўлмасун,  
Орзўйи васл бирла чашми гирён ўлмасун,  
Топмайин мақсадуни кўнглида армон ўлмасун.

Бир паривашға бўлуб зору асиру мубтало,  
Булмасун нокомлигдин қалби маҳзун борҳо,

Ман каби, эй дўстлар, ҳеч кимсанинг олам аро,  
Топмайин мақсудини кўнглида армон ўлмасун.

Токи бўлдим бир вафосиз ёрга ёр, эй рафиқ,  
Бўлғали ҳижрон балосиға гирифтор, эй рафиқ,  
Бўлмишам юз навъ офатга сазовор, эй рафиқ,  
Топмайин мақсадини кўнглида армон ўлмасун.

Айлабон шому саҳар ёди руҳи жонон кўзум,  
Тўккусидур тинмайин ашк ўрниға, ваҳ, қон кўзум,  
Демасун ҳеч бир киши дилдорсиз гирён кўзум,  
Топмайин мақсадини кўнглида армон ўлмасун...

Гарчи коғир бўлса ҳам сийминбаридин айрилиб,  
Лек мандек қолмасун маҳпайкаридин айрилиб,  
Мунису ёри қадрдон дилбаридин айрилиб,  
Топмайин мақсадини кўнглида армон ўлмасун.

Билмадим маъво киминг базмида қилмиш дилбарим,  
Нозанину маҳваши фунча даҳон сийминбари,м  
Чиқғали тан кишваридин етти жони музтарим,  
Топмайин мақсадини кўнглида армон ўлмасун.

Ўлтуруб жуз ёр доим ёнида ҳеч кимсанинг,  
Бўлмасун ишқ ўти қалбу жонида ҳеч кимсанинг,  
Эй Аваз, ушбу жаҳон айвонида ҳеч кимсанинг  
Топмайин мақсадини кўнглида армон ўлмасун.

\* \* \*

Кўнглум олдилар, ёраб, шўх чашми фаттонлар,  
Ҳусн ила малоҳатда орази дурахшонлар,  
Ҳол ила хати мушкин, зулфи анбарафшонлар,  
Дилрабову сийминбар, нозанин жононлар.

Фурқатида ишқ аҳлин меҳнатин қилиб афзун,  
Ғам юкининг остида қадларини айлаб нун,  
Файри бирла нўш айлар рўзу шаб майи гулгун,  
Дилрабову сийминбар, нозанин жононлар.

Не ажаб эса чашмим ҳажр шомиким пур об,<sup>765</sup>  
Қўймагусидур манда зарра тоқат ила тоб,  
Фош этиб ниҳоятсиз нозу ишва, эй аҳбоб,  
Дилрабову сийминбар, нозанин жононлар.

Қилғали фироқида субҳ ила масо бемор,  
Ёди орази бирла кўзларим қилур хунбор.  
Оҳқим, мани қилди ишқига асиру зор,  
Дилрабову сийминбар, нозанин жононлар.

Маҳвани паривашлар, дилрабову сиймин тан,  
Базми айшим этдилар, шукр, гайрати гулшан,  
Меҳрдек очиб ораз, кўзларим қилиб равшан,  
Дилрабову сийминбар, нозанин жононлар.

Айлабон мани васли ичра маҳрам ушбу кун,  
Қилғали карам бирла меҳнатим кам ушбу куни,  
Не ажиб манга бўлса ёру ҳамдам ушбу кун,  
Дилрабову сийминбар, нозанин жононлар.

Тонг йўқ, ўлса кўнглумдин рафъ офату меҳнат,  
Килдилар манинг бирла айшу ҳазу беҳжат,  
Эй Аваз, манга айлаб минг вафо била шафқат,  
Дилрабову сийминбар, нозанин жононлар.

\* \* \*

Қани манда, эй дўстлар, ихтиёр?  
Қани базм этмакка маҳбуби ёр?  
Қани жоми саҳбо эсам бадхумор?  
Қани соқийи лабшакар гул узор?

Топорга дили бенавоким фараҳ,  
Қилиб ёр ила борҳоким фараҳ,  
Қилурға бу мавсумда токим фараҳ,  
Қани соқийи лабшакар гул узор?

Қани, қосиддин паёмё манга,  
Етурмакка андин саломе манга,  
Тутарға майи лаълфоми манга,  
Қани соқийи лабшакар гул узор?

Шароб кулли ошомим эрса манинг,  
Чу давлат қуши ромим эрса манинг,  
Май ичмак агар комим эрса манинг,  
Қани соқийи лабшакар гул узор?

Майи ноб ила дафъи олом қил,  
Эса қалбинг ичра неким ком қил,

Табибо, десанг бода ошом қил,  
Қани соқийи лабшакар гул узор?

Аваз, асрү маҳмур эсам, не ажаб,  
Ким ўтди манга бодасиз рўзу шаб,  
Тузарга мажолис керакдур сабаб,  
Қани, соқийи лабшакар гул узор?

## МУХАММАСЛАР

\* \* \*

Субҳу масо чу булбул тортиб фифон, нигорим,  
Ҳажрингда қолмади ҳеч тобу товон, нигорим,  
Бўлғуси кўз ёшимдин ҳолим аён, нигорим  
Ҳолимға йиглашурлар аҳли жаҳон, нигорим,  
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Гаҳ ёд этиб жамолинг олам кўзумга зиндан.  
Гаҳ фикри зулфинг этгач ҳолим бўлур паришон,  
Гаҳ шавқи қоматингдин чеккум чу қумри нолон,  
Гаҳ зикри номинг айлаб ишқим бўлур фаровон,  
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим...

Файрини мақсадича комин рано қилурсан,  
Бу хаастага валекин турлук жафо қилурсан,  
Солиб бошимға савдо, баҳтим қаро қилурсан,  
Шамири рашк бирла кўксим яро қилурсан,  
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим...

Тарқ айлабон жафони бир лаҳза, эй ситамгар,  
Базми висолинг этгил ман зорға мұяссар,  
Шамъи жамолинг ила күлбамни қил мунаввар,  
Тутғил лаболаб айлаб гулгун май ила соғар,  
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим...

Қаддинг равона айлаб бөғи латофат узра,  
Очиб гули жамолинг шамшод қомат узра,  
Қилғил хиром маҳдек авжи малоҳат узра,  
Зоҳир карамлар айлаб, турфа иноят узра,  
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Гам, қайғудин дилимни сөзд этарга бу тун,  
Вайронна масканимни обод этарга бу тун,  
Ошуфта хотиримни кел шод этарга бу тун,  
Жонимда меҳр нахлин бунёд этарга бу тун,  
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим...

Май тобидин очилган гулгун узори олинг,  
Гул қилди ўзни садқа кўргач гули жамолинг,  
Рашкидин ўлди пинҳон Исо фасиҳ мақолинг,  
Топса Аваз, нетонг, жон сўрғоч ҳамон зулолинг,  
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

\* \* \*

Адову ишвау нозу адаб бирла салом айлаб,  
Бу оқшом, маҳвашо, маҳбублиғ расмин низом айлаб,  
Висолинг бодаи гулфомидин масти мудом айлаб,  
Юз очиб келгил, эй маҳваш, қуёш янглиғ хиром айлаб,  
Бошимга солди савдо фурқатинг субҳимни шом айлаб.

Вале ҳайрон ман ўлғум турфа, маҳваш, шитобингға,  
Ҳама нозир ўзини қилғусидур лаъли нобингға,  
Рухи авжи сабоҳат узра рахшон офтобингға,  
Чу сансан ҳусн мулки шоҳиким ҳоки жанобингға,<sup>766</sup>  
Қўяр ҳар лаҳза бошин хўблар ўзни ғулом айлаб.

Не бўлгай гаҳ-гаҳи васлинг била кўнглим қилурға шод,  
Мани маҳзунни доги ишқ хайли ичра қилсанг ёд,  
Ки айларман ҳамиша булбулу қумри каби фарёд,  
Бу раъно қад била гар бога кирсанг сарв ила шамшод,  
Бўлуб банда турарлар бир оёқда эҳтиром айлаб.

Мани мискин ғами ҳижронга етдим, раҳм этиб келгил,  
Малолу дарди бепоёнға етдим, раҳм этиб келгил,  
Тарабнинг базмидин зинданга етдим, раҳм этиб келгил,  
Висолинг истай-истай жонға етдим, раҳм этиб келгил,  
Мани, жоно, муродимға етурмақ илтизом<sup>767</sup> айлаб.

Не қилсанг ошиқингман ихтиёринг, эй суманбар, қил;  
Манга асру вафову меҳр ила шафқатни аксар қил,  
Қилиб кулбамни равшан оразингни оч, саросар қил,  
Жамолинг партавидиён ийд субҳидек мунаввар қил,<sup>768</sup>  
Қарорғон кулбам ичра меҳри анвардек мақом айлаб.

Маониси дақиқу мажмаи алғози жонпарвар,<sup>769</sup>  
Анга эрмас баробар ҳеч бир девон ила дафтар,  
Аваздек сидқидилдин ҳолин изҳорин қилиб аксар,  
Ўқуғил бу газални Өтагаҳий айтибдур, эй дилбар,  
Ўзин зикри лабинг шаҳди била ширин қалом айлаб.

\* \* \*

Қўяр ҳайратда мани, лутф ила ҳолим сўрушинг,  
Тани беморим аро шавқ ўтини ёндурушинг,  
Турфароқ нозуadolар била бўйнинг бурушинг,  
Жонға ором берур жонда алифдек турушинг,  
Кўнглум оромин олур руҳи равоидек юрушинг.

Чун келибсан бу кеча зоҳир этиб расми вафо,  
Не бўлур соати ором гар этсанг, жоно,  
Ки эрур мұғтанам<sup>770</sup> ичмақ қадақи руқ физо,  
Берадур базмима фирдавс каби файзу сафо,  
Юз латофат била гул хирманидек ўлтурушинг.

Айтгил ҳижронинг аро дардима недур чора,  
Раҳм этиб ҳолима, эй қош ила қўзи қора,  
Ки таманийи висолинг била кўксум ёра,  
Қийибон пардан жоним қиласадур юз пора,  
Лаҳза-лаҳза боқибон кўз учидин қиймурушинг.<sup>771</sup>

Не ажаб васл аро ул сандин ўкуш ўргуладур,  
Ки фироқинда анга, ваҳ, не бало ғам келадур,  
Ҳар қачон лаъли лабинг нўкта сори очиладур,  
Танима жон берадур, балки таним жон қиласадур,  
Лаъли жонбахшиң очиб лутф ила нукта сурушинг.

Лабларинг лаззет аро шаҳд ила шаккар бу<sup>772</sup> эса,  
Қоматинг боги назокатда чу аръар бу эса,  
Зулфи шабрангинг ила хатти муанбар бу эса.  
Сунмайин сабрға қолғайму бўюн гар бу эса,  
Кулаҳинг нозу адo гўшасини синдурушинг.

Қўюнг ушбу йўл аро гомингиз, эй жон кўнгул,  
Аваз осо гум этиб номингиз, эй жон кўнгул,  
Кетмагай беҳуда оломингиз, эй жон кўнгул,  
Немати мақсад эса комингиз, эй жон кўнгул,  
Хони ҳуснига боқиб Огаҳийдек телмурушинг.

\* \* \*

Ёр бир йўл кўзларим ёшини силмайдур ҳануз,  
Рашк ила шум муддай бағрини тилмайдур ҳануз,  
Шаҳди лаълидин ўлук жисмим тирилмайдур ҳануз,  
Гунчалар очилди, ваҳ, кўнглим очилмайдур ҳануз,  
Булбул осо хотирим гул майли қилмайдур ҳануз.

Қадди ёдидин чекарман нолаи жонкоҳким,  
Тортиб анвои ситам ҳажр ичра солу моҳким,  
Йўқ менга бир ғамгусору мунису ҳамроҳким,  
Заъф аро ушшоқға ибрат бўлубман, оҳким,  
Қўзга аҳволи низорим ёр илмайдур ҳануз.

Олса жоним не ажаб онинг фироқининг ғами,  
Ким эрур ул маҳ ҳамиша муддаийлар ҳамдами,  
Бовар этгил бу сўзимни гар эсанг хуш одами,<sup>773</sup>  
Пеша айлаб чарх золи тинмайин тун-кун дами,  
Дилбаримча жавр ойининг билмайдур ҳануз.

Бўлғали то оразинг мафтуну зору музтари,  
Бўлмади бир дам балову дард бошимдин бари,  
Қон қилиб ёш ўрнига икки қўзимдин, эй пари,  
Ерни ашким ғарқ этиб зўр этди оҳим сарсари,  
Недин эркантур фалак токи йиқилмайдур ҳануз.

Гарчи бордур олам ичра қошлари шамшир кўп,  
Лек алар қилмас ул ойдек кўнглума таъсир кўп,  
Интизоридин бўлубман ҳажр аро дилгир<sup>774</sup> кўп.  
Ваъдаи васл айлаб эрди — айлади таъхир<sup>775</sup> кўп,  
Ё ибо қилди, ваё ёдига келмайдур ҳануз.

Излаб они, фикр раҳшин ҳар сори сурсам нетонг  
Оҳу, фарёдим ети гардундин ошурсам нетонг,  
Ханжари ҳасратни ҳар дам кўксима урсам нетонг,  
Юз надомат бирла эмди ўзни ўлтурсам нетонг,  
Сажда қилмоққа бошим бир бор эгилмайдур ҳануз.

Васл аро юзланмасун сол ила маҳ<sup>776</sup> саргашталиқ,  
Не ажаб юзланса фурқат ичра гаҳ саргашталиқ,  
Ким Аваз ишқ ичра тортар фақру шаҳ саргашталиқ,  
Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашталиқ,  
Панд қилмаким жунунидин ойилмайдур ҳануз.

\* \* \*

Бўлғали кўнглим санга токим асиру мубтало,  
Шавқу завқингдин ишим чекмак фигон субҳу масо,  
Тоқату ҳушу қарору сабр ўлур мандин жудо,  
Оразу холингни бирдам кўрмасам, эй дилрабо,  
Ўйладурманким, кўрунмас қўзима оқу қаро.

Фикри зулфидин санга юзланса минг савдо, кўнгул,  
Раҳм қилмас ҳолинга найлай дили хоро, кўнгул,  
Қилмайин ўзни бори олам аро расво кўнгул,  
Бошинг ол, кет, ўз пайи вақтингға, эй шайдо кўнгул,  
Ким эмассан хаста жоннинг ҳеч дардига даво.

Кўнглум ўлса доғким, аҳбоб, эрмас бесабаб,  
Васл аро ул ёр ағёри била айшу тараб,  
Рашқдин жонимға ҳар дам юзланур юз минг тааб,  
Гар фироқ айёмининг билман ҳисобин не ажаб,  
Ким юзинг ҳажрида кундуз кеча янглигдур манго.

Бир йўли раҳм айлабон ҳолимға, эй маҳ, қил назар,  
Фам ҳужуми кун-бакуидин айлар аҳволим батар,  
Тушганидин ҳажр аро бошимға минг ошубу шар,  
Барқ<sup>777</sup> эмас оламға юз қўймишдур оҳимдин шарар,  
Раъд<sup>778</sup> эмас гардунға чирмонмиш фигонимдин садо.

Ҳодисоти даҳрдин топмоқ учун токим амон,  
Сарв ила гул соясида айлабон ўзга макон,  
Нўш этарсан айшу ишрат бодасини ҳар замон,  
Умр елдек ўтмасун дебсан магар, эй боғбон,  
Ким яқоси чоксиз гул бутмамиш бу боғ аро.

Айб қилмай ман ҳазин афгону зорин, эй насим,  
Арз эт ул гулга бориб ҳолимни борин, эй насим,  
Қўрмагунча токи онинг гул узорин, эй насим,  
Неча оқғай кўз ёшим еткур губорин, эй насим,  
Фарзи айн эрур ёшорғон кўзга солмоқ тўтиё.

Эй Аваз, ул шўхнинг сунъи самаддур<sup>779</sup> новаки,  
Ҳар сори отилса рад қилмоқ не ҳаддур новаки,  
Бергучи жонингға ҳаззи беададдур новаки,  
Эй Навоий, хаста кўнглунгға мададдур новаки,  
Рост андоқким, заиф элга берур қувват асо.

\* \* \*

Висоли ичра бермакка муродим комёб айлаб,  
Рақибин рашк ўтиға бағрини яксар кабоб айлаб,  
Манга лутфу иноёту қарамлар беҳисоб айлаб,  
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул юза хайдин<sup>780</sup> гулоб айлаб.

Паридек жилва бирла кўргузуб чобуклик ул дилбар,  
Етушди айлабон беҳадду сон нозу тағофиллар,  
Олурға хаста ушшоқ аҳлининг жонини сар-тосар,<sup>781</sup>  
Чекиб мужгони шабравлар каби жон қасдига ханжар  
Белига зулфи анбарборидан мушкин таноб айлаб.<sup>782</sup>

Бори сўзини аҳли назм назми силкига терди,<sup>783</sup>  
Тутиб ул маҳ вафо таврини бу тун базмима кирди,  
Ҳамадин они муштоқи мани зору ҳазин эрди,  
Келиб ўлтурдю илгим тугуб ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзидин дурри хушоб<sup>784</sup> айлаб.

Кўруб бошимда олому балият тошини хирман,  
Қилиб меҳру вафову марҳамат расмини ул дам фан,  
Деди лаъли лабин хандон этиб ул шўхи сиймин тан,  
Қи, эй зору балокаш ошиқим, мансиз нечукдурсан,  
Ман ўлдим лол, айта олмайин майли жавоб айлаб.

Агарчи ман била май ичгали ул беібо қўйди,  
Валеа ағёр элин жомиға бенитиҳо қўйди,<sup>785</sup>  
Маишат косасига гўйё оби бақо<sup>786</sup> қўйди,  
Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўло қўйди,  
Ичиб тутди манга юз навъ нозосо итоб айлаб.

Қилиб комича даврон кимсани бу чархи ахзар тоқ,  
Аваз янглиғ бўлур сармаст ҳам беҳушу бехудроқ.  
Эса ёру аниси борҳо бир шўхи сиймин соқ,  
Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

\* \* \*

Хабардор ўлмасунлар рўсиёҳ ағёр бир келсанг,  
Қилиб лутфу иноёту карам бисёр бир келсанг,  
Манинг бирла ичарга соғари саршор<sup>787</sup> бир келсанг,  
Не бўлгай лутф этиб кулбамға, эй дилдор, бир келсанг,  
Қилиб меҳру мурувват расмини изҳор бир келсанг.

Эрур ҳижронинг ичра қоматим долу, тилим алкан.  
Ваё қилдингу ўзингга жафоу зулм таврин фан?  
Манга айлаб тараҳҳум бу нафас, эй шўхи сиймитан,  
Фироқингда қарорғон кўзларим бўлғой эди равшан,  
Карам айлаб қуёш ёнглиғ очиб рухсор бир келсанг.

Эрур муштоқи дийдоринг ҳамиша чашми тирёним,  
Келуб ёрут кўзумниким руҳинг хуршеди раҳшоним,  
Висолинг бирла обод этгали, эй шўхи жоғоним,  
Фами ҳажрингни жавридин бузулғон байтул эҳзоним,  
Бўлур эрди қудуминг файзидин гулзор бир келсанг.

Тушуб кўйингда по остиға чунким хас, заиф ўлдум,  
Олиб теграмни хайли ранж пешу пас, заиф ўлдум,  
Манингдек бўлмасун ошиқ санга ҳеч кас, заиф ўлдум.  
Фироғинг дардини топмай иложин бас, заиф ўлдум,  
Туфайлингдин ҳал ўлгой эрди ул душвор, бир келсанг.

Мулаззаз айламассан васл ила айёми талхимни,<sup>788</sup>  
Демаким, хушламасмусан манинг дашноми талхимни?  
Қачон қилғунг дурур ширин дегилким жоми талхимни?  
Табассумлар қилиб зоҳир сучук қил коми талхимни,  
Висолинг базми ичра, эй шакаргуфтор бир келсанг.

Қилурму иш қилурда ҳеч бир девона андеша,  
Не тонгким, қилмас эрсам гар мани фарзона андеша,  
Манинг ҳаққимда бу дам айлагунг жонона андеша,  
Сўнгидин ҳажр аро қўймоқни қилмай ёна андеша...  
Мудомо васл аро шод этгани, эй ёр, бир келсанг.

Бўлур ҳар ишга маъмур айласанг мойил қулинг ёнглиғ,  
Дардинга борҳо бўлмиш Аваз сойил қулинг ёнглиғ,  
Наким жавру ситам гар айласанг қойил қулинг ёнглиғ  
Бошингдин айланиб юз мартаба оқил қулинг ёнглиғ,  
Қилурман жавҳарн жоним санга исор бир келсанг.

\* \* \*

То ёрутмоқлиқга чашми ашкборим келмади,  
Ҳусн авжида руҳи хуршидворми келмади,  
Ёрсиз гоятдин ошти интизорим келмади.  
Оҳқим, ҳажр ўртади, бу кеча ёрим келмади,  
Раҳм этиб, тарки жафо айлаб нигорим келмади.

Олғоли токим қароримни қўлумдин ул нигор,  
Колмади, эй дўстлар, манда инону ихтиёр,  
Бўлмишам ҳижрони ичра базми айшига хумор,  
Кўз ёшим қон бўлди йўлида чекиб кўб интизор,  
Билмадим журмим не бўлди, шаҳсуворим келмади.

Бошим узра онсизий офат тошини хирмани,  
Зулму кин ўлмишму худ ушшоқ хайлиға фани,  
Сўрмади ҳолимни ул маҳбубларнинг аҳсанни,  
Дарди ҳижрону жафои ишқ зўр айлаб мани,  
Нотавой этти сўрарға ғамгусорим келмади.

Айлабон қотил кўзи хунхорлиғ, эй дўстлар,  
Дилбарим қилмас манга дилдорлиғ, эй дўстлар,  
Тортадурман кўйи ичра хорлиғ, эй дўстлар,  
Ёрдин айлаб таманно ёрлиғ, эй дўстлар,  
Ойтайнин десам ниҳон, ошкора ёрим келмади.

Қалбида пайдо туман ғам бўлғонимни билмадим,  
Ранжи афзун, роҳати кам бўлғонимни билмадим,  
Қисматим фўрқат аро сам бўлғонимни билмадим,  
Ишқидин расвои олам бўлғонимни билмадим,  
Йўқса нечун сўргали бу ҳоли зорим келмади?

Орзу қилғон вафони расмини жононидин,  
Нолаи дилсўзин ўткарсун фалак айвонидин,  
Кар этиб афлокни самъини давом афгонидин,  
Қимки истар бўлса васлин, кечкай аввал жонидин,  
Ман фидо қилдим йўлида йўқу борим келмади.

Бор бошимда офату ранжу балият беҳасиб,<sup>759</sup>  
Борҳо фурқат аро ман телбага миннат насиб,  
Не ажаб, бўлсам Аваздек беқарору бешикеб,  
Чун раҳти тўғони ҳаводисдин ҳабиб,\*  
Бўлди яксон қолмай осори губорим келмади.

\* \* \*

Нигорим орази ҳусн авжининг хўршиди раҳшони,  
Қади доғи назокат бөгининг сарви хиромони,  
Лаби кону, каломин ҳар бири лаъли Бадахшони,  
Ҳаёлимға кетурсам ҳар қачон ул қадди зебони,  
Алифдек жон аро асрор кўнгул жон ичра пинҳони.

Рухинг гўлшанда, жоно, жумла гулни шармисор этмиш,  
Хижолат қўзларинг олдида наргиз ошкор этмиш,  
Недин васфингни борча даҳр эли лайлу наҳор этмиш,  
Қўрарда сарв қаддинг неча жон нақдин нисор этмиш,  
Илоҳидин эрурму, йўқса онинг йўқмудур жони.

\* Кўлёзмада текст тўлиқсиз кўчирилган.

Аё, оромижоним, ушбу соат мағсори келгил,  
Қарам илки била икки кўзум ашкани яксар сил,<sup>790</sup>  
Фироқингда манга нобуд ўлуб бир неча оюйил,  
Үқинг жисмими равзан-равзан<sup>791</sup> этти, ҳар тўшукдин тил,  
Чекармиш мадҳинг айларга кўнгул йўқ лаъл пайкони.

Лабидин ошкор айлаб бу янглиғ хандаи ширин,  
Қаломи руҳбахши қалбларға бергуси таскин,  
Қилурға нозанину дилраболиғ расмини ойин,  
Деманг, зийнат учун ойиналар қўймишдур ул худбин,  
Жамолин хўблар кўргач ҳамоно бўлди ҳайрони.

Ҳамул маҳбубдек ҳеч маҳлиқо ширин забон эрмас,  
Сочи сунбул, руҳи гул, қомати сарви равон эрмас,  
Ҳам онингдек фараҳангезлиғ<sup>792</sup> ороми жон эрмас,  
Лаби зикрида оқғон дам-бадам юз қатла қон эрмас,  
Ики хилватнишин мардумни ул тасбеҳ маржони.

Ки то даврон оҳи пур бўлмасун ғавғоу ғулғулға,  
Аё машшота,<sup>793</sup> кўр, беҳуда оро берма кокулға,  
Ҳама ошиқ эрурлар сарбасар ул орази гулға,  
Кўнгул, шод ўлма шеван<sup>794</sup> қиласа дард аҳлики булбулға,  
Табассум ғунча қилғоч келди онинг оғзидин қони.

Аваздек бўлмишам иқболида идбор ҳоло ҳам,  
Бу важҳ ила эсам не айб шум дийдор ҳоло ҳам,  
Жаҳонда йўқдуур бир ман киби бадкор ҳоло ҳам,  
Тилу илкимдин элга етти кўб озор ҳоло ҳам,  
Имони йўқ эмиш бу дайрнинг сандек мусулмони.

\* \* \*

Лабларини завқидин тўтийи гўё бўлмишам,  
Шавқи ишқидин жаҳонға рози ифшо<sup>795</sup> бўлмишам,  
Қошлиарин ёйини фикридин қади ё бўлмишам,  
Ваҳ, асири волаи бир чашми шаҳло бўлмишам,  
Бу сабабдин мажмаи оламда расво бўлмишам.

Кўргузуб нозу тағофул бениҳоят дам-бадам,  
Ишқидин жонимда бордур меҳнату ранжу алам,  
Қилғуси жавру ситам ҳар дам мангоким ул санам,  
Гар ишим бўлса, не тонг, шому саҳар дарду алам,  
Ким жафожў дилрабо ишқига шайдо бўлмишам.

Ман киби борму экан ушшоқи ҳайрони аро?  
Қилғоли ул ой фироқин дарди ҳирмони аро,  
Қолмади ман телбани қувват дилу жони аро,  
Қўп ситам тортиб они андуҳи ҳижрони аро,  
Хотири ошуфта, қадди нундек ё бўлмишам.

Бўлмишам асру бу дам саҳбои васлиға хумор,  
Они йўлиға боқиб шаб-рўз тортиб интизор,  
Заррадек не қолди манда сабру орому қарор  
Бўлғоли ул лаъли ширин ҳуснига мафтуну зор,  
Аҳли олам ичра ман Фарҳод осо бўлмишам. \*

Юз сори ашким равон ҳар дам бўлур Жайҳунсиғат,  
Бори қойғудин бўлуб ҳижронда қаддим нунсиғат,  
Ваҳқи, бўлмиш лаъли ёди бирла бағрим ҳунсиғат,  
Тушколи ул Лайли ишқиға мани Мажнунсиғат,  
Пўяи дашти жунун этмакда<sup>796</sup> танҳо бўлмишам.

Риштаи ушшоқни бўйниға тоқиб эмдиким,  
Марҳамат қилди манго қошини қоқиб эмдиким,  
Келса ул ой ғайрининг ичини ёқиб эмдиким,  
Найлайнин ою қуёш сорига боқиб эмдиким,  
Мубталойи ул рухи хуршидсиймо бўлмишам.

Эмди чекмакдур ишиңг раиже аио субҳу масо,  
Ҳажрининг ҳасратидин ўҳуд хабарсиз васл аро,  
Айладинг бу тун, Аваз, майли ҳамул соҳиб адo,  
Узни қўлмоқлик учун ишқ оғатиға мубтало,  
Нозири руҳкори ул маҳбуби барно бўлмишам.

\* \* \*

Эй чиқарғон ҳалқи олам ичра некӯ ном-ном,  
Сар-басар аҳли жаҳонға айлабон инъом ом,  
Лек сандин бир йўли тобмон мани поком ком,  
Элга лутфингдин етиб оғозу то анжом жом,  
Субҳидам май нўш этиб хуноби заҳр ошом шом.

Гарчи элга ҳаз етургунг айшу роҳат илгидин,  
Лек ман навмидман бир умр фурқат илгидин,  
Нўши саҳбо айлай олмай меҳр, шафқат илгидин,  
Илтифотинг базмida бир кун иноят илгидин,  
Ўтди умре олмайин бу баҳти нофаржом жом.

Не ажабким, гар манга мастур эрса соғу сўл,  
Ланг аёқу мақсадим роҳи аро кўтоҳ-қўл,<sup>797</sup>  
Бермайин алгоф ила маъмури васли сори йўл,  
Гарчи бахтим қасрини ноком этиб йиқмишдур ул,  
Тобғоли кўргай бинон бахт истеҳқоми ком.

Бордуур ман ҳастага не ҳамдаму ёру ҳабиб,  
Ком топмоқ мумкин эрмас то дами явмул ҳасиб,<sup>798</sup>  
Рўзу шаб ичра манга не айбким меҳнат насиб,  
Мурғи бахтим қилғоли ваҳшат эрурман ношикиб,  
Ромбўлмай ул нечук бўлғой манга ором ром.

Истасанг ком, эй уқул аҳлига бўлғон пешво,<sup>799</sup>  
Кир тажарруд роҳига ихлос бирла борҳо,  
Ким қадам мардана кўйса сидқ ила бу йўл аро,  
Бўлғуси мақсад ғизоли сайдига ҳар нақши по,  
Ажз ила урса фано саҳросига иқдом дом.

Роҳрави роҳи ҳақиқат бўлсанг, эй некӯ хисол,<sup>800</sup>  
Файри ёдидин дилинг соғ айлагил кўзгу мисол,  
Қилмойин гарданкашонлиг<sup>801</sup> гар тилар эрсанг камол,  
Гом кўйғоч бўлса дўзах ҳашри ҳар ҳасрат хаёл,  
Ёраб, ўлгой боғи ваҳдат қўйсам ул ҳангом<sup>802</sup> гом.

Соҳиби жоҳу жалолу, доғи некӯ номлиғ,  
Эй Аваз, аҳли жаҳон баҳти фараҳ фаржомлиғ,  
Борҳо мақсаду комин бодасин ошомлиғ,  
Борча ул даргоҳда ком ила ширинкомлиғ,  
Талх қилмишдур амоне топмай анда ком-ком.

\* \* \*

Нўш этарман ҳар нафас ҳажринг аро хуноблар,  
Кўрса айлар раҳм ҳолимга шайху шоблар,  
Кўзларим тўккуси шавқингдин дури ноёблар,  
Тушгали кўнглумга зулфинг ҳалқасидин тоблар,  
Тушди бўйнумга ҳам сидин бир ажаб қуллоблар.<sup>803</sup>

Лабларинг сарчашмаи ҳайвон<sup>804</sup> эса лаззат аро,  
Кўзларингни ҳайъати оҳуи Чин ила Хито,  
Эй суманбар нозперо, бир ажойиб дилкушо,  
Қошларинг шакли эрур ҳар сў назар қилсан манго,  
Бу сабабдин бош эгарман ҳар тараф, аҳбоблар,

Қоматинг зеболиғин фикри қилиб қаддини дол,  
Қылғуси базм аҳлини гулдек юзинг ҳайратсигол,<sup>805</sup>  
Хусн бобида санго, ваҳ, не бало бордур жамол,  
Оразинг устида борму қошу ё икки ҳилол,  
Еки Беҳзоди қазо нақш айлаган меҳроблар?!

Ёр васли шарбатин ким билгусидур тотмайин,  
Ошиқин рўзисига заҳри фироқин қотмайин,  
Хорини пайконини булбул сорига отмайин,  
Гул ниқоби сунбулин то очмади йиғлотмайин,  
Ишқидә булбулни айлаб кўзларин бехоблар.

То рухимни ёши Жайҳуним музайян айлади,  
Васл аро иқболи маймуним музайян айлади,<sup>806</sup>  
Ҳасрат ила бағри пурхуним музайян айлади,  
Қоғозимни ашки гулгуним музайян айлади,  
Дафтари ишқинг қилурға ичча фаслу боблар.

Эй қуёш сиймо, кел аҳволим кўруб раҳм айлаким,  
Бу сифат мазмум иқболим кўруб раҳм айлаким,  
Фам юки қилғон қади долим кўруб раҳм айлаким,  
Оразинг ўтрусида ҳолим кўруб раҳм айлаким,  
Заррадек титрар таним кўздан тўкуб сиймоблар.

Эй Аваз, маъдум ўлуб қалбимдин олом ила фам,  
Не ажабким, оҳу нолам кўк сори чиқса бу дам.  
Бир элига шишау бир элга олиб жоми Жам,  
Сайри гулшан қилғоли отланди Юсуф-ул санам,  
Қомин ҳақ қилсун рано, айланг дуо, асҳоблар!

\* \* \*

Лойиқи ишқ ўлмагайлар ҳар назар кўтоҳлар,  
Ким қилурми шери нáрларнинг ишин рўбоҳлар.  
Булбуду қумридек айлаб нолаи жонкоҳлар,  
Улки солғай шуъла аъзосига ўтлуғ оҳлар,  
Қайда билгай куймагин зарбафт кийган шоҳлар.

Токи фурқат тигидин яксар юрагин тилмагай,  
Ўзлугин маъдум әтиб дашти жунунда елмагай,  
ЛАҳзан хоби фарогатга кўзини илмагай,  
Бағридин қон томғучи ушшоқ заҳмин билмагай,  
Тигидин қон томғучи бераҳм олий жоҳлар.

Хўблар ичра эди Ширин буту хунрезким,  
Фурқати дарди басе эрди алам ангезким,  
Жисмин айлаб тешаи ғам резу, резу резким,  
Шиддатин Фарҳод қилгай фаҳм, йўқ Парвезким,  
Дардни хокийлар англар, йўқ фалак даргоҳлар.

То муҳаббат жоми ишқи шарбатидин тўлғали,  
Ваҳ, гули умрим хазон осеби бирла сўлғали,  
Бир париваш ишқида девона осо бўлғали,  
Жону кўнглим кирдилар ғам даштига гум бўлғали,  
Мен ҳам этдим жазм чун азм этдилар ҳамроҳлар.

Ошиқ ўлма ёр жавр айлаб намоён ўлтурур,  
Айлабон икки кўзинг хунбор гирён ўлтурур,  
Шавқи ўтиға қилиб жисмингни сўзон ўлтурур,  
Бўлсалар огаҳки бир ғамгинни ҳижрон ўлтурур,  
Фикр этар ҳолига ҳижрон дардидин огоҳлар.

Кимса мафҳум этмади шўхи тўлон моҳим недур,  
Мужиби ошуфта ҳолу орази коҳим недур,  
Боиси аффон ила фарёди жонкоҳим недур,  
Ваҳ, не билгай ҳажр занжирида дилхоҳим недур.  
Ҳалқа урган базми айши даврида дилхоҳлар.

Бўлгай албатта ғанийда бенаволар фикри йўқ,  
Эй Аваз, ҳам ошно, ноошиолар фикри йўқ,  
Комрон ўлғонда коми нораволар фикри йўқ,  
Эй Навоий, шоҳларда чун гадолар фикри йўқ,  
Айлагил сен тангри даргоҳига шайаллоҳлар.

\* \* \*

Лаълинг ичра тишму ёхуд соф луълуълармудур?  
Фарқ қилмон янги ой ё дилкаш абрўлармудур?  
Қоматинг монанди ҳеч бир сарву ножулармудур?  
Оразинг гулзори ичра чашми жодулармудур?  
Йўқ эса Чин лолазори ичра оҳулармудур?

Не ажабким, гар мангага бўлса малолу ғам насиб,  
Айлади бегоналиғ расмини изҳор ул ҳабиб,  
Еткуурор озор кўйи сори борсам ман гариб,  
Итлариму ҳамзазац,<sup>807</sup> йўқ эрса ағёру рақиб,  
Бевафолиғ анда жоҳил дўсти бадхўлармудур?

Гарчи ул тарсобача рогиб сўйи оташпарааст,  
Лек эрмас онча хулқ ила хўйи оташпарааст,  
Икки қотил кўзлариидур жодуйи оташпарааст,  
Утнинг атрофида соҳир ҳиндуйи оташпарааст,  
Оташи юз узра йўқса холи минулармудур?

Жони зоримға етиб дарду аламлар дам-бадам,  
Тонг эмаским, борҳо бўлса насибим ранжу ғам,  
Бахти нофаржом<sup>808</sup> бир иш айламас комимча ҳам,  
Ваҳшати ваҳши ҳабашлардурмуким, йўқ эрса рам —  
Биздин этган толеъу баҳти сияхрўлармудур?

Қолмади, эй дўстлар, кўнглумда армон йиғлабон,  
Бўлмади табдил, ваҳ, вуслатга ҳижрон йиғлабон,<sup>809</sup>  
Қонға тўлмиш жом худ ман зору ҳайрон йиғлабон,  
Маҳфил ичра шишалар ҳам тўлғуси қон йиғлабон,  
Йўқ эса бу умр учун ишратга кулгулармудур?

Анбарин хатларму лаъли шаҳдборинг даврида,  
Кокилингму жабҳаи хуршид узоринг даврида,  
Сийнаи софинг аро икки аноринг даврида,  
Холи мушкинлармудур ўтлуғ узоринг даврида,  
Үт қошида ё мажусий хайли ҳиндулармудур?

Мажлиси ағёрни сўр ул фарангизодадин,<sup>810</sup>  
Сўрма бадхўларни ҳолин хотири озодадин,  
Сўрғосен не сўз Аваз ушшоқи зору содадин,  
Фарқ эта олмон Амоний масти андоқ бодадин,  
Шайхлар шаҳр ичра ё саҳрова тулкулармудур?

\* \* \*

Тузуб ишратни базмин дилбари бирла бори одам,  
Муғанийлар тараб қонунини тузгуси зеру ғам,  
Қилурға хотиридин рафъи олому малолу ғам,  
Мувофиқ кийдилар бўлмиш магар наврўз ила байрам,  
Чаман сарви ёшил хилъат, манинг сарви разоним ҳам.

Қилур гаҳ жилвалар пинҳон кўзумга ул кўзи фаттон,  
Танимдин то олурға жон қилиб бедод белоён,  
Не тонгким қумридек нолон гар ўлсам айлабон афғон,  
Чаман сарви бўлуб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,  
Онинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бори олам.

Бўлур булбул гули аҳмар юз очғоч ул рухи анвар,  
Гулистон сайрини яксар қилурда ёри сийминбар,  
Хижил шамшод ила ар-ар қадин қошидо сар то сар,  
Чаман сарви қолиб бебар, манинг сарвим бўлуб дилбар,  
Они ел айлабон музтар, бу елдек секретиб адҳам.

Ул-очғоч анбарин кокул паришон бўлғуси сунбул,  
Яқоси чок гул билкулл очиб ғунча оғиз мул-мул,  
Хиромон қаддига бир қул эрур шамшоду сарву гул,  
Тутуб ул гул узра булбул чекиб гул шавқида ғулғул\*,  
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Қаю дилбар эрур якто фунуни ноз аро сё,  
Санингдек нарғиси шаҳло суманбар кофари тарсо —  
Дилимни айлабон шайдо ғами ишқиға, эй барно,  
Қилиб оҳим сори парво, буён майл этмадинг қатъо,  
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Бори мавсум накўроқи<sup>811</sup> бу мавсумдур, эмас боқи,  
Бақосиз чархнинг тоқи, ки толеънинг қаро, оқи,  
Қадаҳнинг барча ушҳоқи ким улдур табъият чоқи,  
Бу боғ ичра май, эй соқий, ки борман асрү муштоқи,  
Ки анда сарв ҳам боқий эмас гул аҳди ҳам маҳкам.

Қилиб кўйи аро ғулғул, сабоҳу шом бул сойил,  
Эсанг гар ишқида комил бўлурсан телба, гаҳ жоҳил,  
Аваздек айлаб ўзни қил, на зулм этса бўлуб қойил,  
Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддига бўл мойил,  
Ки боғ этмас сани хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

\* \* \*

Дил ишқимга мубтало бўлубдур,  
Ҳам расми вафо онго бўлубдур,  
Оини жафо санго бўлубдур,  
Қўзинг не бало қаро бўлубдур,  
Ким жонға қаро бало бўлубдур.

Келса қилай ул санам лиқодин,  
Қўнглин узуб аҳли бевәфодин,  
Ишқи аро зору мубталодин,

<sup>1</sup> Шу мисра Алишер Навоий «Асарлари»да қўйидагичадир:  
Кўнуб ул сарв узра булбул, чекиб гул шавқида ғулғул.

Бегона бўлубдур ошнодин,  
Бегонаға ошно бўлубдур.

Бўлса, не тонг, аҳли даҳр қурбон,  
Қим лаб анго мисли гунча хандон,  
Ораз доги ҳамчу моҳи тобон,  
Ишқ ичра онинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки онго фидо бўлубдур.

Ҳижрон аро чекса кўб жафони,  
Демайки жафо, туман балони,  
Фош айлабон оини вафони,  
Бақо топар улки бўлди фони,  
Раҳравга фано бақо бўлубдур.

Дилдўз басе ривояти ишқ,  
Жонсўз, Аваз, ҳикояти ишқ,  
Бу навъ дурур ниҳояти ишқ,  
То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли анго наво бўлубдур.

\* \* \*

Васлиға етсанг дегил ҳолимни зинҳор оллида,  
Қўзларингни айлабон гирёну хунбор оллида,  
Ажз ила эттил ўзинг бу лаҳза изҳор оллида,  
Эй кўнгил, гар кимса аҳволинг демас ёр оллида,  
Хотирим кимдин малул ўлсун, кимим бор оллида?!

Ожизу зору низору бекасу ғамнок ҳеч,  
Ҳасрат илти бирла чун жисмини қилғон чок ҳеч,  
Борму оламда манингдек кўзлари намнок ҳеч,  
Ул кўз олдида ҳалоким десалар йўқ бок ҳеч,  
Гарчи ўлмакдин демак йўқ шарт бемор оллида.

Қўзларӣ жаллоду қотил бор эди, ваҳ, не бало,  
Қоши мужгони ҳалоким қасдигадур, ўқу ё,  
Асрү хунхору ситамгустар эрур ул дилрабо,  
Не жафокашман кўрингким, бор анга қилмоқ жафо,  
Сўз вафодин зоҳир этсам ул жафокор оллида.

Сурмадин қилмиш ики фаттон наргисни қаро,  
Ҳуснига зор этгали олам элин ул маҳлиқо,  
Ғоза бирла еткурууб рухсорига зебу сафо,

Олиға гулларки сончибдур мушобеҳдур<sup>812</sup> анго,  
Ким тушар гоҳи мулаввани<sup>813</sup> муҳр дастор оллида.

Бер жаҳон мулкида, жоно, сан киби жонон десам,  
Хўблиғда ўхшашингни ҳур ё филмон десам,  
Пуржафолиғ расму ойинин санғо бўғтон десам,  
Қўзларинг қоним гизо қиласун агар ёлиси десам,  
Бир қошиқ қоним беҳил ул икки хунхор оллида.

Айлабси меҳру вафо дайр ичра бер, эй муғбача,  
Мақсудим субҳу масо дайр ичра бер, эй муғбача,  
Қосани айлаб тўла дайр ичра бер, эй муғбача,  
Май берур бўлсанг манғо дайр ичра бер, эй муғбача,  
Ким қўяй бошимни қўйсам пири хаммор<sup>814</sup> оллида.

Даҳр аро ҳеч кимсага қилмас вафо бу эски тоқ,  
Жонини айлаб Аваздек ҳажр ўтига эҳтироқ,  
Айлабон бир кун ситам андин сани айлар йироқ,  
Эй Ҳавоий, эр өсанг дунё арусин қил талоқ,  
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.

\* \* \*

Етиб қалбимга олому азиат жона ондин кўб,  
Етар сангни ситам бошга тани урёна оидин кўб,  
Богирга додги етмиш, сийнаи сўзона ондин кўб,  
Бу оқшом ҳолима шам ўртанур, парвона ондин кўб,  
Чаманда оташин гул, булбули девона ондин кўб.

Фироқи шоми ичра кўздин оқғон қону ёшимға,  
Тараҳум айлабон шояд етушгай лаҳза қошимға,  
Бориб айтинглар аҳволимниким ул бағри тошимға,  
Ётибман гард аро вайронам ичра баски бошимға,  
Фалак кўб ёғдурур гарди фано, вайронга ондин кўб.

Кўнгуллар гулистонига сочар зару дирам тухмин,  
Дикиб гоҳи фараҳ нахлин, экиб гоҳи алам тухмин,  
Терар ондин бори жонлар қуши муҳлик сам тухмин,  
Эмас анжум, қазо кўк мазраъида сочти ғам тухмин,  
Вале тўқди кўзум ғам шоми мундоқ дона ондин кўб.

Бўлуб фурқат қоронғу шоми ичра сарнигун<sup>815</sup> вақте,  
Қилурман минг тахайюл<sup>816</sup> фикри савдоу жунун вақте.  
Қадим бори аламдин бўлғуси андоқи нун вақте,

Не теги ҳажр әрур жонимғаким сайру сукун вақте,  
Чаман гашти ҳалок айлар, бузуқ кошона ондин кўб.

Чиқорғуси фигону нолау зоримни осмонга,  
Мани расво қилиб, эй шўхи якто, аҳли давроғга,  
Жудолиғ еткуур оғат бёғоят дилу жонга,  
Агар ошиқлигим журм ўлса, ўлтур солма ҳижронга,  
Кўб ўлса журм худ әрмас манга журмона ондин кўб.

Мани зору ҳазинни байтул-эҳзон ичраким кўргач,  
Ниҳоятсиз ғаму андуҳу ҳирмон ичраким кўргач,  
Тараҳум қилғуси минг турлук армон ичраким кўргач,  
Не муфрит саъб ҳолим бордур ҳижрон ичраким кўргач,  
Тепар андин малолат ошно, бегона ондий кўб.

Аваз, ишқ ўти ҳар бир ошиқи фарзонани ўртар,  
Гадоу ағниёву<sup>817</sup> оқилу девонани ўртар,  
Фигону ноласи аҳбоб ила бегонани ўртар,  
Навоий оҳи тун-кун булбулу парвонани ўртар,  
Ки ишқ ўтини даъво қилмагайлар ёна ондин кўб.

\* \* \*

Бўйла офоту балият борини ўйлонмадим,  
Шарбати васлинг била доим мудоловонмадим,<sup>818</sup>  
Нечаким тортиб ғаму дарду алам иргонмадим,  
Водии ҳажрингда бир дам қон ютардин қонмадим,  
Ушбу ўтлуг води ичра тинмадим то ёнмадим.

Йўлида жон бердим они, тортиб асрү интизор,  
Топмайин коми муродимни мани зору низор,  
Ишқроҳи ичра айлаб нақди жонимни нисор,  
Ўлганимдин сўнгра келди сўрголи ҳолимни ёр,  
Үйқу кўрким, бошима етиб қўёш уйғонмадим.

Борҳо уммид этиб бўса лабинг атосидин,  
Сар-басар афгор ўлур қалбим қошингни ёсидин,  
Чиқғоли жоним этиб жоду қўзинг имосидин,  
Оразим сарғарди олтундек сочинг савдосидин,  
Мундин ўзга нақд ул савдо аро қозғонмадим.

Тинмай айлаб нолау оҳ ила ағғон заъфида,  
Юзланиб ҳар дам манго андуҳу ҳирмон заъфида,  
Жонни топшурдум қолиб кўнглумда армон заъфида,

Кўйига айландуринг наъшимки ҳижрон заъфида,  
Ултуриб ҳайрат мани бир ул тараф айлонмадим.

Эй жамоли гулшани жаннат гули ёнглиф латиф,  
В-эй лаби ҳар не зарофатроқ эса андин зариф,  
Йўқдуур оламда мандек ожизу зору наҳиф,  
Нол ёнглиф гарчи хаттинг шавқидин бўладим заиф,  
Лек жавринг тиги бошимға келиб тўлғонмадим.

Қайси бири олам ичра мақсудига етдилар,  
Борчаси ноком ўлуб, юз ҳасрат ила кетдилар,  
Ҳукмронлиғ айлабон Дороу қайсар нетдилар,  
Салтанат кўрким ниҳони меҳрдин арз этдилар,  
Жуз фано майхонасини кирпичин<sup>819</sup> ёстонмадим.

Е мани даҳр ичра қўймасмусан эҳё юрголи,  
Ишқ сиррин имтиҳон этгунгдуур билдурголи,  
Тиги бўхтонни, Аваз, мунглиғ бошимға сурголи,  
Ишқида иқрор кўб чекма мани ўлтурғоли,  
Эй Навоий, чунки ман ҳаргиз бу ишдин тоғнадим.

\* \* \*

Нолаи дилсўзим ила сусти чолок ўрганур,  
Мажмаъи боду обу оташу хок ўртанур,  
Меҳру моҳу Муштари, Зухро бебæk ўртанур,  
Манда бир ўтдурки гар дам урсам афлок ўртанур,  
Асрасам кўнглумда жисму жони ганинок ўртанур.

Бўлголи токим жудо ман телбадин ул сиймбар,  
Келгуси ҳижронида бёшимға юз минг шўру шар,  
Шавқу завқ ўти бўлуб жонимда пайдо сар-басар,  
Меҳр эмас оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шаар,  
Айб эмасдур гар десам, дам урсам афлок ўртанур.

Туз вафо созини ҳар бир ишда сан фарзонадек,  
Токи кўрунгай кўзингга ошно бегонадек,  
Ўзни қилғил бир пари ишқи аро девонадек,  
Шамъ ўти моҳиятин англай десанг парвонадек,  
Оразинг меҳрини фаҳм айларда даррок<sup>820</sup> ўртанур.

Эй нигори нозпарвар, жаври бепоённи қўй,  
Муддаийга қилмайин алтоф ила эҳсонни қўй,  
Оч руҳинг, ҳайратда бу дам дийдаи гирённи қўй,

Бас таним ўртарға қонлиғ новакинг, ҳижронни қўй,  
Барқ не ҳожат, бир учқун бирла хошок ўртанур.

Ол ниқобингни юзингдин, эй париваш, дилрабө,  
Тийра шомимға бу соат бергали нурү зиё,  
Қасб этиб жоним басе васлинг била завқу сафо,  
Шуъласи өрттар неча толпунса кўнглум ишқ аро,  
Утга тушган қил турган сойина пок ўртанур.

Ўртабон оламни оҳимнинг ўтининг учқуни,  
Кўзига яксон ўлуб ўтгуси кун бирла туни,  
Гар вағо расмида бўлсанг бовар эт, эй маҳ, муни,  
Ашк ювуб жисмин кудуратдин, қурутмиш оҳ уни,  
Ламъаे тушгач узорини барқидин бок ўртанур.

Ҳусниға айлаб дилу жонин Аваздек мубтало,  
Жўмлаи шўхи сухандонлар ўлур ҳайрон анго,  
Базм аро очса оғиз ул гулжабини маҳлиқо,  
Эй Навоий, чун рутабдек<sup>821</sup> оташин лаъли аро.  
Хаста кўнглум тушди, тонг йўқ, гар бўлуб чок ўртанур.

\* \* \*

Сунбул киби зулфингни гул юзинг уза торқот,  
Шарманда бўлуб қолсун боғ аҳли, ўзинг кўрсot,  
Яксар гули наргиси раşкинг ўтиға ўртот,  
Шўх икки физолингни ноз уйқусидин уйғот,  
То уйқулари қочсун, гулзор ичида ўйнот.

Ман сори қадинг сарвин, эй шўх, хиромон қил,  
Файр аҳлини кўзига бу даҳрни зиндан қил,  
Эл бошида савдои ишқингни фаровон қил,  
Тишлабки сочинг ўрдинг, очгонда паришон қил,  
Офоқ саводида жон ройиҳасин<sup>822</sup> бутрот.

Фарқ айламагум сансиз кечা била кўндузни,  
Бир жилва била кўргуз лутф ила келиб ўзни,  
Қилмай бу нафас бовар ғайри деса ҳар сўзни,  
Ораз қўёшин очиб ашки қуруғон кўзни,  
Кўб ҳажрда йиглатдинг, бир васлда ҳам йиглот.

Бўлдум аламинг бирла кўксум тилиб ошуфта,  
Ҳажринг аро аҳволим, эй маҳ билиб ошуфта,  
Бу лаҳза мани доғи кўзга илиб ошуфта,

Кулбамга хайафшон кел зулфинг қилиб ошуфта,  
Анжум сипаҳин синдур, оғоқ улусин қўзғот.

Кўйининг ити яксар заҳм этти таним қопиб,  
Фурқат аро ман телба ҳар бир сорига чопиб,  
Оlam бори айшидин кўнглум кўзини ёпиб,  
Бир оҳ ила кул бўлдум, эй чарх, тилаб тоғиб  
Фарҳод ила Мажнунга ошиқлиқ ишин ўргот.

Оқил эсанг, эй ғофил, ҳақ шукрини тинмай қил,  
Мукнатга<sup>823</sup> гурур ўлмай, фақр аҳлини кўзга ил,  
Ким етса ажал давлат маълум ўладур, сан бил,  
Хоро тубида ётғунг йўқ суд агар юз йил,  
Кўк атласи устида жисмингни ётиб оғнот.

Бошиға солиб турлук шиддатни фалак тоқи,  
Қолмишму ҳди, сунгил, ишрат майдин боқи,  
Бор майни Аваз ёнглиғ бу лаҳзада муштоқи,  
Базм ичра Навоий қўб йиғелар эса, эй соқи,  
Ҳуш элткучи доруни жомига онинг чойқот.

\* \* \*

Зумуррадгун хатиким лаъли шаккарвора ёзмишлар,<sup>824</sup>  
Онинг мазмунидур ошиқларин овора ёзмишлар,  
Вафосизлиги иншосини ул дилдора ёзмишлар,  
Азал котиблари ушшоқ баҳтин қора ёзмишлар,  
Бу мазмун ила хат ул сафҳаи руҳсора ёзмишлар.

Бўлубдур волан зору асиринг мажмаъи одам,  
Рухинг наззора қилғоч сабр ила ҳуши бўлуб барҳам,  
Эдар армону ҳасратни юки қаддини ёдек хам,  
Ҳавоси хоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдуб ҳар дам,  
Губор ила баёзи дийдаи хунбора ёзмишлар.

Жаҳонни қилма тийра кокилинг юзга ниқоб айлаб,  
Тани ушшоқдин жон олма қаҳр ила итоб айлаб,  
Сани бадмехрни яктои даврондин ҳисоб айлаб,  
Гулистони сари кўйинг сифотин боб-боб айлаб,  
Хатирайхон ила жадвал чекиб гулзорга ёзмишлар.

Эдар олам эли ҳар шом ила кун лаъллар васфин,  
Улуб ёдида бан осо жигархун лаъллар васфин,  
Кими ким етса лаззат тоғуси чун лаъллар васфин,

Ики сатр айлаюб ул икки майгун лаъллар васфин  
Кўранлар ҳар бирин бир чашми гавҳарбора ёзмишлар.

Юзингга нозир ўлғон ошиқи ҳайрон бўлур бешак,  
Иши шавқингда чекмак нолау афғон бўлур бешак,  
Үёлғонда ғуломинг жумлаи жонон бўлур бешак,  
Кириб майхоная қилсанг такаллум жон бўлур бешак,  
Мусаввирлар<sup>825</sup> на суратким дару девора ёзмишлар.

Бирони айлаюб офтоби иқболини фирӯзи,  
Биронга верди баҳти бад чекарга оҳи дилсӯзи,<sup>826</sup>  
Бирин шоду бирин ғамгин эдар байрам, наврӯзи,  
Муҳаррирлар ёzonда ҳар кима оламда бир сўзи,  
Банга ҳар кун дили садпорадин бир пора ёзмишлар.

Ҳамул хайлеки, вор эрди муҳаббат оламида фард,<sup>827</sup>  
Ҳувайдо қалбида ўлдуқча олом ила ғампарвард,  
Аваздек чеккусидур чекмайин беғоят оҳи сард,  
Ёзанда Вомиқу Фарҳоду Мажнун васфин аҳли дард,  
Фузулий одини кўрдум сари туммора ёзмишлар.

\* \* \*

Бўлуб шому саҳар ҳижронинг ичра бекасу ношод,  
Не ёнглиғ қилмоғой ушшоқ эли жон ҳавфидин фарёд,  
Қўзинг ҳар кимсага тушти, қатил ўлди бўлуб бисмил,  
Бошимни қесгали ғамсанг чекибдур ханжари бедод,  
Биҳамдиллаҳ, ҳавои ишқ аро бергум бошим барбод.

Қўяр рахшингни наълиға чаман ичра жабин лола,  
Жамолингни ёхуд кўрдиму ё хури ийн лола,  
Үёлғондин бўлуб бир умр аро саҳронишин лола,  
Юзингдан бир намуна гулшан ичра оташин лоҷа,  
Қаддингдин Сир нишона бўстон ичра сиҳи шамшод.

Агар очсанг юзингни ногаҳондин базм эли, эй гул,  
Бўлур шавқи муҳаббат нори сўзонига ёниб кул,  
Бориб жони азизи кишвари жисмидин-ўқ билкулл,  
Қўзинг бўлса агар жонлар қушин сайд этгучи сайёд,  
Киши кўрганмудур, ёраб, мунингдек ғаҳмсиз жаллод.

Қимиким солик эрса ҳар вафоу меҳр роҳида,  
Бори оғатдин сақлаб худовандим паноҳчи,  
Бўлуб фирӯзлиқ пайдо давом иқболу жоҳида,

Зафар топсун онинг тиғики ҳижрон размгоҳида,  
Саботу сабр хайли бўлса онинг ҳукмиға мұттод.

Ким этмас хотирига сан сифат дилдорни мақбул,  
Забон мўъжизбаёну лаъли шаккарборни мақбул  
Ва лекин сан этарсан ғайри шум дийдорни мақбул,  
Раводурму мани мардуд этиб, ағёрни мақбул —  
Қилиб душманни хуррам, айламаклик дўстни нашод.

Қилурман дайрни даврида маъво чун саги кўйи,  
Тажовуз айлай олмон амридинким бир сари мўйи,  
Нечук пўя урай ман комрон ўлмоқға ҳар сўйи,  
Эрурман муғбача зуннори бандини дуогўйи,  
Мубоҳ бўлсун ўзингга, зоҳидо, тасбеҳ ила аврод.<sup>828</sup>

Ўзингни айлабон мардона бу йўлда қадам урким,  
Муҳаббат ашҳабини бир вафолиғ сорига сурким,  
Аваздек жавру бедоду ситамни тортибон турким,  
Низомулмулки ишқ, эй Мунис, ул шаҳ зулмидандурким,  
Бу олам ўзга оламдурки, бўлмас адл ила обод.

\* \* \*

Қалби рашк ўтиға сўзонинг керакмасму санго?  
Они кўрдинг дийда гирёнинг керакмасму санго?  
Шахси жон мафтуну ҳайронинг керакмасму санго?  
Истадинг, эй кўз, они жонинг керакмасму санго?  
Куфри зулфин севдинг, имонинг керакмасму санго?

Ҳар пари ҳам ҳолидин олур хабар девонасин,  
Шамъеосо ўргамай ҳажр ўтиға парвонасин,  
Ғайрини обод этиб васлинг била вайронасин,  
Дарду ғам сели била буздинг кўнгул кошонасин,  
Эй малоҳат ганжи<sup>829</sup> вайронинг керакмасму санго?

Қокилингга сунбули тарни муқайяд айладинг,<sup>830</sup>  
Лаъли ширинингта шаккарни муқайяд айладинг,  
Үйлаким ман зори мустарни муқайяд айладинг,  
Жамъ этиб ўтлуғ кўнгулларни муқайяд айладинг,  
Ҳалқаи зулфи паришонинг керакмасму санго?

Мандин, эй номеҳрибоним, бир нафас айрилмаким,  
Ўзгани лутфинг элидин ашки чашмин силмаким,  
Рашк тифидин яна сийнамни яксар тилмаким,

Тири ғамзанг муддай кўксига холи қилмаким,  
Ул ҳадафдур хора, пайконинг керакмасму санго?

Васл базмида қилиб, жоно, манго қаҳру ситеz,  
Ҳам қилурға бўйла таъжил этгасан мандин гурез,  
Айлабон қалбим ситамни санги бирла рез-рез,  
Сарсари оҳимни, эй гардун, қилурсан тунду тез,  
Машъали хуршеди рахшонинг керакмасму санго?

Эй кўзи жаллод дилбар, нозанину маҳлико,  
Доим айларман санго меҳру муҳаббату вафо,  
Тинмайин тортиб туман ҳасрат била оҳу наво,  
Бизки беш кун меҳмонмиз, эй фалак, қасринг аро,  
Инжитурсан бизни, меҳмонинг керакмасму санго?

Қаҳру зулмингни Авазға билдуруб, Мунисға жавр,  
Айладинг золимлиғ отини суруб, Мунисға жавр,  
Бениҳоят ишвалар бирла кўруб Мунисға жавр,  
Эй гул, айларсан жафо хорин уруб Мунисға жавр,  
Андалиби ҳилқаш илҳонинг керакмасму санго?

\* \* \*

Келмай ул ой бир йўл мани маҳзуни қаллош<sup>831</sup> устина,  
Ултурғуси ағёрни базмида ё бош устина,  
Ҳар лаҳза чашмим онсизин ёш тўккуси ёш устина,  
Мажнун кўнгулнииг ишқ аро гар ёғса юз тош устина,  
Дер шод ўлуб ҳар тошға: «Келсанг агар бош устина!»

Бу навъ фитна турғузур ёрим ўн етти ёш ила,  
Ишқ аҳлий айлаб имтиҳон гоҳи туман подоши ила,  
Жонбахш нутқи шаккарин лаъли лаби дурпоши ила,  
Ул дилрабэнииг оташин руҳсори мушкин қош ила,  
Бир шамъи базморо эрур ким қўйди минқош<sup>832</sup> устина.

Ул ошиқеким ҳар қаҷон фурқат балосидин қочар,  
Кўйи ниғор ичра ағар ағёр изосидин қочар,  
Фарз айла кўйи наслининг роҳатфизосидин қочар,  
Ҳар кимки бўлса бебасар,<sup>833</sup> ул юз зиёсидин қочар,  
Ул навъниким тушгай қўёш анвори хуффош устина.

Умрингни бори ўтса ҳам гар меҳнати фурқат била,  
Масрур ўлурсан ғам ема, бир кун янга вуслат била,  
Ўзни давомат яйратиб, хайли миҳан кулфат била,

Ишқ ичра гар содиқ эсанг, шод ўлғаму мәҳнат била,  
Бошингга келса юз бало, чин солмагил қош устина.

То бўлғоли ул маҳвашу маҳбуби якторин жудо,  
Ҳаз ила роҳат кўрмадим бир дам мани баҳти қаро,  
Ҳижронни шамшири қилиб багримни сар то сар яро,  
Хуюб ичар вақтимда хуш келдинг кўнгулким, халқ аро,  
Яхши масалдурким: келур яхши киши ош устина.

Жон нақдини айлаб фидо мандек нигорига қачон?  
Ўзини мамзуж айлагай зиллат губорига қачон?  
Ҳар булҳаваслар қўй уруб мард аҳли корига қачон?  
Иқболу иззат аҳлининг киргай қаторига қачон?  
Киймак била дебоу хаз арзолу авбош устина.<sup>835</sup>

Истаб Аваздек гаҳ-гаҳи эмди йигитлик айшини,  
Қилмоқ киму сан ким, зиҳи эмди йигитлик айшини,  
То бўлмайин олам шаҳи эмди йигитлик айшини,  
Қилма ҳавас, эй Оғаҳий, эмди йигитлик айшини,  
Ким етти умринг муддати эллик ети ёш устина.

\* \* \*

Ҳолимга гйлаб марҳамат ул шўхи марғубим манинг,  
Мансиз нечук бўлди, демас, ушшоқи маъюсим манинг,  
Бўлмиш бағир ҳунобаси ҳижронда машрубим<sup>836</sup> манинг,  
Ҳар лаҳза чиқса кўк уза афғону ошўбим манинг,  
Тонг йўқки, йўқдир неча кун олдимда маҳбубим манинг.

Олмиш қарору тоқатим бир ёшгина оромижон,  
Фаттон кўзу новак мижа, сангидилу абру камон,  
Боғи латофатда эрур рухсори гул, қадди равон,  
Сарву гулинг, найлай, манга арз айлама, эй боғбон,  
Гар бўлмаса ул қомати хўбу юзи хўбим манинг.

Ағёр ила саҳбо ичиб ул дилрабо, билмон, нетар,  
Сабр ила ҳушим лабларин ёдида ҳар сори кетар,  
Онсиз ғаму меҳнат тоши бу лаҳза бошимға етар,  
Ҳижрон аро ўлсам, не тонгким, етса тогни гард этар,  
Андуҳу меҳнат хайлидин кўрган лагабкўбим<sup>837</sup> манинг.

Побаста ўзни беадад ағлол этарман,<sup>838</sup> ваҳ, нетай?  
Гўё тилимни онисизин ҳам лол этарман, ваҳ, нетай?  
Қаддим алами остида чун дол этарман, ваҳ, нетай?

Дарду ғамим таҳрир ётиб ирсол әтарман, ваҳ, нетай?  
Илгига олғоч поралар гар етса мактубим манинг.

Ошуфтаҳол ўлмай деса бўлсун йироқроқим кўнгул,  
То жонни ҳам маҳв этмасун ишқ андоқким кўнгул,  
Бўлмишдурур кўйи аро гўёки туфроқким кўнгул,  
Гардун куюб, ер юзи ғарқ ўлғуси мундоқким кўнгул,  
Утлар сочиб, сувлар тўкар бу чашми мартубим<sup>839</sup> манинг.

Айлаб миҳан бори қадим монанди нуну дол ҳам,<sup>840</sup>  
Дарду малолу кулфату оломим ўлмай лаҳза қам,  
Меҳнат чекиб, ўзни қилиб хору залилу мунъадам,  
Ман дайр пирин хизматин андоқ қилурманким мижам —  
Хоки жанобин қилғоли пок ўлди жорубим манинг.

Қил, эй Аваз, бир умр аро туфроғ ёнглиғ пастлик,  
Қалбингга айлаб орзу ҳаззу фараҳ пайвастлик,  
Ринд аҳли бирла бўлғони ихлос ила ҳамдастлик,  
Бу дайр ичра Огаҳий рўзу шаб айлаб мاستлик,  
Ҳам соқио паймонадур, ҳам бода матлубим мәнинг.

\* \* \*

Юзланса, найлай, ҳажр аро гар кулфати олам басе,  
Ким они нўшиға эрур мұхлиқ сами мудғам басе,<sup>841</sup>  
Не айб, эй аҳбоб эли, беҳуш бўлсан ҳам басе,  
Ўздин борибман ўйлаким зўр этгонидин ғам басе,  
Кўрган бу ҳолимга тутар ўлмиш дебон мотам басе.

Хўнобаи қалбим шароб, бағрим ғам ўтиға кабоб,  
Қўюнг аро чашмим пуроб, айлаб тани зорим туроб,<sup>842</sup>  
Қошингда қилғум беҳисоб, зарра мисоли изтироб,  
Эй юзи рашики офтоб, эт раҳм ила тарки итоб,  
Ким даҳрни қилди ҳароб оҳу, кўзумдин нам басе.

Эй гулрухи искўшияям,<sup>843</sup> в-эй маҳваши якто санам,  
Ҳар дам етиб дарду алам сонсиз, иишотим бўлди кам,  
Ҳажр офати олеми ҳам айларга еткурди адам,  
Етгуси элдин дам-бадам юз неш, хори таъну зам,  
Басдур манго мунча ситам, жавр айлама сан ҳам басе.

Ихлос бирла борҳо қил жони ширининг фидо,  
Тортиб ғаму дарду бало, айлаб муҳаббат доимо,  
Эйким, эсанг аҳли вафо ҳам истасанг завқу сафо,

Киргил қилиб тарқи ҳаво қасри рафеси фақр аро,  
Ким тоқ ўтадур анго бу нилгун торам<sup>844</sup> басе.

Бўлмай ишинг олам била қалбинг жароҳат зам била,  
Бир роздон маҳрам<sup>845</sup> била десанг гар ўлмай сам била,  
Саҳбони бешу ҳам била нўш айла жоми Жам била,  
Десангки зўри ғам била кўр ўлмасун кўз нам била,  
Жинси бани одам билан бўлмогосен ҳамдам басе.

Ўзни тариқи ишқ аро айлаб асиру мубтало,  
Бошингда офоту бало, жонингда минг ранжу ано,  
Шому саҳар тортиб жафо сан нотавон бедасту по,  
Даврон аро истаб вафо булбул қаби чекма наво,  
Ул навъ гул боғ аро топилғусидур кам басе.

Айлаб Аваз қаддингни ҳам бори жафоу жавр ҳам,  
Бермас раҳолиг ул санам бир йўл қилиб лутфу карам,  
То бўлмогўнча мунъадам тортиб ғаму дарду алам,  
Етса фалакдин ҳар ситам, Огаҳий, урма ҳеч дам,  
Елғуз санго юз неши ғам ургон эмас маҳкам басе.

\* \* \*

Ишқ амрозига умиди шифо қилмоқ ғалат,<sup>846</sup>  
Мубталои меҳнату ранжу ано қилмоқ ғалат,  
Ўзни доим мойили нафсу ҳаво қилмоқ ғалат,  
Хўблардян орзу меҳру вафо қилмоқ ғалат,  
Ул вафосизларга ўзни мубтало қилмоқ ғалат.

Жонни ёрингға фидо қўлмоқдин асло тоҳмагил,  
Жуз ҳамул маҳбуб дилдор бошидин айлонмагил,  
Бевафодур ўзгаси бу сўзни сан ўйлонмагил,  
Гар жафо таркиға ваъда қиссалар олдонмагил —  
Ким алардин ҳар нафас тарки жафо қилмоқ ғалат.

Эйки, истарсан нигоринг ҳусни ганжидин закот,  
Кулфати даҳри дунидин топғоли доим нажот,  
Токи бор онлар қошида шум рақиби беуёт,  
Айласанг юз жон фидо, бир айламасдур илтифот,  
Ул ситамкорларга нақди жон фидо қилмоқ ғалат.

Гарчи кўбдур олам ичра нозанину дилрабо,  
Лек йўқдур, хайф, бирида вафо бирла ҳаё,  
Бу сабабдин ошиқи бечора хайли бенаво,

Одату ойинлари дур айламак жавру жафо,  
Орзу ул хайлдин лутфу ато қилмоқ ғалат.

Гар урай десанг чу табли ошиқи фарзоналиғ,<sup>847</sup>  
Қил вафо аҳлини шамъи рўйига парвоналиғ,  
Сан аларни истаб изҳор айлама девоналиғ,  
Ошнолардин тиларлар доимо бегоналиғ,  
Узни ул бегоналарға ошно қилмоқ ғалат.

Бўлмагой соҳибвафо<sup>848</sup> ҳар бир мигори дилрабо,  
Бор абас айлаб муҳаббат расмин истаб ошно,  
Бори меҳнат остида ҳижронда бўлма қадди ё,  
Үқ киби қоматларин чекмак тизаб оғўш аро,  
Шавқ бозуси кучидин қадни ё қилмоқ ғалат.<sup>849</sup>

Доғ ўлуб қалби саросар дилбарининг нешидин,  
Васл нўшин истаб ҳижронин шарининг нешидин,  
Кўбдурур ўлган фироқи ханжарининг нешидин,  
Дардманд ўлғон киши киприкларининг нешидин,  
Лаблари нўшидин умиди даво қилмоқ ғалат.

Тушмагай хуш ҳар қаломи дилкуюшо фазл аҳлиға,<sup>850</sup>  
Топмаса маъни дуридин зеб то фазл аҳлиға,  
Эй Аваз, вирди забондур борҳо фазл аҳлиға.  
Оғаҳий, рангин сўзиким наэм аро фазл аҳлиға,  
Сан каби зоҳир қаломи жонфизо қилмоқ ғалат.

\* \* \*

Халқ аро асрори пинҳоним аён этти фироқ,  
Ранжу олому ғамим беҳадду сон этти фироқ,  
Юзларим рангини андоқким самон этти фироқ,  
Ваҳки, юз меҳнат била бағримни қон этти фироқ,  
Дам-бадам ул қонни кўзлардин равон этти фироқ.

Қилғоли гардун жудо ёрим ҳузуридин мани,  
Ул суманбар дилраболар рашик жавридин мани,  
Ваҳ, фироқ ойиргуси кўзумни нуридин мани,  
Неча муддатдурки дарду ранж зўридин мани,  
Кўзга илмасдек заифу нотавон этти фироқ.

Муддаийларни ҳамиша қилса найлай комёб.  
Ман ғариби нотавондин доим айлаб ижтиноб.  
Билмадим, журмим не эрди, қылғуси ёрим итоб,

Гаҳ табу, гаҳ ларза бирла еткуриб юз минг азоб,  
Жисми зоримни саросар устикон этти фироқ.

Қолмоқи мушкүл әрур ошиқни сабру тоқати,  
Түшмасун ҳеч кимсани бошиға ҳижрон офати,  
Олди жоним ушбу дам васел иштиёқин шиддати,  
Гарчи асру оз эди айёми фурқат муддати,  
Лек юз йил дард чекмакдин ёмон этти фироқ.

Ким десун ҳолимни ул шўхи қамар талъатғаким,  
Етсам-ўқ тортиб ғаму кулфат ўлар ҳолатғаким,  
Учратиб юз минг балоу меҳнату оғатғаким,  
Хаста жисмим заъфини еткурди ул ғоятғаким,  
Зарраосо халқ қўзидин ниҳон этти фироқ.

Ҳар сориға ёрсиз, фарёдким, ҳушим кетиб,  
Аскари ошӯбу ҳижрон ичра бошимға етиб.  
Жонни маҳфуз айлагум ул хайл илгидин нетиб<sup>851</sup>?  
Ул париваш қўнглидин ёдимни билкулл маҳв этиб,  
Ишқ аро маъдуму беному нишон этти фироқ.

Қўнглума мақбул тушмас ҳар нигори нўшлаб,  
Орзу айлаб Аваздек ёр васлин рўзу шаб,  
Тортиб сломи балоу меҳнату дарду тааб,  
Огаҳий, эмди ўлумға рози бўлсам, не ажаб,  
Ким мани ҳаддин фузун озурдажон этти фироқ.

\* \* \*

Хатинг Хизрини ширин лабларингдур оби ҳайвони,  
Рухинг авжи малоҳатнинг эрур ҳуршиди раҳшони,  
Ваё эрдингму ушпиқ аҳлиниңг жисми аро жони,  
Муқаввас<sup>852</sup> қошлиарингким кўргач ақлим бўлди ҳайрони.  
Онинг бўлмоқ тилар жони ҳазиним доги пинҳони.

Хирому жилвау рафттор мұътодидурур қаддинг,  
Назокат богининг тўбу шамшодидурур қаддинг,  
Дилимни мўжиби ағфону фарёдидурур қаддинг,  
Ҳаё гулзори ичра сарви озодидурур қаддинг,  
Ки кўрса банда бўлғой анго жаннат ҳуру ғилмони.

Олур орому ҳушимни адоу нозу рафтординг,  
Солиб бошимға юз минг оғат икки чашми хунхоринг,  
Жаҳонни ёрутурда жабҳаи меҳри пуранворинг,

Малоҳат буржининг хуршидидур фархунда рухсоринг,  
Латофат дуржининг ширин камолинг дурри ғалтони.

Кўнгулда қолмайин зарра шикебо йигласам доим,  
Қилиб сабру хирад мулкини яғмо йигласам доим,  
Не айб ўз ҳолима, эй шўхи барно, йигласам доим,  
Мани маҳзун ғамингдин ошкоро йигласам доим,  
Не бўлғай бир табассум айласанг кўрганда пинҳони.

Не бўлгуси даме меҳру вафони илтизом этсанг,  
Жафоу жавру зулм ойинини ўзга ҳаром этсанг,  
Висолинг бирла ғамгич хотиримни шодком этсанг,  
Юурман соя янглиғ, эй қўёш, ҳар ён хиром этсанг,  
Изингдин қолмайин айлаб сабаб сайру тамошони.

Бўлурға келмадинг бир йўл манинг базмимда меҳмоним,  
Чекиб ранжу алам, қалбимда сансиз кўбдур армоним,  
Берн кел юз очиб, эй дилбари маҳбуби жононим,  
Жамолинг шамъиға парвоналиғ истар дилу жоним,  
Недур бир кеча бўлсанг бу ҳазин шамъи шабистони.

Сиёсат тигидин<sup>853</sup> аъзоси барҳам бўлсаким, бордур,  
Камича чокари Қайковусу Жам бўлсаким, бордур,  
Аваз янглиғ хадам<sup>854</sup> мажмуыни одам бўлсаким, бордур,  
Не тонг, Комилга олам тобеъни амр ўлсаким, бордур,  
Онинг сандек камоли ҳусн иқлимида султони.

\* \* \*

Рухсори гулинг узра хайдин<sup>855</sup> чу гулоб этдинг,  
Ғайри сори бормоқға шаб-рӯз шитоб этдинг,  
Пайдо тани зоримда турлук табу тобу тоб этдинг,  
Ишқингда мани, дилбар, ҳолимни хароб этдинг,  
Бир сўрмадинг аҳволиён, бағримни кабоб этдинг.

Сармастии саҳбои гулгун қилибон ўзни,  
Гаҳ они хуморидин қад нун қилибон ўзни,  
Ҳижронинг аро тун-кун вожун қилибон ўзни,  
Ишқинг тушали бошға Мажнун қилибон ўзни,  
Саҳрои фироқ ичра жисмимни туроб этдинг.

Ҳуснингга жаҳон ичра то бўлғоли ман шайдо,  
Дарду аламу зулминг чекмакда эдим танҳо,  
Олому ситам тортиб фурқат аро, эй барно,

Васлинг майиға ташна эрдим туну кун аммо,  
Лаб хуш<sup>856</sup> қилиб охири, чашмимни пуроб этдинг.

Ҳажринг бошима тушгач, эй лаъли лаби гулгун,  
Бори алам остида қаддим доги бўлмиш нун,  
Не айбки, бор асрү иқбол манга вожун,<sup>857</sup>  
Арзимни десам ҳар гаҳ оллингда мани маҳзун,  
Қаҳр ила боқиб ул дам ноз ила итоб этдинг.

Сансиз бўлубон яксар ҳасрат била бағрим хун,  
Бўлғуси кўзум ёши андоқки равон Жайхун<sup>858</sup>,  
Ҳар лаҳза ғаму андуҳ бошимда бўлуб афзун,  
Ҳажр ўтиға кул бўлдум раҳм айламадинг бир кун,  
Ағёр элини лекин ошиқдин ҳисоб этдинг.

Бир сан қиби сийминбар олам ародур ноёб,  
Муштоқинг эрур асрү гар бўлса кўзум пур об,  
Ҳажрингда бўлуб доим жон ила дилим бетоб,  
Қўнглум бўлур ошуфта, жисмим бўлубон пуртоб,  
Ул вақти очиб зулфинг, бу вақтга тоб этдинг.

Ёринг, Авазо, бу дам ё айлагуси бози,<sup>859</sup>  
Қалбини магар онинг оздорғуси ғаммози,<sup>860</sup>  
Қилгуси тағофил кўб ҷашмини фусунсози,  
Лутф ила назар солмай назмингга ул ой Ғозий,  
Ишқида ғазал айтиб бир неча китоб этдинг.

\* \* \*

Қилиб тинмай баёти дилкашу шўхоналар пайдо,  
Қилиб оламда турлик бул ажаб афсоналар пайдо,  
Сочинг ёди била дилда бўлуб жононалар пайдо,  
Лабинг шавқида бўлди жон аро майхоналар пайдо,  
Қўнгулда ҷашми мастингдин маю паймоналар пайдо.

Дилимни ҳасрати лаълингда сар то сар фигор айлаб,  
Фидо ҳардам санго жонимни ман, эй гулъузор айлаб,  
Солай давронга шўриш нолау аффону зор айлаб,  
Ғамингдин ҳар кеча шўри қиёмат ошкор айлаб,  
Қилур кўйингда қўнглум нолаи мастоналар пайдо.

Дилу жоним қолиб ҳижронда сансиз юз минг оғатда,  
Үлурман эмди ноҳақ, келди, дод этгум қиёматда,  
Санго эрмас баробар оіб кун ҳусну малоҳатда,

Кўтарсанг чеҳрадин бурқа<sup>861</sup> бўлур Мисри латофатда,  
Жамолинг шамъига Юсуф киби парвоналар пайдо.

Килурга шоду хуррам хотири маҳзуни ношодим,  
Равон қаддини қилса ул юзи гул, қадди шамшодим,  
Чиқар афлок сори шаксиз ағғон ила фарёдим,  
Кийиб гулгун қабо чиқса қуёш жавлон паризодим,  
Бўлур ҳар кўчадин саф-саф неча девоналар пайдо.

Жаҳонким бебақодур берма дил асло арўсиға,  
Дилингни қилма ҳаргиз волау шайдо арўсиға,  
Қилиб майлу тақозолар тарабағзо арўсиға,  
Агар оқил эсанг берма кўнгул дунё арўсиға,  
Ўзига қилмамиш ишқин онинг мардоналар пайдо.

Бу умри бебақо, ваҳ, кимсага қилмиш вафо охир?  
Нишоту айш истаб тортасан турлик жафо охир,  
Бўлуб озурда жисмингдин ҳазин жонинг жудо охир,  
Қиарсан, одами ғоғил, қаро туфроқ аро охир,  
Нетарсан чархдек айлаб буюқ кошоналар пайдо.

Етушса ўлгали, эй дилрабои шўхи шаккарлаб,  
Аваздек дарду оломи миҳан тортиб сабоҳу шаб,<sup>862</sup>  
Фироқинг ранжини зўри солиб жисмингга тобу таб,  
Жавоб улдур газал Равнақ буким деб эрди шаҳ Машраб,  
Санам куфлингда имонимдадур бутхоналар пайдо.

\* \* \*

Буқун исирға осюоч икки қулога дилбар,  
Қилди сироят ишқинг бошдин аёға дилбар,  
Ушбу нафас бўлубман сандин садога дилбар,  
Қурбон ўлай шакардек ширин дудоға дилбар,  
Тушмиш азалда завқим бодом қабоға дилбар.

Оч оразинг ниқэбин, эй нозанин жонон,  
Токим бу соат ўлсун базмим ичи чарогон,  
Ночиз<sup>863</sup> ою кундур бўлгоч рухинг намоён,  
Хатти шуои ёнглиғ хуршид уза кўрунгон,  
Бошингга кўб ғрошур заррин ўтога<sup>864</sup> дилбар.

Бошимға келгусидур шўри қиёмат ҳар кун,  
Фурқатда, эй суманбар, бағрим бўлуб қаро хун,  
Ҳар лаҳза торгадурман юз сҳи сарду минг ун,

Белинг қучуб ўпай деб лаъли лабингни ҳар тун,  
Бўлгойму қўл етурмак сиймин сақоға дилбар?

Ҳар лаҳза тоза-тоза кўнглумда хорхоринг.<sup>865</sup>  
Жони ҳазиним ичра ҳаддин ошиб хуморинг,  
Токим бўлубдурмани, жонон, асиру зоринг,  
Ҳижрон аро жигарни ёндуруди интизоринг,  
Келмасму ҳеч раҳминг сийнамда доға дилбар.

Қилдинг Авазни жисмин кўйингда хоки роҳинг,  
Жаллоди марғ<sup>866</sup> ёнглиг жон олғуси нигоҳинг,  
Сан шўх шоҳи золим, борча гўзал — сипоҳинг,  
Равнақ бўлур худога маҳшарда додҳоҳинг,  
Кўб қилма зулму бедод ул бенавога дилбар.

\* \* \*

Недин хоки раҳингни эл кўзига тўтиё қилмиш,  
Ки ул туфроқ тун ҳар бир ҳавосин кимё қилмиш,  
Магарким кўзларинг ман сори боқмоқдин ҳаё қилмиш,  
Алифдек рост қаддинг ҳасраги қаддимни ё қилмиш,  
Хаёли оташин лаълингда ўт женимда ёқилмиш.

Ситам дин аҳлига етмас бу янглиг бутпарастидин,  
Равон тир откучи ушшоқ хайлин пешу пастидин,  
Фигонким, икки чашминг кофири жаллод дастидин,  
Халос ўлгой нечук жону кўнгул ул турк шастидин,<sup>867</sup>  
Алар қасдимга қошу киприкидин ўқу ё қилмиш.

Дило, оғаҳлиг этгил ихтиёринг ёринг илкида,  
Вале ёринг инони бордуур ағёринг илкида,  
Бўялмиш ишқ эли қонидин дилдоринг илкида,  
Эмас нақшу нигор ул қотили хунхоринг илкида,  
Хино ранги била хуни шаҳиди ишқиё<sup>868</sup> қилмиш.

Рафиқо, ҳикмати даврон ўлуб қалбингда армонинг,  
Ҳавои шавқ бирла етти билкулл чиқғоли жонинг,  
Магар бор эрди ушбу нукта асрори пинҳонинг,  
Бирровким поймоли аҳли олам қилғоли онийг,  
Жабинин хомаи тақдир нақши бўрё қилмиш.

Қилур не навъ тоқат чарх даврон имтиҳонига,  
Агарчи еткуур мажзун Авазни ранж жонига,  
Вале Рожий бўлуб шокир<sup>869</sup> ғами беҳадду сонига,  
Не иш бўлса қазодин хориж әрмасдур Амонига,  
Демак асру хатодур қилмамиш ул ишни ё қилмиш.

Кимга эрса кўнгли севган ёри ёвар — яхшидур,  
 Мунису ҳамроҳ лутфин қилса раҳбар — яхшидур,  
 Ҳар кишининг дилбари дамсоз ўлар гар — яхшидур,  
 Ҳамдамим бўлса агар бир моҳ пайкар — яхшидур.  
 Қадди чун сарви санубар, лаъли шаккар яхшидур.

Чин солиб қошиға келди ул бути номеҳрибон,  
 Фамза тигини чекиб ман хастадин олмоқға жон,  
 Солғуси бошимға офоту бало беҳадду сон,  
 Кўзлари жаллоди жоним қасдин айлаб ҳар замон,  
 Киприкидин жисми беморимға ханжар яхшидур.

Билмадим, ваҳ'не бало эрди ул ойға кўзу қош,  
 Ким қилур жоним олурға бир-бiri бирла кенгош,  
 Ҳар сўзин устида айлар ишқ хайли жон талош,  
 Лаънини сўзға очиб, бўлғонда марваридпош,  
 Дам-бадам анфоси бўлса руҳпарвар яхшидур.

Айлабон қотил кўзи жавру жафосин борини,  
 Манда, ёраб, қўймади ақлу хирад осорини,  
 Айлади хандон ул ой лаъли лаби дурборини,  
 Бир қиё боқиб табассум бирла лутф изҳорини,  
 Қилса жону дилни айлаб зору музтар яхшидур.

Бўлғусидур бегумон кому муродоти<sup>870</sup> раво,  
 Нўш этиб гулранг майнин, айлабон завқу сафо,  
 Айш айлаб, қолмагай кўнглида армон аслоҳо,<sup>871</sup>  
 Базм онингдек ёр ила тузса киши тулашан аро,  
 Илкидин жом ичса, нуқли лаъли аҳмар яхшидур.<sup>872</sup>

Ошиқи бечора билгай ўйла дамни муғтанам,  
 Минг адоу ноз ида қошиға келгач ул санам,  
 Бўлғуси албатта ранжу туссау дарди алам,  
 Бўйла бўлғон вақтда масти майи лутғу карам,  
 Марддур зоҳид юзимга деса: «Қавсар яхшидур».

Ҳажри ичра кўзларинг хунборму, мундоқ керак,  
 Эй Аваз, ёринг санга дилдорму, мундоқ керак,  
 Дилраболарни вафоси борму, мундоқ керак,  
 Эй Баёнй, ёр мундоқ ёрму, мундоқ керак,  
 В-арна узлат кунжида ётмоқ саросар яхшидур.

\* \* \*

Чесиб жаврингни бегоят вафода устуворингман,  
Бори ушшоқинг ичра ошиқи беътиборингман,  
Дили афгору багри қону ҳам жони низорингман,  
Манго раҳм айлагил, эй нозазин, ишқ ичра зорингман,  
Дамодам гул юзинг шавқида андоқ бекарорингман.

Бўлуб гулдек юзинг шавқида булбулдек ишим афғон,  
Қади сарви равонинг ёдидин ман қумрии нолон,  
Лабингни завқида, эй моҳсиймо, бўлди бағрим қон,  
Кечакундуз фироқингда бўлуб бу кўзларим гирён,  
Ёрут меҳри жамолинг бирла кулбам, интизорингман.

Басе мафтунинг ўлмишдур, аё ороми жон, кўнглум,  
Қилиб ишқингни асрорини кунжида ниҳон кўнглум,  
Чекиб фурқат қаро шомида дарди бекарон кўнглум,  
Тираб базми висолингни бўлубдур нотавон кўнглум,  
Гули ҳуснингни шавқи бирла тун-кун ашкборингман.

Ки то олам элини тушмасун бўйнига андин ғул,  
Паришон этма рухсорингға зулфинг ўйлақим сунбул,  
Қарорди рўзгорим фурқатинг шоми аро билкулл,  
Мунаввар айлагил базмим жамолингни очиб, эй гул,  
Ғами ишқингда куйган ошиқи беътиёрингман.

Рақиб аҳлини базми айши ичра бўлмайин меҳмон,  
Лабингдин бўсае бер, токи жиссимиға берурга жон,  
Келиб кулбам сори ағёр элидин бир кеча пинҳон,  
Бу зори бедилинг ҳолига раҳм эт, эй шаҳи хўбон,  
Мангъа лаълингдин эҳсон айлагил, беҳад хуморингман.

Агар ағёр қилса соразинг сори назар тинмай,  
Манинг бошимда барпо бўлгуси офоту шар тинмай,  
Сан этгунг, нечаким, ман зори бекасдин ҳазар тинмай,  
Қошинингниң ҳасратидин йигларам шому саҳар тинмай,  
Тараҳҳум айлагил, эй гулбадан, бир дилфиғорингман.

Авазнинг кўк сорига чиқғуси афғони жонкоҳи,  
Тараҳҳум айлабон ҳолига шафқат бирла гоҳ-гоҳи,  
Агар эрсанг вафоу меҳрнинг илмидин огоҳи,  
Ситам қилма бу Нозир ҳолига, эй хўблар шоҳи,  
Абан ан-жад<sup>873</sup> қопунгда бир ғулсми хоксорингман.

\* \* \*

Келиб базмимға ул шўхи вафодор,  
Муҳаббатни русумин қилиди изҳор,  
Деди: «Ҳолинг нечук, эй нотавон зор?» —  
Табассум айлабон фархунда дийдор:  
«Бўлубсанму маңга асру гирифтор?»

Сан Узросан, ман оре Вомиқингман,  
Агар ёр истар эрсанг лойиқингман,  
Вафоу меҳр этарда социқингман,  
Ман айдим, жону дилдин ошиқингман  
Ва лекин васлингга монеъдур ағёр.

Манга раҳм-айлагилким, эй ҳабибим,  
Ки сансан дарди зоримға табибим,  
Манинг ҳижронда кулфатдур насибим,  
Сангага мажлис аро мунис рақибим,  
Манга дарди фироқинг ҳамдаму ёр.

Зуҳалму юлдуз иқболимға бу дам,  
Фароғатликдур амсолимға<sup>874</sup> бу дам,  
Харобу зор аҳволимға бу дам,  
Тараҳхум айлағил ҳолимға бу дам,  
Басе ишқингдин ўлдум сийнаафгор.<sup>875</sup>

Эшитмас оҳу фарёду фифоним,  
Фироқи ичра доғи чиқса жоним,  
Сўзи ширин, лаби мўъжизбаёним,  
Кулуб деди манго шаккарфишоним:  
«Баён этгил санинг не матлабинг бор?»

Яна маст ўйла базм ичра ойилсам,  
Рақиби шумни бағрини тилсам  
Ва ё шаккарму кавсар они билсам,  
Дедим: «Лаъли лабингдин бўса қилсам?»  
Деди: «Беҳуда сўзлар нега даркор?»

Қачонким келмишам кеттим адамдин,  
Аваздек жавр чеккум саи санамдин,  
Тараб саҳбоси бирла жоми Жамдин,  
Ҳақирийга яна сунгил карамдин,  
Деди: «Лаълимдин ўп оҳиста як бор!»<sup>876</sup>

Не ажабким, борҳо бағри тўла қон ўлмишам,  
 Ҷашми Ҳирён, қадди ҳам, хотир паришон ўлмишам,  
 Ваҳ, асири волаи андуҳи ҳирмон ўлмишам,  
 Бир парининг ишқи кўҳсорида ҳайрон ўлмишам,  
 Телбалардек ъаҳший ичра дийдагирён ўлмишам.

Онсизин бир зарра йўқ қалбимни сабру тоқати,  
 Васл айёми ўтуб, ваҳ, етти ҳижрон навбати,  
 Солди жонимға туганмас ўт ишқин офати,  
 Ўткариб фарёду ағоним фалакдин фурқати,  
 Фикрати қурби аро чоки гирибон ўлмишам.

Ўлмайин рози чу қисматга ўкуш қилмай қабул,  
 Узни дучор эгти фурқатга ўкуш қилмай қабул,  
 Қолди минг таъну маломатга ўкуш қилмай қабул,  
 Азм этиб дашти мұҳаббатга ўкуш қилмай қабул,  
 Эмди билқұл мұбталои дарди ҳижрон ўлмишам.

Бўлмишам хунбор чашму жисми ларzon, қадди ҳам,  
 Борҳо чекмак иши ҳасрат, ғаму дарду алам,  
 Сабру орому қарору ҳушим айлаб мунъадам,  
 Айлабон васлин тахайюл пўя урдум дам-бадам,  
 Англадим, айру алохону аломон бўлмишам.

Бормудур мандек гарibu нотавон даврон аро,  
 Чеккучи фурқатни ранжин жумлаи инсон аро,  
 Бўлғуси пайдо алам ҳар лаҳза қалбу жон аро,  
 Англангиз ҳолим кўруб, эй дўстлар, ҳижрон аро,  
 Тушда кўйида онинг бир кечи мөхмон ўлмишам.

Васлиға етмак насиб этгай худои ламязал,<sup>87</sup>  
 Бўлмишам онсиз ҳаробу хастажону гунгу шал,  
 Токи мандин айро тушгандин бери, ваҳ, ул гўзал,  
 Қисматим ҳажрида мөхнат чекмак ўлмиш, эй ажал,  
 Жон чекиб кўйи аро маҳбуси зиндан ўлмишам.

Эй Аваз, сақларға йўқдур манда тоқат сиррини,  
 Билмадим, кимга дедим, ул ҳур талъят сиррини,  
 Сақласам ҳам бордуур жонимға офат сиррини,  
 Асраёлмайман Ниёзийдек мұҳаббат сиррини,  
 Ишқ Қофи қалъаси узра намоён ўлмишам.

\* \* \*

Маҳваши суманбарлар, нозанин сухандонлар,  
Сочи сунбулу гулрух лаъли ғунча хандонлар  
Киприки ўқ, қоши ё чашми фаттонлар,  
Келдилар мани истаб дилрабои давронлар  
Сар-басар лаби ширин ғунча лаъли хандонлар.

Ким топибдуур мандек васли ёри ғамхорин,  
Борҳо қилиб бўса лаъли шаккаринборин,<sup>878</sup>  
Шоду хуррам-ўқ бўлғай кимса қўрса дилдорин.  
Айлабон назар кўрдум борчасини руҳсорин  
Орази қўёшоço қадди хуш хиромонлар.

Васлиға етушган чоғ рафъ ўлур тамоми ғам  
Не ажаб фидо бўлса барча молу бал жон ҳам,  
Дарду кулфату ранжу меҳнатимни қилди кам,  
Ҳар бири манга меҳрин зоҳир айлабон ҳар дам,  
Ман ҳазинга қилдилар неча лутфу эҳсонлар.

Шом ила саҳар тортиб иолау фигонларни,  
Ҳажрига асир эрдим дилбари замонларни,  
Ҳар нафас ютуб, аҳбоб, лахта-лахта қонларни,  
Нотавон ўлуб доим фурқатида онларни,  
Қилдилар карам айлаб хаста жонға дармонлар.

Ҳар кішига берса даст ўйла борҳо давлат,  
Толеим била ёхуд бўлди ошно давлат,  
Бўса лаълидин берса ёр васл аро давлат,  
Лутфи ҳақ бўлуб ёвар, юзланиб манго давлат,  
Ёд этиб етушдилар бу азиз жононлар.

Ишқ эли ниёз айлаб гулшан ичра кирдилар,  
Хайли ёр ёз айлаб гулшан ичра кирдилар,  
Ишва бирла соз айлаб гулшан ичра кирдилар,  
Сайр этарга ноз айлаб гулшан ичра кирдилар,  
Хижлат ила қон ютди ғунча гулистонлар.

Хуррам ўл Аваз ёнглиғ этмайин тилинг алкан,<sup>879</sup>  
Меҳр ила карам расмин ўзларига айлаб фан,  
Келгуси бу соатда барча шўхи сийминтан,  
Эй Ҳаёлий, базм этгил қилмайин таваққуф<sup>880</sup> сан,  
Кулбанг ичра бўлмишлар бу азиз меҳмёнлар.

## МУСАДДАСЛАР

\* \* \*

Хотирим яксар бўлуб зору паришон оқибат,  
Кўзларимга даҳр бўлмиш мисли зиндан оқибат,  
Ким ситамни қилди фан ул ҷашми фаттон оқибат,  
Бевафолиг расмини айлаб намоён оқибат,  
Бўлди чекмаклик ишим оломи ҳижрон оқибат  
Орзуи васл этиб бағрим тўла қон оқибат.

Токи қилдим кўрмак ул дилбар жамолин орзу,  
Айлабон вуслат аро хатти камолин орзу,  
Лаъли жонбахшиға бутгон хатту холин орзу,  
Айланниб шому саҳар базми висолин орзу,  
Бўлди чекмаклик ишим оломи ҳижрон оқибат,  
Орзуи васл этиб бағрим тўла қон оқибат.

Эйки, гар оқил эсанг ишқ ичра бўлма мубтало,  
Бори гамдин бўлмасун қаддинг фироқида дуто,<sup>881</sup>  
Чарх душманком золим, ёрлар ҳам бевафо,  
Имтиҳон айлаб ул иккисин мани бедасту по,  
Бўлди чекмаклик ишим оломи ҳижрон оқибат,  
Орзуи васл этиб бағрим тўла қон оқибат.

Маҳвашимким шўхларга кўргузар устодлиғ,  
То аларни ҳам қилуғға зулм ила мутьодлиғ,  
Тонг эмаским, эрса ошиқ хотири ношодлиғ,  
Мунча ҳам бўлгайму қаҳру кин ила бедодлиғ,  
Бўлди чекмаклик ишим оломи ҳижрон оқибат,  
Орзуи васл этиб бағрим тўла қон оқибат.

Мажмаъи маҳбуби сийминбар вафосиздур магар,  
Ким ҳамиша кўрмасун онларни меҳридин асар,  
Гашт этиб ишқу жунун водию даштин сар-басар,  
Дўстлар, не айбким озурдажон ўлсам агар,  
Бўлди чекмаклик ишим оломи ҳижрон оқибат,  
Орзуи васл этиб бағрим тўла қон оқибат.

Токи бўлдум бир пари ишқига зору мубтало,  
Қисматим дарду аламдур, эй Аваз, субҳу масо,  
Гарчи айларман анга ихлос ила меҳру вафо  
Лек ул тинмай манга қилғуси бағоят жафо,  
Бўлди чекмаклик ишим оломи ҳижрон оқибат,  
Орзуйи васл этиб бағрим тўла қон оқибат.

\* \* \*

Қойси вафодорнинг ёри жафокорисан?  
Қойси бир ушшоқни кўзлари хунхорисан?  
Қойси ҳазину ғариб шўхваш айёрисан?  
Қойси ситамдидани сиймбару ёрисан?  
Қойси бир озурданни маҳвashi дилдорисан?  
Қойси жаҳон хўбини хусраву сардорисан?

Мисли қадинг сарвини кўрмади боғи жаҳон,  
Ҳасрати лаълинг қилиб ғунчани бағрини қон,  
Васфи узоринг била тўлди замину замон,  
Ишқинг олиб қўймади манда хираддин нишон,  
Қойси бир озурданни маҳvashi дилдорисан?  
Қойси жаҳон хўбини хусраву сардорисан?

Икки кўзинг ўйлаким оҳуи чини тотор,  
Икки қошингдин бўлур қавси қузаҳ ошкор,  
Икки юзинг ою тун машъали лайлу жаҳор,  
Икки лабинг мўъжизи қойси бир Исода бор?  
Қойси бир озурданни маҳvashi дилдорисан?  
Қойси жаҳон хўбини хусраву сардорисан?

Нозу адолар била чиқсанг агар бениқоб,  
Бўлғуси қошингда бир зарра сифат офтоб  
Балки бўлуб ошиқинг этгуси-ўқ изтироб,  
Кўрган ўлур воласи меҳри рухинг беҳижоб.  
Қойси бир озурданни маҳvashi дилдорисан?  
Қойси жаҳон хўбини хусраву сардорисан?

Даҳрни шўхи аро кимда бор, эй сиймтан,  
Гул киби ораз била ғунча масаллик даҳсан?<sup>882</sup>  
Базмим аро гар юзинг очсанг этарсан чаман,  
Лол каломинг кўруб тўтии шаккаршикан,<sup>883</sup>  
Қойси бир озурданни маҳvashi дилдорисан?  
Қойси жаҳон хўбини хусраву сардорисан?

Борму санга ҳусн аро деки адилу бадил,  
Қой рухи гул коинот ичра онингдек жамил,  
Келгуси яктолифинг бобида бу бир далил,  
Оразинг андоқ жинон, анда лабинг салсабил,  
Койси бир озурдани маҳвashi дилдорисан?  
Койси жаҳон хўбини хусраву сардорисан?

Гарчи сан эрсанг бори хўб элияниг сарвари,  
Лекин Аваз ҳам вафо аҳлини сардафтари,  
Васлинга, эй шўх, жон нақди била муштари,<sup>885</sup>  
Меҳру вафо истасанг қиласа ибо, кел пари,  
Койси бир озурдани маҳvashi дилдорисан?  
Койси жаҳон хўбини хусраву сардорисан?

## МУСАММАНЛАР

\* \* \*

Топмади комин, эй кўнгул, ҳең киши дилрабосидин,  
Ҳар нафас ўлгали етиб фурқатининг балосидин,  
Бошига шўру шар тушуб ишқини можаросидин,  
Лаҳза йироқроқ ўлмади беадад ибтилосидин,  
Гарчи ситам басе чекиб ишқ эли маҳлиқосидин,  
Файри валек шод ўлур васли тарабфизосидин,  
Қилма умед даҳрнинг маҳвашининг вафосидин,  
Гар десанг ўлмайин ғамин ҳаргиз онинг жафосидин.

Ушбу жаҳонки бордурур бошдин-оёқи дилкушо,  
Жоми мурод нўш этиб қылғоли зábқ ила сафо,  
Тузголи ишрату фараҳ базмини субҳ ҳам масо,  
Анда ҳисобсиз эрур шўх нигори дилрабо,  
Ҳар бирисини ғамзаси, нозу адоси ғамзудо,  
Ҳайфки, эй рафиқ, бас, йўқ, анга заррача вафо,  
Қилма умед даҳрнинг маҳвашининг вафосидин,  
Гар десанг ўлмайин ғамин ҳаргиз онинг жафосидин.

Иш санга бўяса шўхлар кўйинда маскан айламак,  
Шему саҳар ўз ҳолингга нолау шеван айламак,  
Тоқат этолмайин они элга мубайян айламак,<sup>886</sup>  
Бошға балоу дарду ғам тошини хирман айламак,  
Субҳи висоли бирла кўз ишқ аро равшан айламак,  
Шоми фироқи маҳбаси<sup>887</sup> ичра нишиман айламак,  
Қилма умед даҳрнинг маҳвашининг вафосидин,  
Гар десанг ўлмайин ғамин ҳаргиз онинг жафосидин.

Бил муни, эйки борҳо гар санга соф эса замир,  
Данг<sup>888</sup> раҳи ишқ аро бўлур шоҳу гадо била вазир,  
Бўлмагай анда аслоҳо фарқ ғани била фақир,  
Манки бор эрдим аввало шоблиг ичра нарра шер,  
Эмди бўлубман ўйла бир мўреу ожизу пир,  
Бошима рўзу шаб ёғиб ҳажрида мисли абр тир,  
Қилма умед даҳрнинг маҳвашининг вафосидин,  
Гар десанг ўлмайин ғамин ҳаргиз онинг жафосидин.

Берма кўнгулни бу жаҳон гулрухи нозанинига,  
Ғунча даҳону лаб шакар, дилбари гул жабинига,  
Кирмагил они то яна олданибон ниггинига,  
Заррача йўқдуур санинг табъинг итобу кинига,  
Чунким ул этгуси раҳм ошики ҳазинига,  
Марҳамат ила майл этиб нолай оташинига,  
Қилма умед даҳрнинг маҳвашининг вафосидин,  
Гар десанг ўлмайин гамин ҳаргиз онинг жафосидин.

Гарчи чекиб ҳамеша ман ёр балои фурқатин,  
Аҳли рақиб сургуси лек висоли давлатин,  
Кундузу кечада кўруб ҳаззу нишоту ишратин,  
Базм аро нўши жон этиб лаъли лабини шарбатин,  
Хони висолида териб ҳусни камоли неъматин,  
Зоҳири ошиқ бўлуб қилғоли айши беҳжатин,  
Қилма умед даҳрнинг маҳвашининг вафосидин,  
Гар десанг ўлмайин гамин ҳаргиз онинг жафосидин.

Шўхи жаҳонни кўйида бўлмасун истиқоматинг,  
Ким ҳама таън этиб санга кўпроқ ўлур надоматинг,  
Қошини фикри хам қилиб мисли ҳилол қоматинг,  
Чашми сиёҳи ёдидин йўқ нафаси саломатинг,  
Ошиқ эканлигингда бор беҳадду сон аломатизиг,  
Тушмасун иттифоқ, Аваз, ул сори ҳам иқоматинг.  
Қилма умед даҳрнинг маҳвашининг вафосидин,  
Гар десанг ўлмайин гамин ҳаргиз онинг жафосидин.

\* \* \*

Олди қарору тоқатим бир маҳлиқо, эй дўстлар,  
Ҳар лаҳзада зоҳир қилиб нозу адo, эй дўстлар,  
Гаҳ турфа имолар била боқиб қиё, эй дўстлар,  
Ушбу сабабдин бўлмишам ошиқ анго, эй дўстлар,  
Ёғду жаҳон бордур манго яксар қаро, эй дўстлар,  
Ондин ман ўлғондин бери токим жудо, эй дўстлар,  
Айб айламанг гар йиғласам субҳу масо, эй дўстлар,  
Ким қолмишам ман нотавон фурқат аро, эй дўстлар.

То олғоли ақдимни ул маҳбуби атвори накӯ,  
Рухсори ҳажрида кўзум ёши равон монанди жў,<sup>889</sup>  
Ҳасратни чанголи билан аъзони юлғум мў ба мў,<sup>890</sup>  
Тинмай қуюносо кезиб юз шавқ бирла сў ба сў,<sup>891</sup>  
Ному нишоне ёрдин топмай қилурман жустужў,  
Айлаб висоли базмининг ҳаззузни орзу,

Айб айламанг гар йиғласам субҳу масо, эй дўстлар,  
Ким қолмишам ман нотавон фурқат аро, эй дўстлар.

Бу маҳфил ичра соғари саршордин ком истарам,  
Беҳуда ман зору ҳазин ағёрдин ком истарам,  
Гулдин чекин қўл, гўйиё-ўқ хордин ком истарам,  
Яъни рақибим қошида ул ёрдик ком истарам,  
Бир заррадурман меҳри нур анвордин ком истарам,  
Бир нозанину дилбару дилдордин ком истарам,  
Айб айламанг гар йиғласам субҳу масо, эй дўстлар,  
Ким қолмишам ман нотавон фурқат аро, эй дўстлар.

Етгуси жоним чиқғоли зўр этгонидин ғам басе,  
Тутгум мани бехонумон ўз ҳолима мотам басе,  
Оламни вайрон этгуси оқиб кўзумдин нам басе,  
Бўлмиш маломатни юкин остида қаддим хам басе,  
Афзун ўлуб дарду ғамим айшу нишотим кам басе,  
Ким шўриши ранжу малолангез<sup>892</sup> экан олам басе,  
Айб айламанг гар йиғласам субҳу масо, эй дўстлар.  
Ким қолмишам ман нотавон фурқат аро, эй дўстлар.

Ул дилрабо манъ этгуси базми висолидин мани,  
Маҳрум этиб шому саҳар ўтлуғ жамолидин мани,  
Ултургуси икки кўзин шаҳло гизолидин мани,  
Тиргузмайин лаъли лабин цирин мақолидин<sup>893</sup> мани,  
Манъ айлабон назораи қадди ниҳолидин мани,-  
Зору гаронжон айламиш зулфин хаёлидин мани,  
Айб айламанг гар йиғласам субҳу масо, эй дўстлар,  
Ким қолмишам ман нотавон фурқат аро, эй дўстлар.

Бошимда барпо бўлғуси ҳар лаҳзада охир замон,  
Дарду маломат юзланиб ҳижрон аро беҳадду сон,  
Хайли ғаму андуҳ этиб ман бенавоға қасди жон,  
Кўнглумни олғон хуш адo жавру жафо айлаб аён,  
Бир зарра ёнглиғ қўймади жиссимида тоб ила тавон,  
Ул нозпероқим бўлур қаҳр айлабон мандин ниҳон,  
Айб айламанг гар йиғласам субҳу масо, эй дўстлар,  
Ким қолмишам ман нотавон фурқат аро, эй дўстлар.

Токим гирифтор этголи ишқига ул Лайли лиқо,<sup>894</sup>  
Мажнун мисоли бўлмишам ушшоқи зору мубтало,  
Айлаб ҳамиша ўзга ман одат муҳаббат ҳам вафо,  
Лекин чекарман беадад зулму ситам бирла жафо,  
Қўймай баногаҳ кўрсангиз арз айланг аҳволим анго,

Чунким Аваз бечорадек ман ихтиёр этгум жало,<sup>895</sup>  
Айб айламанг гар йигласам субҳу масо, эй дўстлар,  
Ким қолмишам ман нотавон фурқат аро, эй дўстлар.

\* \* \*

Ҳар одамнинг талаб йўлида гар ихлоси комилдур,  
Гумонсиз жумлаи мақсад бирла коми ҳосилдур.  
Анинг шаънида гўё ояти тасдиқ нозилдур,<sup>896</sup>  
Рамузи ишқим роҳи ҳақиқат сори шомилдур,<sup>897</sup>  
Ки улви манзилатлар зумраи ушишоқа дохилдур,<sup>898</sup>  
Биҳамдиллаҳ, бу сирдин булҳаваслар хайли гофилдур,  
Мурод шоҳидининг васлиға сидқ аҳли восилдур,  
Садоқат файзини билган киши донову оқилдур.

Қўруб агёридин таъну изо, эй ошиқи содик,  
Жафойи ёрга борсан ризо, эй ошиқи содик,  
Йўлида айлабон жонинг фидо, эй ошиқи содик,  
Қилиб ёрингга меҳр ила вафо, эй ошиқи содик,  
Агарчи сан чекарсан минг жафо, эй ошиқи содик,  
Валекин олами таҳқиқ<sup>899</sup> аро, эй ошиқи содик,  
Мурод шоҳидининг васлиға сидқ аҳли восилдур,  
Садоқат файзини билган киши донову оқилдур.

Бинойи обрусиға доги меъмор сидқ ўлмиш,  
Давомат ҳофизи номус бирла ор сидқ ўлмиш,  
Бори озодаларга берҳо атвор сидқ ўлмиш,  
Ҳама феъл ичра нодир, эй наку кирдор, сидқ ўлмиш,  
Бўлур ноком ул бебокким инкери сидқ ўлмиш,  
Мурод шоҳидининг васлиға сидиқ аҳли восилдур,  
Садоқат файзини билган киши донову оқилдур.

Эрур бир феълким тасдиқ ани интибоҳ этгили,  
Ани билмакни жаҳдин доимо беиштибоҳ этгили,  
Балойи ногаҳондур кизбиким андин паноҳ этгили,<sup>900</sup>  
Улар ҳолатда ҳам деб рост сўз ҳолинг табоҳ этгили,  
Демасманким дебон ёлғонни номингни сиёҳ этгили,  
Нажоте ҳар балодин истасанг сидқинг гувоҳ этгили,  
Мурод шоҳидининг васлиға сидқ аҳли восилдур,  
Садоқат файзини билган киши донову оқилдур.

Қилиб нафсингни саркаш эрса ром оҳиста-оҳиста,  
Мусодиқ<sup>901</sup> расмича кўргуз қиём оҳиста-оҳиста,  
Ҳақиқат роҳида айлаб хиром сҳиста-оҳиста.

Муродинг манзилида қил мақом оҳиста-оҳиста,  
Топиб коминг бўлурсан шодком оҳиста-оҳиста,  
Аваз, туз эмдиким сидқи низом оҳиста-оҳиста,  
Мурод шоҳидининг васлиға сидқ аҳли восилдор,  
Садоқат файзини билган киши донову оқилдор.

\* \* \*

То олғали ақлимни ул маҳбуби дилдор, эй рафиқ,  
Доми аламга бўлмишам андоқ гирифтор, эй рафиқ,  
Бошимға минг оғат бўлур ҳар дам намудор, эй рафиқ,  
Шамшири дарду ранж ила бўлдим дилағфор, эй рафиқ,  
Не айб тинмай айлаеам гар навҳа изҳор, эй рафиқ,  
Ким бўлгум асру рўзу шаб муштоқи дийдор, эй рафиқ,  
Не бор манга бир ҳамдами ёрик ғамхор, эй рафиқ,  
Умримни ўткардим бўлуб ҳижронға дучор, эй рафиқ,

То ким манга кўргузгали беражмлиғ ул дилрабо,  
Кетти рақибим сорига ташлаб мани ҳижрон аро,  
Қиласа фифонимнинг ўтин дуди жаҳон мулкин қаро,  
Эрмас ажабким кўйгуси ул ўт била арзу само,  
Сели сиришким қўймади ер узра бир йиқмай бино,  
Эл ўлтутуррга топмайнин маскан, қилур майли жало,  
Боис эрурман даҳрнинг вайронига ман бенаво,  
Айлаб кўзум гирёниу бенуру хунбор, эй рафиқ.

Ағёр хайли манзили ул ойға то манзил дурур,  
Чун девлар доим пари рухсорига мойил дурур,  
Кўрким ажойиброқ пари ҳам девға мойил дурур,  
Доги паридин девнинг коми дили ҳосил дурур,  
Ҳар лаҳза айшу ишрату беҳжатлари комил дурур,  
Чунким олар бир-бирининг васли била хушдил дурур,  
Ҳижрон ғамида иш манга эмди баси мушкил дурур,  
Ким васл айшин топмоқим албатта душвор, эй рафиқ.

Гар аввало мушкил ғами ишқ эрканин билсан эди,  
Дашти фироқ ичра юруб, мисли қуюн елсан эди,  
Бағрим саропо ҳанжари андуҳ ила тилсан эди,  
Бору йўқимдин фурқати ранжида айрилсан эди,  
Гар ҳасрат илги бирла кўз қонлиғ ёшин силсан эди,  
Қўзумга меҳнат тоғини бир заррача илсан эди,  
Онсиз ниҳоятсиз бало фаҳмин агар қилсан эди,  
Айрилмас эрдим ёрдин бир дам мани зор, эй рафиқ.

Онсиз бошимға келмаган оғат ила ғам қолмади,  
Дарду маломат жомидин ман ичмаган сам қолмади,  
Икки кўзумдин оқмаган йиглаб басе нам қолмади,  
Ақлим билан ҳушим кетиб, андин асар ҳам қолмади,  
Ҳолимга афсус этмаган танҳо бир одам қолмади,  
Сар то сар аъзодин кетиб қувват дамо-дам қолмади,  
Сабрим Аваздек йўқ бўлуб ҳижронда кам-кам қолмади,  
Вуслатни айлаб орзу ман зори бембр, эй рафиқ.

## ТАРЖЕЪБАНДИ ХОМИСА

### I

Воқиф ўл, эй ошиқи бехонумон,  
Беҳуда кўп чекмагил оҳу фигон.  
Ёр висолини тидалб борҳо,  
Қимла ўзинг фироқида нотавон.  
Лаблари бўсими қилиб орзу,  
Фусса чекиб айлама бағрингни қон.  
Ҳар нечаким гарчи вафо айласанг,  
Лек жафолар санга айлар аён.  
Ботинда душмани жонинг санинг,  
Борчаси зоҳирда бўлуб меҳрибон.  
Чашмини хунхор эканин билмадинг,  
Фаҳм қилиб лаълини мўъжизбаён.  
Узни ғами ишқиға айлаб асир,  
Шому саҳар бўлмагил озурдажон.  
Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,  
Золими бедодгару пуржрафо.

Эй ўзини ишқ аро зор айлаган,  
Меҳр расмини шоир айлаган,  
Марҳамати ёрни истаб мудом,  
Қалбини ғам тиги фигор айлаган,  
Узни майи васл умиди била,  
Ҳажрида шаб-рӯз хумор айлаган,  
Ганжи фуюз истабон ўз жонини  
Ранжи балията дучор айлаган,  
Лаъли таманиносида жондин кечиб,  
Майли ҳамул шўх нигор айлаган.  
Тарк қилиб ор ила номусини,  
Узни онинг кўйида ҳор айлаган.  
Дилбарининг мақдамиға нақди жон —  
Садқа дили бирла нисор айлаган.  
Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,  
Золими бедодгару пуржрафо.

Эй алами ишқ ила қалби ғамин,  
Чеккучи фарёду оҳи анин.<sup>202</sup>

Бошдин-аёқ жон каби марғубму,  
Сиймбаринг сурати ё ҳури ийн?<sup>903</sup>  
Тарз ила рафторини кўргач деди  
Кабки дари ажэ била: «Офарин!»<sup>904</sup>  
Кўйи нигорингму худ аҳсан санго,  
Еки фуюзот аро хулди барин?<sup>905</sup>  
Деки манго бор не жиҳатдин бу дам  
Холу хатин нақши басе дилнишин?  
Рухи мужассамму кўруб суратин  
Ҳайрат элин тишлади наққоши Чин?  
Гарчи экан шаклу шамойилда ҳур,  
Лек бўлуб одати хашм ила кин.<sup>906</sup>  
Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,  
Золими бедодгару пуржафо.

Истар эсанг васл аро масрурлиғ,  
Чек ғами ҳажрида ранжурлиғ.  
Бодаи вуслат тиласанг айлагил —  
Шоми фироқи аро маҳмурлиғ.  
Файр сори боқмағил ўлсун десанг,  
Қўзларинг ул ораз ила нурлиғ.  
Ранжи миҳан чекмайин олам аро  
Қилмади ҳеч бир киши ганжурлиғ.<sup>907</sup>  
Фурқат азобини билур кимсага —  
Яхши эмас васлига маъзурлиғ.  
Айланг, аёқ қисмати бўлгон висол,  
Ҳажр эли аҳволига манзурлиғ.  
Бўлса вафо аҳли насиби, не тоңг,  
Субҳу масо бекасу маҳжурлиғ.  
Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,  
Золими бедодгару пуржафо.

Эй тилаган ёр ила суҳбат мудом,  
Тинмайин ичмақка майи лолафом!  
Қучмоқ учун гаҳ-гаҳи нозик танин,  
Офатижон сиймбари бўлса ром.  
Чекмак ишинг булаву қумрисифат  
Нолау фарёд фифонлар мудом.  
Мақсадинг онинг била ўйнаб-кулуб,  
Шому саҳар бўлмақ эрур шодком.  
Ҳар кеча сан сариға минг ноз ила  
Қилса ҳамул қомати ар-ар хиром,  
Умр санга ўткусидур, билмагуниг  
Ушбу таманинолар ила субҳу шом.  
Келса йигит жонингга ҳайфинг агар,

Тутма алар одини, эй нек ном.<sup>908</sup>  
Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,  
Золими бедодгару пуржафо.

Ҳар ким агар ишқ аро мафтундур,  
Бил они ношодеу маҳзундур.  
Ёр лаби лаълини ёди била  
Онсизин ҳижронда бағри хундур.  
Дашти балоу ғами меҳнат аро  
Зореу саргаштау маҳзундур.  
Гоҳ уруб оҳи жаҳонсўзлар<sup>909</sup>  
Лайливаше ишқида Мажнундур.  
Кўйи нигори аро монеъ анго  
Муддайи шуму малъундур.  
Нечук оғат бошиға келса ҳам  
Розиу масруреу мамнундур.  
Кимса жаҳон шўхидин ўлса йироқ,  
Толеи фархунда, ҳумоюндур.<sup>910</sup>  
Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,  
Золими бедодгару пуржафо.

Эй бори ушшоқ аро зору ҳақир,  
Ишқ ғами дардига бўлғон асири!  
Айтайн асрори хафо сомеъ ўл,  
Ким санғо бўлғусидур дастгир.<sup>911</sup>  
Хуби жаҳон борчасидур ҳусн аро  
Муштариу Зуҳрау Мехри мунири.  
Меҳр демай, балки тажаммул<sup>912</sup> аро,  
Ҳар биридур бир шаҳи соҳибсарир.<sup>913</sup>  
Билмагунг ҳеч они фано нуридин,  
Токи санғо бўлмаса равшан замир.  
Сўз будурур ишқ русуми аро,  
Бил teng эрур шоҳу гадоу вазир.  
Бўлди Аваз айлагали имтиҳон  
Жумласини қошида фармонпазир.  
Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,  
Золими бедодгару пуржафо.

## II

Аё маҳбублиғ мулкини хони  
Паривашларни яктойи замони.  
Жаҳон аҳли аро кўрган киши йўқ  
Санингдек киприки ўқ, қоши ёни.  
Қадинг тўбосидур нозиклик ичра

Назокат богининг сарви равони.  
Санго зор ўлғоли ҳеч қылмоғуси  
Кўнгул манзури ғайри дилрабони.  
Не тонг бу телба гар муштоқинг ўлса,  
Ки етти сансизин чиқмоқға жони.  
Жафо таркини айлаб айла атвор,  
Яна ўзингга меҳр ила вафони.  
Юзинг ҳажрида ўз ҳолимға йиғлаб  
Ошурғум чархдин оҳу навони...

Аё, номеҳрибон ҳури паризод  
Кўзи хунхорау қаттолу жаллод.  
Демай жаллод, эл кўнглин қушини  
Килурға сайдикки турфа сайдёт.  
Сочи мушкин сунбул, кўйи гулшан,  
Рухи гул, лаъли гунча, қадди шамшод.  
Агар тарсобача эрмас эсанг сан —  
Бўлурмұ айламаклик мунча бедод?  
Не ёнглиғ шўх коғирбача эрдинг,  
Қилурсан аҳли динга зулм бунёд?!  
Магар бўлмиш санга бир умр ичра —  
Жафоу жаврнинг ойини мўътод?  
Агарчи сан эрурсан мисли Ширин,  
Вале ман хайли ошиқ ичра Фарҳод.  
Тараҳхум айла аҳволимға изҳор,  
Ки ҳижрон ранжига бўлдум гирифтор.

Аё дилдори маҳбуби барно,  
Фусунсоzu фусунгар, чашми шаҳло,  
Суманбар нозанини нозпарвар,  
Нигори моҳсиймоу дилоро,  
Нигоҳи кўзларинг қотил эрур, лек,  
Лабинг ҳар бир сўзи эъжозӣ Исо.  
Не тонгким, қумридек нолонинг эрсам,  
Қадинг монандасидур сарви раъно.  
Камандосо ҳалойиқ гарданида,  
Мусалсал турраи зулфинг муталло.<sup>914</sup>  
Тушар жонларға шавқидин юз ошуб,  
Баногаҳ айласанг ноз ила имо.  
Жамолинг офтобин фурқатида,  
Кўзумға тийра яксар ёғду дунё.  
Тараҳхум айла аҳволимға изҳор-  
Ки ҳижрон ранжига бўлдум гирифтор.  
Аё ороми жон шўхи ягона,  
Тушубдур шуҳраи ҳуснинг жаҳона!

Гирифтор айлади кўнглум қушини,  
Бўлуб зулф ила холинг дўму дона.  
Кўзумдин ёш ўрниға, фигонким,  
Багир қони бўлур ҳар дам равона.  
Юзингни кўрмасам ҳеч бўлмас эрдим,  
Фами ишқинг аро дучор ёна.  
Бори ушшоқинг ичра содиқингман,  
Мани ҳаққимда ҳеч кетма гумона.  
Не хуш давлат эди сан бирла қилмоқ,  
Муяссар бўлса айши жовидона.  
Рақиби шум хайлидин ниҳони,  
Бери кел, ноз этиб, томай баҳона.  
Тараҳхум айла аҳволимға изҳор,  
Ки ҳижрон ранжиға бўлдум гирифтор.

Аё номеҳрибон шўхи ситамгар,  
Жафожў, бемуҳаббат, жавр густар!  
Қилур ишқ аҳлига бедод ила кин,  
Санингдек қойси бир дилдору дилбар?  
Эса лаълинг ҳаётафзо ва лекин,  
Эрур киприкларинг андоқки ханжар,  
Не тонг, тўти каби лол ўлса нутқим,  
Ки ҳар бир сўзлариғ андоқки шаккар.  
Келиб тийра шабимни айла равшан,  
Эрур икки юзинг хуршеди анвар.  
Шаҳи хўбондуурсан не ажабким,  
Эса чокар санга жумла суманбар.  
Висолингга етурким ушбу соат,  
Фироқинг ичра бўлмиш ҳолим абтар.  
Тараҳхум айла аҳволимға изҳор,  
Ки ҳижрон ранжиға бўлдум гирифтар.

Аё ғунча даҳону гулъузорим,  
Париваш, дилрабо, зебо нигорим!  
Кўнгулда қўймадинг бир заррача ҳам,  
Шикебу сабру орому қарорим.  
Қилурсан борҳо нозу тағофул,  
Олиб қўлдин инону ихтиёрим:  
Солиб бошимга ҳижрон оғатини,  
Фано бодига бердинг йўқу борим.  
Висолинг маҳфили айшини истаб,  
Йўқ ўлди наңг ила номусу орим.  
Агар базмингда маҳрам бўлса гайри,  
Нечук қолғай қошингда эътиборим?  
Ман айтурман сани Лайливашим деб,

Демассан сан, vale, Мажнуншиорим.  
Тараҳхум айла аҳволимға изҳор,  
Ки ҳижрон ранжиға бўлдум гирифтор.

Аё дилбар, қадинг сарви равондур,  
Манга иш сансизни оҳу фифондур!  
Хароб этгуси қалбим ранжи фурқат,  
Кўзум ёшидин аҳволим аёндур.  
Қаю ошиқни сандек нигори  
Лаби лаъли шакар ороми жондур.  
Қаю маҳбуби яктони санингдек,  
Рухи гулзори гўё гулистандур.  
Фироқ айёмида номи шарифинг,  
Манга шому саҳар вирди забондур.<sup>915</sup>  
Бўлубман хор Аваздек васлииг ичра,  
Рақиби шум доим комрондур.  
Нечук бадмехрсанким, ўзга маҳваш,  
Мудом ошиқларига меҳрибондур.  
Тараҳхум айла аҳволимға изҳор,  
Ки ҳижрон ранжиға бўлдум гирифтор.

### III

Эй ошиқи содиқи накӯ ном,  
В-эй роҳи вафода урғучи гом!  
Тутмосму ҳабиблиғ русумин,  
Ҳар маҳваши гулрухи гуландом?  
Кел, мепдин эшиш ҳикояти ишқ,  
То кўнглингга етгай андин ором.  
Учрашди ман ҳазинға бир кун  
Бир шўҳ нигори чашми бодом.  
Жонларни қушини сайд этарга  
Сайёд кўзию кокили дом.  
Бўлдум ғами ишқнинг асири,  
Ман телбау бенаво ул ҳангом.  
Фурқат аро не ажабки, онсиз  
Яксон манга бўлса субҳ ила шом.  
Сийминбари даҳрким қишу ёз  
Варзиш қиласидур тагофулу ноз.<sup>916</sup>

Бошимға келур туман минг офат,  
Чекмакли ишим мудом кулфат,  
Топмай бори ком ила муродим,  
Қўнглумда эрур ғам ила ҳасрат.  
Гаҳ ёд қилиб рухини меҳрин

Олам кўзума ҳамеша зулмат.  
Ишқ аро пойбаст бўлдум,  
Не судки, айласам надомат?!  
Тушгуси бошимға фурқатида  
Ҳар лаҳзада шўриши қиёмат.  
Васлидин эса муроди фирмавс,  
Дўзахдин ўлур фироқ аломат.<sup>917</sup>  
То бўлғоли ишқ аро гирифтор  
Юзлангуси таън ила маломат.  
Сийминбари даҳрким, қишу ёз  
Варзиш қиладур тағофулу ноз.

Ул ҳур онишони шўх жонон,  
Абру камону чашми фаттон,  
Фархунда басе икки узори,  
Ҳусн авжидаги ҳамчу меҳри рахшон.  
Лаълини зулоли лаззат ичра  
Кавсар суйи бирла оби ҳайвон.  
Қокиллари ўйла сунбули тар,  
Шамшод-қади, хатти-райхон.  
Гулдек юзи они, тонг эмаским,  
Булбўл киби этсам оҳу афгон,  
Қурбони бўлур эдим бу соат  
Айлар эса оразин намоён.  
Гарчи эса мумкин ошнолиғ  
Лек ўлмағуси жудолиғ осон.  
Сийминбари даҳрким, қишу ёз  
Варзиш қиладур тағофулу ноз.

То бўлмишам ишқига гирифтор,  
Чекмак манга иш малолу озор.  
Васлини тилаб хароб бағрим,  
Ҳижрон қиличидин ўлди ағфор.  
Қўйида манга қилур дамодам  
Юз навъ изою таън ағёр.  
Фарёдки, ман ғарип эрурман,  
Субҳ ила масоғамида бемор.  
Олдимға манинг, нетайки, ҳар дам,  
Минг оғату ранж ўлур падидор.  
Ул зулм қилур, вали ман этгум  
Меҳр ила вафони расмин изҳор.  
То кўргали они ўлмамишман  
Айрилгудек ибтилоға дучор.  
Сийминбари даҳрким, қишу ёз  
Варзиш қиладур туғофулу ноз.

Дил бергали ул кўзи қарога,  
Қолдим неча туна можарога.  
Ул дамки анга бериб қўнгулни,  
Фарёдки, қолмишам балоға.  
Кун-кундин этар ситам зиёда,  
Ман хаставу зору бенавога.  
Дашном қилур басе чун очсам,  
Қошида тилим агар дуога.  
Мехрин тилаб умрлар туганди,  
Етгунчак итоби интиҳога.  
Дардим анга етмагуси гарчи,  
Солдим они лек ман худоға.  
Мандин хабар олмогуси доим,  
Ағёр сўзи тушуб ароға.  
Сийминбари даҳрким, қишу ёз  
Варзиш қиласур тагофулу ноз.

Ул шўхи нигори моҳ пайкар,  
Хусн ичра жаҳонда эрди ашҳар,<sup>918</sup>  
Гаҳ-гаҳ қилур карамлар айлаб,  
Ман бирла ичарга, шукр, соғар.  
Базмим аро гаҳ кириб қўёшдек,  
Тийра шабим этгуси мунаввар.  
Гоҳи боқиб илтифот бирла,  
Қилғуси бошимни кўкка ҳамсар.  
Изҳор қилиб неча карашма,  
Жонимга солур ададсиз ахгар.  
Дубора<sup>919</sup> онинг висоли айши,  
Билмонки, қачон бўлур мұяссар.  
Ҳеч айлама ғайри сори рағбат,  
Ҳушинг, Аваз, гар ўлса ёвар.  
Сийминбари даҳрким, қишу ёз  
Варзиш қиласур тагофулу ноз.

#### IV

Кўнглим ўлмиш бир ой гирифтори,  
Иши қилмоқ фифон ила зори.  
Мурғи ҳушу хирад қилиб парвоз,  
Бўлди доми қазо сазовори.  
Чекмасун интизорлиғ ранжин,  
Ҳеч бир ошиқни чашми хунбори.  
Ваҳким, ул меҳрсиз паривашни  
Бўлмишам жон ила харидори.  
Роҳат-ўқ истаб этмишам ўзни,

Бениҳоят миҳанни дучори.  
Баски бўйла балои жон эркан,  
Ишқ әлига жудолиг озори.  
Қасди жон қилгуси балойи фироқ,  
Бўлмагай кимса мубталойи фироқ.

Токи ушшоқ аро вафо бордур,  
Мангачекмак иш жафо бордур.  
Бошда зулфи нигор фикри била,  
Шўришу турфа можаро бордур.  
Тиги фурқат ила менинг кўксум,  
Сарбасар онсизин яро бордур.  
Муддайларни базми айши аро,  
Бу тун ул шўхи дилрабо бордур.  
Ҳажра дучор бўлмаким онда,  
Сонсизин меҳнату бало бордур.  
Эрса ҳижронла жондин айрилмоқ,  
Руз топмоқ висол аро бордур.  
Қасди жон қилгуси балойи фироқ,  
Бўлмасун кимса мубталойи фироқ.

Бўлмишам токи ошиқи мафтун,  
Бир паривашни ишқида Мажнун.  
Мағи бечораву ғарибу ҳазин,  
Топмайин ком, ўлди бағри хун.  
Бўлса ерга баробар эрди не хуш,  
Ушбу қажравниҳод қаж гардун.<sup>920</sup>  
Яхшилар хайли борҳо ноком,  
Лек, басе комёб бўлмиш дун.<sup>921</sup>  
Дўстларға бўлуб вубол иқбол,  
Хайли аъдони толеи маймун.<sup>922</sup>  
Мунъадам бор ила йўқим айлар,  
Аксар дарду гам уруб шабохун.  
Қасди жон қилгуси балойи фироқ,  
Бўлмасун кимса мубталойи фироқ.

Олғоли сабру ҳушим ул дилбар,  
Жони маҳзуним ўлди кўб музтар.  
Не ажаб, ўлгали етушсамким,  
Фурқат ургуси кўксума ханижар.  
Кўзума бўлмагусидур манзур,  
Ҳар паририю шўхи маҳпайкар.  
Юзидек нурбахш қилмагуси,  
Зухраву Муштарию маҳи анвар.  
Лаъли ҳажрида эрди оғзима талх,

Оби ҳайвону шарбати кавсар.  
Тийрадур кўзларимга ёғду жаҳон,  
Орази ёди била сартосар.  
Қасди жон қилғуси балойи фироқ,  
Бўлмасун кимса мубталойи фироқ.

Юзланиб ҳар нафас малолу алам.  
Бўлди ранжим фузун, айшим кам.  
Олди ором ила қароримни  
Бир суманбар малаксифат санам.  
Токи бордур жаҳонда шум рақиб.  
Бўлолман даме анга ҳамдам.  
Мани шайдоға ҳажр шоми аро  
Даст бергуси ҳасрат ила ғам.  
Ақлу ҳушим, висолини истаб,  
Фурқат ичра, нё тонгки, бўлса адам.  
Қочғуси жумлаи муҳиб доги,  
Айлабон мурғи баҳти мандин рам.  
Қасди жон қилғуси балойи фироқ,  
Бўлмасун кимса мубталойи фироқ.

Не бало эрди фурқат айёми,  
Ким онинг олди жоним оломи.  
Бўлмади субҳи васлиға табдил,  
Дилбарим ҳажрининг қаро шоми.  
Хосил ўлди нигоридиз айру,  
Қайси ошиқни мақсаду коми?  
Қолмагой кўйи ёр аро ҳаргиз,  
Ишқ ҳайлини нанг ила номи.  
Васл шавқи солур дилга нор,  
Етса ҳар кимга ёр пайгоми.  
Англамассан, Аваз, жаҳонни ғамин,  
Бодаи васлидин ичиб жоме,  
Қасди жон қилғуси балойи фироқ,  
Бўлмасун кимса мубталойи фироқ.

## V

Дариго, бақосиздур ушбу жаҳон,  
Ки энди вафо бўйидин йўқ нишон.  
Киши борму топғон муродотини,  
Минг армон била бўлмайин бағри қон?  
Қилиб ком учун рўзу шаб жидду жаҳд,  
Ҳама комжўлар<sup>923</sup> кетибдур қаён?  
Хусусанки, Искандари номдор,

Бор эрди жаҳон шоҳи соҳибқирон,  
Муродича оламда сокин бўлуб,  
Айш этдиму ул хисрави хўрладон?<sup>924</sup>  
Аё, ком<sup>925</sup> ила жамъият истаган,  
Қилай панд эшигил келиб бу замон.  
Кимиким эса оқилу ҳушёр,  
Тажарруд тариқин<sup>926</sup> қилур ихтиёр.

...Чекарсан давомат ғам ила малол,  
Қилиб дардни бори қадингни дол.  
Тақозолар айлаб тааллуқ сори,<sup>927</sup>  
Онинг учун этгунг дамодам хаёл.  
Гаҳи ёд этиб айлар ҳазин басе,  
Шаб-рўз кўргузгасен иштиғол.  
Эса мақсадинг топмоқ олам аро,  
Тамоми улуму фан ичра камол.  
Қириб кўйи факру фаноға мудом,  
Қулоқингни кар эт, тилинг гунгу лол.  
Эса ҳам бирор борҳо комрон,  
Қилур оқибат даҳрдин интиқол.<sup>928</sup>  
Кимиким эса оқилу ҳушёр,  
Тажарруд тариқин қилур ихтиёр.

Фалакким эрур бир жафогустаре,  
Вафосиз, жафогар, ситампарваре,  
Эрур золиму қотилу нобакор,  
Иши қажравишилиқдуур аксари.  
Гаҳи номурод этгали ҳалқни,  
Солур бошига турфа шўру шари  
Берид шум аъдога ёри мудом,  
Мухиб аҳлидин бўлгусидур бари.  
Ишонманг ани заррacha меҳрига,  
Ки ул бир фусунсоз жодугаре.  
Эмиш ақрабу морваш заҳрдор,<sup>929</sup>  
Ҳақиқатда ҳар нуқра<sup>930</sup> бирла зари.  
Кимсаким эса оқилу ҳушёр,  
Тажарруд тариқин қилур ихтиёр.

Онинг шўх маҳбуби жононлари,  
Бу ширинсухан лаъли хандонлари,  
Сочи сунбул ҳусн авжи аро,  
Юзи ўйлаким меҳри рахшонлари,  
Қамар тальят ёри шамшодқад,  
Паризод, кўйи гулистонлари,  
Басе даҳр аро эрса тўби мисол,

Қади чунки сарви хиромоғлари,  
Алар сори майл этма бас ҳаргизин,  
Ки қон тўккуси чашми фаттонлари.  
Эрур жумласи бегумон бевафо,  
Ки ҳам чин эмас аҳду паймонлари.  
Кимсаким эса оқилу ҳушёр,  
Тажарруд тариқин қилур ихтиёр.

Агárчи, эрур зоҳиран ҳар бири —  
Дилорому дилдору ҳуру пари,  
Рухи сорига боқсанг ул навъиким,  
Сабоҳатда нури худо мазҳари.  
Эрур ҳар бирин файзи базми биҳишт,  
Келиб лаълининг шарбати кавсари.  
Дурурлар бори ноз қилмоқ аро  
Нигору маҳбубу маҳ пайкаре.  
Ўзидек валекин вафосиздуур,  
Бу оламни мажмаъи сийминбари,  
Олор сорига рагбат этма, Аваз,  
Ки онлар муҳаббатдин ўлғон бари.  
Кимсаким эса оқилу ҳушёр,  
Тажарруд тариқин қилур ихтиёр.

## ТАРЖЕЪБАНД

Даҳр боғиким эрур зоҳирда асрӯ дилкушо,  
Зеб топғон неча алвон гул била сар тобапо.  
Гарчи бордур ҳар биноси зоҳиран маҳкам басе,  
Лек ботинда бақодин йўқ асар ҳаргиз анго.  
Чиқмаса тонг йўқ хавотирдин анинг сокинлари,  
Ким ул уй, эй дўстлар, сув узра топмишдур бино.  
Булбулосо гуллари сорига рагбат айламанг,  
Ким они маъдумдур гулзорида бўйи вафо.  
Жумлан мавжуд бўлғон шай<sup>931</sup> хаёлу хобдек,  
Бўлгуси навбат билан чун озими роҳи фано.<sup>932</sup>  
Ким агар бўлса вафо бирла муҳаббат аҳлидин,  
Чекмак иши бўлди шому рўз озори жафо.  
Жидду жаҳд ила бўлур ганжи бақонинг томеъи,  
Чекмагил беҳуда ранжи меҳнату дарду ано.  
Билгил ушбу олам ободини вайрон оқибат,  
Ким онинг бору йўқи бўлғуси яқсон оқибат.

Кимсани қалбида жуз қайгу била ғам бўлмади,  
Лаҳза мақсадин топиб масруру хуррам бўлмади.  
Чарх даври мақсаду коми дилича айланиб,  
Қўнгли севган шўх дилдорига ҳамдам бўлмади.  
Неча минг озодалар юз ҳасрат ила ҳайфким,  
Ўтди оламдин, дили комича бир дам бўлмади.  
Амният<sup>933</sup> жойи эмасдур, эй биродар, бу работ,  
Ким онинг боқийлигининг тори маҳкам бўлмади.  
Борчага маълум ўлур дунё вафоси йўқлиги,  
Гардиши гардуни дуннинг зулми мубҳам бўлмади.  
Гарчи ҳар соат бўлур афзун малолу кулфати,  
Лек, эй аҳбоб, бир лаҳза доги кам бўлмади.  
Ман не ёнглиғ шодлиғ истай жаҳон мулки аро,  
Умрида осуда бир дам ҳеч бир одам бўлмади.  
Билгил ушбу олам ободини вайрон оқибат,  
Ким онинг бору йўқи бўлғуси яқсон оқибат.

Солмағил кўз даҳр маҳбубига зинҳор, эй рафиқ,  
Ким ҳамул ишингда бешак хавфи жон бор, эй рафиқ,  
Айрила олмас балоға ўзни айлаб мубтало,

Чекма то сўнгра пушаймонлиғни бисёр, эй рафиқ.  
Жилвалар изҳор этиб асру адою ноз ила,  
Ихтиёргинг олмасун, бўлгил хабардор, эй рафиқ.  
Холи мушкинин кўруб майл этма жон даркор эса,  
Ким они жон қасдига ҳар тори бир мор, эй рафиқ,  
Гарчи суратда эрурлар ҳар бири бир ҳурваш,  
Лек сийратда бори тарсоу куффор, эй рафиқ.  
Лаъли жонбахшин билиб Иосифат мўъжизбаён,  
Рагбат этма бул кўзи қаттолу хунхор, эй рафиқ.  
Олданиб онлар вафоу меҳрига фахр айлама,  
Бир куни айлар ситам расмини изҳор, эй рафиқ.  
Билгил ушбу олам ободини вайрон оқибат,  
Ким онинг бору йўки бўлғуси яксон оқибат.  
Аввало нокомлиғ чек, эй кўнгул, ком истасанг.  
Зоҳир эт бадномлиғ гар нанг ила ном истасанг.  
Қўй қадам мардоналиғ бирла тариқи ишқ аро,  
Бир ниғори маҳлиқо шўхи гуландом истасанг.  
Молу жону ор ила номус таркин айлагил,  
Иттисоли<sup>934</sup> ёрни гар субҳ ила шом истасанг.  
Қил равона бениҳоят ажз ила жон қосидин,  
Хушинг олғон ёрдин ахбору пайғом истасанг.  
Нўш қил аввал фироқ ичра малолат соғарин,  
Бўлғоли сармаст дилдор илкидин жом истасанг.  
Бер ризолиг раңжу шиддатга миҳан айёмида,  
Бир пари пайкар била роҳатлиг айём истасанг,  
Тобеъи фармони бўл сидқи дил ила борҳо,  
Гар шаҳи кишваркушодин, эй ким, инъом истасанг,  
Билгил ушбу олам ободини вайрон оқибат,  
Ким онинг бору йўки бўлғуси яксон оқибат.  
Майл ҳаргиз этма олам хўбига ҳушёр эсанг,  
Мадхали зи ақл<sup>935</sup> доги соҳиби асрор эсанг.  
Дилраболар қошу кўзи сорига мойил бўлур,  
Ошиқ ўл, жони азизингдин агар безор эсанг.  
Шиква қилмай зулм ўтрусида меҳр айлаб аён,  
Жон фидои ёр қил мисдоқ<sup>936</sup> элидин бор эсанг,  
Ўлмайин эмди не мумкиндур раҳолиг топмоғиңг,  
Гар гирифттори ҳамул икки кўзи хунхор эсанг,  
Бир пари ҳижрони ичра ман нечук рафъ айлайн,  
Юз минг офоту балият хайли бирла ёр эсанг.  
Не учун аввалда қилдинг ёр васлин орзу,  
Ҳажр шамшири била жону дили афгор эсанг.  
Васл неъматини истаб дилбаринг кўйи аро,  
Эй, Аваз, не айбким, доим залилу хор эсанг.  
Билгил ушбу олам ободини вайрон оқибат,  
Ким онинг бору йўки бўлғуси яксон оқибат.

## СОҚИЙНОМА

Соқий, кетур ул шароби гулгун,  
Қилғуси нишоти айшим афзун.  
Фарёдки, ушбу чархи ахзар,  
Бошимға солур минг офату шар.  
Айлаб мени бир гүзалға ошиқ,  
Күргуси туман балоға лойиқ.  
Ул навъ бериб юз иштиёқи,  
Жонимни олур ғами фироқи.

Соқий, кетур ушбу лаҳзада жом,  
Ким чекмак ишим жафойи айём.  
Олам кўзима мисоли зиндан,  
Етмас мангаким висоли жонон.  
Не кимса манга рафиқу дамсоз,  
Не ёр ғамимға чорапардоз.<sup>937</sup>  
Не толеу баҳт бўлди ёrim,  
Не ёр анису ғамгусорим.  
Не бир киши сўрди мандин аҳвол,  
Не умр аро саъд ўлди иқбол.

Соқий, кетур ул қадаҳи чиний,  
Манким эдим ишқ ғамини.  
Нўш айлаб оники то бўлай шод  
Эрдим бас алам чекарга мұттод.  
Қаҳр этгали ул нигори гулрӯй,  
Келмас кечалар кўзимга уйқу.  
Бошимга тушуб балои ҳижрон,  
Ўз ҳолима йигларам фаровон.  
Гаҳ ҳажр аро тортибон чу қайгу  
Гаҳ васл умидин этгум асрү.

Соқий, кетур ул майи тарабни,  
Ким хушк этадур хумори лабни.  
Гаҳ орази ёди бирла йиглаб,  
Гаҳ ҳажр ўтиға юракни доғлаб,

Гаҳ-гаҳ рақиб еткуур ранж,  
Гаҳ-гаҳ ҳабиб еткуур ранж.

Соқий, кетур ушбу дамда саҳбо,  
Ким ул эди асру беҳжат афзо.  
Гаҳ ёдима келса орази ёр,  
Булбулдек әтарман оҳ ила зор.  
Гаҳ ёд қилиб лабини болин,  
Қўп истарам ҳақдин иттисолин.  
Гаҳ фикр қилиб сочини торин,  
Барбод әтарам кўнгул қарорин.

Соқий, кетур ул суроҳи гулфом,  
Қўнглумга ҳамиша улдуур ком.  
Ҳар неча анга вафо қилурман,  
Қўйида ўзим гадо қилурман.  
Ул шўх жафо қилур дамодам,  
Қўксумни яро қилур дамодам.

Соқий, кетур ишқ әлиға бода,  
Айларга муҳаббатин зиёда.  
Гарчи эса ёр роғиби ғайр,  
Лек ошиқ әмаски, толиби ғайр.  
Ушшоқ иши дарду меҳнат эркан,  
Маъшуқ насиби роҳат эркан.  
Жавр ила ситамлар этса маҳбуб,  
Ошиқ ани ўзига билур хўб.

Соқий, кетур ул мудоми рангин,  
Ман хастага жондин эрди ширин.  
Хижрон туни эрди дағъи олом,  
Соқий, кетур ул шароб ила жом.  
Ман хаставу зору бенавоман,  
Бир шўх ғамиға мубталоман.

Соқий, кетур ул кўйинда шиша,  
Ёр илгига бор эди ҳамиша.  
Маҳруми висолман ҳамиша,  
Зору табаҳ ҳолман ҳамиша.  
Бир неча йил ўлди топмайин ком,  
Чекмаклик ишим ғам ила олом.  
Бир умр аро ман ҳазин маҳмур,  
Май нўш қилурдин ўлмишам дур.

Соқий, кетур онча бўлса коса,  
Ки соғ май ила тўлса коса.

То бўлмишам ишқ аро гирифтор,  
Қисмат манга бениҳоят озор.  
Ҳар лаҳза келиб бошимға офат,  
Чеккум кечакундуз оҳу ҳасрат.  
Ҳеч кимса манингдек ўлмасун зор,  
Шамшири фироқ ила дилафгор.

Соқий, кетур ичмайин пиёла,  
Тушдим бу нафас ажиг ҳола.  
Алқисса мани гарibi маҳзун,  
Бир Лайли ғамида бўлди Мажнун.  
Шом ила саҳар тилаб висолин,  
Чеккум ғами ҳажрининг малолин...  
Соқиё кетур ул майи гулфом,  
Эрди жонимға бергучи ором.  
Мани шаб-рӯз гардиши афлок,<sup>938</sup>  
Оҳким қилғуси басе ғамнок.

Соқиё, кетур асруким шиша,  
Беш ила камни қилмай андиша.  
Юзланур ҳар нафасда ранж манга,  
Бўлмайнин фатҳи боби ганж манга.<sup>939</sup>  
Чекмак ишдур ҳамиша дарду алам,  
Лаҳзае бўлмайнин малолим кам.

Соқиё, кетур ул лазиз шароб,  
Ринд элидин мани эл этти ҳисоб.  
Бўлғали бир дайр меҳмони,  
Ичмадим согар илгидин они.  
Нўш этар бода ёр ила ағёр,  
Рашкидин мен ҳазин ўлуб bemor.

Соқиё, кетур ул мусаффо жом,  
Улдурур кўнглима муроду ком.  
Бўлмишам то бир ой гирифтори,  
Бениҳоят балони дучори,  
Доимо ул манга жафо айлар,  
Сонсиз офатға мубтало айлар.  
Файрига ёр ўлуб сабоҳу шом,  
Мандин айлар ҳазар ҳамул худком.

Соқиё, кетур ул пиёлаи сурх,  
Бор эди рангу бўда лолаи сурх.  
Гарчи ман айларам ҳамиша вафо,  
Лек ул қилғуси юз онча жафо.

Ёри бераҳм, чархи золим ҳам,  
Этгуси кўп ситам узра ситам.  
Не манга кимсадин етарроҳат,  
Етишиб минг малолату меҳнат.  
Ҳар нафас таън этиб рақиби шум,  
Ақлу ҳушимни қилғуси маъдум.

Соқиё, кетур ушбу дамда қадаҳ,  
То топай анинг бирла ҳаззу фараҳ.  
Гаҳ бошимга келур бало асру,  
Гаҳ тушар турфа можаро асру,  
Гаҳ келиб хайли ибтилои фироқ,  
Гаҳ малоли ғаму балойи фироқ.  
Гаҳ бўлур тийра кўзума олам,  
Гаҳ бўлуб сабру тоқатим барҳам.  
Гаҳ этиб маҳвашимнинг озори,  
Гаҳ қилурман фифон ила зори.

Соқиё, кетур ўлса гар бода,  
Бермишам дилни бир паризода.  
Мубталойи балойи фурқатман,  
Толиби ҳам гадойи вуслатман.

Соқиё, кетур ичмайин шарбат,  
Тортаман субҳу шом аро кулфат.  
Билмон ул шўхи гулузор қани,  
Гулрухи маҳжабин ёр қани.  
Мунтазирман ҳамиша йўли уза,  
Чекиб озор ила миҳан ҳаргах.  
Бир тарафдин этиб изойи рақиб,  
Бир тарафдин фироқ ранжи насиб.

Соқиё, кетур ул мудоми лазиз,  
То бўлай олам ичра коми лазиз.  
Зулфи фикри била паришонман,  
Борҳо мубталойи ҳижронман.  
Ёр рухсоридин бўлуб булбул,  
Айлагум субҳу шом бас ғулгул.  
Номини зикр этиб мани бадном,  
Қилғаман телбалиғ сабоҳу шом.  
Гаҳ тушуб ёрима висол туни,  
Қаддим ўлғуси мисли дол туни.

Соқиё, кетур ул майи ширин,  
Асру эрди фараҳ физо рангин.

Токи ушбу жаҳонға келмишман,  
Тифи ишқ ила дилин тилмишман.  
Ўзни даҳр ичра айлабон расво,  
Айладим яъни ошиқи шайдо.  
Файр бирла ҳамул малак симо,  
Базм этиб, нўш этар майи мино.  
Байтул-эҳзон аро мани мискин,  
Ултуурманса ҳамиша зору гамин.

Соқиё, кетур ул туни соғар,  
Эди ҳамроҳу мунису раҳбар.  
Даҳр маҳбуби бевафо эркан,  
Барчаси лек пуржафо эркан.  
Қилсалар бир йўли муҳаббат агар,  
Қаҳр этарлар валек шому саҳар.  
Аҳди ёлғон барисини баъзан,  
Ки бори бевафову аҳдшикан.<sup>940</sup>  
Манки борини имтиҳон этдим,  
Бўлмайн то Аваз каби маҳзун,  
Қилмай ошом шарбати гулгун...

\* \* \*

Кел бу дам, эй соқийи фархунда рӯ,<sup>941</sup>  
Лутфу карам расмин этиб ўзга хӯ,  
Йўлингга ман шому саҳар интизор,  
Ушбу нафасда мани қилмай хумор.  
Кетур ҳамул майки эди лолафом,  
Субҳу масо ул мани кўнглимга ком.  
Май демайнин, улдуур ҳайвон суви,  
Йўққи не ҳайвон суви, бал жон суви.  
Қилди хумори анинг жонимға зўр,  
Бошима солиб туман офоту шўр.  
Нўш этиб ани мани бехонумон,  
Токи топай жиссими аро тоза жон.  
Дегали ҳолимни тилимни очай,  
Сўз гуҳари дуррини ҳарён сочай.  
Юз берибон турфа малолат манга,  
Йўқ эди уммиди саломат манга.  
Чарх қилиб кажлик ишин ошкор,  
Айлади бедод манга бешумор.  
Этти қадим бори ғам остида ё,  
Бошима сонсиз солибон можаро.  
Гоҳ бошима хайли ғам айлаб ҳужум,  
Фояти сонсизлиги мисли нужум.<sup>942</sup>

Гоҳ отилиб таъну маломат тоши,  
Емрулур онинг била ҳушим боши.  
Гоҳи туман меҳнат ила ёрман.  
Доми балиятга гирифторман.  
Ёр манга кечаю кундуз аро,  
Хайли ғаму кулфату дарду бало.  
Мунча жафо борини танҳо кўруб,  
Ингларам-ўқ ҳар сорига телмуруб.  
Не манга бир соҳиби асрор бор.  
Не манга бир мушфиқи ғамхор бор.  
Қўксум ўлуб ғусса ўқиға ҳадаф,  
Хайли бало теграм аро саф-басаф.  
Гоҳ бўлуб эли душман манга,  
Дўст бир одам эмас, олам манга.  
Умр ўтуб бу сифат ҳолат била,  
Дарду ғаму ранжу малолат била.  
Ҳар нафас ўз ҳолима аффон чекиб,  
Етмишам ўлмакка яқин жон чекиб.  
Тушгали то бошима савдои ишқ,  
Ақлим олур турфа таманнойи ишқ.  
Ёр висолини қилиб орзу,  
Ранжи фироқ этгуси ашкимни сув.  
Оразининг ҳажрида ёғду жаҳон  
Қўзларима тийра бўлур ҳар замон.  
Ёдима тушса қачон лаъли ёр,  
Бўлгусидур жони ҳазиним низор.  
Шоми фироқ ичра қолибман ҳазин,  
Қўнглум эрур асрү малулу ғамин.  
Токи ул ой ишқи аро зорман,  
Чекмак иши ранж ила озорман.  
Васли таманносида бемор ўлуб,  
Хайли ғаму дардға дучор ўлуб.  
Икки кўзим ўйла бўлуб ашкбор  
Йўли сарига қиласидур дур нисор.  
Файр ичар ёр ила жоми тараб,  
Қон ютарам ҳажрида ман рўзу шаб.  
Гоҳ уруб кўйи аро оҳлар,  
Оҳ демай, нолай жонкоҳлар.  
Гоҳ етиб таъну малоли рақиб,  
Кетгуси бу важҳ ила мандин шикиб.  
Гоҳ қилиб ёр ситамлар манга,  
Юзланадур ранжу аламлар манга.  
Ингларам ўз ҳолима мотам тутуб,  
Теграм алам аскари бирла тўлуб.  
Гарчи ман айлаб анга меҳру вафо,

Лек чекарман кеча-кундуз жафо.  
Қайси андуҳу малолим дейин,  
Еки санга қомати долим дейин.  
Умр ўтубон келмади ул ёр ҳанўз,  
Файр сори борғуси бисёр ҳанўз.  
Сунгил Авазға бу нафас соғари,  
Қилғали ғам хайлидин они бари.  
Мустаҳиқи марҳамату шафқат ул,  
Яъни асири аламу фурқат ул.  
Топсун ани нўш этиб асрү фараҳ  
Қилмоқ ўзига қиласур хў фараҳ.  
Тўлдуруборон шому саҳар жомни  
Бергил анга шарбати гулғомни...

Кетур, соқий, бу соат жоми гулгун,  
Хуморидин анинг бағрим эрур хун.  
Кўзумға даҳр ўлуб аксар қоронгу,  
Анга шому саҳарда келмас уйқу.  
Қилурлар хайли андуҳ қасди жоним,  
Фалакдин ошуруб оҳу фифоним:  
Манга юзлангусидур дарду кулфат,  
Чекардин ани тинмайман давомат.  
Аlam чекмак ишимдур субҳ ила шом,  
Ғамимға йўқ дами таскину ором.  
Келур бошимға турфа мажаролар,  
Ҳужум айлаб бори хайли балолар.

Кетур соқий, шароби аргувони,  
Ки улдур ман ҳазин жисманинг жони.  
Ки то ман телба айлай они ошом  
Манга ҳосилдур андин мақсаду ком.  
Ул эрди мужиби айшу нишотим,  
Бу важҳи ринд элига ихтилотим.  
Ул эрди борҳо дардимға дармон,  
Ани гар топмасам бўлғум паришон.  
Ул эрди боиси гўё ҳаётим,  
Яқин бил андин айрулиғ мамотим.  
Ул эрди нотавон кўнглим муроди,  
Тамоми мушкилотимнинг кушоди.

Кетур соқий, бу дам саҳбойи ширин,  
Ичиб кўрсун ани зоҳиди худбин.  
Десун кавсар суйи аҳсанму ё ул,  
Мулаззазлиғда<sup>943</sup> мустаҳсанму ё ул.  
Бўлуб сармаст бу дам борсун ўздин,

Тили қолиб ҳамул нодоннинг сўздин,  
Ки то бу лаҳза тарки зуҳд қилсун,  
Ҳамиша даҳр элин қадрини билсун.  
Кетур, соқий бу дам саҳбойи ишрат,  
Ки беҳжат қилғали бу дам ғанимат.  
Келибдур мажлиснинг жумла аҳбоб,  
Вафо иқлимида ҳар бири ноёб...

Кетур соқий, майли хуш бўйи гулфом,  
Вафо ҳеч бир кишига қилмас айём.  
Фалакким пешаси зулму ситамдур,  
Ки анда роҳат осори адамдур.

Кетур, соқий, манга бир коса шарбат,  
Аннинг маҳмуридурман неча муддат.  
Муруват кўрмадим ҳеч бир кишидин,  
Давомат чиқмай элнинг коҳишидин.<sup>944</sup>

Кетур, соқий, қадаҳким ғамзудодур,<sup>945</sup>  
Ки ғамлар касрати жоним олодур.  
Фараҳ бу қалби ношодимға етсун,  
Ҳам ондин ранжу қайғу хайли кетсун.  
Манга наҳсият эрди баҳти идбор,  
Аннингдек баҳтдин кўп коҳишим бор.

Кетур, соқий ҳамул гулранг соғар,  
Бор эмиш жоми Жамдин ҳам накӯтар.  
Ичиб онинг била май ушбу соат,  
Фалакнинг илгидин айлай шикоят.  
Недин аҳли вафо чекгуси озор,  
Кўруб меҳру вафо аҳли жафокор?  
Не учун ком топмай ошиқи зор,  
Топар дилдорлардин они агёр.  
Насибидур бирин вуслат ҳамиша,  
Бириннинг қисмати фурқат ҳамиша.  
Ҳумо еб устухони қоқ ила панд,  
Магасга туъма доим шаккару қанд.

Кетур, соқий, мени мискинға бода,  
Ки то қилмоққа айшимни зиёда.  
Муҳаббат аҳли гардундин чекар ранж,  
Ки топмас ҳеч бир одам ранжсиз ганж.  
Агар ҳар кимсада бўлса муҳаббат,  
Анга кўргузгуси юз онча меҳнат.  
Ким ўлса гар тараб қилмоқға толиб,

Анга гардун ситам этмоққа роғиб,  
Дикар нахли,<sup>946</sup> чекиб меҳнат бировлар,  
Вале андин кўрар роҳат бировлар.

Қетур, соқий, суроҳий дилкушони,<sup>947</sup>  
Ки улдур доғини ранжу анони.  
Бу олам мулки мамлӯ оғат ила,  
Саросар дарду ранжу кулфат ила.  
Нечук уммиди роҳат андин айлай,  
Ўзум майсиз саломат андин айлай.  
Аваздек бўлмишам ошуфтга аҳвол,  
Чекиб беҳадду сон ҳасрат маҳу сол...

## РУБОИЙЛАР

1

Соқий, беракўр ушбу нафас бода манга,  
Ким олам этар минг алам омода манга.  
Ичмай не сифат соғари гулранг сенингдек,  
Ҳамдам эса бир гулрухи озода манга.

2

Қош ила кўзи олғусидур жон иккилаб ,  
Жон бермак ишин қилса намоён икки лаб.  
Юз мурда ёнғидин бўлур эҳё шаксиз,  
Минг ишва била гар очса жонон икки лаб.

3

Ул маҳвани чолок суруб ман сори от  
Қилди мани бир нигоҳи ноз ила мамот.  
Ҳайҳотки, қилмайин вафо нақди ҳаёт,-  
Бўлдум мани бесабру хирад мурда сифот.

4

Ой ҳуснингга, эй ёри дилоро, муҳтоҷ,  
Мушкин сочиннга анбари соро муҳтоҷ.  
Муҳтоҷ сани кўргали бўлсам, не ажабким,  
Васлиннга жаҳон эли саропо муҳтоҷ.

5

Фарёдки, ҳушим олди бир моҳ талъат,  
Қаттол кўзу ғамзалари жон оғат.  
Аввалда етурди васлини жаҳд била,  
Сўнгра мани қилғоли асири фурқат.

## 6

Ишқ урди басе хотири вайронима ўт,  
 Андин тутошиб тушгусидур жонима ўт.  
 Эмди, не ажаб, бўлса вужудим куюбон кул,  
 Ким етти саросар тани учрёнима ўт.

## 7

Фарёдима ушбу чархи гардон боис,  
 Не чархки, бал фироқи жонон боис.  
 Жононни фироқига рақибон боис,  
 Топғунгдур они рашкига ҳам кон боис.

## 8

Гарчи манго жон берди сўзинг, эй кўзи қиймоч,  
 Лекин оладур они кўзинг, эй кўзи қиймоч.  
 Бошимга солурсан неча савдо билан ғавфо,  
 Не офат эдинг, билмон, ўзинг, эй кўзи қиймоч?<sup>948</sup>

## 9

Оқил эсанг, эй биродар, ичгил қадоҳ,  
 Ким бергуси ул жонингга кўб роҳати роҳ.  
 Гам дағъини қилмоқ тиласанг шому саҳарда  
 Кир дайр ичига олиб бир илкинга суроҳ.<sup>949</sup>

## 10

Беҳуда қилиб турфа аполо,<sup>950</sup> эй шайх,  
 Даҳр ичра ўзингни қилма расво, эй шайх.  
 Қатл айла ўзингни сидқ шамшири била,  
 Қилғунча риёу ҳийла барпо, эй шайх.

## 11

Қилмушму бу лаҳза майли ағёр, ул шўх,  
 Бағримни қилурга яксар афгор, ул шўх?  
 Файриға қилиб ҳамиша шафқат, лекин --  
 Бергуси ман ҳазинға озор, ул шўх.

12

Эй қоши қаро сиймбару ҳам кўзлари жаллод,  
В-эй ишқ әлиға субҳу масо қилгучи бедод.  
Қилгуси манго жавру жафо хайли рақибинг,  
Онлар қўлидин ушбу нафас кимга қиласай дод?!

13

Гулрухлар аро меҳру вафо нодиру шоз,  
Жуз меҳнату озору жафо нодиру шоз.  
Васл айшини айёмини дер аҳли хирад,  
Андоқки гул умриға бақо нодиру шоз.

14

То шароби ишқ келди бисёр алаz,<sup>951</sup>  
Фаҳм айламагуси они ҳушёр алаz.  
Ҳар талх доруки рафъи ранж ўлса,  
Билгайму они мизожи бемор алаz?

15

Масжидга кириб субҳу масо, эй зоҳид,  
Ҳосил санго әрмас эрса ком, эй зоҳид.  
Дайр ичра ҳамиша киргил ихлос била,  
Ринд аҳли билә ичгали жом, эй зоҳид.

16

Еримға рақиб маҳфили манзил әрур,  
Онлар била ҳаззу беҳжати комил әрур.  
Ман хаста фироқи аро ноком, vale —  
Ондин борини коми дили ҳосил әрур.

17

Ағёр әлиға вафо қилурсан, эй ёр,  
Юз онча манго жафо қилурсан, эй ёр.  
Қаҳр ила ситамни ханжарини тортиб,  
Яксар юрагим яро қилурсан, эй ёр.

18

Жонимни олурға кўзы қош, эй дилбар,  
Бир-бири била қилур талош, эй дилбар.  
Меҳр ила муҳаббатни кўруб мандин кўб,  
Ойини жафони қилма фош, эй дилбар.

19

Ҳар кимса агар рақибдек шумдуур,  
Осори тараҳхум анда маъдумдуур.  
Ошиқ ким эса рақиби кўб дилбарға,  
Албатта, ҳамиша нўши заққумдуур.

20

Ким эрса агар жаҳон аро ҳимматлиғ,  
Бил они ҳамиша баҳтлиғу давлатлиғ.  
Ҳимматли киши топиб мурод ўлса доғи,  
Ҳотам киби доим ўлғуси шуҳратлиғ.

21

Жоно, бошима тушгали то фурқатингиз,  
Ўлтургусидур орзуи вуслатингиз.  
Файрини кўзига бергуси нурү сафо,  
Шом ила саҳар нур маҳ тальятингиз.

22

Ёраб, мани ишқ бандидин айла халос.  
Ҳам ёр сочин камандидин айла халос.  
Зоҳид манго бергусидур озор басе,  
Бу лаҳза они пандидин айла халос.

23

Эй юзлари ҳусн авжи аро ою қуёш,  
Андин қиласидур касби зиё ою қуёш.  
Рұксоринг ила шому куним равшан эса,  
Не ҳожат эрур, баски, манго ою қуёш.

315

## 24

Эй шўх, мужанг ўқигадур кўксум ҳадаф,  
Қасдимға алар хайли тузалар икки саф.  
Ғамзанг ўқига маскан ўлур, жоно, мудом,  
Кимнинг эса ушшоқ аро иқболу шараф.

## 25

Мажлис аро нағмасаро, эй ҳофиз,  
То қилғоли оҳанги наво, эй ҳофиз.  
Қўнглумни хуш айладинг басе соз айлаб,  
Бўлгай бори мақсадинг раво, эй ҳофиз.

## 26

Ҳар неки берур табиати ёрима ҳаз,  
Ул бергусидур жону дили зорима ҳаз.  
Эл кўнгли паришон эса зулфидин они,  
Улдур мани бас хотири афгорима ҳаз.

## 27

Эй маҳвани лабшакару шаҳд дудоқ,  
В-эй сийм зақан<sup>952</sup> сийм бадан, сийм сақоқ.  
Қўрган киши гар ошиқинг ўлса, не ажаб?  
Овозаи ҳуснунг била тўлмиш оғоқ.

## 28

Эй шўх, мани асири ҳижрон этдинг,  
Зулфинг киби хотирим паришон этдинг.  
Гарчи қилибон рақибға лутф, вале  
Жавр ила ситам манго фаровон этдинг.

## 29

То бўлди бир ойни ишқиға зор кўнгул,  
Андин бери субҳу шом bemor кўнгул.  
Ул навъ этиб ўзни гирифтари фироқ,  
Минг ҳасрат ила аламга дучор кўнгул.

30

Эй кимса, ҳамиша құлма изҳор тамаъ,  
То құлмасун оқибат сани хор тамаъ.  
Қаж англаб аннинг коми дилин, гардундин —  
Хеч айламагай оқылу ҳүшөр тамаъ.

31

Құлғұм буқун ул ғұнча даҳон бирла видоъ,  
Ул навъки тан құлғуси жон бирла видоъ.  
Тонг йўқки кетарда йиғласам кўйидин,  
Ким құлғаман ул шўхи жаҳон бирла видоъ.

32

Кўрмаклик они дийдаи ҳайронга тамаъ,  
Сўрмоқ лаби шаҳдими жонға тамаъ.  
Нозик белини қучмоқ ўлуб шому сабоҳ,  
Афгор басе қалби паришонға тамаъ.

33

Эй маҳ, нега бўйла майли ағёр этдинг?  
Фурқат ғамиға мани сазовор этдинг?  
Ғайриға бўлуб муниси жон, лек мани —  
Юз меҳнату дарду ранж ила ёр этдинг?

34

Гар айласа бир ситам изҳор лабинг,  
Жон бергусидур ўлукка бисёр лабинг.  
Қолғойму ўлук жаҳон аро жон топмай,  
Исосифат айлаганда гуфтор лабинг?

35

Ул ёр манго гар айласа жононлиғ,  
Топғой эди мушкилим бари осонлиғ.  
Носеҳ дегусидур, они ишқин тарқ эт,  
Доно эли ҳам этар экан нодонлиғ!

## 36

Зоҳир қиласур икки кўзи кофарлиғ,  
Таслим анго тариқи сийминбарлиғ.  
Айлаб неча қаҳр, бир йўли лутф этмас,  
Бу навъ ҳам ўлғуси экан дилбарлиғ!

## 37

Эй шўх, манинг ҳоли паришонима боқ,  
Қон тўккусидур дийдаи гирёнима боқ.  
Гардунни қулоқини кар айлар ҳар дам,  
Ҳижрон тунида нолау афғонима боқ.

## 38

Маҳбуби жаҳонда йўқ вафо, эй ушшоқ,  
Жуз қаҳру итоб ила жафо, эй ушшоқ.  
Ёр этгусидур, не ёнглиғ ўлмай маҳзун,  
Бедод уза бедод мангро, эй ушшоқ.

## 39

Ваҳқим, яна жаврин ошкор этти фалак,  
Шамшири ғам ила дилфиғор этти фалак.  
Васли била бор эдим ҳамиша сархуш,  
Ул ойни фироқига дучор этти фалак.

## 40

Эй мутриби якто, туза кўр созингни,  
Созинг билан мамзуж эт овозингни,  
Анжомига<sup>953</sup> етмайин қўюб не қўлғунг?  
Тузгилки на эрди ёнги оғозингни.

## 41

Фарёдки, ул нигори дилбар кетти,  
Ман телбани ихтиёри яксар кетти.  
Билмайман ўзум бўлуб қолибман беҳуш,  
Гўёки бадандин бу нафас сар кетти.

## 42

То бўлғоли ошиқи гирифторинг ман,  
Субҳ ила масо кезиб талабгорингман.  
Хуснингни матоин тиласанг гар сотмоқ,  
Жон жавҳарини қўюб харидорингман.

## 43

Эй ёр, санго, келки, фидо жон ўлсун,  
Садқанг ҳама маҳвани жонон ўлсун.  
Ушшоқки гар эрур тасаддуқ, аммо —  
Оlam эли ҳар сўзингга қурбон ўлсун.

## 44

Ҳам икки юзинг ой била хуршид мисол,  
Ҳам қошлиаринг ҳайъати эрур икки ҳилол.  
Ҳам шакли икки кўзинг дурур Чини гизол,  
Ҳам сабзау райҳон санго бу хат ила хол.

## 45

Аҳроб, эрур роҳати жон ёғли палов,  
Ким бергуси ҳаз еган ҳамон ёғли палов.  
Озурдалиғ етгуси чой ичмай,  
Гўё етмиш ушбу замон ёғли палов.

## 46

Ул ойни кўзиму ёхуд ики жоду,  
Ким айлади бир боқиша бағримни сув?  
Тинмай қиласадур ситам мани бедилға,  
Ўзига қилибму жаврни расмини хў.

## 47

Жоноки, ғамингда кўзлари гирёнман,  
Шаб-рўз асири кўлфати ҳижронман.  
Ед айлабон оразинг гулин чун булбул,  
Ҳар лаҳзада тортаман басе ағфон ман.

## 48

Эй мұғбача, бу дамда кетур гулгун жом,  
Кім они демиши ҳаким: дофеңи олом.  
Нұш айлайин они тинмайин, бошим аро,  
Бу соат әзур басе жафои айём.

## 49

То қылди, Аваз, бир ой гирифтөр мани,  
Чекмақдур ишим фіғон ила зор мани.  
Гар күрсалар они күйи ичра ногох,  
Бегоят уруб қоварлар ағёр мани.

## 50

То этгали ишқинг ўти жонға нұфуз,<sup>954</sup>  
Қылғуси саросар тани үрәнға нұфуз.  
Үл ўтки манинг жонима тушмуш, ё раб,  
Хеч айламасин хотири ёронға нұфуз...

## 51

Ақволима, эй ёр, тараҳұм қылғил,  
Құнглімни очарға бир табассум қылғил.  
Ман сори боқиб гаҳи мұруват бирла,  
Холимни сүрарға бир тақаллум қылғил.<sup>955</sup>

## 52

Бу лаҳзада ул орази хуршид қони?  
Васлинини нишоти ўйла жовид қони?<sup>956</sup>  
Андоқки бўлубман бекасу бехуд,  
Бор эрди замиримда бир уммид қони.

## 53

Кулбам аро келса ҳамул жононим,  
Қўнглумда манинг қолмағуси армоним.  
Қўқдин ошибон шому саҳар ағоним,  
Оғзимға не тонг чиқғали етса жоним.

54

Юз шукр етушди дилбаримдин пайғом,  
Бу кеча қилурмиш мани базмимда мақом.  
Ботроқ келибон етушсун ул шўх пари,  
Қосид, муни де баъди дуо бирла салом.

55

Шабу рўз жафову жавр эса ёрга иш,  
Бир умр вафову меҳр ман зорға иш.  
Не навъ бўлур хурраму шодон ошиқ,  
Ки бўлса ситамнинг расми дилдорға иш.

56

Ҳар ошиқ агар нигоридин айрилмас,  
Албатта бори қароридин айрилмас,  
Васл истамаган бемаҳал ушшиқ ичра  
Фурқат аро йўқу боридин айрилмас.

57

Ғайр сорига борди ҳамул шўх санам,  
Қилмай мани ҳолимга мурувват бир дам,  
Фурқатни қаро шомида ҳар лаҳза манга,  
Эмди на ажаб ҳамдам эса дарду алам.

58

Ҳеч қилма ўзингни ошиқ, эй неку ном,  
Ким чекмак ишинг бўлгуси ғам субҳ ила шом.  
Гулрўи жаҳон сорига боқма эсанг оқил,  
Ким жумласига зулму ситам расми низом.

59

Не айб агар хотирим ўлса шодон,  
Ким келгуси бу лаҳза ҳамул офати жон.  
Жон нақди не тонгким бу нафас сарф ўлса,  
Ким бергуси тоза жон ҳамул шўхи жаҳон.

## 60

Ким айлар эса даҳр аро ошом қадаҳ,  
Ранги бўладур филмасал фом қадаҳ<sup>957</sup>  
Бу базм ароким соқи ҳамул шўх бу соат,  
Тонг йўқ мани бекасга эса ком қадаҳ.

## 61

Соқийи гулрух, қиласи сайри боғ,  
Гам дафъи учун ичгали мастона аёғ,  
Не айб эсам мастиб соғарни,  
Ким мугтанам ичмаклик ани ушбу чоғ.

## 62

Жаллод кўзи зулм аён айладило,  
Зулм ўқига кўнглимни нишон айладило.  
Ҳам кўнглим олиб чу қасди жон айладило,  
Шаб-рўз ишим оҳу фифон айладило.

## 63

Умр ўтти, бир келмади дилдор ҳануз,  
Бордурки магар қошида ағёр ҳануз,  
Уммиди висол айлабон қалби харобим,  
Шамшири фироқи била афгор ҳануз.

## 64

Васлиға бадал бўлмади ҳижрони ҳануз,  
Ушшоқ элининг чиқса доғи жони ҳануз,  
Йўлиға чиқиб мунтазир ўлди неча айём,  
Базм сорига келмади жонони ҳануз.

## 65

Найлайки, ҳамул шўх манга ёр ўлмас,  
Гам ўлгали еткурди ғамхор ўлмас,  
Ҳижрон аро ўлса чекиб барчаси ғам,  
Ушшоқ эли ҳолидин хабардор ўлмас.

## 66

Ҳар кимса раҳи ишқ аро содиқ бўлмас,  
Ошиқлиқ анинг шаънига лойиқ бўлмас.  
Фарёду фифон чекса доги кеча-кундуз,  
Узровашининг ишқида Вомиқ бўлмас.

## 67

Кўрдум мани дилхаста бу тун турфа ики туш,  
Бошимға солиб соясини қўнғусидур қуш,  
Бириси: ҳамул ёрнинг васлиға етиоман,  
Ул қилғуси ағёр била асрү уруш.

## 68

Базм ичра қачонки урса жонон раққос,  
Ишқ аҳлиниг жисмида урар жон раққос.  
Ургуси рақиби шумни базм аро,  
Юз ишва била ул кўзи фаттон раққос.

## 69

Ишқ аҳлиға ўлса муҳаббати ёр гараз,<sup>358</sup>  
Ул маҳфил аро соғари саршор гараз,  
Бор ила йўқин тарқ қилиб ишқ раҳида,  
Кўйсун барисин ҳарна керак бор гараз.

## 70

То бўлди ул ойнинг ишқиға зор Аваз,  
Чекмак ишидур кулфату озор Аваз.  
Жавр ила жафо чекиб қилур субҳу масо,  
Меҳр ила вафо русумин изҳор Аваз.

## 71

Ушшоқ аро йўқтур мани шайдоға эваз,  
Андоқки ҳамул нигори барноға эваз.  
Топилғуси гарчи ҳар паривашға бадал,  
Йўқ лек ҳамул наргиси шаҳлоға эваз.

Инъомингга, эй хисрави хўбон, қуллўқ,  
 Эҳсонингга ҳам беҳаду бесон қуллук,  
 Лозим мани бу нафас кўрарға келдинг,  
 Ким айламагим санга фаровон қуллук...

Не золими қотил эди, эй ёр, кўзинг,  
 Ким тўкгуси қоним икки хунхор кўзинг.  
 Ушшоқ агар тирик эмаслар, не ажаб,  
 Ким ўлтурур ишқ элини бисёр кўзинг.

# ҚИТЪАЛАР

1

Сипохи пора истар,  
Мулла ижора истар,  
Бечора чора истар,  
Бир чора замон борму?

2

Билинг, ушбу замон ғамнокидурман,  
Куйиб ўртанимиш элнинг хокидурман.  
Авазким, назм элин чолокидурман,<sup>959</sup>  
Бошин олмоққа хоннинг покидурман.

3

Эшон дегани либоси малла,  
Үғриға шерику ғара далла.  
Рангини кўрунг бу баднамонинг,  
Ҳанги эшаги эрур худонинг.  
Масжидни ўзига дом этибдур,  
Билмам буни ким имом этибдур.

4

Фалакким, эй биродар, ҳеч бир одамға вафо қилмас,  
Даме йўқ сокинин доми балиятдин раҳо қилмас.  
Қилиб ноком доим аҳли сиддиқу муҳаббатни,  
Ки то жон бермагунча мақсуди комин раво қилмас.

5

Демай они нечук ман бевафо, бедодгустарким,  
Вафо аҳлин муродин шоҳидига ошно қилмас.  
Бори эл жон ила молин ҳasad ўти била ёқиб,  
Ажойибким ўзи ҳам ушбу ўт тахтида ёқилмас!

Жаҳон маҳвашлариким зоҳиран ороми жондурлар,  
Вале маъни аро ноошно, номеҳрибондурлар.  
Эрур варзишлари субҳу масо нозу ситамкорлик,  
Вафосизлиғ била мажмуъи машҳури жаҳондурлар.  
Алар сорига майлу рағбат этманг ҳаргиз, эй аҳбоб,  
Ки онлар бошингизда бир балои ногаҳондурлар.  
Жафоу жавр ила зулм ўлғали гулрухлар атвори  
Вафо аҳли фано кошонаси ичра ниҳондурлар.

Ҳамиша, эй кўнгул, қилғил қаноат айламак одат —  
Ки аҳсан ганж йўқ, олам аро кунжи қаноатдин.  
Агар ўлмакка етсанг ҳам чекиб бечоралиғ ранжин,  
Тамаъ қилма ниам<sup>960</sup> уммидини аҳли хасосатдин.  
Санга юзланса ногоҳ бенаволиғ чарх давридин,  
Аёқ чекма давомат осто ни аҳли ҳимматдин.  
Қўюбдурлар худо ўлиға доим мол ила жонин,  
Санингдекларни ҳиммат аҳли қутқормоқға меҳнатдин.

Икки одамдур жаҳонда лаънати ҳақға қариб,  
Бири ҳосидпешау<sup>961</sup> бириси бордур шум рақиб.  
Ким аларни қатл қилса, гар таваққуф қилмайин,  
Ҳақ таоло раҳмати шаксиз анға бўлғай насиб.

Қаю ошиқни бўлса бемуҳаббат бевафо ёри —  
Замоне кам они албатта бўлмас ранжу озори,  
Бўлур бағри қаро қон топмайин коми муродини,  
Агар номеҳрибондур кўнгли севган шўх дилдори.  
Онингдек ёри ишқини тарк айлаган яхши,  
Туман минг ҳасрату кулфатни то бўлмай сазовори.

Агар ҳар ким сани севмас эса, борма онинг сори,  
Десангким етмасун ўзға бирорвдин ранж ила озор.  
Агар бир маҳфил ичра бир кишини дўст этсанг фарз,  
Вале фарз айла онда душманинг ҳам бордурур бисёр.

## 11

Жаҳонда шуму бадбахт ул кишидурқим сабоҳу шом  
Берур бечорау дармондаларга жавр ила озор.  
Қилиб қаҳру ситам беҳадду сон келгунча илгидин,  
Фарид афтодаларни ҳолига кулгу қилур изҳор.  
Алардин ибрат олмай ўзга айлар кибрни пеша,  
Магар билмаски даврон бир куни қилғой они ҳам хор?  
Бақо ҳеч бир кишига айламасдур гардиши гардун,  
Тоңг эрмаским, гар они оқибат онларга қилса зор.

## 12

Ул одамким ҳасад гайриға айлар кечаву кундуз  
Қилиб рашку таассуфни ўтига бағрини бирён.  
Агарчи илгидин келмас бировни хуррам этмаклик,  
Қўра олмас валекин кимсани қалби эса шодон.  
Бу янглиғ ҳосиду бадхоҳу ҳам юзи қароларни,  
Илоҳо, эт ҳабибинг ҳурматидин ер била яксон.

## 13

Ёмонларнинг ёмони ондоқ одамдур жаҳон ичра,  
Иироқ ўлғуси то ўлгунча инсоғу диёнатдин.  
Олиб мазлумлар молини юз минг зулму кин бирла,  
Қилур бехонумон хавф этмайин явми қиёматдин.  
Худонинг қаҳридин бийм этмаган кассоби юинсоғ,  
Ҳазар қилғой нечук олам аро таъну маломатдин?  
Етиб бошиға жаллоди ажал шамширидин зарбе,  
Не хуш, ул навъ одам ўтмаса гар ушбу соатдин.  
Бу сийрат бирла мавсүф бўлғонлар эса маъдум,  
Халос ўлғуси шаксиз фақр эли доми балиятдин.

## 14

Гар десалар бўлғой нечук одамни эрмасдур башар?  
Коғий<sup>962</sup> жавобин дей санга: кимни йўқ эрса ҳиммати.  
Беҳиммат элдин яхшироқ эрмиш сагу.govу ҳимор,<sup>963</sup>  
Йўқ бўлса кимнинг ҳиммати, албатта йўқдур гайрати.  
Гайратсиз ўлғондин киши оламда аҳбоби аро,  
Юз қатла мустаҳсандуур<sup>964</sup> соғ ўлса умри муддати.<sup>965</sup>  
Гайрат била ҳимматлиғ эл ўлса ҳам эҳе қил гумон,  
Паст ўлмамиш не важҳдин халқ ичра Ҳотам шуҳрати.  
Бу икки хислат бирла бўл ашҳар жаҳон мулкидаким,  
Бор филҳақиқат бу икки афъол инсон хислати.

## 15

Ул кишиким, доимо бордур қабиҳ атвор анга,  
Халқи олам ичра йўқ, албатта, нангу ор анга.  
Жангжўлиғ<sup>966</sup> айлабон озурда айлар даҳр элин,  
Берса гар лозим шаҳи одил сазо бисёр анга.  
Не ажаб ул навъ бебунёд агар бўлса қатил,  
Ким ҳамиша ишқиёлиғ расмидур кирдор анга.  
Чин сухан ёнглиғ демак алфози ёлғонни мудом,  
Неча бир бурҳону<sup>967</sup> ҳужжат бирла бўлмиш кор анга.  
Айб эмаским, бергали таъдиб чархи нилфом,<sup>968</sup>  
Айласа гар муҳтасиблиқ<sup>969</sup> расмини изҳор анга.  
Борҳо ушбу сабабли обрӯдин айрилиб,  
Солланиб дурмоқга маскан бўлса лойиқ дор анга.

## 16

Жаҳонким, эй кўнгул, ҳаргиз эмасдур амният жойи,  
Онинг сокинлари бўлмас халос офатни домидин.  
Кимиким анда истар эрса айш ила тараб жомин,  
Қилур ошом самлар меҳнату кулфатни домидин.  
Фано сарманзилини азмини қилмоқлиғ эрур авло,  
Бақо истар кишига оламин мулқин мақомидин.

## 17

Фалони сифлаким гардуни дуннинг гардиши бирла,  
Йигибдур бир замон ичра жаҳон молин Фаридундек.  
Мусулмонларни бошига солиб юз офату гавро,  
Қилур бўхтонлар айлаб гусса бирла бағрини хундек.  
Хасосат лофини ҳеч ким онга бешак ура олмас,  
Накўтар эрди они бу нафа́с ер ютса Қорундек.

## 18

Фалони бозилга бўлсун борҳо дашном уза дашном,<sup>970</sup>  
Ки фақр аҳлиға жавр айлаб, ғанийларға қилур инъом...  
Танаъум аҳлиға неъмат қўюб, оч аҳлиға бермас,  
Хуш эрди топса андоқ элни умри муддати иттом.<sup>971</sup>

## 19

Фалони дуздким таррорлиғдур пешаси доим,  
Анга чарх авнидин етса накўтар эди таъдиб,<sup>972</sup>

Бошиға солса жаллоди ажал шамшири бурроин,  
Бори сориқға ушбу лаҳза сар то сар эди таъдиб.<sup>973</sup>  
Бу соат они бир камтар шерик ҳамроҳи банд ўлмиш,  
Осорға дор ёғочини тагида гар эди таъдиб.

## 20

Фалон бедард ўзин қотғуси дард аҳли қаторига,  
Ҳамоноким ғмагас қылғон киби шаҳбоз ила нарвозд,  
Учуб не ерга борғай турфаким шунқорға баҳс айлаб,  
Агарда жўжа ушбу соат учмоқ айласа оғоз?!

## 21

Фалони беҳаёлиғ бирла бўлмиш шуҳраи оғоқ,<sup>974</sup>  
Ҳаё аҳлиға лозим айламак эмди ҳазар андин.  
Они осорини тангри жаҳондин айлагай маъдум,  
Аларга ушбу феъли қилмасун токим асар андин.

## 22

Фалониким, суханчинлиғни<sup>975</sup> расмин, ўзга қилмиш фан.  
Солурға аҳли оламни бошиға булъажаб савдо —  
Айирмоқға ота бирла ўғулни бир-бисидин,  
Бирин бир айбини минг айлаб айлар бириға ифшо.  
Оносиға қизин душман қилур, қизға оносини,  
Дебон ёлғонни чин монанд бўхтон айлабон гўё.  
Худо қодир эрурким фош этиб асрорини онинг,  
Ики оламни мулки ичра, тонг йўқ, айласа расво.

## 23

Фалони зоҳиди ҳӯдбинки ҳудбинлиғ қилур зоҳир.  
Ўзини аҳли тақво пешвосидин ҳисоб айлаб —  
Ўзи нахват майнин нўш этгуси шому саҳар тинмай,  
Ажойиброқ будурким, ринд элини эҳтисоб айлаб.  
Риё бирла йигиб оламни борча молу асбобин,  
Етар эмди ҳамоноким эшакдек хўрду хоб<sup>976</sup> айлаб.  
Худо инсофа гар ушбу замон келтурмаса они,  
Йўқ эрса боргусидур даҳр мулкини ҳароб айлаб.

## 24

Фалон маҳбубким, бордур пәривашлар аро якто,  
Рухи гул, сочи сумбул, оғзи ғунча, қадди сарвосо.

Агарчи хўблиғ Мисридадур монандиким султон,  
Вале бераҳмлиғ, номеҳрибон дилдори бепарво.  
Мусулмон аҳлидин бегоят элни айлади қофир,  
Магарким бор эдиму ул суманбар баччаи тарсо?!

## 25

Фалон котибки, илки синсун они ёёса хат ногаҳ,  
Қўюб «имон» алифин ҳарфи аввалдин «ямон» айлар.  
Ёзар алфозини ё бўлмайин маъносидин огаҳ,  
Ки ёзғон ҳарфидин акси иборотин аён айлар.

## 26

Фалон мутрибға ман, не айб, доим айласам дашном,  
Ки ҳар мажлисга борса базм эли комича соз этмас.  
Халойиқ деса, туз нағма қўшуб созингға овозинг,  
Қилиб хийла баҳона айламакдин эҳтиroz этмас.

## 27

Фалон номардким ўзни қилур мард аҳлиға ташбеҳ,  
Бори умрида бир йўл мардлик расмини кўргузмай.  
Бошига келса ҳам шамшири заҳролуд мард ўлғон,  
Керакдур турмоқи собит ҳамиша аҳдини бузмай.

## 28

Фалон авбошдек лаънатмаош олам аро йўқдур,  
Ки мажмууи ҳаромизодалар бўлмиш анга чокар.  
Кеча-кундуз қимор ўйнаб, иши ошоми хамр этмак,<sup>977</sup>  
Бўлурға масти бепарво ҳамул бадтийнату занғар.  
Аноси бирдурур, аммо атоси сонини билмон,  
Эмас дин аҳлидин асло ва ё тарсо била кофар.  
Ҳаводис боди етса гар онинг умри чарогига,  
Қилурга маҳв мутлақ базми оламдин эди хуштар.

## 29

Фалон аҳмақки, бергуси ҳамиша ўзига оро,  
Ҳамоноким олиб илгига бир кўзу нисоосо.<sup>978</sup>  
Губоре йўлдин ўтган чоғда гар текста либосига,  
Ювар они зиёда бўлгуча собунни нархи то.  
Агар онинг ҳар асбобига файрини қўли текста,

Ажабким, сўнгра они олмоғуси илкига асло.  
Магар билмаски ул нодону сифла, оқибат борча —  
Мазаллат туфроқини құлғуси минг ҳасрат ила жо!

### 30

Фалони, гарчи күб олий насабдур,  
Вале нодону жоҳил, беадабдур.  
Адабдур издиёдбахши иззат,<sup>979</sup>  
Анга бу важҳдин Махфий лақабдур.

## ИЗОХЛАР

1. Сиёсат маҳв бўлди — зулм-зўрлик йўқотилди.
2. Эрурмиз бир-бири мизга ёқин гёеки бир ихват — туғишган ака-укалардек бир-бири мизга яқинмиз, қадрдонмиз.
3. 1335 ҳижрий йил милоднинг 1917 йилига тўғри келади.
4. Мани солса фано йўлига даврон — замон мени ҳалок қилса...
5. Кўринг ўз қонига олуда Зевар ҳам, Саодат ҳам — Қаранг Зевар ҳам, Саодат ҳам ўз қонларига бўялиб ётипти. (Зевар ва Саодат золим Исфандиёрхон буйруги билан қатл этилган иффатли, иродали қизлардир.)
6. Не тонг, бўлса Аваз пайваста исён баҳрига ғаввос — Аваз исён дengизига ғаввосдай тинимиз чўмса ҳайрат ўрни эмасdir.
7. Ватанпарвар фидойи фирқалар то бўлмайин пайдо,  
На мумкин топмоги ўлган танига тоза жон миллат?—  
Ватанпарвар фидокор партиялар тузилмасдан туриб, миллат озодликка чиқа олармиди?!
8. Аълам — энг катта муллаларга бериладиган расмий мансаб.  
У диний низоларни ҳал қилган.
9. Эй олами вожун аро ором сураллар!  
Сизлардек дахи бормудур аҳком сураллар?—  
Эй тескари оламда ҳузур қилаётган кимсалар, сизларга ўхшаб ҳукм сурадиганлар тағин борми?
10. Афъоли хабиса била анвои ҳасосат,  
Даъвои даҳолик қилиб айём сураллар!—  
Эй ярамас феъл-атворли, ҳасислик фирибаглари! Сизлар даҳолик даъвосини қилиб ҳукм суряпсизлар!
11. Зулм ила ситам қилгучи бир-бирига бисёр,  
Мұхтож Аваздек тамаи ҳом сураллар.—  
Эй бир-бirlарига кўплаб зулму ситам қилувчилар! Сизлар Аваздек хомтамадирсизлар!
12. Лоноҳиббуз-золимин — золимларни севмайман.
13. Мунчаким зулм айлагунг бордур мукофоти замон,  
Оқибат бир кун анга масъул бўлуб бергунг жавоб.—  
Шунчалар беҳисоб зулм қилаётиссанки, замон бунинг қасосини албатта сендан олади. Бу қилмишларинг учун бир кун жавоб берасан.
14. Бор умидим, тездин бўлгуси ҳуррият куни,  
Эй Аваз, қолмас булут остида доим офтоб.—  
Умидим борки, тездан озодлик содир бўлади. Эй Аваз, ахир қўёш ҳамиша булут остида қолиб кетмайди-ку!
15. Йўқ бўлинг тездан кўзумдин, ҳалқ аро шармандалар,  
Ҳалқ ғамидин ўзни нарроқ тутғучи бегоналар.—  
Эй ҳалқ орасидаги шармандалар, сиз ҳалқ ғамидан ўзни четда тутивчи ётлардирсиз. Тездан кўзимдан йўқолинг!

Бу шеър «Ёш хиваликлар» номидаги жадид ташкилоти вакилларига қарата ёзилгандир. Бундан авторнинг жадидларга нисбатан қандай позицияда турганини яққол сезиб олиш мумкин.

16. *Муаззин — азон айтувчи.*

17. «Хўрияту эрк!» дебонки ёлғон алфозлар била,  
Оқибат мазлумлара ютдиридингиз хунобалар.—

Сизлар «Озодлик ва ҳурлиқ!» деган ёлғон сўзларни (вайсай-вайсай) охири эзилганиларга қон ютдиридингиз!

18. *Қайсингизни кўрди эл капча билан ёп қозғонин,*  
*Борингиз савдо-сотиқ бозорида жавлоналар.—*

Халқ қайси бирингизни куракча билан ариқ қазганини кўрди?!  
Барчангиз савдо-сотиқ бозорида жавлон урасиз, холос!

19. *Эй Аваз, қил жиiddу жаҳд сен эл билан шому сабоҳ,*  
*Қолмагай оламда бори хону ҳаромизодалар.—*

Эй Аваз, сен халқ билан эрта-кеч тинмай ҳаракат қил, тириш, токи оламда бирорта хону ҳаромизоданинг уруғи қолмасин!

20. *Дилу жон бирла эл мактаб очарга ижтиҳод этсин,*  
*Нединким, бизни ғам қайдидин озод этгуси мактаб!—*

Халқ дилу жони билан мактаб очишига фидокорлик кўрсатсан. Негаки, мактаб бизни ғам-алам асоратидан озод қиласди.

21. *Бу не навмидликдур?! Мактаб очсак, оқибат бизни*  
*Аруси ком ила мақсудга домод этгуси мактаб.—*

Бу қанақа умидсизлик бўлди ахир! Мактаб очсак яхши оқибатини кўрасиз: мактаб бизни мурод-мақсадлар келининга куёв қиласди-ку!

22. *Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,*  
*Тил воситаи робитаи оламиёндур.—*

Ҳар тилни билиш одам фарзандига энди жон каби зарурдир. Чунки тил олам аҳлининг ўзаро алоқа — муносабат қуролидир.

23. *Файри тилини савъ қилинг билгали, ёшлар!—*  
Ёшлар, бошқа тилни билишга тиришингиз!

24. *Илму фан ўйига юборинглар болангизни,*  
*Онда ўқуғонлар бори яктои замондур.—*

(Эй ота-оналар!) Болангизни илму фан уйи (мактаб)га юборингиз!  
У ерда ўқиганларнинг барчаси олам ягонаси бўлишади.

25. *Ҳама эҳё ичар жоми ажални — барча тирик мавжудотлар*  
*ҳалок бўлишади.*

26. *Бўлуб саййидлари мардуду ноком,*  
*Ҳама қул ағниёу комрондур.—*

Саййидлар (пайғамбар авлодларига мансуб кишилар) четлаштирилиб, баҳтсиз бўлишди. Ҳамма қуллар бадавлат ва баҳтиёр бўлдилар.

Ушбу шеър Аваз ижодининг илк даврига мансуб бўлиб, ҳали унинг ижтимоий қаравшлари синфий тенгсизликни фарқ этиш дара-жасида эмасди. Бу байтда феодал-клерикал адабиётнинг таъсири яққол сезилади.

27. *Бўлуб қиймат ҳама ашёни нархи — ҳамма нарсанинг нархи*  
*қимматлашиб...*

28. *Жаҳонким, сув устиладур бир ҳубоб,*  
*Нечук анда эл бўлғуси комёб.—*

Жаҳон сув юзидағи бир пуфакча (кўпик)дир. Унда халқ нечук баҳтиёр бўлсин!?

29. *Қилиб наҳс олам элин рамлени,*  
*Ҳамишаки даврон қилур инқилоб.—*

(Жаҳон) олам аҳли фолини наҳс (касофат)га йўйинб, ҳамиша теска-ри айланади.

30. Риёзат била бермайин нафса ранж,

Иши аҳли оламни дур хўрду хоб.—

Оlam аҳли риёзат билан ўз руҳларини қийнамасдан, еб-ичишга муккасидан кетишган.

31. Бу ажсамики ҳозир эҳё эрур,

Бўлур барчаси бир кунида туроб.—

Ушбу тирик мавжуд отларнинг барчаси бир куни гард-ғуборга айланади.

32. Ваҳқим, насиҳатлар манго қилғуси бисёр икки шайх,

Қилдурголи ушишоқлик расмидин инкор икки шайх—

Эвоҳ, ошиқлик йўлидан қайтариш учун икки шайх менга тинимсиз кўп насиҳат қиласидилар.

33. Аҳли замонни оздурур роҳи ҳақиқатдин мудом,

Шайтониятлик расмини айлаб пайдор икки шайх.—

Икки шайх шайтонлик расм-русумларини жорий этиб, элни тўғри йўлдан оздирадилар.

34. Кундузлар айлаб ваъзлар аҳли жаҳонга бешумор,

Майдин қулурлар кечалар саршор икки шайх.—

Икки шайх жаҳон элига кундузлари беҳисоб ваъзлар айтиб, кечалари қадаҳни май билан лим-лим тўлдирадилар.

35. Ҳар кун қилиб масжид сори юз минг риё бирла хиром,

Ҳар тун қулур каззоблиғ ўзига атвор икки шайх.—

Икки шайх ҳар куни юз минг иккюзламачилик билан мачит томон йўргалаб, кечалари ўзларига каззобликни одат қиласидилар.

36. Иблис ҳалқ ичра кириб оздурумоқи ҳожат эмас,

Эй дўстлар, токим жаҳон мулки аро бор икки шайх.—

Эй дўстлар, дунёда бу икки шайх бор экан, шайтоннинг ҳалқ ичига кириб йўлдан оздиришига ҳожат йўқдир.

37. Моҳирлиқи ул навъким илми фусунда этдурур —

Шайтонга макр ила ҳиял дарсини такрор икки шайх.—

Хийла-найранг илмida бу икки шайх шунчалик моҳирки, улар макр ва ҳийладан шайтонга дарс берадилар..

38. Олому андуҳ соҳиби — алам ва андуҳларга чулғанган, маҳзун.

39. Ичиб тинмайин дайр аро бода шайх,

Май учун қулур раҳн сажжода шайх.—

Шайх майхонада бетиним май ичиб, жойнамозни майга гаровга қўяди.

40. Не мумкин ёруғлики андин эса,

Жаҳолатни роҳида афтода шайх.—

Жаҳолат йўлига муккасидан кетган шайхдан қандай ёруғлик кутиш мумкин?

41. Сурарга риё заврақин ҳар сари,

Асосин қулур ўйлаким хода шайх.—

Шайх ўз ҳассасини иккюзламачилик қайғини ҳар томон сурадиган хода қилиб олган.

Ушбу шеър Алишер Навоийнинг «Шайх» радифли ғазалининг кучли таъсири остида яратилган. Айниқса, ушбу байт мазмуни деярли устоздан олинган. Навоий бундай деб ёзган эди:

Риё баҳри ичра тамаъ заврақин,

Солибтур асадин тутуб хода шайх.—

Ушбу байтлар қиёси бу шеър Авазнинг илк, ўрганиш даври ижодига мансублигини кўрсатиб туради.

42. Ўзин айлар ул навъ омода шайх — шайх зўр бериб ўзини (ёшларга) манзур этиш учун тайёрланади.

43. *То ҳашр* — ҳашргача, яъни эски тушунчада қиёматда одамлар йигиладиган кунгача.
44. *Қудурмишму ё ит каби лода шайх* — бетамиз шайх итдай қутурганмикан?
45. *Ахбоб хайли* — дўстлар гуруҳи, улфатлар.  
*Гар хисрави кишваркушо бу дамда чекмон бермаса,— Агар фотиҳ подиҳоҳ мангага шу пайтда чекмон бермаса...*
46. *Ўқолат аҳли* — оқиллар, тамизли кишилар, дононолар.
47. *Бадҳол бўлмоқ* — беҳол бўлмоқ, ҳоли ёмонлашмоқ.
48. *Музтариб* — изтироб чеккан, азоб чеккан, қийналган.
49. *Билмадим, ё раббано, ваҳ, не балодур ўксурук.* — Эй, таингрим, бу йўтал қанақа бало экан-а?!
50. *Рўзу шаб дору едим* — кечакундуз дори ичдим.
51. *Билмадим амрози силға мубтало бўлмишмуким,*  
*Ваҳ, мани бехонумон субҳу мәсадодур ўксурук.* — Сил касалга мубтало бўлдиммикан? Мен шўрлик эрта-кеч йўтала ман.
52. *Анвоиши мариэ* — касаллик хиллари.
53. *Бадтарин* — ёмонроғи, энг ёмони.
54. *Бал китоби тибни бордур жумласи ёлғон* — балки тиббий китобларнинг барчаси ёлғондир?
55. *Бок эмас гар муддашӣ васл ичра дօғ этса мани,*  
*Ким қулур булбулни гулшан саҳни ичра ҳор дօғ.* — Мен висолга эришганимда • рақибим менинг тинчимни бузади. Ҳа, худди шундай: тикан булбулни гулшанда қийнайди.
56. *Ҳасрату дардим кун-кундин фузиун* — дарду ҳасратларим кундан-кун ортиқдир.
57. *Ёрга бўлмай эрурман маҳрами асрор дօғ* — ёрга сирдош бўлолмай доғдаман.
58. *Яктои даврон* — замон ягонаси, машҳур.
59. *Эрназархон* — қадимий Хоразм хонларидан бири.
60. *Бебоклик* — раҳмсизлик, шўхлик, қайтмаслик.
61. *Ҳаз берурда* — роҳат бағишлашда.
62. *Ғамзудо* — ғамни кеткизувчи, хушвақт қилувчи.
63. *Бори ушишоқ эли* — барча ошиқлар.
64. *Ўқуб назми ҳаётафзо* — жон бағишловчи шеърлар ўқиб.
65. *Доро III* — эрамиздан олдинги тўртинчи асрда Эронда ҳукмронлик қилиган аҳмонийлар сулоласининг сўнгги подшоси (Э. О. 336—330). У ўз территориясини анча кенгайтирган, бироқ македониялик Александрандан мағлуб бўлган.
66. *Гайри кўйининг таманносин қилурсан* — ёғ манзилни орзу қиласан.
67. *Жаннати ризвон* — жаннат боги.
68. *Махи раҳшон* — порлоқ ой.
69. *Фармонпазир* — буйруққа шай турадиган киши.
70. *Ишқ ойини* — муҳаббат расми, севги қоидаси.
71. *Содиқи паймон* — ваъдага вафо қилувчи, аҳдида турувчи.
72. *Гила* — гина, ўпкалаш.
73. *Дастгир* — кўлловчи, ҳомий.
74. *Вафоу меҳр эрур борҳо хисол манга,*  
*Нетонгки, етса агар ишқ аро камол манга.* — Ҳамиша менинг хислатларим вафою меҳр бўлди. Шунинг учун муҳаббатда камолга етишсам ажаб эмас.
75. *Толиҳ эрур баҳт аро вубол манга* — менинг толеим ҳамиша тескари келади.

76. Рақиб хайли эрурким ганий бу оламда,

Аларнинг атласидан аҳсан эски шол манга.—

Бу оламда рақиблар тўдаси бой-бадавлатdir. Уларнинг атлас-  
кимхобларидан кўра эски шолим мен учун аълороқдири.

77. Жоми Жам — Жамшид жоми. Жамшид жоми афсонавий  
секрли кучга эга бўлиб, гүё у глобуссимон жомдан дунёning истал-  
ган гўшасини тамошо қилиш мумкин эмиш.

78. Қад бўлса бўйла дол — қаддим долга ўхшаб букилса. Араб  
ёзувидағи дол («д» ҳарфи) букик қоматга ўхшайди ва бу ҳарф  
қад букиклиги рамзи сифатида ишлатилади.

79. Вафо қилмоқ экан ошиққа пеша ишқ бобинда,

Ҳамул мазмунни мен кўрдим вафо аҳлин китобинда.—

Муҳаббат масаласида ошиқнинг ҳунари вафо қилиш экан. Ушбу  
фикрни мен вафодорлар китобида ўқиб қолдим.

80. Даҳр ашколи — дунё жумбоқлари, олам муаммолари.

81. Мунқалаб қил — тескари қил, ўғир.

82. Рухи маҳбуб — севгилиниг юзи, маҳбуба чехраси.

83. Чархи гардон — айланувчи фалак, коинот.

84. Рағғи ҳижоб — чимматнинг олиниши, парданинг очилиши.

85. Атиббои замон — замона табиблари, давр дўхтирлари.

86. Хуфо бешакку зан — шубҳа ва гумонсиз яшириндир, аниқ  
пинҳон.

87. Мехргустар — меҳрибон, меҳрибонлик кўрсатувчи.

88. Рақиби бадсиёқ — бадбашара рақиб, ёмон одатли рақиб.

89. Меҳр — қўёш, офтоб.

90. Жоми саҳбо — бир қадаҳ май.

91. Комрону комкор — баҳрали, баҳтиёр.

92. Жонима етдим — ўлар ҳолатга етдим, жонимдан безор  
бўлдим.

93. Шоҳлар ўлурму ҳамнишин афтодау аҳқар била — шоҳлар  
нотавон ва қашшоқлар билан бирга ўтирадиларми?

94. Ўнс тутғайму пари суҳбат тузуб инсон ила? — Пари одам  
билан суҳбат қилиб дўст тутинадими?

95. Наргиси фаттон — фитначи кўз, йўлдан урувчи шаҳло кўз.

96. Оқил кишига яхшидур зинданда сокин бўлғали,

Ултурғанидин ҳамдаму дамсоз ўлуб нодон ила.—

Ақлли одам нодон билан ҳамдам ва ҳамсуҳбат бўлиб ўтиргандан  
кўра зинданда яшашни афзал кўради.

97. Сўзон — куйдирувчи, ўртайдиган.

98. Яксар — бошдан-оёқ, тамоман.

99. Танг кўнглини очиб асрор — тор кўнглини буткул очиб...

100. Мехри ховари — шарқ қўёши, машриқ офтоби.

101. Ҳайвон сўйи — оби ҳаёт, тириклик суви.

102. Ўзни кўб побанди фурқат айлама — кўп ҳам ўз оёғингни  
айрилиқ билан тушовлаб кўйма.

103. Афъоли қабоҳат — қабиҳ феъл-атворлар, ярамас қилиқлар.

104. Зоҳидосо гар ишинг бўлса риё — зоҳид каби ишинг икки-  
юзламачилик бўладиган бўлсан...

105. Эйки, истарсан тарабни даҳр аро,

Ишқ аро бедаст-полиғ айлама.—

Эй оламда шодлик истамоқчи бўлсанг, муҳаббатда. қўл-оёқсиз  
бўлиб қолма.

106. Ким тариқи фақр аро солик эсанг,

Хисрави кишиварқушолиғ айлама.—

Фақирлик мазҳабига мансуб бўлсанг, шоҳона жаҳонгирилик қилма.

107. Тонғуси табдил субҳи васл бирла оқибат,  
Нечаким тул ўлса гар ҳам шоми ҳижрон, ғам ема.—  
Айрилиқ туни ҳар қанча чўзилса ҳам оқибатда висол тонгига  
айланади, ғам ема.

108. Кўзларинг Яъқубдек айлаб ҳамиша хунфисон,  
Юсуфине бўлмас асири банди зиндан, ғам ема.—  
Яъқубдек ҳамиша кўзларингдан қонли ёш оқизма; Юсуфинг зин-  
дан маҳбуси бўлиб қолмайди, ғам ема.

Ушбу байтда Шарқ адабиётидаги машҳур бўлган Юсуф ва Зулай-  
хо севги можароси сюжетига ишора қилинган. Юсуф ва Зулайхо  
севгиси ҳақида юзга яқин достон (Фирдавсий, Али, Дурбек, Абду-  
раҳмон Жомий, Ҳозиқ, Ҳондалиб...), драма (Нозим Ҳикматнинг «Гў-  
зал Юсуф» асари) ва тетралогия (Томас Мани «Яъқуб қиссаси»,  
«Навқирон Юсуф», «Юсуф Мисрда», «Юсуф — халқ ҳалоскори» ро-  
манлари) яратилган. Жумладан, Дурбек достони мазмунига кўра,  
ҳасадчи акалари Юсуфни йўқотиш пайига тушадилар ва уни Мо-  
лики Тоғирга қул қилиб сотиб юборадилар. Юсуф бу савдогар то-  
монидан Миср бозорида Миср Азизига сотилади. Юсуф Зулайхо  
хизматини қилиб юриб, тұхмат билан зинданга қамалади. Юсуф  
иштиёқида отаси Яъқуб тун-кун йиглайверга, қонли кўз ёш тү-  
каверга, кўзлари ожиз бўлиб қолади...

109. Нўши қиласанг — иссанг.

110. Жоми тараф — шодлик қадаҳи, қувонч майи.

111. Дур бўлғуси — узоқлашади, арийди.

112. Ижтиnob этган учун — ҳазар қилгани учун, ўзини тортга-  
ни учун.

113. Бекасу ошуфтаҳол — кимсасиз, паришонҳол.

114. Ишқ ичра расволиқ манга сабт айламиши килки қазо,  
Бехуда айлаб, носиҳо, пандингни тақрор ўртама.—

Қисмат қалами муҳаббат соҳасида менга расволикни ёзган. Эй,  
насиҳатчи, панд-насиҳатингни бекорга тақрорлайверма.

115. Дорушишфойи васл — висол табобатхонаси.

116. Чекиб тифи сиёсат — қатл ҳанжарини қиндан тортиб...

117. Себи габғаб — айнан: бақбақа олмаси, ғламасимон бақба-  
қали.

118. Гулжабин — манглайи гулдай гўзал.

119. Ҳуронишин — ҳурсимон, ҳурга ўхшайдиган, ғоят сулув.

120. Чин солмагил қош устина — қошларингни чимирма.

121. Гар тушса ўлгай ламъаи ҳуршид ҳуффоши устина — қуёш  
нурни тушса кўршапалак ҳалок бўлади.

122. Ҳосидлиг айлаб бу замон, кам берди, дер аҳли жаҳон,

Кийса янги хилъат агар қашшоқи, қаллош устина.—

Қамбағал, қашшоқ энгига янги кийим кийса, олам аҳли ҳасад билан:  
«Ким берди?» деб сўрашади.

123. Аё қосидлиг иммидя ягона — эй хат-хабар ташувчилик ҳу-  
нарида ягона киши.

124. Қил бир-бир тақрир — бирма-бир айтиб бер.

125. Ҷашми сиёҳин ўйнатиб — қора қўзини ўйнатиб.

126. Райҳони тардек хатлари — мийифидаги (юқори лабидаги)  
майин туклари яшиаб турган райҳондек.

127. Ақлу шикебинни адам қилмиш мани бир гулрухе,

Зулму жафопарваргина, жавру ситамгустангина.—

Зулму жафокор, жавру ситамкор бир гул юзли гўзал менинг  
аклу сабр-тоқатимни маҳв этди.

128. Ғанжу далол — нозу карашма.

129. Қошлари ё — қошлари ёй, қоши камон.

130. *Бағрим бўлур бирёнгина* — бағрим қовурилади.
131. *Тонарман тоза жон* — қайта тириламан.
132. *Ошиқлар ичра гар мани маҳсуб қилса* — агар мени ошиқлари хисобига қўшса.
133. *Жон нақдини иқдомиға исор этар эрдим* — жонимни қадамига нисор қиласардим; ташрифига жонимни бағишлардим.
134. *Дедим: «Қылғил ҳадаф ман нотавонни,*  
*Отарда новак ул абру камона».—*
- Дедим: қошинг камонидан ўқ отарингда мен шўрликни нишонга ол.
135. *Нузул этгуси ҳар дам чархи дундин,*  
*Бошимға фитна хайли бекарона.—*
- Тубан фалакдан ҳар лаҳза бошимга беҳисоб фитналар тўдаси қуйилиб тушади.
136. *Нетонгким, бандаси гар бўлса Зуҳра,*  
*Рубобу чаңг ила қилғач тарона.—*
- Рубобу чаңг чалиб қўшиқ айтганида унга Зуҳра қул бўлса ажаб эмас. Автор бунда Зуҳра сайёраси ҳақидаги китобхон тасаввурига суюнмоқда. Классик адабиётда Зуҳра планетаси мислив золғучи ва қўшиқчи сифатида талқин этилади.
137. *Савор ўлғон чоги ноз ашҳабига* — у ноз тулпорига минганди, яъни у ноз қила бошлиганида.
138. *Бўйибдур мунқалиб аҳли замона* — замон одамлари ўзгариб кетилип, тескари характер касб этилти.
139. *Тараҳҳум қил мани маҳзуни зора,*  
*Аё кўнгил қотиг монанди хора.—*
- Эй кўнгли қоядай қаттиқ гўзал, мен бечорага раҳм қил.
140. *Мани дарёи меҳнат ғарқи айлаб,*  
*Нечун, жоно, ўзинг чекдинг канора?—*
- Жонгинам, нега мени азоб-машаққат дарёсига ғарқ этиб қўйиб, ўзингни чеккага (қирғоққа) олдинг?
141. *Эҳёлиги ҳам лаълини анфосидадур, а?*— Тириклиги ҳам лабларининг нафасидандир, а?
142. *Зулфи муттарро* — таралган гажак, безалган гажак.
143. *Лол ўлсин-ўқ нутқим* — нутқим лол бўлақолсин.
144. *Гўё* — гапибувчи, сўзловчи.
145. *Кўз хира бўлсун гар юзинг кўрмай табарро айласа* — кўзим сенди кўрмай сендан ўзини олиб қочса (четлашса) хира бўлсин.
146. *Қавнайн аро* — икки оламда, у дунё ва бу дунёда.
147. *Ҳаззу фараҳ* — ҳузур-ҳаловат.
148. *Бир нома ишо айласа* — бир мактуб ёзса.
149. *Ҳур* — афсонавий жаннатдаги гўзал қиз.
150. *Ғилмон* — жаннатдаги хизматкор. Асли ғулом — қул.
151. *Сийм ила зар* — кумуш (пул) ва тилла (пул).
152. *Хизри алтофинг* — лутф-марҳаматинг йўлбошчиси. Классик адабиётдаги тасаввурга кўра, Хизр йўлдан озган, йўлидан адашганин тўғри йўлга соладиган халоскор пайғамбардир.
153. *Ёр номус этмасунким касрати ушишоқидин,*  
*Ҳар матое қамбаҳо бўлгай харидор ўлмаса.—*
- Ёр ошиқлари кўплигидан номус қилмасин. Харидор бўлмаса, ҳар қандай матонинг нархи арzonлашиб кетади.
154. *Ошкоро лаълидин жонбахши гуфттор ўлмаса* — (севгилим)  
 жон бағишлайдиган лаблари билан сўзламаса...
155. *Нишот жашни* — шодлик ва хурсандчилик базми.
156. *Соғари саршор* — лиммо-лим қадаҳ, май тўлдирилган пиёла.
157. *Фузун умр* — узоқ умр.
158. *Бок* — қўрқув.

159. Дофеди олому ғамдур, бода сунким, соқиё,  
Жумлаи асмум мұхлик дофеңи тарәк эса.—

Эй соқий, май қүй, барча ҳалокатли заҳарлар таъсирини тарәк йүкотганидек, бу ҳамма аламлар ва ғамларни даф қилади.

160. Қалби ношоду ҳамиша күзлари наминок — қалби ғамилию ҳамиша күзлари намли (йиғлаган).

161. Исодек эзжоз айласа — Исо каби мұйъиза күрсатса.

Шоир бу ўринда классик адабиёттегидеги анъанавий образ Исо Масиҳга ишора қылмоқда. Масиҳ — Исонинг лақаби бўлиб, жон бағишловчи, тирилтирувчи маъносига молик. Исо мұйъизаси — ўлникларни тирилтиришдан иборат. Шарқ теологик адабиётларида уқтирилишича, юзлаб пайғамбарлар ичидаги биргина Исо ўлникларни тирилтира оладиган құдратга эга бўлган эмиш. Уни кўпинча Исои Марям деб ҳам номлашади. Бунинг сабаби шундаки, Исо отасиз Марямдан туғилғандир. Шунинг учун Исо исмига онасининг исми ҳам қўшиб айтилиши мумкин.

162. Ләзли ширини агар лаҳни фалактоз айласа — ширин лаблари кўкўпур қўшиқларни кўйласа.

163. Бўлғуси албатта доми ишқ бирла пойбанд — албатта ишқ тузогига оёғидан илинади.

164. Гайриға парво айласа — бегонага боқса, ётга қараса.

165. Офатни помоли — офат топтаган, офат оёқости қилган.

166. Гаронжону ҳазин — сусткаш ва маҳзун, вазмин ва ғамли.

167. Жамоли ёрдин гуллар ёслиб,  
Қилур чоки гирибон даста-даста.—

Даста-даста гуллар ёр жамолидан уялиб, ўз ёқаларини йиртадилар (яъни очиладилар).

168. Хушо — яхши, соз, қандай яхши!

Фироқидин ҳаётим мунқатеъ эрди — айрилиғи туфайли ҳаётим узилтан, яъни ҳалок бўлган эдим.

169. Басе атдо қилур розим фиши оҳиста-оҳиста.— Кўп душманлар аста-секин сирларимни фош қиласилар.

170. Басе саъб эрди дардим лаъли ёдида — лаблари ёдида ахволим жуда оғир эди.

171. Лаби шурби — лаби нами, бўясаси.

172. Эрур базм аҳли сомеъ дилкуши соз устина тинмай,  
Чек, эй мутриб, суруди жонғизо оҳиста-оҳиста.—

Эй чолғучи, базм аҳлининг кулоқлари сенда: кўнгилочар соз билан чекланмай, жон бағишловчи қўшиқни ҳам секин-секин айтавер.

173. Бўйлур коми раво — мақсадига етади, орзуси ушалади.

174. Қилиб қалбингни сартошар фигор — қалбингни бошдан-оёқ мажруҳ қилиб...

175. Муфарриҳ — кўнгилочар, шодлантирувчи.

176. Чашмаи ҳайвон — обиҳаёт булоғи, тириклиқ сувӣ чашмаси.

177. Нуктаи ширин даҳон — ширин оғизнинг чуқур маъноли гапи.

178. Миён — бел.

179. Фирдавси ризвон — жанинат боғи, биҳишт чамани.

180. Фирдавси атло — оллий жанинат.

181. Вуслат куни — висол куни, учрашув куни.

182. Нори жаҳаннам ҳам эмас андуҳи ҳижрон норича — дўзах олови ҳам айрилиқ ғамлари ўтича эмасdir.

183. Паёлай бода тут беҳадду бепоён тонг отғунча — тонг отгунча чексиз-ҳисобсиз май қуйиб узат.

184. Қўз мардуми — кўз қорачиги.

185. *Дило, дохил эсанг аҳли вафоға* — эй кўнгил, агар вафо аҳли сафида бўлсанг.

186. *Дўши бўлди* — йўлдш бўлди, шерик бўлди.

187. *Сарнавишт* — пешонага ёзилтани, қисмат.

188. *Жафогустар* — жафокор, жафо қилювчи.

189. *Иттисол* — қўшилмоқ, учрашув, висол, уланиш, етишиш.

190. *Шояд айлаб раҳм* — зора раҳм қилиб.

191. *Эйки, истарсан давомат даҳр ишқи беҳжатин,*

*Чек миҳан, гулшанда гул пайванд бўлмии хорға.*—

Эй, ҳамиша олам севгиси шодлигини истайдиган киши, азоб ҳам чек.  
Чунки гулшанда гул тиканга пайванд қилингандир.

192. *Қилмағил дашином, эй оромижон, гайриғаким,*

*Берса бўлмас под заҳри талҳ ҳар беморға.*—

Эй оромижон, ҳар ётга жаҳлингни тўқиб солма: заҳарни қайтара-  
диган дорини ҳар қандай касалга бериб бўлмайди.

193. *Раҳолиг* — қутулмоқ, озод бўлмоқ, нажот топмоқ.

194. *Маъдум билкулл айлади* — бутунлай йўқотди.

195. *Сангидил* — тошбагир, қаттиққўл.

196. *Оразин хуршиидсон айлаб* — юзини қуёшдай балқитиб.

197. *Сарто сар* — бошдан-оёқ, ҳаммаёғи.

198. *Ҳамул маҳваш* — ўша ойдай (гўзал).

199. *Муддаий* — айнан: даъвогар, булҳавас, ишқ даъвогари  
бўлган бетайин кимса, рақиб.

200. *Рақиби рўсияҳлар хайли* — юзиқора рақиблар тўдаси.

201. *Танимда тобу таб* — танимда тўлғаниш ва ўртаниш.

202. *Ғозадин келди бериб рухсориға дилдор зеб* — дилдор юзи-  
га упа-элик суриб зеб бериб келди.

203. Чек қўл, эй машшота — эй пардозчи аёл, қўлингни торт!

204. *Мазмуни дақиқот* — чуқур маънолар, теран мазмунлар.

205. *Ашъор* — шеърлар.

206. *Шаҳди лаъли* — лаблари боли.

207. *Кўзларимга даҳрни яксар қоронғу айладинг,*

*Оразинг меҳри уза шабранг зулфинг бутротиб.*—

Юзинг қуёши узра тунранг гажагингни тарқатиб, дунёни бошдан-  
оёқ кўзимга қоронғу қилдинг.

208. *Нокомлиғ заҳри* — баҳтсизлик оғуси.

209. *Далол* — ноз-карашма, ғамза.

210. *Ҳамоғўш* — қучоқлашишган.

211. *Бурқаъ* — чиммат, юзга тутиладиган парда.

212. *Оре* — ҳа, албатта, зотан, шундай.

213. *Сарто ба по* — бошдан-оёққача.

214. *Анқарип* — яқин кунда.

215. *Андалиб* — булбул.

216. *Дилкашу аҳмар эмас дилдор пистони киби,*

*Этмагил, эй боғбон, ҳаргиз манго таърифи себ.*—

Эй боғбон, менга олмани мақтама. Чуқки у дилдор кўкси каби қир-  
мизи ва дилкаш эмас.

217. *Бўйлур заррадек нопадид офтоб* — қуёш заррадек кўзга  
кўринмай қолади.

218. *Яна тори гисусин очса агар,*

*Тушар сумбул аъзосига печутоб.*—

(Ерим) сочининг бир толасини очса, сумбулнинг аъзойи бадани  
изтироб чекиб тўлғанади.

219. *Оташин юз* — олов юз, оловдай чеҳра.

220. *Хоб* — уйқу, ухлаш.

221. *Поён* — ниҳоя, сўнг, охир.

222. *Гайр бирла ул париваш қилди ошоми шароб* — у париваш бегона билан май ичди.
223. *Бахт вожун, дард афзун қилғали* — бахтимни тескари ва дардимни ошириш учун...
224. *Айлади ул шева чашмимни пуроб* — бу ғашлик кўзимни ёнга тўлдириди.
225. *Бўлай васлинг аро роҳатмаобу комёб* — висолингдан баҳраманд бўлиб, роҳат-фарогат топай.
226. *Ҳар бир қаломинг дурри ноб* — ҳар бир сўзинг тоза дурдип.
227. *Туроб* — губор, чанг-тўзон.
228. *Мавсуми шабоб* — йигитлик айёми, навқиронлик даври.
229. *Дайри кажбунёд* — тескари қурилган дунё.
230. *Ўзни қилмоққа аламлар қайдига побаст* — ўзни аламлар тузогига тушовлавб бериш учун.
231. *Девон* — 1. Давлат маҳкамаси. 2. Шеърлар тўплами.
232. *Ёр қийида қилиб ғаммозлиқ изҳорини* — ёр манзилида сир фош қилишга ўтиб олиб...
233. *Мехр устуворисан киминг* — кимнинг ҳақиқий ошиғисан?
234. *Фурқат бошингга туимайин вуслатин қадрин билмадинг* — айрилиқ бошингга тушмасдан висол қадрини билмадинг.
235. *Андақкина* — бир озгина, озгиша.
236. *Ғани* — бой-бадавлат, мол-дунёси кўп киши.
237. *Ҳамроҳу амсол* — йўлдош ва тенгдошлар.
238. *Бори миҳаннинг остида қаддим дағи нундур манинг* — машаққат юки остида менинг қаддим букикдир.
239. *Бахти бадим фарҳунда бўлмай лаҳзаи вожундур манинг* — менинг ёмон бахтим ҳеч ярлақамай, тескари келмоқда.
240. *Айб қилманглар эсам ношодхотир борҳо* — кўпинча хотирим паришон бўлса, айб қилманглар.
241. *Шўру шар* — шовқин-сурон, ғовға, тўполон.
242. *Зеру забар* — остин-устун.
243. *Таслим қилғум* — тан бераман, қойиллигимни иқрор қиламан.
244. *Айбу нуқсондин мубарро* — айбу камчиликдан фориг, кам-кўстсиз.
245. *Илкингга олиб асо юрсанг улуғ дастор ила,*  
*Зоҳидо, қилғай сани оламга расво суратинг.*—  
 Эй зоҳид, қўлингга ҳасса олиб, баҳайбат салла билан юрсанг, бу шаклинг ўзингни оламга расво қилади.
246. *Фурқат ғаму оломини чекмакка музтод айладинг* — айрилиқ ғам-аламларини чекишига ўргатдинг.
247. *Фараҳбахшилиғ иттисолинг сенинг* — сен билан учрашув қувончилидир.
248. *Рақиб аҳлига ёр ўлубдур бу дам,*  
*Ҳамул ёри соҳиб жаволинг сенинг.*—  
 Сенинг ўша сулув ёринг бу пайтлар рақибларга ёр бўлибдя.
249. *Кўруб дилраболардин-ўқ зулму кин,*  
*Мұхаббат русуми хисолинг сенинг.*—  
 Гўзалларнинг ўзиданоқ зулму ситам кўрсанг ҳам сенинг хислатинг муҳаббатга садоқатдир.
250. *Бори оламга ифшо бўлмайин асрор, хуши келдинг* — бутун оламга сирларимиз фош бўлмасдан бурун хуш келдинг.
251. *Исовор, Исоосо, Исоваш, Исосифат* — Исодай, Исо сингари.

252. Гул қилур жайбини чок — гул бағрини тирнайди, гул  
қийимларини йиртади, яъни очилади.

253. Ҳалокимга ичар дилдор савганд — севгилим мени ўлдириш-  
га онт ичади.

254. Кўзига ўзни ташбек айламакдин,  
Ичидбур наргиси хуммор савганд.—

Маст наргис ёр кўзига ўзини ортиқ ўхшатмаслик учун қасам ичишти.

255. Ким тушиг албатта аниң мажмуми кирдори писанд —  
унинг барча хатти-ҳаракатлари маъқул тушади.

256. Қарам қил бўсае лаъли лабингдин,  
Балият қайдидин қилмоқга озод.—

Мени балолар асоратидан қутқариш учун лаълдай лабингдан бир  
бўса бер.

257. Байтул эҳzonim — ғамхонам.

258. Охи сард — совуқ оҳ, армонлц тортилган оҳ.

259. Шайдолигда фард — шайдоликда ёлғиз, мафтунилкда ягона.

260. Ранги зард — сариқ юз, заҳил чехра.

261. Ағёри бадсийрат ила ҳожат эмас қилмоқ набард — тубан  
табиятли рақиб билан олишувга ҳожат йўқ.

262. Шатранжу нард — шахмат ва нард ўйинлари.

263. Надур журмум менинг, эй ҷашми жаллод? — Эй жаллод  
кўзли ёр, менинг гуноҳим нима?

264. Озурда жисму қомати ҳам ё каби, жони низор,

Кўкси фигору дидаси хунбору гирёнман басе.—  
Вужудим қийналган, қаддим камондай эгик, жоним заиф, кўксим  
жароҳатли, кўзларимдан тинимсиз қонли кўз ёш тўкаман.

265. Аслоҳо — ҳеч ҳам, мутлақо.

266. Дамсозим ўлгил борҳо — тез-тез менга сухбатдош бўл.

267. Борму эркан жаҳонда ишқдек душвор оё? — Жаҳонда севги-  
дек қийин нарса бормикан?

268. Қорун — афсонавий бадавлат одам. Гўё у мамлакатининг  
энг бойи бўлиб, ўнлаб ҳазиналари бор эмиш.

269. Қалби вайронларни ганжи жуд ила обод қил,— қалби вай-  
ронларни саҳоватинг ҳазинаси билан обод қилгин.

270. Ҳароби кўҳналарда бўлгуси маҳсурин ганж — кўҳна ҳароба-  
ларда ҳазина кўмилган бўлади.

271. Ҳирс ила ганж асрармоқ қилма ҳавас афғи сифат — заҳар-  
ли илонга ўхшаб очкӯзлик билан ҳазинага қоровул бўлишни ҳавас  
қилма. (Классик адабиётимиздаги тасаввурларга кўра, гўё кўмилган  
ҳазиналарни йирик заҳарли илонлар қўриқлаб ётар эмиш.)

272. Дорайн — икки дунё: ҳозирги реал ва афсонавий иккинчи  
дунё.

273. Эй Аваз, жамъи зар этмакдин ҳазар қил, тонглаким,  
То саросар бўлмасун гўрингда мору мўри ганж.

Эй Аваз, тилла жамғармақдан ҳазар қилган. Чунки эртаси куни  
қабрингда улар илон ва чаёнларга айланади. (Илтариғи даврларда  
очкӯз одамларнинг олтин йигишга бўлган ҳарисликларини чегаралаш  
учун кишилар: «Бу дунёда йигилган олтин-кумуш қабрда илон-чайн-  
га айланади!» деб қўрқитишига уринишган. Шоир ана шунга ишора  
қилмоқда.)

274. Қамар — ой.

275. Беҳамто — тенги йўқ, мислениз, ягона.

276. Ҳар кунда хуршид сўйи машриқдан тулуз айлар — қуёш  
ҳар куни шарқ томондан чиқади (балқииди).

277. Тонг эрмас, эҳтиёжим ишқ аро афзун ҳунар бирла,  
Ки бўлғой олам ичра соҳиби фазлу ҳунар муҳтож.

Шунча ҳунарим бўлса ҳам муҳаббатда эҳтиёжим кўпдир. Чунки дунёда билим ва ҳунар эгалари кўпроқ муҳтож бўладилар.

278. *Сиймандом* — оқ юзли, кумуштан.

279. *Бўлғой ҳаётим мунқатеъ топиб ишим итмол* — ишим тамом бўлиб, ҳаётим узилади.

280. *Ақлу ҳирад билкулл бўлуб маъдуму мафқудул асар* — эс-хушим мутлақо беному нишон йўқолади.

281. *Мужда санго ирсол этар қосид била пайғом, Аваз*.—Эй Аваз, сенга хат ташувчи билан хабар юбориб, сени хушхабардан воқиф этади.

282. *Васлининг саҳбосига ҳуноби ҳижрондур аваз* — висол майига ҳижронда қонли кўз ёш тўкиш эваз бўлади.

283. *Сунбули сероб* — тимқора сунбул, яъни ёр зулфи.

284. *Куллоб* — қармоқ, илмоқ, илгак.

285. *Совуқ ошишибидин баъзи ёпар синжоб ила ораз* — совуқ қутуришидан баъзилар юзларини мўйнали пўстин билан ёпадилар.

286. *Бу қоғазларга сигмас шарҳи аҳволим битар бўлсам,*

*Анго мажмӯзи ашъе бўлсалар сигрои магар қофоз*.—

Аҳволимни ёзадиган бўлсам, бу қоғозларга сигмайди. Агар оламдаги ҳамма нарса қоғозга айланса балки сигар...

287. *Ағёри бадрў* — афти ҳунук рақиб, башараси ёмон ағёр.

288. *Фигони жонгуодоз* — жонни ўртайдиган йиғи.

289. *Ман қўлурман борҳо онларни бир-бир имтиёз* — мен уларни кўп маротаба бир-бир синаганман.

290. *Мунъадам* — йўқ, йўқликка кетган, йўқотилган.

291. *Шиква* — шикоят.

292. *Соҳиби ганжу адодурсиз*—ноз-карашмали, ширин сўзлисиз.

293. *Ўйлаким кабки дари рафтотингиз* — юришингиз тоғ какли-тига ўҳшайди.

294. *Икки наргиси бемор* — икки хумор кўз.

295. *Ашҳаби нозу адo узра саворим сизмусиз?*— Ноз-карашма отига минган сизмисиз?

296. *Борҳо ағёрнинг сўзини бовар айлабон* — кўпинча рақибим, сўзига ишониб...

297. *Неку шиям* — яхши феъл-атворли, хулқи хуш, хушхулқ.

298. *Истама бўса ато* — бўса тортигини сўрама.

299. *Шоз* — ноёб, мавжуд эмас.

300. *Кумало нодиру шоз* — комиллар оз ва ноёбдиirlар.

301. *Пайваста қош* — тулашиб кетган қошлар.

302. *Сўзу гудоз* — ёниш ва ўртаниш.

303. *Махбублар кори* — маъшиқулаш иши, севгилилар расми.

304. *Барча ёмонлар бўлдилар оламда неку номлиг,*

*Гумномлиг бирла мани бедасту по дунман ҳануз*.—

Барча ёмон одамлар дунёда яхши номга эга бўлдилар. Мен шўрлик эса, номим ўчиб, ҳалиям ярамас бўлиб кўринаман.

305. *Фалотун* — Афлотун, Платон. Афсонавий олим даражасига кўтарилган грек идеалист файласуфи.

306. *Устувор* — барқарор, доимий, ўзгармайдиган, пойдор.

307. *Чандон* — ҳар қанча, кўп, бехад.

308. *Чоки гирибон* — ёқавайрон, кўкси абгор.

309. *Сарбаланд* — энг юқори, энг ҳурматли, азиз, мукаррам.

310. *Хосид етуролмасун газанде* — ҳасадчи бирор зарар етказ-масин.

311. *Нори сўзон* — куйдирувчи олов, ёндирувчи ўт.

312. *Сипанд* — исириқ, ҳазорсинанд.

313. *Үтлуг юзинг эрса нори сўзон,*  
*Жонлар эрур оникум сипанди.*—  
 Алвон юзинг чўғдай куйдирувчи бўлса, ошиқлар жони унда ёнадиган исириқдир.
314. *Каманд* — ҳарбий қурол; у эшилган арқондан иборат бўлиб, ёвга халқа қилиб отилиб, отдан қубатилади ва асир олиниади.
315. *Ҳамоно* — шу зоҳоти, шу лаҳзадаёқ.
316. *Шаби тор* — зулмат кечаси, қоронги тун, зим-зиё кеча.
317. *Балиятни намудор айлади* — балоларни 'кўрсатди, балоларга гирифтор қилди.
318. *Фурқат қайди* — айрилиқ асорати, айрилиқ тузоги, жудолик доми.
319. *Ҳакимо* — эй табиб!
320. *Санга руҳкор рашики офтоб ўлди* — сенинг юзинг қуёш рашик қиласидиган даражада (гўзал) бўлди.
321. *Санга варзии ҳамиша мендан этмак ижтиnob ўлди* — сенинг ишинг ҳамиша мендан нафратланиш бўлди.
322. *Ишқаста* — шикаста, синик, жароҳатли.
323. *Висоли давлатига ғарра бўлма* — висолига учма, висоли билан мағурурлашиб кетма.
324. *Бепарво қитол* — раҳмсиз қотил.
325. *Исо мақол* — Исодай сўзлайдиган, яъни сўз билан тирилтирадиган.
326. *Беҳӯдагўлик* — беҳуда вайсанш, вайсақилик.
327. *Инфиол* — хижолат, уялиш.
328. *Аваз, жон мурғи банд ўлмоқфа боис зулфи домига,*  
*Руҳи гулзори ичра дона осо турфа хол эрди.*—  
 Эй Аваз, жоним қушининг гажаги тузогига илинганининг боиси шуки, ёр юзи гулзорида тузоққи сепилган дондай хол бор эди.
329. *Гаронжон, сина чок* — беҳол, бағри эзилган.
330. *Ноком маҳжур* — айрилиқда қолган бебахт.
331. *Шикаста хотир* — кўнгли вайрон, хотирпаришон.
332. *Наргиси фаттон* — фитначи кўз.
333. *Муҳлиқ сам* — ҳалок қилувчи заҳар, ўлдирувчи заҳар, заҳри қотил.
334. *Шоядки келгай* — зора келса.
335. *Нозперо* — назокатли, серноз, ишвали.
336. *Мулаззаз* — ширин, тотли, мазали.
337. *Хусн авжиди руҳи рашики маҳи анвар қани?*— Хусн осмонида юзига мунаvvар ой рашк этадиган сулув қани?
338. *Жамшид* — афсонавий Эрон ҳукмдори. Фирдавсий «Шоҳино ма»сида идеал ҳукмдор сифатида гавдалантирилган ушбу етук образга илоҳий яратувчи қудрат нисбат берилган. Унинг глобуссимон сирли жоми бўлиб, жаҳоннинг исталган гўшаси ундан кўринармиш. Унинг салтанати авж олгач, у одамларни ўз шахсига топинишни буюрган. Ўз ҳаддини билмаган шоҳ Жамшид Заҳҳокдан енгилиб, ўлдирилган ва Заҳҳок елкасидан чиққан илонларга ем бўлган эмиш.
339. *Искандар* — македониялик Александр (милоддан аввалги 356—323 йиллар) — юонон саркардаси, Македония шоҳи. 336 йилда отаси Филипп ўлдирилгач, у таҳта чиқиб, умр бўйи Шарқ мамлакатларини забт этиш билан машғул бўлди. Александр Юонистондан Ҳиндистонгача бўлган территорияни ўз империяси таркибига олган эди. У 323 йилнинг 13 июнида вафот этган. Шарқ адабиётидаги Искандарга Александр прототип ҳисобланса-да, Шарқ мутафаккирлари яратган Искандар образи тарихий македониялик Александрдан кескин фарқ этади. Искандар сюжетида қалам тебратган классикла-

римиз Искандар сиймоси ва фаолиятида ўз идеалларини ифодала-  
ганлар. Натижада босқинчи фотиҳ македониялик Александр ўрнига  
нажоткор ва халоскор қаҳрамон подшоҳ Искандар образи қад кў-  
тарган.

340. *Абу Али Сино* — Абу Али ибн Сино. Асл исми Ҳусайн,  
отасининг исми Абдуллоҳ, онасининг исми Ситорабонудир. У 980  
йил Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғига туғилиб, 1037 йилда  
Ҳамадонда вафот этган. Абу Али ибн Сино ўрта Осиёлик машҳур  
медик; математика, логика ва фалсафа мутахассисидир. Ибн Сино-  
нинг адабий-илмий ва ижтимоий фаолияти кенг кўламдадир.  
Классикларимиз ибн Сино сиймосида буюк аллома ва беназир ме-  
дикни тасаввур қилганлар.

341. *Луқмони донишвар* — донишманд Луқмон, заковатли Луқ-  
мон, афсонавий Луқмони ҳаким.

342. *Сарвари хайли тамоми ошиқон* — барча ошиқлар гуруҳининг  
кардори.

343. *Ҳусн аҳлиниң сардафтари* — гўзаллар рўйхатининг боши-  
дагиси, яъни энг сулув гўзал.

344. *Оразин монанди моҳи осмон дерлар они* — унинг юзи осмон  
ойига ўҳшайди; дейдилар.

345. *Зулайҳо* — «Юсуф ва Зулайҳо» сюжетидаги асарларнинг  
бош қаҳрамонларидан бири. Барча классик ва ҳозирги замон санъ-  
аткорлари талқинида Зулайҳо ўз севгиси учун қатъият билан кура-  
шадиган, фидойи, садоқатли аёл сифатида гавдалантирилади. Кўп-  
чилик асарлар Зулайхонинг Юсуфни туш кўриши ва унга ошиқиши,  
Зулайҳо отасининг ўз қизи баҳтига жонкуярлик кўрсатиши билан  
бошланади. Қисмат тақозоси ва Юсуфнинг қиз тушида айтган гали-  
га кўра алданган Зулайҳо Миср Азизи хонадонига тушиб қолади.  
Юсуфни Миср бозорида сотишганида Зулайҳо илтимоси билан у  
Миср Азизи хонадонига олинади. Зулайҳо ҳамиша Юсуф висолига  
зориқади. Шу туфайли шаҳар аёллари унга таъналар ёдирадилар;  
Юсуфга бўлган кучли иштиёки туфайли Юсуфдан вақтинча жудо  
бўлишга мажбур бўлганди, унинг ўртанишлари янада кучаяди... Ҳул-  
лас, шу сюжетдаги барча асарларда Юсуф эмас, аксинча, Зулайҳо-  
муҳаббат ўйлида актив қураш олиб боради. Зулайҳо образи муҳаб-  
батда садоқат рамзи бўлиб келган.

346. *Юсуфнишон* — Юсуфга ўҳшаб кетадиган. Юсуф «Юсуф ва  
Зулайҳо» сюжетидаги асарларнинг бош қаҳрамони. У Яъқуб (Канъ-  
он шоҳи)нинг суюкли фарзанди. У поклиги, соддадиллиги ва чек-  
сиз гўзаллиги туфайли не-не фожиаларни ўз бошидан кечиради.  
Поклик, ростгўйлик, чин муҳаббат кўплаб кўргиликлардан сўнг унга  
баҳт ато этишади: Миср мамлакати тахтига ўтиради, Зулайҳога  
уйланади. Байтда «Юсуф» исмига ишора қилишдан мақсад, унинг  
ҳуснидир. Эски тушунчада табиат барча кўрк-ҳуснин ўн қисмга бў-  
либ, тўққиз қисмини Юсуфга берган эмиши. Шунинг учун классик  
адабиётимизда сулувлик ва гўзаллик рамзи ана шу Юсуф сиймо-  
сидир.

347. *Доруламон* — омонлик маскани, осойишта гўша.

348. *Гавҳари дуржи фасоҳатдур сўзингдин мунфаил*,  
Юзларингдин ҳам хижил буржи сабоҳат ахтари.—

Бадий сўз гавҳари сўзингдан хижолат чекади. Гўзаллик юлдузи-  
юзларингдан уялади.

349. *Шаҳри Хайбар* — Саудия Арабистонининг шимолида жой-  
лашган Хайбар шаҳри.

350. *Муштари* — сайёра, Юпитер планетаси.

351. Рақибимга толеъмудур *Муштари* — рақибимнинг баҳт юлдузи (Муштари) балқиганми?
352. Эсса фано-бодининг сарсари — йўқлиқ шамоли қуюни эсса.
353. Бўйиб мажмаи молу жондин бари — барча молу мулкидан жудо бўлиб, мосуво бўлиб.
354. Тозиёна — қамчи.
355. Иқдом — қадам, оёқ, одим.
356. Мушаддад — шиддатли, қаттиқ, изтиробли.
357. Нутқи *Масиҳо* — нутқи Исоникидек жон бағишловчи.
358. Дилдорлиг таврин тутуб, айлаб ситамлар ноаён,
- Раёми адоу ишвани айлаб ҳувайдо келгуси.*—  
(Севгилим) дилбарлик йўлини тутиб, ситамлар қўлмай, ширин сўзлар айтиб, ишвалар қилиб келади.
359. Шабхун, шабехун, шабохун — айнан: қонли кеча, тунги қирғин.
360. Бўлғай нечук саршорком аҳбоби неку фоллар?  
Ким ушбу чархи нилгун тарбияти дун қилгуси.—  
Тамизли дўстлар қандай баҳт-саодатга тўқис эришсин? Ҳаворанг фалак фақат тубанларни ўстиради-ку?!
361. Арзу само қўзғолгуси — еру кўк қўзғалади.  
*Қойтадин ғавғо дашиб Карбало қўзғолгуси* — қайтадан Карбало даштидаги ғавғо бошланади. Аваз бу мисрада муболаға билан Карбало қирғини воқеасини эсга олмоқда. Теология тарихидан маълумки, Қарбало чўлида умавийлар сулоласидан Язид ва тўртингич халифа — Алининг ўғли Ҳасан тўқнашадилар. Қаттиқ жанг бўлиб, кўп қўрбонлар берилади. Ҳасан жанг майдонида ўлдирилади...
362. Ҳашим якрони — ғазаб оти, ғазабланиш.
363. Бистари васл — васл тўшаги.
364. Ул лаъли анфоси *Масиҳ*, номеҳрибон маҳбуба,  
*Бўйла адам майдонига қилғон шитобим ким дегай?*—  
Лаблари *Масиҳ* нафасли меҳрисиз севгилимга йўқликка томон жадал жўнаганимни ким айтади?
365. Ақво — кучлироқ, қудратлироқ.
366. Мушки соро — тоза мушк.
367. Эмди *Искандар* масаллик тожи *Дорони нетай?*— Искандар каби Доро тожини энди нима қиласай? Автор бундай Искандарнинг Доро устидан ғалабасига ишора қилмоқда.
368. Нақди адно — баҳоси паст нарса.
369. Михан — машаққатлар, ғамлар, азоблар.
370. Вақино раббано азобин нор — ушбу арабча иборанинг мазмани: «Дўзах азобидан сақла, худоё!» Ушбу мисра Саъдий Шерозийнинг 1257 йилда ёзган «Гулистан» номли ахлоқий-дидактик асарида ҳам учрайди. Авазнинг Саъдийдан тазмин қилгани сезилмоқда
371. Номуборак — нохуш, хосиятли эмас, баҳтсизлик келтирувчи.
372. Руқабойи қаллоб — тескаричи рақиблар, ёлғончи рақиблар.
373. Гадои дарбадар — эшикма-эшик кезувчи тиланчи.
374. Қотиғдур ёрни кўнгли ҳажардек — ёр бағри тошдек қаттиқ
375. Тифи дудам — икки тиғли пичоқ, ханжар.
376. Ул золими хунхорким, биллоҳчи, таҳқиқ айламай,  
*Ишқи сиридин гар десам «лоу наам» ўлтургудек.*—  
Худо ҳаққи, у қонхўр золим гўзал, ҳақиқатни суриштирмай, ишқи сиридан «ҳа ё йўқ» десам мени ўлдирадиганга ўхшайди.
377. Сийнаи ўрён — яланғоч кўқрак, яланғоч бағир.

378. *Билкулл* — бутунлай, буткул, мутлақо
379. *Ҳеч айламағуси шиқ аро бок* — муҳаббатда қўрқмайди, севгида ҳадисиралмайди.
380. *Имсок* — сақланиш; баҳиллик.
381. *Бир тўтиедурким бўлур шаҳд ичра минқори сучук* — асал ичида тумшуғи ширин бўлган тўтига ўхшайди.
382. *Бадал* — эваз, айирбош.
383. *Даврон арўси зишт эрур маънида, суратда вале* —  
Бордур басе қилсан назар шўх гўзал, шўх гўзал.—  
Замон келинчаги маънавий томондан хунук, бироқ бундоқ қарасанг шаклан жуда шўх гўзалдир.
384. *Ложуръа дам кил*—қултумламасдан шимир, бирдан сипқар.
385. *Шарафда эди толеи асъадим,*  
*Мубаддал эмди субугти вубол.*—  
Бахт юлдузим илгари балқиган эди. Энди у бахтсизликка ўрин бўшатиб берди.
386. *Дуои бад, эй кимса, элдин кам ол*—эй одам, камроқ қарғиши ол.
387. *Амрози суубатдин малул* — машаққатлар хасталигидан бетоб.
388. *Саршори хоб ўл* — уйқуга тўйгин.
389. *Санго ҳусн ичра яктолиг мусаллам*—сенинг ҳуснда ягоналигининг барча тан олган.
390. *Соҳиб дижам* — қаҳрли, аччиғи тез.
391. *Фаридун* — афсонавий Эрон шоҳларидан бири.
392. *Жам*—1. Жамшид. 2. Йиғилган, тўпланган, қўшилган.
393. *Накбату идбор* — фалокат ва бахтсизлик.
394. *Хотири ошуфтани қилмоқ басе душвор жам* — паришон кўнгилни хотиржам қилиш жуда қийиндир.
395. *Бахти ҳумоюн* — бахти кулган, толе қёёши порлаган.
396. *Бан* — мен.
397. *Кабкрафтор* + какликдай юриш қиласидиган, чиройли юрадиган.
398. *Темор* — уриниш, ҳаракат, тиришмоқ, гайрат.
399. *Зуфунуни даҳр* — олам алломаси, жаҳоний даражадаги олим.
400. *Жалис* — сухбатдош, бирга ўлтирувчи.
401. *Доҳили аҳли вафову донишу ирфон эдим* — билим, тафаккур ва вафо әгалари сафида эдим.
402. *Муддаий сори кетарди дилбарим, фарёдким,*  
*Умр мургидек анга суръат экандур, билмадим.*—  
Эвоҳ, дилбарим рақибим томонга боришка умрим қушидек суръат билан ҳаракат қиласиди.
403. *Бордур аёнинг рози ниҳоним* — яширини сирларим сенга маълумдир.
404. *Вомиқ* — «Вомиқ ва Узро» сюжетидаги кўплаб достонларнинг бош қаҳрамони. Жумладан, хоразмлик шоир Аҳмаджон Табибий шу номли ўзбек тилидаги достон авторидир. Унда Вомиқнинг севгилиси Узрони излаб бошдан кечирган таҳликали ҳодисалар нақл этилади. Вомиқ ўзбек классик адабиётидаги Мажнун сингари чин севғи эгаси бўлган ошиқ символи даражасидадир.
405. *Узро* — «Вомиқ ва Узро» сюжетидаги асарларнинг бош қаҳрамонларидан бири. Узро беҳад сувулвлиги билан адабиётимизда гўзаллик рамзи сифатида улугланиб келинган.
406. *Яна ҳусни худододингга таслим* — яна тугма чиройингга тан бераман.

407. Дарду балжият тогида ман бордурурман Кўҳкан — дарду балолар тогининг фарҳодиман. Кўҳкан сўзининг луғавий маъноси тоғузувчи, тош қазувчи кабилардир. Кўҳкан дегаңда ўзбек классик адабиётида асосан Фарҳод назарда тутилади.

408. Нозир — қарайдиган, кузатувчи, назар солувчи.

409. Ранжури ишқ бўлғон улусга илож йўқ,  
Шафқат аларнинг ҳолиға қилмоқ савоб экан.—

Муҳаббат касалига мубтало бўлган кишиларга даво йўқдир. Уларнинг ҳолига шафқат қилиш яхшидир.

410. Таҳрир Аваз этар эса ошиклигин дигар — Аваз яна ошиклигини ёзмоқчи бўлса...

411. Нозир бу кун ул меҳри дурахшонға ким эркан — у порлоқ қўёшга (яъни гўзалга) бугун ким боқаётган экан?

412. Озими майхонаман — майхона томон боряпман.

413. Шубу — «ушбу» сўзининг вазн тақозосига кўра ўзгартирилган шакли.

414. Қайси само буржини бадри дурахшонисан? — Қайси осмон зодиакининг порлоқ тўлин ойсан?

415. Түрраш мушкин — мушк бўйли соч ўрими.

416. Ҳўблиқ мисри — гўзаллик шаҳри, сулувлик макони.

417. Яхши дуррўр ўз ишини қилғонда ҳар киши,

Ҳаргиз тажовуз айламаса эттидолидин.—

Ҳар киши ўз ишини қилганида ҳаддидан ошиб кетмаса яхшидир.

418. Беадад — сон-саноқсиз, беҳисоб.

419. Раҳнамун — йўл кўрсатувчи, йўлбошчи.

420. Истаган одам саводул-важҳи дорайнин ишқ — икки дунёда севгида юзи қора бўлган кишини истаган одам...

421. Қишиким бўлмаса баҳти ҳумоюн,

Ҳамиша бўлгуси нокому мазҳун.—

Кишининг баҳти ярлақамаса, у ҳамиша бебаҳт, ғамгин бўлади.

Келиб бошига оғат шаши жиҳатдиш — бошига олти томондан фалокатлар ёнилади.

422. Кай — луғавий маъноси «шоҳ» демакдир. Бу сўз қадимги Эрон шоҳларининг бир сулоласи (кәёнийлар) ва алоҳида шоҳлар (Кайқубод, Кайковус, Кайхисрав) исмларини эслатиш учун ишлатилиди.

423. Интиҳо — охир, сўнг, ниҳоя.

424. Фироқ эркан асрӯ балои кабир — фироқ жуда улкан бало экан.

425. Жумлаи ишқиё — барча ошиқлар.

426. Дард ила ранжу аlam тогини маъмун қилдило — дард билан алам-изтироб тогини макон қилдилар.

427. Бесутун — Кирмоншоҳ шаҳри яқинидаги (Эрон) тогнинг номи бўлиб, унда ҳар хил чизиқли расмлар ва мих хатли ёзувлар сақланган. Автор бу ўринда Фарҳоднинг Бесутун тогида ариқ қазганига ишора қилмоқда.

428. Қавқабу сайдерай ҳам событоти чархи дун,

Не мани иқбол ила баҳтимни маймун қилдило.—

Тубан фалакнинг на кезувчи, на турғун сайдералари менинг иқбалимни баҳти қилмадилар.

429. Хиблиф — ярамаслик, тубанлик, ёмонлик.

430. Қўзин ёшин андоққи ям этдило — кўз ёшини гўёки дарё қилдилар.

431. Нўши этмак одат этгил лайлу наҳор мийно — эрта-кеч май ичишга одат қил.

432. *Билошак* — шубҳасиз, шак-шубҳасиз, бегумон.  
 433. *Салламно* — қойил, яша, қандингни ур!  
 434. *Шаҳбайт* — шоҳ байт, маънавий, бадний ва ғоявий жиҳат-дан энг баркамол байт.  
 435. *Абёт* — байтлар, шеърлар.  
 436. *Комимни қил гуворо* — оғзимни ширин қил.  
 437. *Дастгир* — қўлловчи, ҳомий, кўмакчи.  
 438. *Ёро* — куч, кувват, мадор.  
 439. *Висол шурби* — висол шарбати, учрашув шодлиги.  
 440. *Хуришиди жаҳонтобни хуффош не билгай?*— Жаҳонни ёри-тадиган күёш қадрини кўршапалак қаердан билсин!  
 441. *Алоло* — шовқин-сурон, қичқириқлар, ҳою ҳуй овозлари.  
 442. *Шакархо* — ширинсуз.  
 443. *Кимғил, Аваз, ҳамиша сабру шикеб пеша,*  
*Ким элни қилғусидур таъжил асрү рассво.*—  
 Эй Аваз, ҳамиша сабру тоқатни одат қил. Чунки шошилиш кўп одам-ларни шарманда қиласди.  
 444. *Эй лаби сарчашима оби бақо* — эй лаби обиҳаёт булоги!  
 445. *Пешво* — бошлиқ, раҳбар, етакчи, олдинги.  
 446. *Беинтиҳо* — чексиз, ниҳоясиз, сўнгги йўқ.  
 447. *Улким замона ишрату айшини онглар мұғтанам,*  
*Бўлғуси жовид умрдин бас баҳраёб, эй дўстлар.*—  
 Эй дўстлар, олам айш-ишратини ғанимат билувчилик, умрларидан доимий баҳраманд бўладилар.  
 448. *Беҳжот* — гўзалликлар, нағисликлар, шодликлар, қувонч-лар.  
 449. *Бордур ҳазиф айёми ҳам аҳди шабоб, эй дўстлар* — эй дўстлар, энг ширин давр йигитлик замонидир.  
 450. *Қидур айёми вуслат, эй биродар* — эй биродар, чунки висол айёмидир.  
 451. *Анисинг ул паририў нозаниндуру,*  
*Фараҳ топ ушбу соат, эй биродар.*—  
 Эй биродар, ҳамдаминг париюзли маҳбуб экан, ушбу соат қувончда бўл.  
 452. *Феруз баҳтинг ёвару ёр* — кулган иқболинг сенга ҳомий ва ёр экан...  
 453. *Еза сўз* — бехуда сўз, вайсаш.  
 454. *Ҳама сийминбар ичра у париваши,*  
*Қатолу ғамзаперо зулмгустар.*—  
 У паридай гўзал барча кумуштанилар орасида энг қаттол, кўз сузуви, зулм қилувчидур.  
 455. *Истифкор* — сўрамоқ, суриштиromoқ, изламоқ.  
 456. *Офтоби рахшон* — порлоқ қўёш.  
 457. *Эй Аваз, бало жонга «айну шину қоф» эрди,*  
*«Вову соду лом» ила дафъ ўлди ҳижронлар.*—  
 Эй Аваз, ишқ жонимга бало эди. Васл билан ҳижронлар даф бўлди. Эски ёзувда «а-айн», «ш-шин», «қ-қоф» ҳарфларидан «ишқ»; «в-вов», «с-сад», «л-лом» ҳарфларидан «васл» сўзи ҳосил бўлади.  
 458. *Нақди васлидин манга кўргузмади осор ёр* — ёр висолига ҳеч эришмадим.  
 459. *Муддашилар хайлиға бу даҳри бебунёд аро,*  
*Оқилу ҳушёр эрсанг бўлмагил, эй ёр, ёр.*—  
 Эй ёрим, агар ҳушёр ва ақлли бўлсанг, бу оқибатсиз дунёда ҳа-войилар гуруҳи билан дўстлашма.

460. Табассум фоши этиб — табассум қилиб, жилмайиб.

461. Рафттор — хатти-ҳаракат, юриш-туриш.

462. Аваз, бу чашми фаттонлар қўлидин,

Тирик юрмаклик олам ичра душвор.—

Эй Аваз, бу фитна қўзғатувчи кўзлар дастидан бу оламда тирик юрмоқлик қийиндир.

463. Нигоро, мойил ўлсанг сўйи ағёр.— Эй севгилим, рақибимга майил бўлсанг...

Нигор — расм, гўзал суврат. Шонир маҳбубанинг сулувлигини уқтириш учун «нигор» сўзини қўллаган.

464. Алардин ошнолиқ риштасин уз — улардан алоқангни уз.

465. Тонг эрмас эмди гар мақтул бўлсам — энди қатл этилсам ажаб эмас.

466. Мукофоти жаҳон андешасин қил — жаҳон қасосини ҳам ўйлаб қўй.

467. Соҳиб адо — гўзал қилиқли, ширин сўз.

468. Қил баҳор айёми, эйким, арса оламни сайр,

Ким басе чоқ этгусидур хотири одамни сайр.—

Баҳор пайтида олам юзини сайр қил. Чунки сайр киши таъбини жудаям чоғ қиласди.

469. Тонгасан дилдорни хат ила холидин нишон,

Айласанг боғ ичра яксар сабзаи хуррамни сайр.—

Боғда яшнаб турган сабзалар аро сайр қилсанг, ёр лабларидағи нозик мўйлар ва холидан нишон топасан.

470. Гар эсанг афтоди бехонумон сайри гул эт,

Ким санга билдирмауси ҳеч бешу камни сайр.—

Агар уй-жойсиз бечора бўлсанг, гул сайрига бор. Чунки сайр пайти борлик-йўқлик билинмайди.

471. Таън — таъна, юзга солиш.

472. Чирк — ифлос, кир.

473. Кир вафо даштига, бўл собитқадам бир ўмрким,

Илкинга гўё колур жоми Жаму хотамни сайр.—

Бир умр вафо даштида мардана қадам ташласанг, сайр қўлингга Жамшид жоми ва шоҳона узук-муҳрни тутқазгандай бўлади.

474. Гарон — оғир, вазмин.

475. Бешумор — беҳисоб, сон-саноқсиз.

476. Васл аро ағёр ўлурлар комрону комкор — рақиблар висолда баҳтиёр ва хушвақт бўладилар.

477. Ошиқонким хастаю маҳжуру ноком ўлғуси,

Бошига ул дам бўлуб юз наевъ оғат ошкор.—

Ошиқлар бошига юз хил оғат ёғилиб, айрилиқда хаста ва баҳтисиз бўладилар.

478. Дилбаримкин, мажмаъи ҳури жаҳон хаддомидур.—

Барча жаҳон ҳурлари дилбаримнинг хизматкоридир.

479. Сабоҳат — гўзаллик, сулувллик.

480. Шумор — саноқ, беҳадду шумор — беҳад ва саноқсиз.

481. Бекас — кимсасиз, ҳеч кими йўқ.

482. Айлар эдим қудумига жон нақдини нисор — қадамларига жонимни садқа қиласдим.

483. Ишқ аро мен содиқи, Мажнунни лекин оди бор — муҳаббатда мен энг содиқ кишиман, аммо Мажнун ёноми шуҳрат қозон-гандир.

484. Аҳли тамкинман, мани деманглар аҳбоб, андалиб,

Эй дўстлар, мен вазмин кишиларданман, мени булбул деманг, чунки булбул сабрсиз, ҳар лаҳза юз фарёд қилади.

485. Даҳр аро ушбу замон ҳар кимни бир муътоди бор—бу даврда оламда ҳар кимнинг бир ҳунари бор.

486. Намудор — кўринмоқ, кўрсатмоқ.

Ё васлда будин айла нобуд — ё висолда вужудини нобуд қил...

487. Уқубатгоҳ — гуноҳкорларни қийнашга мўлжалланган махсус хона.

488. Нетай афлок ойин, дилбаримни

Рухи андоқки, моҳи осмондор.—

Фалакдаги ойни нима қиласман?! Севгилиминг юзи осмон ойидир.

489. Менга жон бергали ул дилрабонинг

Ҳаётафзо лаби мўъжиз баёндор.—

У дилбарнинг ҳаёт бағишловчи лаби мўъжизалар сўзлаб, менга жон кирилади.

490. Нуқуд — (бирлиги — нақд) нақдлар, нақдиналар, нафлар, фойдалар.

491. Наврӯз — айнан: янги кун демак. Наврӯз — эски календарга кўра янги йилнинг биринчи куни (милодий сананинг 21 марта тўғри келади.)

492. Ҳуршиди оламтобдек очиб жамолинг меҳрини,

Тийра шабимга бергали нуру зиё наврӯз эрур.—

Оlamни ёритувчи күёшдек жамолингни очиб, қора тунимга зиё сочгали наврӯз бўлиб кел.

493. ... эй маҳваси соҳиб далоли гулбажин — эй юзи гулдай сернозу ишвали ойсифат гўзал...

494. ...аҳли муҳаббатлар била бордур ғанимат айламак касби ҳаво — севишганлар тоғда лола сайли қилсалар ғаниматдир.

495. Эй чашми нарғис, сиймтан — эй нарғис кўзли кумуш бадан.

496. Ҳар кимсаким жаҳонда асири фироқ эрур,

Жону дили алам ўтига эҳтироқ эрур.—

Жаҳонда кимки айрилиқ тутқуни бўлса, жону юраги алам ўтида ёнади.

497. Қилгунча бўйла фурқатида зиндагончилик — айрилиғида бунақа тирикчилик қилгунча...

498. Сиймсоқ — оқ танли, оқ болдири.

499. Эй ёр, не учун борасан, аҳли муддаий,

Мазмуму рўйсичеҳи бадсиёқ эрур.—

Эй ёр, ракиблар тубан, қораюз ва турқи совуқ бўлади, ул томон нега борасан?

500. Шикаста дил — кўнгли синиқ, юраги яримта.

501. Сандек ниgorи маҳвасидин ифтироқ эрур — сендай ой юзли севгилисидан фироқда, айрилиқдадир.

502. Бедодгари ҳамиша шубу эски тоқ эрур — ҳамишалик зо лиҳум ушбу эски оламдир.

503. Ҳуршидсон — қуёш каби, офтобдай.

504. Йртикоҳ — машғуллик, фаолият, одат.

505. Ҳайли ушироқ улфатидин ижтиnob этмок недур? — Ошиқлар гурухига яқинлашишдан ҳазар қилишинг нимаси?!

506. Борҳо ошом этиб онлар била жоми тараб — улар билан кўнгларталар шодлик майнин ичишиб.

507. Кимсани ноком этиб, бир кимсани комин раво,

Бўйла, ёраб, даври гардун инқилоб этмак недур? — бирорни

*Ким ани сабри йўқу ҳар лаҳза юз фарёди бор.—  
баҳтсиз қилиб, бирони баҳтиёр этиб фалакни тескари айлангани ни-  
маси?!*

508. *Мен каби дил ҳастани бедод ила ўлтурғали,*

*Эй Аваз, бу ҷархӣ қажрав интиҳоб этмак недур?—*

*Эй Аваз, мендай бир қалби мажруҳни бу тескари айланувчи фалак-  
нинг зулм билан ўлдириш учун танлагани нимаси?!*

509. *Ҳамул маҳбуби беҳамтои олам,*

*Вафо ойинида бебор ўлубдур.—*

*Оламда тенги йўқ ўша маҳбуба вафо соҳасида самарасиз экан.*

510. *Паймон — ваъда, келишув.*

511. *Балиялтар — балолар, кўргуликлар, баҳтсизликлар.*

512. *Эй пари, қоқма илик афтодайи ушиқдин — эй пари, шўр-  
лик ошиқдан қўл силкиб кетма.*

513. *Fайрат — рашк, қизғаниш.*

514. *Ё носиҳи ноаҳл деб панду насиҳат жон олур,*

*Ё ҳосиди худбин дебон кўп талҳ гуфтор ўлтурур.—*

*Ер бирор насиҳатчи панду насиҳат билан жондан тўйдиради, ё би-  
рор худбин ҳасадчи кўп аччиқ гаплар айтиб ўлдиради.*

515. *Мунъадам — ѹўқолган, ѹўқотилган, барҳам берилган.*

516. *Агарна келса ноҳуш нуктадонлар самъига машқим,*

*Сўзимни даҳр аро бекадру қиймат этдигимдандур.—*

*Донолар қулоғига машқларим (шевъларим) ёқмаса, сабаб, сўзимни  
дунёда бекадр қилганимдандир.*

517. *Хунғишин — айнан: қонсочар, қон тўқадиган, қонли кўз  
еш оқизадиган.*

518. *Рұхсори ёр рашки маҳу офтоб эрур — ёрим юзига ой ва қуёш  
рашки қиласидилар.*

519. *Ҳижроннинг шитидодидин ҳолим ҳароб эрур — айрилиқ шид-  
датидан ҳолим ҳаробидир.*

520. *Толеънинг сабду наҳсиҳ бовар айлама,*

*Гардуни дуннинг доим иши инқилоб эрур.—*

*Толенинг баҳтили ва баҳтсизлигига ишонма, тубан фалакнинг иши ҳа-  
миша тескаридир.*

521. *Зулфи муанбар — гажаги анбар ҳидли, гажаги хушбўй.*

522. *Дурри шаҳвор — шоҳона дур, қимматбаҳо инжу.*

523. *Нек атвор — яхши хатти-ҳаракатли.*

524. *Нек кирдор — яхши хулқли, яхши фазилатли.*

525. *Рахши муруватни суруб таъжил ила ёрим келур — мурув-  
ват отини шошилинч суриб ёрим келади.*

526. *Ушишоқ эли сори бу дам айни иноятдин туман —*

*Алтоғ ила айлаб назар ул чашими хунхорим келур.—*

*Шаҳло кўзли гўзал ошиқлари томон иноят кўзи билан боқиб, ўн  
минглаб лутф-марҳаматлар кўрсатиб келмоқда.*

527. *Шаҳд гуфтор — асал сўзли, бол сўзли, ширинсўз.*

528. *Бемадор — суюнчиқсиз, сутунсиз, таянчсиз.*

529. *Сокин — яшовчи, турғун аҳоли.*

530. *Аваз, бўлса фалак даврони гар каж,*

*Вафо аҳлини коми-нөраводур.—*

*Эй Аваз, фалак эрги айланар экан, вафодорлар ўз мақсадларига ет-  
майдилар.*

531. *Нағмотлар — нағмалар, куйлар, оҳанглар.*

532. *Муганний — созанда, чолғучи, музикачи.*

533. *Қадига ўзни ташибиҳ айламиши шамшод бўстонда — бўстон-  
да шамшод дарахти ўзини ёр бўйига ўхшатипти.*

- .534. *Бедодгустар* — зулмкор,adolatsiz, shafqatsiz.
535. *Савдоу шўр* — ғам-қайғу ва ғавғо.
536. Эй ниғори беҳжатағзойим, қадам ранжида қил,  
То қулурга ушбу соат нақбати баҳтимни дур.—
- Эй қувончимни оширувчи севгилим, ушбу соат иқболим баҳтисиз-  
лигини йироқ суриш учун мен томон қадам ранжида қил.
537. *Хайий ғағур* — айнан: тирик афв этувчи, яъни тангри.
538. *Рухи раши қамар* — юзи ой рашик қиласидаган даражада гү-  
зал.
539. Эй Аваз, ул ой фироқида етушдим ўлгали,  
Тонг эмаским, солсалар хешим манго бу дам қубур.—
- Эй Аваз, ойдай севгилим айрилиғига ўлимга юз қўйди, Қариндош-  
ларим энди менга қабр қазисалар ажаб эмас.
540. *Висоли қадрини ҳижронига дучор ўландин сўр* — висол қад-  
рини айрилиққа учраган кишидан сўра. Ушбу мисра билан бош-  
ланган ғазал Фузулийнинг машҳур «Сўр» радифли ғазалига назира-  
дир. Аваз ҳалаф сифатида устоз шоирдан руҳланиб яхши шеър ижод  
қилган.
541. *Лаби лаълики гоҳи йўқ бўлур, гаҳ бор сўз чоғи* — лаъл  
лаби сўзласа гоҳи бору, гоҳи йўқ бўлади.
- Классик адабиёт анъаналярига кўра, маъшуқа оғзини кичрайти-  
риб тасвирлаш, гўзалликнинг бир белгиси сифатида қаралади. Оғизни-  
гоҳ фунча, гоҳ писта, гоҳ «мим» ҳарфининг бош қисмига, гоҳ нуқта-  
га ўхшатадилар. Шоирлар муболаға қилиб, оғзи гоҳ кўринар, гоҳ  
кўринимас эди, дейдилар. Аваз ҳам ана ўта муболағага мурожаат  
этган.
542. *Воқифи асрор* — сирлардан хабардор, сирлардан воқиф, сир-  
дош.
543. *Ағёри сияҳрў*—бети қора рақиб, қора юзли.
544. *Шаб то саҳар бедор* — кечаси саҳаргача уйғоқ.
545. *Сўргуб, ҳар кимса гар ишиғ эса, донолиғ аҳволин,*  
*Ақлсизлиқни доим даҳр аро бекор ўландин сўр.*—
- Донолик нималигини иш билан машғул кишидан, ақлсизликни эса  
дунёда бекор юрган кишидан сўра.
546. *Бадсиёқосо* — башараси хунук, афти хунуксимон.
547. *Давлати дийдор* — юз кўришиш баҳти.
548. *Абрӯ* — қош.
549. *Не қиласи тўби била жаннату кавсарни бу дам,*  
*Кўйи жаннат, қадди тўби, лаъли кавсарвон бас.*—
- Хушқомат тўби дарахти, жаннат ва ундаги кавсар ҳовузи нимага ке-  
рак? Севгилим манзили жаннат, қомати тўби, лаблари кавсар синга-  
ридир.
550. *Не бало оғат эдинг назм аҳли ичра, қилмадинг.*—  
*Рўзу шаб айтib Аваз, абёт ила ашъор бас.*—
- Эй Аваз, шеър айтuvчилар орасида қанақасисанки, байтлар ва шеър-  
лар айтишини ҳеч ҳам тўхтатмайсан!?
551. *Ҳам бадри тобон ўҳшамас, ҳам шамси раҳишон ўҳшамас* —  
порлоқ тўлин ой ҳам ўҳшамайди, ёрқин қуёш ҳам ўҳшамайди
552. *Ҳам лаълиға кавсар суви ташбөх бўла олмасдурур.*  
*Ҳам чашиби афсунсозига ҳеч чашиби фаттон ўҳшамас.*—
- Унинг лабларига кавсар сувини ўҳшатиб бўлмайди. Сеҳрлайдиган  
кўзларига ҳеч бир фитначи кўз ўҳшамайди.
553. *Лаъли лаби ширинига ашроби ҳайвон ўҳшамас* — лаълдай  
лаблари ширинлигига обиҳаёт ширинлиги ҳам ўҳшамайди.
554. *Гарчи жаҳонда кўбдурур ағзол, эй аҳли уқул,*  
*Лекин Аваз назмига ҳар абету дөвон ўҳшамас.*—

Эй ақллилар, дунёда ғазаллар кўп бўлса ҳам, ҳар қандай байтлар ва девонлар Аваз шеърларига ўхшамайди.

555. Қилғоли субҳу масо фарёд андоқким жарас — эрта-кеч қўн-ғироқдай фарёд қилиш учун...

556. Келмагай эрдим бу дори бебақоға, оҳқим,

Бўлмадим фориг гаму меҳнат чекардин бир нафас.

Кошки бу дунёга келмаган бўлсадим! Гам ва машаққат чекишдан бирор нафас бўшамадим.

557. Магас — чивин, пашша.

558. Асас — миршаб, тунги қоровул, соқчи.

559. Тўндиҳў — феъли ёмон, аччиқ-тизиқчи, ўжар, нозиктабиат, жиззаки.

560. Бенанг — номуссиз, уятсиз.

561. Муродот — муродлар, мақсадлар, тилаклар, орзулар.

562. Фуюзот ичра кўйингидек биҳишти жовидон эрмас,  
Рухингосо малоҳатда чу меҳри осмон эрмас.—

Файзлилника абадий биҳишти манзилингдек эмас. Осмон қуёши гўзалинкда юзинг сингари эмас.

563. Чашмаи ҳайвон — оби ҳаёт булоғи.

564. Ҳамиша қажравишдур ушбу ҷархи золими хуњор — бу золим, қонхўр фалак ҳамиша тескари айланади.

565. Йибисоти ҳаззи ранжу кулфатига арзимас — ҳузури шодлиги машаққату кулфати азобига арзимайди.

566. Саршорком — гоят баҳтиёр, жуда баҳт-саодатли.

567. Аҳли ҳасосат — ҳасислар, мумсиклар, зиқналар.

568. Томеъ — тана қилувчи, тамагир.

569. Зиллат — хорлик, тубанлик, хўрланганлик.

570. Назҳат — кўнгил очиш, ҳузур қилиш.

571. Ҳусни бокамоли — камолга етган кўрки.

572. Эъжози Исо — Исо (пайғамбар) мўъжизаси (ўлиқни тирилтириш).

573. Қурби — яқини, ҳузури, даргоҳи.

574. Ғам қайди — ғам асорати, ғам асирилги.

575. Ноҳоқ — хафа, ғамғин, қайгули.

576. Пайғом — дарак, хабар, хушхабар.

577. Оби ҳайвон — тириклик суви, обиҳаёт.

578. Дамсоз — суҳбатдош, улфат.

579. Жафоу жаврпеша — ҳунари жабр-жафо; фақат жабр ба жафо қиласидиган.

580. Якрон — от, улов.

581. Қатъ этгуси таъжил ила кўҳу биёбон бу нафас — бу лаҳза-да суръат билан тоғу биёбонни босиб ўтади.

582. Майнўшлиғ — май ичишилик, майхўрлик.

583. Шавқи итисол — қовушиш шавқи, етишиш завқи.

584. Ҳадаф — ўқ отиши учун қўйиладиган нишон.

585. Фарёдрас — додига етувчи, арзини тинглаб ижро этувчи.

586. Мултамас — илтимос, сўров, илтижо.

587. Мамлу манго ғам аскари бирла бу соат пешу пас — шу пайт орқа-олдим ғам аскари билан лиқ тўладир.

588. Қасрати — кўплиги, мўллиги, фаровонлиги.

589. Эй дил, агар ҳушёр эсанг, ул хайлдин улфатни кас — эй кўнгил, агар ҳушёр бўлсанг, у тўдадан алоқангни уз.

590. Қўр ҷарҳи ишини, эй кўнгул, еб ғатм қоқин, вах, ҳумо,

Ер борҳо шаҳду шаккар, қанд ила печакни магас.—

Эй кўнгил, дунё ишини кўр: ҳумо қуруқ сүяк ейди-ю, пашша кўплаб асал, қанд ва парвардадан озиқланади.

591. *Фохтак* — қумри, нола қилиб сайрайдиган қуш.  
 592. *Марас*, — ип, чилвир, ит бўйинбоги.  
 593. *Бенитиҳо* — ниҳоятсиз, ҳисобсиз, чексиз,  
 594. *Ходис* — содир бўлмок, инмоқ, юз бермок.  
 595. *Сұхансанж ўлмаким, эй дил, қафасбанд ўлмоқига, ваҳ,*  
*Хамиша тўтиларга шаккарин илҳон эрур боис.*—  
 Эй кўнгил, сўзамол бўлма. Чунки тўтиларнинг қафасга солинишига  
 сабаб уларнинг қанддай сайрашидир.  
 596. *Аъдо* — душманлар, ёвлар, ганимлар.  
 597. *Уқбо* — афсонавий иккинчи дунё.  
 598. *Аё аҳбоб, айёми жудолиқ,*  
*Демишдурлар қиёматдин аломат.*  
 Эй дўстлар, айрилик дамларини қиёматдан нишона деганлар.  
 599. *Нори фурқат* — айрилик ўти, жудолик оташи.  
 600. *Жустужӯ* — изламоқ, сўроқламоқ, қидирмок.  
 601. *Мағҳұм* — фаҳмланган, тушунилган, англанган.  
 602. *Кошифус* — сир аҳли — сирларни кашф этувчилар, *терав*  
 сир очувчилар.  
 603. *Солик* — йўловчи; маълум бир мазҳаб вакили.  
 604. *Нўш айла бодаи беҳжат* — шодлик майини ич.  
 605. *Бадтийнат* — ёмон табиатли, феъл-хулқи ёмон.  
 606. *Аниси ғамгусор* — ғамни ёзувчи дўст, ғамни бартараф этув-  
 чи ҳамдам.  
 607. *Хушио* — қандай яхши! Жуда соуз!  
 608. *Дигаргун* — ўзгача, бошқача, ўзгарган.  
 609. *Ҳар кишиким ишқ аро бўлса агар сабитқадам,*  
*Комига еткургай они баҳти маймун оқибат.*—  
 Ҳар киши муҳаббатда садоқатли бўлса, саодатли қисмат уни *мақса-*  
*дига етказади.*  
 610. *Машқи абъёт* — байтлар машқ қилиш, шеърлар ёзишни  
 машқ қилиш.  
 611. *Носаранжом* — тартибсиз, саранжом қилинмаган.  
 612. *Ҳазз* — ҳузур, роҳат-фароғат.  
 613. *Суманбар* — оқбадан, гўзал.  
 614. *Нуқат* — нуқта.  
 615. *Ирсол* — жўнатмоқ, юбормоқ.  
 616. *Эй шоҳи мамолики малоҳат,*  
*Эй моҳи сипеҳри саодат!*—  
 Эй гўзалик мамлакатининг шоҳи, эй саодат осмонининг ойи!  
 617. *Некў шамоил* — хуш ахлоқ, яхши феъл-атворли.  
 618. *Лайлу наҳор* — айнан: тун ва тонг; кечакундуз.  
 619. *Филҳол* — дарҳол, шу лаҳзада.  
 620. *Ошом қиласанг, аммо қил эттидол бирла-*  
*Ки ҳаддин оиша, айлар девонавор шарбат.*—  
 Ҳаддан оша ичсанг, у сени телбасимон қилиб қўяди.  
 621. *Ўзингга пеша қил доим қаноат* — ўзингга доим қаноатни  
 одат қил.  
 622. *Халойиқ ичра айлар айбу зишини ниҳон ҳиммат* — ҳим-  
 мат одамлар ўртасида кишининг айблари ва хунуклигини бе-  
 китади.  
 623. *Кариму розиқ* — сахий ва ризқ берувчи.  
 624. *Саршорком* — баҳтиёр, саодатли, барча умидлари рӯёбга  
 чиққан.  
 625. *Эҳтироуз* — сақланиш, ҳазар қилиш, ўзини тортиш.  
 626. *Фатҳ ила нусрат* — зафар ва галаба.  
 627. *Варзиш* — машқ, кўникма, одат.

628. *Ахлоқи фархунда* — яхши ахлоқ, қутлуғ ахлоқлик.  
 629. *Хилофат* — халифалик, ҳукмронлик, шоҳлик.  
 630. *Мажмағи амвол* — бис мол-мулк, барча бойлик.  
 631. *Билкул* — бутунлай, мутлақо, умуман.  
 632. *Шафқатосор* — шафқагли, муруватли, меҳрибон.  
 633. *Сандигл* — тошбагир, бағритош.  
 634. *Қосиди фаррұх* — очиқ юзли хабар келтирувчи, қутлуғ мух-  
 бир.  
 635. *Яктои ҳұбон* — гүзаллар ягонаси, энг сулув қыз.  
 636. *Вуслат явми* — висол куни, учрашув куни.  
 637. *Нахват* — худбинник, тақаббур, кибр, ғурур.  
 638. *Үзингга бахтнинг мурғини ром эт* — үзингга бахт қушини  
 ўргат.  
 639. *Жаҳди тәмом* — мукаммал ғайрат, түкис ғайрат.  
 640. *Иқдом құйиб күлбаи әхъзонаима раҳм эт* — раҳм қилиб ғам-  
 хонамга қадам қўй.  
 641. *Рағбә этмоқ* — очмоқ, олмоқ, олиб ташламоқ, бартараф эт-  
 моқ.  
 642. *Симин сақоқ* — кумуш иякли, оқ бақбақали.  
 643. *Ҳамиша рогиби меҳру виғроқ эт* — ҳамиша меҳр ва муро-  
 сага рағбат қил.  
 644. *Худрою худком* — ўжар ва қайсар, ўзбилармон.  
 645. *Бешитибоҳ* — шубҳасиз, бегумон.  
 646. *Болу пар* — қанот ва пат.  
 647. *Юзингму ҳусн авжиди дурахшон меҳри анварму?* — Юзинг-  
 ми ёки ҳусн осмонидаги порлоқ нурағшон қүёшми?  
 648. *Хокдон* — айнан: тупроқ солинадиган идиш; дунё, олам.  
 649. *Кавкаби бахт* — бахт юлдузи, иқбол сайёраси.  
 650. *Калаф* — юздаги доғ; қизғыш қора доғ.  
 651. *Яғун асокири* — япон аскарлари.  
 652. *Торожу яғмо* — таламоқ ва топтамоқ, бузғунлик.  
 653. *Воизо* — эй воиз, эй нотиқ.  
 654. *Бордур Аваз еткүргали, ҳаззы фараҳ базним аро,*  
*Саҳбойи гулгун бир тараф, гулранг согар бир тараф.* —  
 Эй Аваз, базмимда шодлик ва ҳузур бағишлиш учун бир томонда  
 гулдай алвон май, бир томонда гул рангли қадаҳ турибди.  
 655. *Гулзор аро гул бир тараф, ул юзи ҳұмро бир тараф,*  
*Ишқ ичра бұлбул бир тараф, мен зори шайдо бир тараф.* —  
 Бу байтнинг мазмуни шоирнинг тохикча ғазали матлаида ҳам бе-  
 рилган:  
*Дар бօғ гулҳо як тараф, он рўйи ҳұмро як тараф,*  
*Дар ишқ бұлбул як тараф, он зори шайдо як тараф.*  
 656. *Дилдұзғамза бир тараф, жонсұз имо бир тараф* — дил-  
 га қадалувчи күз сузиш бир томон, жонга ўт қаловчи имо бир  
 томон.  
 657. *Бешакку райб* — шак-шубҳасиз, бегумон.  
 658. *Юз гуна* — юз хил.  
 659. *Хариф* — суҳбатдош, улфат.  
 660. *Ҳафиғ* — енгил-елпи, юзаки (сидқидилдан әмас).  
 661. *Ҳалиф* — халифа, шоҳ; ўринбосар, ноиб.  
 662. *Ҳамрадиғ* — айнан: радиғдош; сафдош, қатордош.  
 663. *Наҳиф* — ориқ, оғзин, қоқсуяк.  
 664. *Қалб сўзон, жисм ларzon, чашм ҳунбору наҳиф* — юрак ўр-  
 танади, вужуд титроқда, кўздан қонли ёш тўқадиган оғзин (шўрлик-  
 ман).

665. *Хумхона* — айнан: хумлар тахланган уй, майхона, бу ўринда «дунё, жаҳон» маъносида қўлланилган.
666. *Шайху шоб* — кекса-ёш, барча.
667. *Шабпар* — айнан: кечаси учадиган; кўршапалак.
668. *Чевирмоқ* — ўгирмоқ; юз чевирса — юз ўгирса.
669. *Ки ҳусн ичра рухи меҳру қамарваши* — чиройда юзи қуёш ва ойга ўхшайди.
670. *Маозаллоҳ* — паноҳ берсин, худо сақласин.
671. *Мазоқ* — ком, жағ, оғиз.
672. *Теъбодд айламиши* — ҳисоблаган, санаб чиққан.
673. *Чархи душманком* — ёвларни мақсадига еткизадиган дунё.
674. *Гўё қазо маҳбубларнинг қалбини хилқатда фўлод айламиши* — гўё қисмат гўзаллар юрагини пўлатдан яратган.
675. *Фўлода дўйндормиши* — пўлатга айлантириб юборибди.
676. *Магар ул хўбларнинг хусравиким они ёзғурмиши* — у гўзаллар шоҳи уни гуноҳкор қилганга ўхшайди.
677. *Тўртинчи торам* — тўртинчи, осмоннинг тўртинчи қавати.
678. *Харош* — тирнамоқ, ўйнмоқ, қийнамоқ.
679. *Соҳибфирош* — айнан: тўшак эгаси; касал, бемор, хаста.
680. *Хуффош* — кўршапалак.
681. *Жаҳонда кимса топғойму муродин,*  
Ки эрса комига ноком подош.—
- Дунёда баҳтини баҳтсизлик алмаштириб турса, киши мақсадига етадоладими?
682. *Важҳ* — боис, сабаб.
683. *Разм* — жанг, кураш, уруш.
684. *Сурӯи* — ҳайқириқ, чинқириқ.
685. *Мұсқаф* — сахифа, варак.
686. *Нуқуш* — (бирлиги нақш) нақшлар, ёзувлар, белгилар.
687. *Дўш* — яқин, йўлдош, ҳамдам.
688. *Айлар дамодам ишқ ўти жону дилим дегини жўш* — дамбадам ишқ олови жону дилим қозонини қайнатиб туради.
689. *Пардалўш* — айнан: парданни бекитувчи, парда тутивчи. Бу ўринда «сир ёпувчи» маъносидадир.
690. *Тамаъ* — умид, кўз тутмоқ, тиламоқ, истамоқ.
691. *Устувор* — барқарор, мустаҳкам. Бу ўринда «садо-қатли» маъносига қўлланган.
692. *Томеъ* — таъма қилувчи, тамаъгир, истовчи, умид қилувчи.
693. *Ғаввос* — сув остига шўнғиб гавҳар изловчи киши. «Ғаввос»— ғаввосдай.
694. *Майи аҳмар* — қизил май, алвон май.
695. *Гурезон* — қочқоқ, қочаётган, қочиб юрган.
696. *Ламъа* — ёлқин, шуъла, нур.
697. *Бетор шамъ* — пиликсиз шам.
698. *Жисмини ҳар шаб сарбасар фурқатнинг ўтиға ёқар* — ҳар кеча вужудини бошдан-ёқ айрилиқ ўтига ёқади.
699. *Маҳи Канъониён* — канъонликлар ойи, Канъон ҳалқининг ойи.
700. *Дай* — қадимги календарга кўра қишининг эиг совуқ ойи. (20 декабрдан 20 январгача.)
701. *Билинг явми қиёматдур жудолиқ* — билинг: жудолик қиёмат кунидир.
702. *Абтар* — хароб, сўлғин, баҳтсиз, паришон.
703. *Доимо кому муроди норавоман* — ҳамиша орзу-истагим амалга ошмайди.

704. Агарчи мойил ўлмоқ шўхлар соригадур осон,  
Валекин қайтадин душвор басо ондин раҳо бўлмоқ.—  
Шўх (ѓузал) ларга мойил бўлиш осон бўлса-да, бироқ улардан  
қайта қўтумоқ жудаям мушкулдир.
705. Жаҳонда рутбаи оли келибдур шодлиғ — жаҳондаги энг  
олий мартаба шодлиқдир.
706. Қариб — яқинлик, дўстлик.
707. Шикебо — тоқат, сабр, тўзим, чидам.
708. Гунбади даввор — айланувчи фалак, жаҳон, ер шари.
709. Ағёр хайли адувдор — рақиблар душмандир.
710. Жудо имондин ўлгай бадгумонлиғ — шубҳаланиш имондан  
жудо қиласди.
711. Юсуфнишонлиғ — Юсуф кабидир. (Ўзбек классик адаби-  
ётидан сулувлик рамзи, Яъқубнинг ўғли Юсуфдир.)
712. Домодлиғ — куёвлик.
713. Хайли рақибон — рақиблар гуруҳи, рақиблар тўдаси.
714. Гардуни вожун — тескари осмон, тўнкарилган фалак.
715. Пок этарда эл билин чиркин эрур собун қадаҳ — халқ  
кўнгли кирин тозалайдиган совун қадаҳдир.
716. Оташбор — ўт ёғиладиган, ўт ёғдирадиган.
717. Аҳли мамот эҳё агар бўлса тонг эрмас — ўликлар тирил-  
са ажаб эмас.
718. Субҳи козиб — айнан: қалбаки, тонг. (Ҳақиқий тонг отиш-  
дан олдин бир марта уфқ оқариб келади. Шуни субҳи козиб де-  
йишган.)
719. Иёр — олтин-кумушнинг софлик даражасини аниқловчи.
720. Ҳадиси сареҳ — аниқ сўз, равшан сўз.
721. Саҳех — тўғри, соглом, дуруст.
722. Жамоли сабеҳ — гўзал жамол, сулув юз.
723. Яди байзо — оқ билак.
724. Таржеҳ — устун қўймоқ, афзал билмоқ.
725. Мадеҳ — мадҳ, мадҳия, мақтov, таъриф.
726. Мушавваш — паришон, хавотир, ғаш.
727. Фуюз — (бирлиги файз) файзлар, кўрклар.
728. Шабоб айёми — йигитлик пайти, навқиронлик даври.
729. Бедил — мафтун, маҳлиё, ошиқ.
730. Мисли коҳ — сомон сингари, сомонсимон.
731. Бошимга чекар фикри савдо сипоҳ — бошимга телбалик  
лашкар тортади.
732. Шоири интибоҳ — ўйгоқлик шоири, ҳушёрглик шоири.
733. Мубоҳ — мумкин, рухсат этилган.
734. Фаттоҳ — очувчи, тангри.
735. Кишити — қайиқ, кема.
736. Маллоҳ — кемачи, кема капитани, яхши суза оладиган  
киши.
737. Инчунин бояд — шунаقا бўлиши керак.
738. Кўнгул банди буд ҳар тори гесўяш — ҳар тола сочи кўн-  
гилни боғлаб олувчи эди.
739. Аз ҷашми мо чу пинҳон шуд — кўзимиздан нари кетди де-  
гунча.
740. Ҳамчу тийра зиндан шуд — худди қоронғу зиндан бўлди.
741. Ҳоли ман чи менурси? — Менинг ҳолимни нега сўрайсан?
742. Хотирам паришон шуд — хотирим паришон бўлди.
743. Этгали гирифтори бўсаи лабаш моро — бизни лаблари  
бўясасига асир этиш учун.
744. Баъд аз он пушаймон шуд — сўнг ундан пушаймон бўлди.

745. Зоҳидо, гули жаннат гар туро таманно буд — эй зоҳид, агар орзунг жаннат гули бўлса.
746. Соқиё, биёр саҳбо — эй соқий, май келтириш.
747. Карда борҳо фарёд — кўп маротаба фарёд чекиб.
748. Икки кўз субҳу шом гирён шуд — икки кўзи эрта-кеч инғлоқи бўлиб қолди.
749. Ҳуш омади — хуш келибсан!
750. Сад — юз (100).
751. Шамъи тирози мажлиси ушишоқҳо ҳуш омади — ошиқлар мажлисининг порлок шами, хуш келбисан!
752. Чун интизор аз ҳад гузашт — интизорлик ҳаддан ошгани учун.
753. Авжи малоҳатда маҳу чун меҳр бинмуда хиром — гўзаллик осмонида ой ва қуёш каби кезиб...
754. Ояд зи баҳри күштанат — сени ўлдириш учун келса...
755. Поён — охир, ниҳоя, сўнг, чек.
756. Ўкуш — кўп, мўл, фаровон.
757. Гунбази мину — кўк гунбаз, зангори осмон.
758. Зебу зин — зебу зийнат.
759. Фирдавси барин — олий жаннат.
760. Сипеҳри ғардон — айланувчи осмон, айланма фалак.
761. Шарр — ёмонликлар, ёмон қилғиликлар.
762. Жумла суманбар — барча оқбаданлар.
763. Ҳубларнинг аҳсани — гўзалларнинг энг аълоси.
764. Рогиб — мойил, майли, рағбатли.
765. Пур об — айнан: сув тўла.
766. Хоки жанобинг — даргоҳинг тунроғи, ҳузуринг тупроғи.
767. Илтизом — ўзига лозим билмоқ, мажбурият.
768. Жамолинг партавидин ийд субҳидек мунаввор қил — жамолинг ёлқинидан байрам тонгидек нурафшон қил.
769. Маониси дақиқу мажмаи алфози жонпарвар — маънолари нозигу барча сўзлари жонга роҳат берадиган.
770. Муғтанам — фанимат, айни пайти.
771. Қайтурмоқ — кўзни атайнин қисиб қарааш, гамза.
772. Бўй — ҳид, ис.
773. Ҳуш одами — ҳушёр киши, эс-ҳушли одам.
774. Дилгир — юраги сиқилган, зериккан.
775. Таъхир — кечиктиримоқ, пайсалга солмоқ.
776. Сол ила маҳ — йил ва ой.
777. Барқ — чақмоқ, яшин.
778. Раҳд — момақалдириқ.
779. Сунъи самаддур новаки — (камонининг) ўқи тангри қудратидир.
780. Хай — тер, юздаги тер.
781. Сар то сар — бутунлай, борини, бошдан-оёқ.
782. Чекиб мужгони шабраввлар каби жон қасдига ханжар, Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.— Киприклари ўғрилардай жон олиш учун ханжар ялангочлаган. Белига анбар ҳиди ёғиладиган зулфидаи мушк ҳидли чилвир боғлаб олган.
783. Бори сўзини аҳли назм силкига терди — барча сўзларини шоирлар шеър шодасига тиздилар.
784. Дурри хушоб — ялтироқ дур, тоза дур.
785. Вале ёр элин жомига сам беинтиҳо қуиди — бироқ рақиблар қадаҳига бениҳоя кўп заҳар қуиди.
786. Оби бақо — боқийлик суви, обиҳаёт.
787. Соғари саршор — лиммо-лим қадаҳ, тўла жом.

788. *Мулаззаз айламассан васл ила айёми талхимни* — аччиқ вақтимни васлинг билан лаззатли қилмайсан.

789. *Беҳасиб* — «беҳисоб» сўзининг қофия ва вазн тақозосига кўра бузилган шакли.

790. *Сил* — арит.

791. *Равзан-равзан* — тешик-тешик; илма-тешик.

792. *Фараҳангезлиғ* — қувонтирувчи, шодлик бағишловчи.

793. *Машшота* — қиз, келин, аёлларга пардоз берувчи аёл.

794. *Шеван* — нола, фифон, зор.

795. *Рози ифши бўлмишам* — сирим фош бўлди, розим элга ошкор бўлди.

796. *Пўяи дашти жунун этмак* — телбалик даштида қадам ташлаш.

797. *Не ажабким, гар менга маствур эрса соғу сўл,*

*Ланг аёқу мақсадим роҳи аро кўтоҳ қўл.* —  
Унг-чап менга ёпиқ бўлса ажаб эмас. Чунки оёғим оқсоқ, мақсадим йўлидаги (уринишда) қўлим қисқа.

798. *Явмул ҳасиб* — айнан: ҳисоб-китоб куни (яъни қиёмат куни).

799. *Эй уқул аҳлиға бўлғон пешво* — эй оқилларга йўлбошли бўлган киши.

800. *Некў хисол* — яхши хулқли, яхши феъл-атворли.

801. *Гарданкашонлиғ* — айнан: бўйин товлашлик; қайсарлик, ўжарлик.

802. *Хангом* — пайт, вақт, он, лаҳза.

803. *Куллоб* — чангак, илгак.

804. *Сарчашмаи ҳайвон* — обиҳаёт булоғи; тириклик суви чашмаси.

805. *Ҳайратсиғол* — ҳайратда қолган, лол қолган, тонг қолган.

806. *Васл аро иқболи маймуним музайян айлади* — висолда саодатли толеимга зийнат берди.

807. *Ҳамлазан* — ҳамла қилувчи, ташланувчи.

808. *Бахти нофаржом* — истиқболи ёмон.

809. *Бўлмади тадбил, вах, вуслатга ҳижрон йиглабон* — йиглашиблан айрилиқ висолга алмашинмади, оҳ!

810. *Фарангизода* — европалик бола; зодагон бола.

811. *Накўроқи* — яхшироғи, афзалроғи.

812. *Мушобеҳ* — ўхшаш, ўхшайдиган.

813. *Мулавван* — ранг-баранг, безакли.

814. *Пири ҳаммор* — майхона бошлиғи, май сотувчи.

815. *Сарнигун* — тескари, тўнтарилган.

816. *Тахайюл* — хаёллар, ўйлар.

817. *Ағниё* — (бирлиги — гани) бойлар, бадавлатлар.

818. *Мудовономадим* — даволанмадим.

819. *Қирпич* — гишт, гувала.

820. *Даррок* — идрокли, оқил, зийрак, фаҳмловчи, сезир.

821. *Рутаб* — ҳўл мева, янги пишган мева.

822. *Роуха* — ёқимли ҳид, хушбўй.

823. *Мукнат* — давлат, бойлик, қудрат.

824. *Зумуррадгуи хатиким лаъли шаккарвора ёзмисиilar* — шаккар ёғиладиган лабга зумурдранг хат ёзганлар. (Шоир ёрнинг устки лабидаги майин тукларни назарда тутмоқда.)

825. *Мусаввир* — рассом, сурат чизадиган санъаткор.

826. *Бировга верди бахти бад чекарга оҳи дилсўзи* — бировга юрак ўрганадиган оҳ тортиши учун ёмон толе берди.

827. *Ҳамул ҳайлеки, вор эрди муҳаббат оламида фард* — муҳаббат дунёсида ягона бўлган гурух.

828. *Мубоҳ бўлсун ўзунгга, зоҳидо, тасбех ила аврод* — эй зоҳид, тасбех ўғириш билан дуо зикр этиш ўзингга раво бўлсин.
829. Эй малоҳат ганжи — эй гўзаллик хазинаси.
830. *Кокилингга сунбули тарни муқайяд айладинг* — сочиннга сунбулни асир қилдинг.
831. *Қаллош* — қашшоқ, камбағал, йўқсилик.
832. *Минқоши* — қисқич, шам пилигини кесадиган қайчисимон асбоб.
833. *Бебасар* — кўэсиз, сўқир ожиз.
834. *Мамзуж* — қўшмоқ, ээммоқ, аралаштиромоқ.
835. *Иқболу иззат аҳлиниг киргон қаторига қачон, Киймак билан дебоу хаз арзолу авбоши устина*.— Разил ва авбошлар эгнига гулли ҳарир ва нозик ипак матолардан кийгани билан иқбол ва иззатли кишилар қаторига киармиди?!?
836. *Машруб* — ичимлик, шарбат.
837. *Лагадкўй* — тепкилаш, босқилаш, оёқости қилиш.
838. *Побости ўзни беабад ағлол этарман* — ўз оёғимни беҳисоб занжирлар билан боғлаб ташлайман.
839. *Чашми мартуб* — намли кўз, кўз ёши оқиб турган кўз.
840. *Айлаб миҳан бори қадим монанди нуну дол ҳам* — машақ-қатлар юки бўйимни нун ва дол каби этиб қўйган.
841. *Они нўшига эрур муҳлиқ сами мудғам басе* — унинг шар. батига роса ҳалок қилувчи заҳар қўшилгандир.
842. *Қўйинг аро чашимим пуроб, айлаб тани зорим туроб* — манзилингда кўзларим жиққа ёш, шўрлик танимни гард-гард қилиб юбординг.
843. *Гулрухи некўшиял* — яхши хулқли, гул ювли (ёр).
844. *Нилгун торам* — ҳаворанг осмон; жаҳон, дунё.
845. *Роздон маҳрам* — роз билувчи дўст, сир билувчи сирдош.
846. *Ишқ амрозига умиди шифо қилмоқ ғалат* — ишқ касалига шифо умид қилиш хатодир.
847. *Гар урай дессанг чу табли ошиқи фарзоналиғ* — доно ошиқлик ногорасини қоқайин дессанг.
848. *Соҳибвафо* — айнан: вафо соҳиби; вафодор, садоқатли.
849. *Үқ киби қоматларин чекмак тилаб оғуш аро,*  
*Шавқ бозуси кучидин қадни ё қилмоқ ғалат*.— (Маҳбубаларнинг) ўқдай (тик) қоматларини қучоққа олишини истаб, эҳтирос билаги зўри билан қадни камондай эгиш хатодир.
850. *Тушмагай хуши ҳар қаломи дилкуши фазл аҳлиға* — ҳар бир сўз оқил кишиларга хуш келавермайди.
851. *Жонни маҳфуз айлагум ул хайл илгидин нетиб*?— У тўда дастидан жонни қандай сақлай оламан?
852. *Муқаввас* — қавсга ўхшаш, камалаксимон.
853. *Сиёсат тиги* — қатл пичоги, ўлим ханжари.
854. *Ҳадам* — ходим, хизматкор, чокар.
855. *Хай* — тер, юздаги тер.
856. *Хушк* — қуруқ, ташна.
857. *Вожун* — терс, тескари, чаппа.
858. *Жайхун* — Амударё.
859. *Бози* — ўйин, найранг, фириб.
860. *Ғаммози* — сир очувчилик, чақимчилик.
861. *Бурқаზ* — парда, чиммат.
862. *Сабоҳу шаб* — айнан: тонг ва тун; эрта-кеч.
863. *Ночиз* — арзимас, паст, беқадр.
864. *Заррин ўтоға* — зар жига.

865. *Хорхор* — иштиёқ, эҳтирос.  
 866. *Жаллоди марг* — ўлим жаллоди.  
 867. *Түрк шасти* — гўзалинг қармоғи, гўзал чангаки.  
 868. *Ишқиё* — ошиқлар, мафтунлар, маҳлиёлар.  
 869. *Шокир* — шукр қилувчи, рози.  
 870. *Муродот* — муродлар, мақсадлар, тилаклар.  
 871. *Аслоҳо* — асло, ҳеч, мутлақо.  
 872. *Нуқли лаъли аҳмар яхшидур* — қизил лабни газак (закуска) қилиш яхшидир.  
 873. *Абан ан-жад* — ота бободон (тортиб), аждодлар.  
 874. *Амсол* — ўхшаш, тенгдош.  
 875. *Сийнаафгор* — кўкси абор.  
 876. *Як бор* — бир марта, бир карра.  
 877. *Ламязал* — сўнгги ўйқ, абадий.  
 878. *Лаъли шаккаринбор* — шакар ёғдирадиган лаб, шириңсўз лаб.  
 879. *Алкан* — соқов, гунг, тилсиз, дудуқ.  
 880. *Таваққуф* — кечикириш, пайсалга солиш.  
 881. *Қаддинг фироқида дуто* — қаддинг айрилиғида букилган.  
 882. *Даҳан* — оғиз.  
 883. *Тўйт шаккариншакар* — шакар чайнайдиган тўти (шириңсўзликка ишора).  
 884. *Борму санга ҳусн аро деки адилу бадил* — айт-чи, чиройда сенга тенг-тўш келадиган борми?  
 885. *Муштари* — харидор, талабгор, ошиқ.  
 886. *Мубайян айламак* — баён қилмоқ, фош этмоқ.  
 887. *Маҳбас* — қамоқ, зиндан.  
 888. *Данг* — тенг, баробар.  
 889. *Монанди жўй* — ариққа ўҳшаб, ариқдай.  
 890. *Мў ба мў* — айнан: сочма-соҷ; битталаб.  
 891. *Сў ба сў* — ҳар томонга.  
 892. *Малолгангез* — малол келтирувчи, қийнайдиган.  
 893. *Ширин мақол* — шириңсўз.  
 894. *Лайли лиқо* — юзи Лайлига ўҳшайдиган.  
 895. *Жало* — ватандан бош олиб чиқиб кетиш.  
 896. *Нозил* — инган, тушган, юқоридан тушган.  
 897. *Шомил* — мансуб, тегишли.  
 898. *Зумраи ушишоқа дохилдор* — ошиқлар тўдасига мансубдир.  
 899. *Таҳқиқ* — ҳақиқат қилиш; бирор нарсанинг ҳақиқатини текшириш.  
 900. *Балойи ногаҳондур кизбеким андин паноҳ этгил* — ёлғон — кутилмаган балодир, ундан эҳтиёт бўл.  
 901. *Мусодик* — садоқатли, вафодор.  
 902. *Анин* — нола қилиш, оҳ тортиш.  
 903. *Ҳури ийн* — оқ таилик, чиройли кўзли қиз; жаннатдаги гўзал ҳур.  
 904. *Кабки дари ажз ила дер: «Офарин!»* — Тор каклиги сенга камтарлик билан «Офарин!» дейди.  
 905. *Еки фуюзот аро ҳулди барин?* — Еки файзлилиқда аъло жаннатми?  
 906. *Одати ҳаим ила кин* — одати ғазаб ва кек.  
 907. *Ранжи миҳан чикмайин олам аро Қилмади* ҳеч бир киши ганжурлиг.—  
 Оламда машаққат азобини чекмай ҳеч ким хазиначилик қилмаган.  
 908. *Нек ком* — яхши ном (чиқарган киши).

909. *Оҳи жаҳонсўз* — жаҳонни кўйдирадиган оҳ, қаттиқ оҳ тортиш.

910. *Толеи фарҳунда, ҳумоюндири* — толеи қутлуғ, шарафлидир.

911. *Айтайин асрори хафо сомеъ ўл,*

*Ким санго бўлгусидур дастер.*—

**Қулоқ сол, яширин сирларни айтай, бу бир кун сенга асқатади, сени қўлладиди.**

912. *Тажаммул* — шукуҳ, дабдаба.

913. *Соҳибсарир* — тахт эгаси.

914. *Муталло* — тилла суви югуртирилган, зарҳалланган.

915. *Вирди забон* — (номини) тилга келтирмоқ, такрорламоқ.

916. *Сийминбари даҳрким қишу ёз,*

*Варзиш қиласидур тагифилу ноз.*—

**Жаҳоннинг оқбадан (дилбари) қишу ёз кўриб кўрмасликка солиш ва ноз қилишини машқ қиласди.**

917. *Васлидин эса муроди фирдавс,*

*Дўзахдин ўлур фироқ аломат.*

**Ер васлидан мақсад жаннат бўлса, айрилиги — дўзахдан нишона-дир.**

918. *Хусн ичра жаҳонда эрди ашҳар* — чиройда дунёда энг машхур эди.

919. *Дубора* — иккинчи марта.

920. *Кажниҳод каж гардун* — табиатан эгри бўлган тескари айланувчи фалак.

921. *Дун* — пастекаш, ярамас, тубан кимса.

922. *Дўстларга бўлуб вубол иқбол,*

*Хайли аъдолни толеи маймун.*—

**Дўстлар иқболи баҳтсизликка чулғаниб, ёвлар гуруҳининг толеи саодатли бўлди.**

923. *Комжўлар* — баҳт изловчилар, орзу қилганлар.

924. *Хисрави хўрдадон* — зийрак идрокли шоҳ, билимдон подшоҳ.

925. *Ком* — орзу, мақсад, тилак.

926. *Тарик* — йўл, маслак.

927. *Тақозолар айлаб тааллук сори* — уйланишга интиласан.

928. *Қуилур оқибат даҳрдин интиқол* — охири оламдан кетади.

929. *Эмиш ақрабу морваш заҳрдор* — чаён ва илон сингари зарли эмиш.

930. *Нуқра* — кўумуш (пул).

931. *Шай* — нарса, предмет.

932. *Озими роҳи фано* — йўқлик йўлига кирган (ўлим).

933. *Амният* — тинчлик, омонлик, дориломонлик.

934. *Иттисол* — боғланиш, уланиш, висолга интилиш.

935. *Мадхали зи ақл* — ақлга тегишли, ақлли, оқил.

936. *Мисдоқ эли* — ҳужжатли кишилар, далилли одамлар, садоқатлилар.

937. *Чорапардоз* — чорасини топадиган, тузатадиган, иложини қиласидиган.

938. *Гардиши афлок* — фалак ҳаракати.

939. *Юзланур ҳар нафасда ранж манга,*

*Бўлмайин фатҳи боби ганж манга.*—

**Хазина эшигини оча олмай ҳар лаҳзада қийинчиликка дуч кела-ман.**

940. *Аҳдшикан* — аҳдини бузадиган, ваъдасида турмайдиган.

941. *Фарҳунда рў* — гўзал юзли, гўзал чеҳрали.

942. *Нужум* — (бирлиги — нажм: юлдуз) юлдузлар, сайдералар.  
 943. *Мулаззаз* — лазиз, лаззатли, тотли, мазали.  
 944. *Эл коҳиши* — халқ таънаси, эл қарғиши.  
 945. *Ғамзудо* — ғамни ёзувчи, ғамни кетказувчи.  
 946. *Дикар нахли* — ниҳолни тикади, ниҳол ўтқазади.  
 947. *Суроҳи дилкушо* — кўнгилочар май шишаси.  
 948. *Қўзи қиймоч* — қийик қўзлик.  
 949. *Суроҳ* — май шиши, бутилкасимон узун бўйинли май идиши.  
 950. *Алоло* — говға, шовқин-сурон, қий-чув.  
 951. *Бисёр алаz* — жуда лаззатли, кўп ширин, роса тотли.  
 952. *Сийм зақан* — кумуш бақбақа, оппоқ бақбақа.  
 953. *Анжом* — ниҳоя, охир, сўнг.  
 954. *Нуфуз* — таъсир қилувчи, таъсир, асоратли.  
 955. *Такаллум қилғил* — галир, сўзла.  
 956. *Васлини нишоти ййла жовид қони?* — Висоли шодлиги бунчалик ҳамишалик қани?  
 957. *Ранги бўладур филмасал фом қадаҳ* — (Киши) ранги қадаҳ рангига киради.  
 958. *Гараз* — мақсад, истақ, ният.  
 959. *Назм элин чолоки* — шоирларнинг чечани.  
 960. *Ниам* — ноз-неъматлар.  
 961. *Ҳосидпеша* — ҳасадчи, ҳасад қилувчи.  
 962. *Кофиӣ* — кифоя қиларли, аниқ, етарли.  
 963. *Беҳиммат элдин яхшироқ әрмии сагу гову ҳимор* — ҳимматсиз одамлардан ит, сигир ва эшак яхшироқdir.  
 964. *Мустаҳсан* — яхши, маъқул, соз.  
 965. *Соф ўлса умри мӯддати* — умри тугаса, ўлса.  
 966. *Жангжўлиғ* — жангарилик, уруш чиқаришга уринишлик.  
 967. *Бурҳон* — далил, гувоҳ.  
 968. *Бергали таъдидиб ҷарҳи нилғом* — кўк фалак унинг адабини бериш учун.  
 969. *Мұхтасиблик* — назорат қилишлик.  
 970. *Фалон бозилға бўлсун борҳо дашном уза дашном* — фалон сахийга қарғиши устига қарғиши ёғилсин.  
 971. *Хуш эрди топса андоқ элни умри мӯддати итмол* — ундай одамни умри тугаса яхшироқ эди.  
 972. *Фалони дүздиким таррорлиғдур пешаси доим,*  
     Анга ҷарҳ авнидин етса накўтар эди таъдид.—  
 Доим ҳунари ўғрилик бўлган фалончи ўғрини фалак амалдори тутиб (олиб), адабини берса яхшироқ бўларди.  
 973. *Бори сориқға ушбу лаҳза сар то сар эди таъдид* — шу лаҳза ўғриларнинг ҳаммаси адабини еган бўларди.  
 974. *Шуҳраи оғоқ* — жаҳонда шуҳрат қозонганд.  
 975. *Суханчинлиғ* — сўз ўғирлаш, сир ўғирлаш, чақимчилик.  
 976. *Ҳўрду хоб* — айнан: емоқ ва ухламоқ; еб-ичмоқ.  
 977. *Иши ошоми ҳамр этмак* — иши май ичишдир.  
 978. *Нисоосо* — хотинга ўҳшаб, хотинсимон.  
 979. *Адабдур издиёдбахши иззат* — одоб кишига иззат бағишлияди; одобли киши иззатли бўлади.

## МУНДАРИЖА

Аваз Ўтар ўғли.*	Айёмий (Ю. Юсупов)	5
Оташин мисралар		17
Рангин ғазаллар		29
Муламмаълар		229
Мустазодлар		231
Мураббаълар		234
Мухаммаслар		242
Мусаддаслар		280
Мусамманлар		283
Таржеъбанди хомиса		289
Таржеъбанд		301
Соқийнома		303
Рубоийлар		312
Қитъалар		325
Изоҳлар*		332

*На узбекском языке*

**ABAZ**

*Избранное*

Редактор А. Қосимов

Рассом Б. Хайбулин

Расмлар редактори М. Карпузас

Техн. редактор Э. Саидов

Корректор С. Тоҳирова

ИБ № 2867

Босмахонага берилди 13.01.84 Босишга рухсат этилди 25.05.84.  
Формати 84x108 1/<sub>2</sub> ар. Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитура.  
Юқори босма. Шартли босма л. 19,32 Шартли л кр.—оттиск  
19.32 Нашр. л 17,1 Тиражи 10000 Заказ 1635/1148 Баҳоси 1с. 90 т.  
Faafur Fuulom номидаги Адабиёт ва санъат Нашриёти, 700129.  
Тошкент Навоий кӯчаси, 30.

Нашриётлар полиграфия ва китоб «савдоси ишлари бўйича  
ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия иш-  
лаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахонасида босилди.  
Ю. Абад массиви Мурадова кӯчаси, 1.